

84
835
Н. Н. АЗИЗХҮЖАЕВА


ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯ
ВА ПЕДАГОГИК
МАҲОРАТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ.
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ

Н.Н.Азизхўжаева

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИК
МАҲОРАТ**

(Барча мутахассислик магистратура йўналиши
учун ўкув қўлланма)



Тошкент - 2003

Хозирги даирда олий тәулиминин үнг ассоции **взаимфаларидан** бири замошавий тәулимий - кисбий дистур иессида юкори сәмирили тәулим жараёнини ва малакали күрүлөр түййерлашни тәъминлаш дисобланади.

Олий тәулиминин ҳозирги боскичи олий мактабда **үқитиш функциясининг** мазмунини ва шактий үтгәрүүлөрү билүү болуп түшсүз.

Үқитувчи фаолияти ўкув жарәнида тибынан широктүлүрнин яратыши, ўкувчилар эхтиёжини таңбаликтаринин широктүлүрнүүгү қаратаидан.

Бунда ассоции муаммолор сифатиди юкори малакали, ракыбеттардош үқитувчи кадрларни тайёрлыш, уларнин кисбий, мугахассислик салохияттарини шактаптагырыш уларни методик жиһдитдин маҳоратын, яны педагогик технологияларни әзаплагып қилиб тайёрлыш каби масалалар олдинга чыкади.

Мазкур «Педагогик технология на педагогик маҳорат» ўкув күлләнмаси магистратуруннан барча мугахассислик йүнәлишлари учун бағишлоңган бўлиб, бўлажак үқитувчиларга олий тәулим жараёнида ҳам илмий-пазарий, ҳам амалий педагогик технология асослари бўйича билим беради.

Профессор Б.Ф.Кодиров умумий таҳрири остида.

Тақризчилар: п.ф.д., проф. М.Х.Тұхтахұжаева
п.ф.н., доц. З.Д. Баубекова

Кириш

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳукукий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган ва амалга ошириб келмоқда. Республикамиздаги амалга оширилаётган қайта қурищдан асосий мақсад ва унинг ҳаракатлантирувчи кучи инсон, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва фаровонлиги ҳисобланади.

Мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шарти қадрларни тайёрлаш тизимининг мукаммал бўлиши, замонавий иқтисод, фан, маданият, техника ва технологиялар асосида ривожланиши ҳисобланади.

«Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» узлуксиз таълим ва қадрларни тайёрлаш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган.

Миллий дастурни амалга оширища мавжуд таълим ва қадрларни тайёрлаш тизимларини тубдан ўзгартириш замонавий илмий фикрлар ютуклари ва ижтимоий тажрибаларга, таълим жараёнини ҳамма боскичларида, узлуксиз таълим тизими таълим муассасаларининг ҳамма шакли ва турларида илғор-методик таълимларга таянган ҳолда амалга оширилади.

Хозирги замонавий боскичда педагогик долзарб вазифаларга Фан, техника, илғор технологиялар ютукларидан фойдаланиши асосида шахсни тарбиялаш, ўқитиши ва ривожлантириш мақсадлари, мазмуни, меҳодлари, воситалари ва ташкилий шаклларини илмий таъминлаш киради. Қадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама ривожланган шахс – фуқаронинг ташкил топишини қўзда тутади. У ушбу таълим тизимида ва қадрлар тайёрлашида таълим хизматларининг истъемолчиси, буюртмачиси сифатида ва худди шундай ишлаб чиқарувчи сифатида иштирок этади.

Шахс таълим жараёнининг ишлаб чиқарувчиси сифатида таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизматлар соҳаси фаолиятида билиш ва тажрибаларни беришча иштирок этади. Республикамизда шахсга ўзининг ижодий имкониятларини амалга ошириш учун профессионал таълим дастурини танлаш ҳуқуқини берган.

Узлуксиз таълим тизимида олий таълим алоҳида ўрин эгаллайди. Олий таълим умумий ўрта, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими асосида узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Қадрлар таёrlаш миллий дастури» конунларига биноан амалга оширилади.

«Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида олий таълимнинг вазифалари белгилаб берилган. Олий таълимнинг энг муҳим вазифаларидан бири замонавий ўқув дастурлари асосида юқори натижали ўқитиши ва малакали қадрлар тайёрлашни таъминлаш ҳисобланади. Олий таълимни ислоҳ қилишнинг ҳозирги боскичи олий таълим мактаби ўқитувчisinинг вазифасини ҳам ўзгартиради.

Олий мактаб ўқитувчisinинг фаолияти шахснинг ўқув жараёнида таълим олиши, талаб ва қобилиятарининг шаклланиши учун шароитлар яратиб беришга йўналтирилган бўлиши керак.

Олий мактабнинг ҳар бир ўқитувчиси малакасининг икки кирраси бор: улар икки фанлар билан ёъритилади – маҳсус ва педагогик. Олий мактаб ўқитувчisiga ҳар доим нима учун ўқитиши керак? Нима-

ларни ўқитиши керак? Қандай ўқитиши керак? Каби саволларга жавоб излашып түфри келади.

Бу масалаларнинг түфри ечимларини топиш керак. Бундай ечимлар педагогик фаннинг асосий қонуулари ва қоидаларини билиш, ўқувчиларнинг хусусиятларига қараб, уларни тушунтиришга асосланган бўлиши керак.

Чукур ижтимоий ўзгаришлар хозирги пайтда педагогик концепцияларни қайта кўриб чиқиши, инсонга, шахсга, индивидга педагогика фанини фаол ривожлантиришин талаб этади. Педагогиканинг янги принциплариша ташкил топиши, муҳим муаммоси педагогик жараёнинг мезонлари назариясини ишлаб чиқиши ҳисобланади, у ўқитувчиининг мутахассислиги асосини ташкил этиши керак.

Ўқитувчи мутахассислиги бўйича унинг илмий билимларидан қатъий назар, ўқув жараёнига киришар экан, керакли педагогик минимумга, педагогик ва психологик билимлар микдорига, дарс бериш методикасини ва технологиясини эгаллаган бўлиши керак.

Шулаардан келиб чиқиб, олий мактаб ўқитувчиларини тайёрлашда асосий масалалар белгиланади:

1. *Ўқув жараёни самаралилигини таъминловчи педагогик малакани шакллантириш.*
2. *Ижтимоий-иктисодий ўзгаришларни англаб этишга қаратилган Янги профессионал фикрлашни юзага келтириш.*
3. *Педагогик билимлар тизимини ўқитувчининг фаолияти методологик асоси сифатида эгаллаб олиш.*
4. *Ўқитиши технологияси ўқувчилар профессионал фаолиятига энг яқин методлар сифатида ўзлаштириш*

Таклиф этилаётган ўқув қўлланма Ўзбекистон олий мактаблари оидига кўйилган масалаларни ҳал этишда катта ёрдам қўрсатиши керак.

I боб. Олий мактабда таълим жараёни

Ушбу бобда олий мактабда ташкилий жараёнларнинг хусусиятлари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси олий мактаби ўз ривожланишининг янги босқичини бошдан кечирмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақилиги олий таълимнинг тубдан ислоҳ қилиш вазифаларини белгилаб берди, бу ислоҳотлар юксак аҳлоқлилик ва маънавийлик талабларига жавоб бера оладиган, ривожланган, демократик давлатлар даражасида юкори малакали кацрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишни кўзда тутган.

Ислоҳотлар олий таълим соҳасидаги давлат сиёсати принциплари асосида амалга оширилади. Олий мактабда таълим жараёни бўлажак мутахассис шахсини шакллантириш вазифасини амалга оширишга қаратилган ўз мазмуни билан ифода этилади.

Таълимнинг мазмун моҳияти бу ҳодисага илмий ёндошиш билан белгиланади. Таълимнинг тарихий хусусиятлари ҳар бир тарихий босқичда зарур мақсаৎ ва вазифаларни аниклаб олиш имкониятини беради.

Таълим мазмуну назарияси таълим жараёнининг моҳияти, мақсади вазифаларини асослаб беришни назарда тутгани.

Республикамиз олий мактабида таълим жараёни давлат стандартлари, ўкув режалари асосида ташкил этилади. Олий мактабда ўқитишининг ташкил этилиши шакл ва методлари талabalарнинг идрок этиши фаолиятларини фаоллаштириш масаласини ҳал этади.

Ўзбекистон олий мактабларининг асосий вазифаси – чуқур фундаментал билимга ва амалий тайёргарликка эга бўлган кенг йўналиши мутахассисларни шакллатиришdir.

1.1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва Ўзбекистон Республикасида олий мактаб тараққиёти

Очиқ бозор иқтисодига асосланган демократик, ҳукукий жамият барпо этишининг асосий тамоилилларини шакллантирас экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов давлатнинг устувор тамоилилларидан бири сифатида узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришни белгилаб берди.

Республикамиз олий мактабларида муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Ислоҳотлардан олдинги даврда республикамиз олий мактабларида бир қатор объектив камчиликлар мавжуд эди. Кўпчиллик олий ўкув юртларининг моддий техника базалари маънавий ва ижтимоий жиҳатдан эскириб қолган эди. Замонавий ахборот техникалар билан таъминланганлиги ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш жуда наст даражада эди.

Амалдаги бир даражали таълим меҳнат бозори, талабларини ишлаб чиқаришдаги тузилиши ўзгаришларини тўла ҳисобга олмаган, ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг кўпчилик қисми бўш тайёргариклари, уларнинг паст билим ва мутахасислик даражалари муҳим

муамммо бўлиб қолди. Ҳозирги вақтга келиб илмий ва илмий-педагогик кадрларнинг кексайиб боришлари содир бўлмоқда. Республика из олий таълим ташкилотларида 40 ёшгача бўлган Фан докторлари сони уларнинг умумий сонининг факат 0,9 фоизигина ташкил этади, 50 ёшдагилар ва ундан юқорилари эса 79 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га биноан олий таълимнинг мақсаци ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган, илмий-техник, иқтисолид, ижтимоий ва маданий ривожланиши таъминлай оладиган, юқсак маънавий ҳамда ахлоқий сифатларга эга бўлган юқори малакали, рақобатбардош кадрлар билан таъминлашдир.

Олий таълимнинг асосий вазифалари куйидагилардир:

- юксак кўрсаткичли таълимни таъминлаш ва давлат таълим станцартларига мувофиқ равишда ҳозирги замон таълимий ва касбий таълим дастурлари асосида малакали кадрлар тайёрлаш;

- жамият талабларига жавоб берадиган истиқболдаги тараққиётга, мамлакатнинг иқтисолид – ижтимоий тараққиётига, замонавий фан, техника, технология ва маданият ютукларига асосланган ҳолда кадрлар тайёрлашни ташкил этиш ва уни мунтазам тақомиллаштириш;

- ёшлиарни миллий истиқбол мағкурасин, умуминсоний қадрннатларни билиш асосида, мустакиллик гояларига садоқат, ватанга, оиласга, атроф- муҳит, табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш;

- ахлоқий, маданий ва илмий қадрннатларни саклаш ҳамда уларни бойитиш;

- шахснинг интелилектуал, маданий ва ахлоқий ривожланиш талабларини кончириш;

- ўқув жараёнига янги педагогик ҳамза ахборот технологияларни, таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашунинг жорий механизмларини киритиб бориш;

- фан, техника, технология равнаки, илмий педагогик кадрлар ҳамза таълим олувчиларнинг илмий таъкидотлари самарацорлиги ва ижодий фаолиятини ўстириш, олинган натижалардан таълим жараёнида фойдаланиш;

- олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш;

- республика олий таълим тизимига бюджетдан ташқари воситалярни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

- юксак тараққий этган мамлакатлар билан олий таълим соҳасида ўзаро манбаатли алоқаларни ривожлантириш;

Олий таълим тизимига куйидагилар киради:

- мулкчилик шакллари ва бўйсунишидан катъий назар давлат таълим станцартларига мувофиқ касбий таълим дастурини амалга оширувчи олий таълим муассасалари;

- олий таълимнинг ривожланишига хизмат қиладиган таъкидот ишларини олиб борувчи илмий педагогик муассасалар;

- олий таълимнинг бошқарув органлари ва унинг тасарруфидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар.

Олий таълим соҳасидаги давлат сиёсати куйидаги тамойилларга асосланган:

- таълим ва тарбиянинг инсонийлик, ҳалқчиллик характери;
- университет таълимининг устуворлиги;
- ўрта маҳсус, қасб-хунар, олий ва олий таълимдан кейинги таълимининг узлуксизлиги ҳамда узвийлиги;
- таълимнинг дунёвий характери;
- давлат таълим станцартлари негизида таълимининг ҳаммаболлиги;
- ўкув дастурларининг ягоналиги ва уларни танлашга дифференциал ёндашиш;
- қобилият ва истеъдоц эгаларини рагбатлантириши;
- олий таълим тизимида давлат ва жамият бошқаруви бирлиги;
- олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси.

Олий таълим икки босқичга эга - бакалавриат ва магистратура.

Бакалавриат – мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камидан 4 йил давом этадиган таънч олий таълим.

Магистратура – аниқ ихтисослик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида камидан икки йил давом этадиган олий таълим.

Ўзбекистон Республикасида олий ўкув юртларининг куйидаги турлари белгиланади:

- университет. У билим соҳалари ва йўналишларининг кенг тармоқлари бўйича олий ва олий ўкув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширади;
- академия. У билим ва йўналишларнинг муайян соҳаси бўйича олий ва олий ўкув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширади;
- институт. У бир билим соҳаси миқёсида муайян йўналиш олий, шунингдек, олий ўкув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширади.

Хотима.

Ўзбекистон Республикасидаги олий мактабнинг ҳозирги даврдаги тараккиёти давлат ислоҳотлари билан амалга оширилади. Олий мактаб ислоҳотлари эса “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” билан белгиланади. Бу дастурга мувофиқ равишда республикадаги олий таълимининг янги мақсади, вазифалари ва тамоилилари аникланган.

Олий таълим тизими тузилмаси ҳам ўзгаришга юз тутди, унда икки босқич жорий этилди: бакалавриат ва магистратура.

1.2. Олий мактаб таълим мазмуни

1.2.1. Таълим мазмунини шакллантиришнинг моҳияти.

Олий мактаб таълим жараёни ўзининг мазмуни билан бўлажак мутахассис шахсини шакллантиришга қаратилган вазифани амалга оширади. Унга илмий ёндашувлар эса таълим мазмунини билимлар, малака ва қўнимкамалар, карашлар қамда эътиқодлар, шунингдек, билиш

назарияси кучи, амалий тайёргарликлар ривожланишининг муайян даражаси тизими йифиндиси сифатида изохлайди.

Таълим мазмунининг моҳияти унга бўлган турли ёндашувлар билан белгиланади.

Билимга йўналтирилган ёндашувида билим инсониятнинг бутун тарихий тажрибаларида тўплланган бой маънавий бойлик сифатида диккат марказда бўлади. Бирок бу ёндашувнинг маълум салбий жиҳатлари ҳам бор. Билим бунда мутлақ даражага эга бўлади, шу сабабли шахсни бўйсунтиради ва у иккинчи даражага ўтиб қолади. Бу эса академизмга берилшининг илмий асосини қоидалаштиришга олиб келади.

Хозирги давр таълимни инсонпарварлаштириш ва таълим мазмунининг моҳиятини шахсга йўналтирилган ёндашувини майдонга олиб чиқди. Бу ёндашув марказида шахс туради. Бундай ёндашув таълим мазмунини эркин танлаш имкониятини беради. Шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш жараёнида шахснинг таълими, маънавий, маданий ва ҳаётний талаблари конциризиади. Энг муҳими, шахсга нисбатан инсонпарварлик муносабати намоён бўлади, маданий-таълимий шаронтда ўқиш индивидуалити ва мустакил ҳаракат кила олиш имконияти шаклланади.

Шахсга йўналтирилган ёндашув инсоннинг табиий, ижтимоий ва маданий хусусиятлари бирлиги ривожланишига қаратилган бўлади. Бундай ёндашув намоёндалари И.Я. Ларнер, М.Н. Скаткин, В.С. Леднев, Б.М. Бим-Бада, А.В. Петровскийлардир.

Таълим мазмуни тарихий ҳаракет ҳам касб этади.

Жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида таълим мазмуни муайян мақсад ва вазифаларга эга бўлади. Таълим мазмуни давр талаби, назарий билим ва ишлаб чиқариш тараккиёти даражасига мос равища ўзгариб туради.

Таълим мазмуни ижтимоий ҳодиса сифатида майдонга келади ва у ўзининг бошлангич даврида амалий аҳамият касб этган, яъни инсонларниң ҳаётий эҳтиёжлари учун зарур ҳисобланган билимга бўлган талабини қондиради.

Ижтимоий тараккиёт таълимнинг маданиятшунослик функциясини юзага келтирди.

Таълимнинг ривожланишига бошка ижтимоий омиллар ҳам таъсир кўрсатди, натижада ҳукмрон синфлар умуммаданий ва такомиллашиб борувчи билимга ўз монополиясини ўрната бошладилар, аҳолининг асосий қагламлари эса кундаклик турмушда зарур бўладиган амалий билимларнигина эгалализлар.

XVIII-XIX асрлар Уйғониш даврида инсонпарварлик ғояси қарор тоғди. В. де Фельтре "Мактаб кувончи" асарида эркин жисмоний ва аклий ривожланиш ҳақида ёзган эди. Ж.Ж. Руссо бола ривожланишида унинг табиатидаги сионтан ҳолатларини кузатиш лозимлигини уқтиради, И.И. Песталоцци эса инсонни фаол ҳаётга тортиш орқали шакллантиралигандан барча аҳамиятга молик кучларни тўла ривожлантириш ғоясини олға суради. Ушбу ғоя таъсирида Франция, Швейцарияда янги мактаблар, АҚШ, Германия, Австрияда сара (элита) мактаблар пайдо бўлади, уларда шахснинг таълим ва тарбияси табиатда эркин ри-

вожланиш, бола ва катталар орасидаги табий муносабатлар билан боғланади.

Таълим мазмунининг асосий назариялари XVIII аср охири ва XIX аср бошларида пайго бўлди. Педагогика фани таълим мазмунининг материал ва формал назариясини белгилаб беради. Таълим мазмунининг материал назарияси айрим манбаларда дидактик материализм ёки комусийлик (энциклопедизм) леб юритилди.

Бу назариянинг асосий мақсади фаннинг турли соҳаларидан мумкин қадар кўп микдорда билим беришдир. Бундай қарашни Я.А. Коменский ҳам ёқлаган ва ўзининг дарслигида ўқувчиларга зарур бўлган барча билимларни жойлаштиришга кўп йилик ҳаётини бағишлади. Я.А. Коменскийнинг замондоши, инглиз шоири ва тарихчиси Джон Мильтон (1608-1674) ҳам таълим мазмунини шундай тушишган.

Формал назария ёки дидактик формализм таълим мазмунини қобилиятлар ва билишга бўлган қизиқишни ўстириш воситаси сифатида тушуниради. Дидактик формализмнинг назарий асосини бир фаолият соҳасида олинган билим ва кўникмаларни иккинчисига кўчириш ҳолати ташкил этади.

Юнон олими Гераклит дидактик формализм тарафдори бўлган, унинг фикрича, "Кўп билим акл ўргата олмайди". Цицерон ҳам шундай фикрда бўлган.

Янги даврга келиб, Песталоцци И. Кант фалсафаси ва неогуманизм гоясига асосланган ҳолда, дидактик формализм назариясини олга суради. Унинг фикрича, ўқитишининг бош мақсади "Ўқувчиларни тўғри фикрлаш ёки формал таълими"ни кучайтиришсан иборат. Бунга яқин фикрларни А. Дистерверг ўзининг "Немис ўқитувчиларига кўлланма"сида (1850) ҳам баён килган эди.

Таълим мазмуни формал назарияси ўқитувчиларининг хизматлари шунда эдик, улар таълим олувчиларнинг қобилияти, билишга қизиқишлари, унарнинг диккати, хотираси, тасаввури, тафаккурини ўстириш зарурлигини эътиборни қаратдилар. Бу назариянинг ожизлиги эса унтарнинг таълим дастурларида кўпроқ кўргазмали предметлар (тил, математика) акс этган эди.

Хар иккала назария К.Д. Ушинский томонидан каттиқ танкид килинди. У шундай ёзган эди: "Аклнинг формал ривожланиши бу муҳим бўлмаган белги, чунки акл ҳакиқий реал билимларда ривожланиди" (К.Д. Ушинский, Асарлар тўплами. 8-жилд, 661-б.)

К.Д. Ушинский мактаб инсонни билимлар билан бойитиши ва айни замонда бу бойликдан фойдаланишни ўргатиши лозим. У дидактик формализм ва дидактик материализм бирлиги гоясини ёқлаб чиқди.

XIX ва XX аср оралигида, АҚШда дидактик утилитаризм концепцияси пайго бўлди. Бу гоя американлик педагог Дж. Дьюинга тегишилдидир. Европаща бундай қараш асосида таникли немис педагоги Р. Кершенштейн фикрлар баён килган.

Дж. Дьюингнинг айтишича, алоҳида олинган ўқув фанлари мазмуни орасидаги алоқаларнинг манбай таълим олувчиларнинг индивидуал

ва ижтимоий фаолияти қисобланаци. Бу фаолият турлари оптималь дастурни ўкув фанларининг кетма-кетлиги ва узвийлиги асосида эмас, балки ўкувчинининг эркинлигида, унинг тажрибалари билан боғланган хулқининг янги муносабатлари ва типларини шакллантириш асосида таъминлайди.

Дидактик утилитаризм америка мактабларининг ҳам таълим мазмунига, ҳам ўкув ишлари методларига кучли таъсир этди, бунинг натижаси ўлароқ таълим олувчиларга максимал даражада эркинлик берилши, жумлацан, мажбурий ва факультатив фанлар сифатида ажратилган ўкув фанларини танилаб ўқитишга ижозат берилди. Ўкув-тарбия жараёни ўкувчиларнинг индивидуал талаблари (тандловлари)га мослаштирилди.

Польшалик олим В. Окунъ функционал материализм деб номланувчи таълим мазмуни назариясики ишлаб чиқди. Бу назариянинг асосида эса билимнинг фаолият билан интеграл алоқаси қоидаси ётар эди. Бу назарияда жамиятнинг таълимга кўйиладиган талаблари ва ўкувчиларнинг индивидуал тандловлари бирлиги сезилиб туради.

50-йиллар ўргаларида дастурлаштирилган таълимкинг юзага келиши муносабати билан таълим мазмунининг операционал структуризация назарияси ишлаб чиққиди. Бу назария қай тарзда ўқитиш керак? - деган саволга жавоб беришга қаратилган. Бу назария тарафдорлари ўкув фанлари мазмуни ва улар орасидаги боғланишини синчиклаб таҳлил килиш зарурлигини таъкидлайдилар. Бу таҳлил дастурлаштирилаётган матнни оғзиңдан аник белгилаш имконини беради.

1.2.3. Таълим мазмунини танилаш тамойиллари ва меъёрлари

Педагогика назариясида таълим мазмунини шакллантиришининг асосий тамойиллари В.В. Краевский томонидан ишлаб чиқилган. Улар куйидагилардир:

1. *Таълим мазмунининг жамият, фан, маданият ва шахс мувофикалиги тамойили.* Бу тамойил таълим мазмунига зарур бўлган билим, малака ва кўнилмаларни, шунингдек, жамият, маданият ва шахс имкониятлари ривожланишининг замонавий даражасини акс эттирувчи билимларни киритишни кўзда тутади.

2. *Ўқитишнинг мазмун процессуал жиҳатларининг ягоналиги тамойили.* Бу тамойил ўкув жараёнининг конкрет хусусиятлари, унинг тамойиллари, уларни амалга ошириш технологиялари ва ўзлаштириш даражаси бирлигидан акс эттиради.

3. *Турли даражадаги таълим мазмуни тузилмасининг ягоналиги тамойили.* Буни шакллантириш назарий тасаввур, ўкув фанлари, ўкув материаллари, таълим олувчининг шахси каби қисмларнинг мувофикалаштирилишини такозо қиласди.

4. *Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш тамойили.* Бу тамойил шахснинг умуминсоний маданияти, унинг маънавий эҳтиёжи ва кобилиятларининг фаол ижодий ва амалий ўзлаштирилишига шартшаройт яратишни такозо қиласди.

5. *Таълим мазмунининг асосланганлиги тамойили.* Бу гуманитар ва табиий-илмий билимларни интеграциялаш, узвийлик ва фанлараро алоқаларни ўрнатишни талаб қиласди.

6. Таълим мазмуни асосий компонентларининг шахс ички (таянч) маданияти тузилмасига мувофиқлиги тамойили.

Замонавий педагогика фани таълим мазмунининг куйидаги компонентларини белгилайди:

- шахснинг когнитив тажрибаси;
- амалий фаолият тажрибаси;
- ижод тажрибаси;
- шахс муносабатлари тажрибаси.

Шахснинг когнитив тажрибаси. Бу компонент табиат, жамият, тафаккур, техника, фаолият усуслари тўғрисидаги билимлар тизимини ўз ичига олади. Бу асосий компонент ҳисобланади, чунки шахс шаклланишининг асосини билим ташкил этади. Билимлар борликни, табиат, жамият, тафаккурнинг ривожланиши қонунларини билиш натижаси сифатида белгиланади. Билимларнинг асосий функциялари дунёнинг умумий манзарасини яратиш, билим ва амалий фаолиятни таъминлаш, ягона илмий дунёқарашни яратишдан иборатdir.

Таълим мазмунининг амалий компоненти малака ва кўникмаларни шакллантиришни ўз ичига олади. Ташки ёки амалий, ички ёки интеллектуал малака ва кўникмалар мавжуд.

Малака ва кўникмалар барча ўкув фанлари учун умумий бўлиши мумкин, ҳар бир ўкув фани учун ўзига хос ва характеристли бўлаци. Малака ва кўникмалар муайян фаолият турининг асосини ташкил этади.Faолиятнинг эса билиш, меҳнат, башний, ижтимоий, қащриятларга йўналтирилган ва коммуникатив турларини қайд килиш мумкин.

Ижодий фаолият тажрибаси. У янги муаммоларни ҳал килиш ва воқеликни ижодий қайта яратишга тайёр бўлишда намоён бўлаци.

Шахс муносабатлари тажрибаси. Бу асослаш (мотивация) – баҳолаш, ҳиссийлик, иродалийлик муносабатлар тизимидан иборатdir. Бу тажриба дунёга, воқеликка, оцамларга баҳо бериш муносабатида намоён бўлаци.

Хотима.

Мутахассис шахси ривожланишининг асосий воситаларидан бири ва уларнинг чуқур фундаментал билим ҳамда амалий тайёргарлиги олий мактабдаги таълим мазмуни билан белгиланади.

Таълим мазмунининг ривожланиши шуни кўрсатадики, у таълим олувчининг ижтимоий ва индивидуал талабларини ҳисобга олади ҳамда тобора такомиллаштириб бориш, тарбиялаш Ҳамда билиш аҳамиятини касб этади.

Педагогика назарияси таълимнинг бир неча шаклланиши тамойилларини асослаб берди: таълим мазмунининг жамият, фан, маданият, шахс ривожланиши талабларига мувофиқлиги тамойили, таълимнинг ягона мазмун ва процессуал жиҳатлари мазмуни, турли даражаларда таълим мазмуни тузилмасининг ягоналиги, таълим мазмунини инсон-парварлаштириш, таълим мазмунининг асосланганлиги, таълим мазмуни асосий компонентларининг шахс ички (таянч) маданияти тузилмасига мувофиқлиги.

Таълим мазмунининг асосий компоненти куйидагилар: шахснинг когнитив тажрибаси, амалий фаолият тажрибаси, ижод тажрибаси, шахс муносабатлари тажрибаси.

1.3. Олий мактабда ўқитиши ташкил этишининг шакл ва методларига қўйиладиган талаблар

1.3.1. Асосий қоидалар

Хар бир фан объектив вожеликни ўрганиш қонунларини белгилаб беради. Дидактик қонунлар ўқитиши ва таълимот бирлиги ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлигига ўрганилади.

Ҳозирги олий мактаб дидактикасида қандай ўқитиши жараёни қонуниятлари мавжуд?

Олий мактабдаги ўкув жараёнига, системали-структур ёндашув нуткан назаридан қаралганида унинг ўзаро боғланган икки тизими амал килади.

Биринчидан, ўкув жараёни ўзининг ўқитиши мақсади, ўқитиши ва ўкув фаолияти, таълим мазмуни, ўқитиши воситаларидан иборат мураккаб тизим сифатида намоён бўлади. Улар ўзаро бир-бiri билан боғланаб кетган.

Иккинчидан, ўкув жараёни нисбатан йирик тизим бўлган педагогик жараённинг тагтизимидир. Бу тагтизим ўқитиши, таълим бериш ва тарбия жараёни бирлиги сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга бу тизимда салмоқли тизим сифатида олий ўкув юрги ўкув жараёни ривожланиши қонуниятларига бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий жараёнлар ва талаблар тизими ҳам мавжуд.

Шундай килиб, ўкув жараённинг муҳим ташқи ва ички боғликлигини фарқлаш лозим. Шу асосда таълим қонунлари таснифланади. Дидактиканинг ўз қонуниятлари сифатида ўкув жараёни компонентлари орасидаги зарурӣ, такрорланувчи ва муҳим боғланишларни кўрсатиш мумкин.

Ижтимоий-педагогик қонуниятларга қўйидагиларни киритиши мумкин:

- олий ўкув ютидаги таълим жараёни жамият ишляб чиқариш тараққиётини акс эттиради;
- олий ўкув ютидаги таълим ва тарбия жараёни ҳамда талаблар ривожланиши бир-бiri билан қонуний боғланган;
- олий ўкув ютидаги ўкув жараёни ташқи шароитга ҳам қонуний боғлиқ;
- олий ўкув ютидаги ўқитиши ва ўргатиш жараёnlари яхлит ўқитиши жараёни билан, муайян таълим мазмуни билан, икки томонлама қонуний алоқани ташкил этади;
- талабани у ёки бу фаолиятта ўргатиш уни шу фаолиятта мақсадга мувофиқ жалб килиш орқали амалга оширилади;
- ўқитиши мақсади ва олий ўкув юти таълим мазмуни, ўқитиши методлари ва шакллари ўртасида қонуний боғлиқлик мавжуд;
- ўкув жараёни талаба мақсадларининг ўқитувчи мақсадларига мувофиқ келган тақдирдагина давом этади. Бунда ўқитувчи фаолияти ўзлаштирилиши лозим бўлган мазмунга мос бўлиши шартdir;
- таълим мазмунининг ўзлаштирилиш суръати ва мустаҳкамлиги ўқитувчи томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ўкув фаолиятига

талаабаларнинг билишга бўлган қизиқишини тъминлаш билан пропорционалдир;

- *ўқитиш ва ривожлантиришнинг муваффақиятилиги ва тезлиги талаабани у ўзлаштириши мумкин бўлган ўқув-билиш жараёнига жалб қилиншишга борлик;*

- *англаб олинган ўқув материали мазмунининг мустаҳкамлиги ушбу мазмунни доимо тўлиқ ва қисман таҳрорлашдан, уни аввал ўзлаштирилган билимлар тизимиға киритишдан кўра мұхимдир.*

Ўқув жараёни қонуниятларини асослаш йўли билан қўлга киритилган назарий билимлар ўқув жараёнини кенгуридан такомиллашишига хизмат қилиши лозим. Бунинг учун эса ўқитишнинг илмий тавсифидан уни лойиҳалашга, яъни назариядан амалиётта ўтиш лозим бўлади.

Ўқув жараёнида билиш қонуниятларидан қандай фойдаланиш мумкин? Бунинг учун дидактик тамойилларга амал қилиш зарур.

Дидактик тамойиллар. Бу идрок қилинган дидактик қонуниятларнинг методологик инъикоси; бу – амалиётнинг доимий меъёри сифатида фойдаланишга монелик қылмайдиган шаклдаги ўқитишнинг мақсади, можияти, мазмуни, тузилмаси тўғрисидаги билим.

Демак, олий мактабдаги ўқитиш назариясининг дидактик қонуниятлари тизимиға ўқув жараёнини ташкил этиш ва режалаштириш учун зарур бўлган асосий қоидалар сифатида қатнашадиган дидактик тамойиллар тизими мувофиқ келади.

Дидактик тамойиллар В.И. Загвязинский, Л.И. Гриценко, М.А. Данилов, И.И. Кобиляцкий, М.Г. Гаруновлар томонидан ишлаб чиқилгани.

Ўқитишнинг тамойилларини асослашда олий мактаб дидактикаси куйидагиларни назарда тутади:

- жамият талабларига мувофиқ келувчи ўқитишнинг мақсади;
- ўқитишнинг объектив қонуниятлари;
- ўқув жараёни боришининг аниқ шароити.

Олий мактаб дидактикаси ўқитиш тамойилларини асослашга турлича ёндашувлар мавжуд. Улар куйидагилар:

- ўқув ишларини илмий ишларга яқинлаштириш;
- мустақил ўқув – билиш фаолиятида талаабаларнинг юқори фоллигини тъминлаш.

Юқорида баён қилинганлардан қуйидаги хуносалар чиқади:

- асосий дидактик тамойиллар мактаб ва олий мактаб учун умумий бўлса-да, уларга мактабда ва олий мактабда амал қилиш фарқлидир;
- олий мактаб шароитида амал қиладиган маҳсус тамойиллар ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, олий мактаб дидактик тамойиллари тизимини яратишда унга хос бўлган ўқитишнинг умумий қонуниятлари билан бирга умуман ўқитиш назариясининг қоидаларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Олий мактаб амалиётида қандай дидактик тамойиллар амалга оширилади?

Олий мактабдаги дидактик тамойиллар тизимига қуидаги шаралар киради: илмийлик, қулайлик, изчиллик, узвийлик, назариянинг амалиёт билан боғликлиги, онглилик, фаоллик ва мустақиллик, кўргазмалилик, мустаҳкамлик, гурӯҳ килиб ўқитиш ҳамда унда индивидуал ёндашишни кўшиб олиб бориш, ўқитишнинг тарбияловчи ва такомиллаштирувчи характеристери, ўқитишнинг касбий йўналтирилганлиги.

1.3.1. Олий мактабда ўқитиши шакллари

Олий мактабдаги ўқитиши жараёни ўқитишнинг шакл ва методларини ташкил қилишининг қўпқиррали ягона тизими рамкасида амалга оширилади.

Олий мактабдаги ўқитишнинг шакл ва методлари йигиндиси ўкув жараёнининг объектив қонуниятлари билан белгиланадиган ягона дидактик комплексни ташкил этади.

Олий мактабдаги ўқитишнинг шакл ва методлари таснифи ўзаро боғланган ва ўзаро шартланган икки фаолиятга таянади:

- ўкув жараёнини бошқариш ва ташкил этиши бўйича ўқитувчиларнинг фаолияти;
- талабаларнинг ўкув ва билиш фаолияти.

Олий мактабдаги ўкув жараёни шаклларига лекция, семинар ва амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, ўкув анжуманлари, маслаҳатлар, экспурсия, экспедиция, ўкув ишлаб чиқариш педагогик амалиёти, курс ва диплом ишлари, талабаларнинг мустақил таҳсили.

Лекция – у ёки бу илмий масалани тўғри, мантикий изчилилкда ва аниқ изоҳлаб бериш.

С.И. Архангельскийнинг таъкидлашича, маъруза ўқитувчи шахснинг барча бойлиги: онги, хиссияти, иродаси, туйуси, эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир. Бунда ўқитишнинг йўналтирув, ахборот бериш, методологик ва тарбиялов функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Лекциянинг йўналтирув функциясида талабаларнинг дикқати ўкув материалининг асосий коидалари, уни ўрганишдаги ҳамда бўлғуси касбий фаолиятидаги роли ва аҳамияти, уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади. Лекциянинг ахборот бериш функцияси ўқитувчи томонидан асосий илмий фактлар, коидалар, хуносаларнинг моҳиятини очиш чоригда амалга оширилади. Ўқитишнинг методологик функцияси кўлиаш тадқиқот методларини қиёслаш, чоригиширишга, илмий изланишининг тамойиллари ва ёндашувларини аниқлашга ёрдам беради. Ўқитишнинг тарбиялов функцияси лекция жараёнида ўкув материалига ҳиссий баҳо бериш муносабатларини уйғотиш, қизиқишларини ўстириш, мантикий фикрлаш ва исботлашни ойдинлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, лекцияда ҳал қилинадиган асосий вазифалар куйидагилардан иборат:

- илмий билимларнинг муайян микдори баён қилинади;
- талабаларга фан ва тадқиқотларнинг методологияси таништирилади;
- ўқув фаолияти ва ўқув машғулотларининг барча турлари орасидаги методик алоқалар кўрсатилади.

Лекциянинг дицактик мақсади, ўқитиши жараёнидаги ўрни, ахборотларни баён қилиш методларига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Дидактик мақсадига (йўналганилигига) кўра кириш, тематик ва умумий - якуний лекциялар фарқланади.

Кириш (муқаддима) лекцияда курс (бўлим, мавзу) нинг илм-фан тизимишаги ўрни, ушбу материални амалиётда кўллаш имкониятлари, курс (бўлим, мавзу) мазмунини ўрганиш методлари очиб берилади. Бундай лекциянинг муҳим хусусияти шундаки, унда ўқитувчи асосий масаланинг у ёки бу томонларигагина тўхталади, бу масалалар кейинчалик албатта деталма-деталь ёритиб берилади.

Тематик лекциялар айникса, кенг тарқалган. Бундай лекция у ёки бу мавзуга багишланган бўлиб, унда факtlар, уларнинг таҳлилилари, холосалар мазмунни баён қилинади ва аниқ илмий коидалар исботланади.

Умумий-якуний лекция аввал ўрганилган материалларни қайтадан умумлаштиришга қаратилган бўлади. Унинг мазмуни аввал баён қилинган мазмунга ўхшамайди, балки талабалар томонидан ўзлаштирилган ахборотларни юксак абстракция (мавхумлаш) босқичида тизимга туширилади. Бундай лекциялар талабалар билимининг чукурлашишида ва ўқув фани методологиясини яхши тасаввур қилишда алоҳида аҳамиятга молик бўлади.

Ахборотларини баён қилинишга кўра **лекциялар догматик, ахборот ва намойиш қилиш ҳамда муаммоли** лекциялардан иборат бўлади, лекин шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир лекциянинг ўзига хос хусусиятларини қайд килган ҳолда, улардаги умумий жиҳатларини ҳам фарқлаш лозим, чунки лекция ўкиш ва уни лойиҳалаш жараёнида уларни амалга оширмасдан бўлмайди, улар куйидагилар:

- **илмийлик;**
- **кулайлик;**
- **касбий йўналтирилганлик;**
- **оқибатли алоқани амалга ошириш.**

Олий мактаб ўқитиши тизимига лекция билан биргаликда амалий (машқ, семинар ва лаборатория) машғулот тури ҳам кирадики, улар: таълимий, тарбиявий ҳамда назарияни амалиёт билан боғлаш функцияларини бажаради.

“Амалий машғулот” термини педагогикага оид адабиётларда ҳам кенг, ҳам тор маънода изоҳланади. “Амалий машғулот” термини кенг маънода машқ, семинар (уларнинг барча турлари) ва лаборатория машғулотларини умумлаштириади. Амалий машғулотларнинг лекциядан фарқланадиган асосий меъёрларидан бири ўқув жараёни катнашчилалининг биргаликдаги ҳаракатларида ўзига хос характер билан намоён бўлишdir. Улар вазифаларига кўра ҳам фарқланади. Агар лекцияда илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чукурлаштирилади, кенгайтирилади ва деталлаштирилади.

Энг мұхими, амалий машғулотлар талабалар билимини синаш ҳам хизмат қилади.

Амалий машғулот шаклларидан бири семинардир. Семинар машғулотлари күйидеги вазифаларни ечишга қаратылған бўлади:

- лекцияда баён қилинган назарий қоңдаларни мустаҳкамлаш;
- фан бўйича билимларни көнгайтириш ва чукурлаштириш;
- талабаларнинг илмий-тадқиқот, билиш қобилятларини ўстириш;
- назарий ўқитиши жараёнида эгалланган билимларнинг амалиётда тан олиниши.

Педагогика назарияси ва амалиётида семинар машғулотларининг уч тури фарқланади: *семинаролди машғулоти, семинар ва маҳсус семинар*.

Семинаролди машғулотлари, асосан, талабаларни мустаҳкамлашни ўзига хос хусусиятлари билан таништириш мақсадида ўтказилади. Унда адабиётлар, мълумотнома-адабиётлар ва бошқа манбалар билан ишлаш усуслари ўргатилади, талабаларни бошланғич шаклда илмий-тадқиқот ишларига ўтишга ҳозирлайди. Семинаролди машғулотлари семинар машғулотларининг тайёргарлик шакли ҳисобланади ва одатда биринчи курсларда ўтказилади.

Семинаролди машғулотларида ўқитувчи етакчилик қилади, чунки талабалар муайян ихтисослик бўйича ўкув ишларига кам эътибор берадилар, шунинг учун ҳам етарли даражада ташаббус кўрсата олмайдилар.

Семинар машғулотларида семинаролди машғулотларига нисбатан ўта мұхим вазифалар ҳал қилинади. Масалан, айрим семинарлар тематик боғланган муайян мунтазам курсни чуқур ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Бошқалари эса бирор мавзуни ёки курснинг алоҳида, никоятда мұхим ҳамда умумий бўлған мавзуларини методологик жиҳатдан ишлаб чиқишга багишланган бўлади.

Маҳсус семинарлар лекция мавзуларига алоқадор бўлмайди ва бирор фанинг ластурни мазмунига кирмайди. Одатда фанинг хусусий масалаларини чуқур ўрганиш мақсадини кўзлайди.

Семинар машғулотлари давомида ўқитувчи ва талаба ўртасида яқин алоқа, яъни улар ўртасида икки томонлама алоқа ўрнатилади. Бу эса тарбиявий аҳамиятга молик бўлаши: ўқитувчи талабалар билан узок вақт яқин алоқада бўлади, лекция гурухларига нисбатан талабаларнинг кичик гурухларида жонли сухбат олиб боради, ўзаро фикр алмашади, турлича қараашларини ифода этади.

Семинар жараёнида ўқитувчининг ўрни жуда юксак, яъни ўқитувчи талабанинг ўрнига жавобни айтиб бермайди, балки мухокамаларни ташкил этади, унга дерижёрлик қилади.

Семинарда ўқитувчининг кириш сўзи аник шароитта қараб талабани муаммога жалб қилади, ҳал қилиниши лозим бўлған масалалар доирасидаги саволлар бўйича аниқликлар киритади, бальзам эса олдинги машғулотлардаги фикрлар эсга туширилади. Ўқитувчининг семинардаги кириш сўзи аник, кенг қамровли ва киска бўлиши лозим.

Талабаларнинг маъruzалари бўйича изоҳлар күйидагича бўлиши керак:

- мустаҳкамлаштиришга йўналтириб турниш;

- тавсия этилаёттган масаланинг моҳияти ва шаклини аниқлаш;
- талабалар баҳсидағи нұқтаи назарларни дарров фарқлаб олиш;
- масаланинг ностандарт ҳал қилининини рағбатлантириш.

Бундай изохларда, үқитувчи мұхокама жараёнида бефарқ турма-ётғанлигини, ҳар бир семинар иштирокчисининг билдирган нұқтаи назарига зәтибор берәтғанлигини намоён қилип туриши лозим.

Үқитувчи ҳар бир семинар машғулотига якун ясайды, унда күй-идагилар зәтиборга олинаци:

- замонавий фан эришган муаммо мұхокамасининг ҳолати умумий даражасыга тавсиф беріш;
- айрим талабаларнинг чиқишлоғарнини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- машғулотта умумий баҳо беріш (талабанинг фаоллігі, уннинг тайёрғарлыштырылғандағы өсуіш даражасы, маданияти ҳамда фикрлашылғы хусусияттары).

Таъкидлаш жоизки, семинар машғулотларица талабаларни фаоллаштыриш, мақсадида үзарға рефератлар ёзиш ҳамда мұхокама ки-лиш ва тақриздан үтказишга жаib зәтилді.

Лаборатория машғулотлари. Лаборатория машғулотларининг асосий тавсифи шүндаки, унда талабалар мустақил равищда вазиға бажарадылар ёки эксперимент үтказадылар.


Илмий-техник тараққиёт шароитида лаборатория ишлари тала-бага назарий билемларни күллаш механизмини чукур ва күргазмали ўргазиши имконини беради. Лаборатория машғулотлари талабада тадқиқтап үтказиш күнінде шакллантирады, фан ва техникага ижодий ёндашыны таъминлады, эксперименттін умумий методика-сини әгаллашға имкон беради.

Лаборатория машғулотларини үтказышда қуйидаги дидактикалық та-мойниларға амал қилинады:

- лаборатория машғулотларини режалаштира олиш ва үтказа олиш;
- лаборатория машғулотларининг мақсадини аник белгилаб олиш;
- фан ва ишлаб чыкариш бүйінчі билемларни чуқурлаштыриш имконияттарын талабаларда қызықыши үйретіші;
- талабада нағижаны мустақил равищда құлға киритиш имконияттің таъминлашы;
- талабаны назарий жиҳаддан тайёрлаша;
- лаборатория машғулотлари нафақат аник мавзу бүйінчі билемларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбасы ҳамдір.

Мұтакассислар тайёрлаш тизимини тубдан қайта куришща, үкувтарбия жараённинин ахамияттін оширишща талабаларнинг мустақил ишлари мұхым ўрин әгаллашады. Таҳлиллар шуни күрсатадыки, мустақил ишлар деганды шүңдай үкув фаолиятты тушунилиб, унда билемлар әгалланиши билан бирга, күнінде шакллантириш ҳам мустақил ташкил этилиши таъминланады. Бу эса амалиёттада хусусий-дидактикалық мақсадыларға боелик равищда 4 та мустақил иш турица амалға ошады.

Мустақил ишлар хусусий-дидактикалық мақсадынинг биричини тури – бу сирттан қараганда фаолияттін алгоритми маълумотлари ва вазиғалар шароитидан иборат, яғни дастлабки билемларнинг (билемларнинг биринчи босклини шакллантирилген) семинарлары асосида талабаларда шакл-



ланадиган ва улардан талаб қилинадиган малакаларни аниклаштыр. Бу мақсадға етиш учун талабалар томонидан идрок қилинадиган вазифаларни ечиш зарурлығы күзде тутилады.

Мұстакіл ишлар хусусий-дидактикалық мақсадының иккінчи типи. Бунда үзлаштирилген ахборотлар хотираға қайта ишлашга ва типик вазифаларни, яғни билимларнинг иккінчи босқичини бажаришта каратылған билимлар шаклланады.

Бу мақсадға идрок қилинадиган масалаларни ечиш чөғида талабалардан ё тәннаб олинған фактларни тавсифлаш асосида объектлар ва ҳодисаларни аник бағыт килиш ёки үрганилаёттан объект ва ҳодисалардаги үзгариштарнинг сабабини асослаш ҳамда уни ифодалаш орқали етиш мүмкін. Үнисини ҳам, бунисини ҳам талабалар аввал эгаллаган, шаклланған билимлар тизимини түғри жалб қыла олиши ва фаоллаштира олиши асосида бажариши лозим. Талабаларнинг билиш (идрок килиш) фаолияти аввал үзлаштирилген ўқув ахборотининг мазмуни, түзүлмасини қайта ишлаш, кисман қайта лойихалаш ва яңгилашдан иборат бўлади. Бундай қайта лойихалаш ва яңгилаш тавсиф қилинаётган объектини таҳдид килиш, вазифани турли йўллар билан бажариш, улардан энг түғри ёки мантикий изчиллигини топиш каби ечиш усулларини танлаш зарурлигини келтириб чиқаради.

Мұстакіл ишларнинг иккінчи типи барча турларининг умумий тавсифномаси шундаки, бундай ишларда вазифаларнинг ҳал қилинүүсөн (тамойили) эълон қилинали, талабалардан ушбу гояни (тамойилни) ривожлантириб, конкрет шароитта татбиқ этиш усул ва усуллари талаб қилинады.

Мұстакіл ишлар хусусий-дидактикалық мақсадының учинчи типи талабаларда учинчи босқич – типик бўлмаган вазифаларни бажариш чөғида шаклланадиган билимлардан иборатдир.

Бу мақсадға талабалардан үрганилаётган объектдаги үзгаришлар сабабларининг алгоритм асосларини тузишни талаб қиладиган билиш (идрок килиш) масалаларини ечиш жараёнида эришиш мүмкін.

Мұстакіл ишларнинг учинчи тицини бажариштаги билиш фаолияти умуман олганда билим, малака, күнікмаларни күчиришни амалга ошириш йўли билан аввал үзлаштирилген ва қолипга тушган (муайян алгоритм ҳаракатлари тажрибаси) тажриба асосида янги фаолият тажрибасини тўплаш ҳамда намоён қилишдан иборат бўлади. Бу типдаги ишлар вазифасининг моҳияти изланиш, ечимлар гоясини ифода қилиш, амалга оширишдан иборатдир. Бу қолипга тушган тажрибалар доирасидан доимо четга чиқади ва фикрлашининг жонли жараёнида талабалардан топширикларни аввал үзлаштирилген ўқув ахборотлари, уларга янги нуктаи назардан ёндашиш (муайян топшириклар талаблари нуктаи назаридан) асосида турланади.

Мұстакіл ишлар хусусий-дидактикалық мақсадының тўртинчи типи ижодий фаолиятга омиллар яратылышы.

Бундай ишларни бажариштаги талабаларнинг билиш фаоллиги шундан иборатки, бунда талабалар мухокама қилинаётган объект моҳиятига тобора чўкур кириб боради, зарур бўлган янги, олдиндан номаъум бўлган гояларни топиш ва янги ахборотларни юзага келтириш тамойилларини ҳал қилиш учун зарур бўлган янги алоқалар, мұносабатларни ўрнатади. Бунда талаба вазифаларни бажаришнинг ҳар

бир боскичида ўзи яратиши лозим бўлган, унинг учун янги бўлган ҳаракатлар мөхияти, у ёки бу ахборот характери устида бош қотиришга мажбур бўлаци.

Педагогикага оид адабиётларда мустақил ишларниң қўйидаги турлари қайд қилинади:

- *намуналар бўйича мустақил ишлар;*
- *реконструктив-вариатив;*
- *эвристик (кисман, иходий);*
- *иходий тадқиқот.*

Намуналар бўйича мустақил ишлар типик вазифаларни, турли машқларни намуна асосида ечишдир. Улар материални ўзлаштиришга омил бўлаци, лекин талабаларнинг иходий фаоллигини ўстирмайти.

Реконструктив-вариатив мустақил ишлар нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар тузилмасини қайта ишлаб чиқиши, масала, муаммони ечишда мавжуд билимларни жалб қилиши кўзда тутади.

Эвристик мустақил ишлар лекция, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган айрим масала, муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Тадқиқий мустақил ишлар тадқиқот муаммосини кўра олиш малякасини, уни мустақил ифодалай олиш, фаразни белгилаб олиш, муаммонинг ҳал қилиниш режасини ишлаб чиқиш, уни ҳал қилишини мўлжаллайди.

Иходий тадқиқот ишлари. Бундай ишларда вазифа муаммоли вазиятини ўзага келишини тақозо қиласиган шароит яратишидан иборат бўлаци. Талаба ўз фаолиятида тайёр намуналардан озод бўлган ҳолда масаланинг ҳал қилиниш йўлларини қициради, тадқиқ қиласи. Бундай ишлар сирасига эксперимент қўйиш, жиҳозлар, макетлар ва дасттоҳларни лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради.

Шундай қилиб, мустақил ишлар ўқитишининг энг муҳим методи бўлиб, унда талабалар машғулотларга тайёрланиши, олинган билим, маляка ва кўнижмаларни мустаҳкамлаш жараёница уларнинг индивидуал фаоллиги ошади.

Мустақил ишларни самарали ташкил этишининг асосий шартлари қўйидагилардан иборат:

- *мустақил ишларнинг илмийлиги, унинг тадқиқий характери;*
- *мустақил равишда ўз билимларини янада ошириб боришга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши;*
- *мустақил ишлар вазифаларини индивидуаллаштириш;*
- *мустақил ишларни ташкил этишга методик раҳбарлик қилиш.*

Олий мактабдаги ўкув жараёни мустақил таҳсилни ташкил этилишини ҳам кўзда тутади. Талабаларнинг мустақил таҳсилни уларнинг ўз билимларини кенгайтириш ва чукурлаштириш, мавжуд малака ва кўнижмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилиши сифатида қаралади.

Мустақил таҳсилнинг асосий мақсади талабаларнинг шахсий ва қасбий сифатларини ўстиришдир.

Мустақил таҳсилнинг вазифалари: *шахснинг интеллектуал имкониятларини янгилаш, уларнинг ғоявий-назарий савиғасини ошириш, қасбий маҳорати ва маданиятини такомиллаштириш.*

Олий мактабдаги ўкув жараёни мустақил таҳсилга бўлган эҳтиёжни щакллантиришга йўналтирилган бўлиши ва талабаларнинг ўз-ўзини баҳолай олишини, уларнинг тайёрларигини, янги билимларни эгаллашга бўлган онгли муносабатини аниқлаб бериши керак. Мустақил таҳсил бўйича машгулотларнинг изчилигини ва мақсадида мувофиқлигини таъминлаш мақсадида унинг режаси тузилади.

Режага куйидаги талаблар кўйилади:

- *режалаشتарилаётган ишларнинг ҳажми ви олдинма-кетинлиги;*
- *уларнинг бажарилиш муддатлари;*
- *мустақил фаолиятнинг ҳар бир турига мақсадли кўрсатмалар бериши.*

Мустақил таҳсил жараёни упинг аниқ шакли, методлари ва усулиарини камраб олиши шарт.

Мустақил таҳсилнинг асосий методи адабиётлар устида индивидуал ишлашир. Бу метод ахборотлар оқимида энг муҳим ахборотни тониш, унга тўғри баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини щакллантиради. Кўлга киритилган ахборотлар асосида мустақил машқ килиш методиаридан фойдаланиш имконини беради. Бу методдан фойдаланиш амалий фаолиятида зарур бўладиган сифат кўрсаткичларини таъминлайди.

Шунингдек, мустақил таҳсилга амалий аҳамиятга молик бўлган вазифаларни бажариш ва аудиовизуал ускуналар билан ишлаш ҳам киради.

Мустақил таҳсилнинг муҳим методиаридан бири уларнинг мулоқотидир. Мустақил таҳсилнинг пировард мақсади ташаббусларни ижодий изланишга, ўзи устида ишлаш, ҳар томонлама тақиқот юритишнинг моҳиятини аниглашга тортишцидir.

1.3.3. Олий мактабда ўқитиши методлари

Педагогикага оид адабиётларда ўқитиши методларига катта аҳамият берилади. Дидақтика билан шуғулланувчилар методни ўкув жараёнининг ўзаги, кўзланган мақсад ва пировард натижани боғловчи восита деб изоҳлайдилар.

Ўқитиши методи «ўқитишининг мақсади – мазмуни, методи, шакли, усуслари» тизимида муҳим ўрин эгаллади.

Метод деганда, таълимда мақсадга эришиш, масалаларни ҳал килиш йўллари, усуслари тушунилади. Ўқитиши методи таркибида усуслар алоҳида ажralиб туради. Усул – методнинг унсурини бўлиб, унинг таркибий кисми, методни амалга оширишда бир мартагина кўлланади ва алоҳида қадам ҳосибланади.

Ўқитиши методи – мураккаб, кўп қиррали, кўп сифатларга эга бўлган таълимидир.

Ўқитиши методида ўқитишининг объектив қонуниятлари, мақсадлари, мазмуни, тамоийлари, шакллари ўз аксини топади. Методлар бошқа дидақтик категорияларга диалектик боғлиқ ва бири бошқаларини тақозо қиласди, яъни ўқитишининг мақсади, мазмуни, шакли ҳосибласи сифатида методлар дидақтик категорияларга акс таъсир кўрсатади.

Методлар тузилмасида *объектив ва субъектив жиҳатлар* ажралиб туради.

Методларнинг объектив жиҳатларида барча дицактик қоидалар, конунулар ва конуниятлар, тамойиллар ва таърифлар, шунингдек, мазмун бутунлигининг доимий компонентлари, ўкув фаолиятининг шаклларига хос бўлган умумий жиҳатлар акс этади.

Методларнинг субъектив жиҳати педагог шахси, таълим олувчиларнинг ўзига хослигига ва конкрет шароитга боғлиқ бўлади.

Ўқитиш методларининг кўп ўлчовалиги уларнинг кўплаб таснифини келтириб чиқарди.

Ўқитиш методлари таснифи бу муайян белгилар асосида тартибга солинган тизимдир.

Дидактик тадқиқотлар ўқитишни диалектик жараён сифатида ўрганиди. Бунга кўра, ўқитиш методлари тизими динамикада, ҳаракатда, таълим мазмунида юз берадиган барча ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда деб қаралади.

Энг асосланган ўқитиш методлари таснифларига қуидагилар киради:

1. Анъанавий методлар. Бу методларнинг ибтидосини илк фалсафий ва педагогик тизимлар ташкил этади. Ҳозирги даврда улардан бештаси инобатга олинади: *амалий, қургазмали, ифодали, китоб билан ишлаш, видео методлар*.

2. Мақсадига кўра методлар таснифи: (М.А. Данилов, Б.П. Есинов):

- *билимларни эгаллаш;*
- *малака ва кўникмаларни шакллантириш;*
- *билимларни қўллаш;*
- *ижодий фаолият;*
- *мустаҳкамлаш методлари;*
- *билим, малака ва кўникмаларни текшириш методлари.*

3. Идрок этиш-билиш фаолияти характеристига кўра методлар таснифи:

- *тушунтириш – иллюстратив (ахборот – рецептив).* Уларнинг характеристи ҳусусиятлари; билимлар “тайёр ҳолда” тавсия этилади; бу билимларни идрок қилиш ташкил этилади; билимлар идрок (рецепция) қилинади ва тушуниб олинади, хотирага жойлаштирилади;
- *репродуктив метод:* билимлар тайёр ҳолда тавсия этилади, билим нафақат баён қилинади, балки тушунтирилади; билимлар онгли ўзлаштирилади, уларнинг тушунишлиши ва эслаб қолинишига эришилади, билимларнинг мустаҳкамлиги тез-тез такорллаш йўли билан таъминланади.

- *муаммоли баён қилиш методи;*

• *қисман ижодий (эвристик) метод.* Билим тайёр ҳолда тавсия этилмайди, балки у мустақил равишда эгалланади; янги билимларни қидириш, излаш ташкил этилади; билиш вазифалари бўйича мустақил фикр юритилади, муаммоли вазиятлар яратилади ва ҳал қилинади;

• *тадқиқий метод.* Бунда муаммо белгилаб олинади, муаммонинг тадқиқоти жараёнида билим эгалланади.

4. Дицактик мақсади бўйича (Т.И. Шукина, И.Т. Огородников и др.) қуидагилар фарқланади:

- илк бор билимларни ўзлаштириш методлари;
- эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва тақомишилаштириш методлари.

5. Ўқитиш методларининг бинар (қўши) ва полинар (кўпкиррали) таснифи. М.И. Маҳмутовнинг бинар тизими *дарс бериш методи* ва ўргатиш методи мажмуудан иборат (1.01. - жадвали).

Ўқитиш методлари Маҳмутов)	(М.И.)	Ўрганиш методи
Дарс бериш методи		
Ахборот бериш – баён килиш		Ижро этиши
Тушунтириш		Репродуктив
Кўрсатма бериш – амалий		Продуктив амалий
Тушунтириш – ишонтириш		Кисман ижодий
Ишонтириш		Ижодий

Ўқитишнинг полинар таснифи В.Ф. Пашамарчук ва В.И. Пала-марчук томонидан ишлаб чиқилган. Бу тасниф бинимлар манбаси, билим фаолиятини даражаси, ўкув бинимларини мантиқий юйлари йигинидисидан таркиб топади. Дидактика буйича немис мугахассиси Л. Клинерберг таснифида методларни ўқитишдаги хамкорлик шакллари билан бирга олиб қарайди. (1.02. - жадвали).

Ўқигиши методлари (Л. Клинерберг)
(1.02.- жадвали)

Монологик методлар	Хамкорлик шакллари	Диалогик методлар
Лекция	Индивидуал	Сұхбат
Хикоя	Гурух	
намойиниң килиш	Фронтал	
	Колектив	

Академик Ю.К. Бабанский ўқитиш методларини уч турухини белгилайди:

- ўкув-билиш фаолиятини ташкил этиши ва амана ошириш методлари (1.03. - жадвал)
- ўкув-билиш фаолиятини мотивациялари ва стимулларни методлари (1.04 - жадвал)
- ўкув-билиш фаолиятининг самараодорланиши назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш (1.05. - жадвал).

Ўкув-билиш фаолиятини ташкил этиши ва амана ошириш методлари
(1.03–жадвал)

Ифодали Кўргазмали Амалий	Индуктив ва де- дуктив	Репродуктив ва муаммони – ижо- дий	Ўқитувчи рахбарлигига мустақил или тоддари
Манбалари	Мантиқ	Тафаккур	Бошқарув

**Үқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаш методлари
(1.04. – жадвали)**

Үрганишга қизиқыш үйғотиши стимуллаш ва мотивациялаш методлари	Үрганишда бурч ва масъулиятни стимуллаш ва мотивациялаш методлари
--	---

Үқув-билиш фаолиятини самарадорлыгини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш

(1.05. – жадвали)

Оғзаки назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари	Езма назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш	Ўз-ўзини назорат қилишининг лаборатория-амалий методлари
--	--	--

Дидактикада ишлаб чыннеган функционал ёндашув методлар тизминин яратиш учун асос бўлган бўлиб, унда методлар дидактик мақсадларга эришишнинг нисбатан алоҳида йўллари ва усуллари сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, тарихий мерос, педагогик ҳаёт, чет эл ва ўз тадқиқотчиларимизнинг илмий маҳсулотлари ўқитишнинг қўйидаги методларини белгилаш мумкинлигини кўрсатади: (1.06. - жадвал).

Ўқитиш методлари ва уларнинг функциялари

(1.06. - жадвал)

Ўқитиш методлари	Функциялар бажарилишига яроқли назарий мезонлар ўқитув	Тако-милашиб бориш	Тарбиялов	Ишонтириш	Назорат қилиш ва тузатиш
Баён қилиш	+++++	+++++	+++++	+++++	++
Сухбат	+++++	+++++	+++++	+++++	++
Лекция	+++++	+++++	++++	++++++	+
Мунозара	+++	+++++	+++++	+++++	++++
Китоб билан ишлаш	+++++	+++++	+++++	+++++	+++++
Намойиш қилиш	+++++	+++++	+++++	+++++	++
Иллюстрация	+++++	+++++	+++++	+++++	++
Видео методи	++++	++++	+++++	+++	+++++
Машқ	+++++	+++++	+++++	+++++	+++++
Лаборатория методи	+++++	+++++	++++	+++++	+++
Амалий метод	+++++	+++++	+++++	++++	+++
Билиш (идрок қилиш) ўйинлари	++++	+++++	+++++	+++++	++++
Программалаштирилган ўқитиш методлари	+++++	+++	+++	+++	+++++
Үргатувчи назорат	++	++	++	+++++	+++++
Вазият методи	++++	+++++	+++++	++++++	+++

Олий мактабдаги ўқитиш методлари муаммоси кўп сонли тадқиқотларнинг мавжудлигига қарамасдан хали тўла ҳал этилганича йўқ. Бу ўқитиш методларининг диалектиклиги, олий мактабдаги таълим мазмунининг такомиллашуви, илмий-техник тараққиётнинг ўсиб бориши билан изоҳланади.

Олий мактабдаги ўқитиш методлари муаммосини ҳал килишдан аввал олий мактабдаги ўқитиш методларининг ўзига хослигини асослаш ўринни бўлади. И.Т. Огородников ўз тадқиқотларида олий мактабдаги ўқитиш методларининг ўзига хослиги деганда, унинг илм ўрганиш методлари билан яқинлашувидир леб билади. С.И. Архангельскийнинг фикрича, олий мактабдаги ўқитиш методлари нафакат дарс берниш усувлари ва усулларини бирлаштиради, балки билиминг ўкув ва илмий фаолиятга йўналтирилган тизими эканлигини қайд қиласди. Шундай қилиб, олий мактабдаги ўқитиш методлари ўзига хос хусусиятларга эга. Энди шундай савол туғилади, Олий мактаб методлари мактаб методларидан қай жиҳатлари билан фарқланади?

Мактабда фан асослари ўрганишади, умумий таълим берилади. Олий мактабда талаба замонавий фанни ўрганади ва ихтинослик бўйича таълим олади. Шунинг учун ҳам олий мактаб методлари билимларни стказиш ва аниглашнинг усувларини эмас, балки фан тараққиёти жараёнинг тобора кириб адепни, унинг методологик ва тоявий асосини очиш методи ҳамдир.

Олий мактабдаги ўқитиш методларини асослашда дидактика билан шуғулланувчи олимлар олий мактабдаги ўкув жараёнининг хусусиятлари ва талабаларнинг билиш фаолиятини камраб оладилар, талабаларнинг касбий ва шахсий тайёрларлиги масалаларига катта аҳамият берадилар. Талабаларнинг фаол ижодий билиш фаолияти, уларнинг мустакил ишларидан иборат олий мактаб жараёни икки турух ўқитиш методларининг фарқланишини такозо қиласди: *ўқитиш методлари ва ўрганиш методлари*.

Ўқитиш методлари билимларни бериш усувлари сифатида қаралади ва талабаларнинг илмий бинанини фаолиятига раҳбарлик қилишга қаратилган бўлади ҳамда ўкув жараёнинда олим педагогининг талабаларга таъсир қўрсатишини шакллантиради.

Ўрганиш методлари билим, малака ва кўнижмалярни ижодий эгаллашга ҳамда методик ва тоявий-сийёсий ҳалтикорларни ишлаб чиқишига қаратилган талабаларнинг илмий билиш фаолияти усули сифатида белгиланади.

Олий мактабдаги таълим хусусияти ўкув жараёнини ташкил этишда кўринади. Мактаб таълимни методларни белгилаш ва ўқитиш шаклларини ташкил қилишни тавсия этади, олий мактабда эса ўқитиш методлари ва шакллари кўшилиб кетади, яъни олий мактабдаги дарс берниш методи айни замонда ўқитишнинг ташкилий шакли ҳам ҳисобланади. Олий мактабдаги ўқитиш методлари ўзига қўшимча юкламма -- машғулотни ташкил этишини ҳам олади.

Олий мактабдаги ўқитиш методлари таснифи масаласи ўзининг долзарблигини саклаб қолади. Олий мактабдаги ўқитиш методлари таснифининг дидактик ёндашувлари умумдидастик ёндашувларга моненик қилмайди, балки уларни ривожлантиради. Улар олий мактабдаги

ўқув жараёнинг хусусиятлари, уларнинг дидактик вазифалари характерига асосланади.

Олий мактабда ўқитиш ва ўрганиш методлари куйидаги турхулардан иборат кеңг тарқалган таснифларга бориб тақалади.

1. *Билимларни бериш, идрок этиш ва ўзлаштириш, эътиқодни шакллантиришин тъминловчи методлар*. Методларнинг бу турхига лекция, талабаларпинг мустақил ишлари, мустақил тахсил олиш бўйича ишлар, ишлаб чиқариш жараёнларини кузатиш, маслаҳатлар, кўрсатма бериш, оммавий ахборот, программалаштирилган материалларни идрок этиш ва бошқалар киради.

2. *Билимларни татбиқ этиш ва мустаҳкамлаш, малака ва кўнилмаларни ҳосил қилиш, эътиқодни чукурлаштириш методлари*. Бу турхга семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари, назорат ишларини бажарни, программалаштирилган ўқитув кабинетларидағи машғулотлар, ишлаб чиқариш амалиёти киради.

3. *Билимлар, эътиқодларни шакллантириш, талабаларнинг касбий тайёргарлигини аниқлаш методлари*. Бу ўқув жараёнинг рейтициг баҳолари, коллоквиумлар, сұхбат ўтказиш, курс ва диплом ишлари лойиҳалари ва давлат аттестацияси натижаларини баҳолашдир.

Бу тасниф конкрет материаллар имкониятларини белгиловчи энг муҳим сифатлари асосига қурилган.

Биринчи турхудаги шуңай сифатларга билимларни идрок килиш ва ўзлаштириш, иккинчи турхга – татбиқ этиш ва мустаҳкамлаш, учиччи турхга аттестация ва билимларни аниқлаш тааллуқлицидир.

Олий мактабдаги ўқитиш методлари тизимига куйидаги талаблар қўйиллади:

- *методлар тизими таълимий фулицияга эга бўлиши лозим*. Бу дидактик мақсадлар ва ўқитиш вазифаларига эришишининг энг қулай усулидир;

- *методлар тизими тарбиялов-такомиллашув функциясига эга бўлиши лозим*. Бунда талабаларнинг мустақил ишлари, вазифалари, уларнинг ишга ижодий сиёҳидашуви ҳал қилинади, талабаларнинг шахсий сифатлари, билим, малака ва кўнилмалар эгаллашга бўлган эҳтиёжлари шаклланади, уларнинг дикқати, иродаси, хиссияти, хотираси, тафаккури ўсади.

Энг жиддий дидактик муаммолардан бири таълим методларини таниш нимага боғлик деган масаладир.

Дидактикага оид адабиётларда ўқитиш методларининг куйидаги боғликларни қайд қилинади:

- *биринчидан, ўқув машғулотларининг дидактик мақсадлари ва вазифаларига боғлик;*

- *иккинчидан, баён қилинадиган материалнинг характеристига боғлик;*

- *учинчидан, таълим олувчиларнинг билими ва ривожланиши дарражасига боғлик;*

- *тўртингидан, ўқув жараёнида ўрганилаётган фан асосларининг муайян (хозирги) даврдаги методларига боғлик;*

- *бешинчидан, олий ўқув юрти ёки кафедранинг шароитларига боғлик;*

- олтингичдан, ўкув жараёнининг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ;
- еттингичдан, ўқитувчининг педагогик маҳорати, унинг тайёрларлиги ва ўкув жараёнини ташкил этиш даражаси, ўқитувчининг ҳозирги замон методлари бўйича билимларига боғлиқ.

Шундай қилиб, олий мактабдаги ўкув жараёни ўқитишининг шакл ва методларида ташкил этиладиган кўпкіррали яхлит тизим доирасида амалга оширилади. Бунда ҳар бир шакл ўз олдига қўйган вазифаларни бажаради, лекин шакл ва методлар тўплами ягона дидактик мажмуани (комплексин) ҳосил қиласди. Дицактик мажмуанинг амалга оширилиши ўкув жараёнининг психологик-педагогик конуниятлари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасидаги олий таълимни ислоҳ қилишнинг долзарб вазифаси талабаларининг ўкув-билиш фаолиятини жонлантириш, ўкув жараёнига янги технологияларни татбиқ этишга хизмат қиласиган ўқитишининг шакл ва методларини такомиллаштиришдан иборатдир.

1.4. Шарқ муғафакирларининг билиш фаолияти тўғрисидаги илмий-педагогик қарашлари

Олий мактаб таълим мазмунини кайта қуриш, мутахассислар тайёрлашнинг янги, самарали шаклларини излаб тониш бевосита талабаларнинг билиш фаолиятини жонлантириш билан боғланганади.

Ҳозирги даврда талабаларнинг билиш фаолиятини жонлантириш муаммоси ўз моҳиятига кўра фалсафа, социология, педагогика, психология, хусусий методика фанлари вакилларининг долзарб илмий-тадқиқот обьекти бўлиб қолмоқда.

Бироқ бу муаммони ўрта аср қомусий олимларининг қарашлари, таълимотини ўрганимасдан туриб тўзу ёритиш мумкин эмас. Ўзбек олими X.X. Тлашевининг тадқиқотларида ўрта аср олимларининг дидактик қарашлари умумлаштирилган ҳолда таҳлил қилиб берилган. Хоразмий, Киндий, Фаробий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Ҳайём ва уларнинг бошқа замондошлари ва улар салафларининг илмий дунёқараши, билимлар манбаи ва обьекти таҳлилидан аён бўлади. Билиш жараёни қандай боскичлардан ташкил топган, билиш ва амалий фаолият ўртасида қандай муносабатлар мавжудлиги уларни қизикириб келган.

Шу маънода шарқ муғафакирларининг асарлари алоҳида кизиқиш уйғотади, жумладан Ал-Хоразмий, Мухаммад ибн Мусонинг математикага оид рисоласи, Ал-Киндийнинг “Арастунинг китоблари мидори ва яна фалсафани ўзлаштириш учун нима зарурлиги ҳақида рисола”си, “Дастлабки фансафа тўғрисида”, “Беш моҳият тўғрисида китоб”, “Пайдо бўлиш ва йўқ бўлишнинг яқин тасвиirlари изоҳи”, Ал-Фаробийнинг “Ақл маънолари тўғрисида”, “Фозил одамлар шахри”, “Баҳт-саодатга эришув тўғрисида”, “Илмларнинг келиб чиқиши”, “Алмагестр Птоломейга изоҳ”, “Иҳсо-ул-улум”, Ибн Синонинг “Китоб аш ишорат ва ат танбикот”, “Донишнома” (мутлақ баҳт ҳам, мутлақ баҳтикаролик ҳам йўқ), “Ҳай ибн Яқзон” ва бошқа асарларида, Абу Рай-

хон Беруний “Масъуд қопуни”, “Доривор ўсимликлар ҳакида китоб”, “Сайдана”, “Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар”, “Ёдгорниклар”, Абдураҳмон Жомий “Мусика” рисоласи, Алишер Навоийнинг “Маҳбубул ул кулуб” каби асарларга катта қизиқиш уйғотади.

Хоразмий билиш фаолияти назариясига улкан хисса қўшган. У билишнинг тажриба-кузатув ва эксперимент методига асос соглан. Хоразмий томонидан куйидаги умумцидактик тамойиллар, методлар ва шакллар асослаб берилган; мустақиллик; ижодий фаоллик; кузатилган фактиларни ва ҳодисаларни тасвирлаш ва уни мунтазам баён қилиш; тажриба-кузатув; эксперимент методи; индукция ва дедукция аспектида яккалик ва умумийлик бирлиги тамойили; ўқитишнинг савол-жавоб шакли.

Хоразмийнинг салафи Ал-Киндий моҳиятни барча назарий билимларнинг бош мавзуси сифатида қарайди. У аввало, микдор ва сифатни хиссий идрок қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Киндий илмий билишнинг уч ногонали концепциясини илгари суради: табиий фанлар, мантиқ ва математикадан билимлар метафизика муаммосига олиб келади. Киндий ўз фалсафий қарашларини асослашада илмий билишни диний билимларга қарама-карши қўйган ҳолда математика ва табиий фанларга алоҳида аҳамият беради. Киндий инсон билимлари ҳиссий ва аклий билимларга бўлинади яеб ҳисоблайди. Унингча, хиссий билимлар ўз предмети билан бояланган бўлиб, унинг обьекти инсон танаси ва барча материаллардир. У таъкидлайдики, агар ҳиссий билимлар якка билимлардан иборат бўлса, аклий билимлар умумий билимлардир. Кипдий фикрича, ҳаққонийликни билиш ва ўзининг хатти-ҳаракатларини ҳаққонийлик билан мувоғиқлаштиришда кинни онгидаги унинг сабабларини аниқлаш қанити ёрдам кўрсатади.

У шундай ёзди: “Сабабини топган ҳолатдагина биз ҳақиқатнинг тагига ета оламиз. Ҳар қандай нарсанинг моҳиятини аниглаш эса ҳақиқатни билиш учун зарурдир, негаки мавжуд нарсаларнинг барчаси ҳақиқатдан иборатдир. Ҳақиқатни идрок этса бўлади, бинобарин, мавжуд нарсаларни ҳаммасини англамок, мумкин”.

Билиш жараёнига Фаробий алоҳида аҳамият беради. У ўзининг “Акл маънолари тўғрисида”, “Бахт-саодатга эришув тўғрисида” асарларида инсоиларнинг билимга бўлган интилишларини ҳар томонлама кени ёритишга ҳаракат қиласи. У шундай ёзди: “Киши бирор буюм ҳақида билишини истаса, унинг қандайдир бир ҳолатини билади, онгини ўша предмет шаклидаги билимга йўналтиради. Бу ўзи интилган ҳақиқатни қидириш демакдир”.

Фаробийнинг илмий бояларини умумлаштирган ҳолда X.X. Тлашев унинг билиш тўғрисидаги назарий асосларга бағишлиланган ишлари, хусусан, мантиқ фанида билиш жараёни ва билиш шакллари, биринчи марта унинг моҳияти очиб берилганини таъкидлайди. Бу жараёnlар мантиқда унга риоя қилиш тафаккурни такомиллаштириш ва мураккаб билиш жараёнида қўпол ҳатоларнинг олдини олиш қонунлари сифатида акс этади.

Фаробий фикрлаш фаолиятини жонлантиришнинг дидактик тамойиллари ва методларини асослаб берди. Унга ўқитишнинг амалий йўналганлиги; назарий билимлар узлуксизлиги ва билиш методлари;

мантикийлик ва узвийлик, хукм методлари ва усуллари; индукция ва дедукция методлари киради.

Фаробийнинг билиш жараёни ҳақидаги қарашларини Абу Али ибн Сино ҳам тасдиқлайди. Унинг тушунишича, мантиқ инсон билимларининг асоси сифатида, қоида ва меъёрларни белгилаб беради; инсоннинг билиш фаолиятини жонлантиради, унинг тўғри фикрлашини ўстиради. Фаробий томонидан ишлаб чиқилган фанлар таснифи илмий билимлар ғоясининг ривожланишини таъминлайди. У шундай ёзади: “*Фанлар таснифи инсонга фанларни ўзаро қиёслаш, улардан қайси бирлари зарур, фойдали, тугалланган, ҳаққоний ва кучли ва қайси бирлари у қаҳар зарур эмас ва кучсизроқ, шунингдек, ўрганиш учун нимадан бошлиш, хусусан нимани ўрганиш, нима ярокли, қайси бири яроксиз ва қай даражада уни эгаллашга ёрдам беради. Шундай килиб, унинг фанга бўялган муносабати кўрликка, подонликка эмас, балки билим ва доноликка асосланади*”.

Ўрта аср олимлари ўз асарларида инсон фаолиятининг икки тури ҳақида фикр юритадилар. Бу меҳнат ва билиш фаолиятидир. Улар шуни таъкидлайдиарки: “*Бишм – бу билувчининг қалбидағи билингаш тимсолдир. Билингки, фанин ўқитиши ва ўзлаштиришисиз билим бўлмайди. Ўқитиши – бу қалбдан чиқациган, қалб учун долзарб, ични билишга асосланган эътиқод. Билимларни ўзлаштириш – бу билим шаклларини қалбдан ицроқ этишдир. Билингки, қалб билиш предметларни шаклларини уч томоннама қабул қиласи: биринчидан, хис килиш орқали, иккинчидан, давлплар орқали, учинчидан, фикр юртниш ва мушоҳада килиш орқали*”.

Кайковуснинг “Қобуснома” асарида, билимнинг фойдаси ҳақида қуйидагича ёзилади: “*Агар молсизлиқдан қашшок бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа савъ кўргузгилки, мол била бой бўлғондан, ақл била бой бўлғон яхшироқдур, пединким, ақл била мол жам этса бўлар, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билғил, ақл бир молдурки, уни ўти ололмас, у ўтда ёнмас, сувга оқмас*”.

Фаробий ўз асарларида билиш фаолиятини ташкил этиш тавсияларини ишлаб чиқкан. Унда уч шарт белгиланади:

- *муайян фан асосида ётган барча тамойилларни яхши билиш;*
- *муайян фан маълумотлари, яъни ҳукм чиқарни қондадарини эгаллашга алоқацор тамойиллар ва маълумот асосида зарур хуносалар чиқара олиш;*
- *янгиш назарияларни инкор эта олиш, ёлғондан ҳақиқатини ажратиб ола билиш ва хатоларни тузата олиш учун бошқа муаллифларининг фикрларини таҳдил қила олиш.*

Беруний билиш обьектига бўлган илмий-фалсафий ва конкрет-методологик ёндашув муносабатларига эътибор қаратиш лозимлигини утириади.

Беруний ҳиссий билишга алоҳида дикқат қаратади. У шундай ёзади: “*Билим соҳалари кўпдур, тобора ривожланаётган давр инсонлар ақл-заковатининг унга қўшилиб бориши билан улар янаца кўпайди, унинг белгиси инсонларнинг фанга интилиши, уни эъзозлаши, фан кишиларини эъзозлашдир*”.

Воқеликнинг номаълум тамойилларини билиш ҳақида: “Билиниши лозим бўлган барча ҳодисаларнинг йўли борки, унинг воситасида билимларга эришиш мумкин”, - дейди.

Абу Али ибн Синонинг ақл таракқиётни босқичлари ҳақидаги фикрлари қизиқиши уйғотади. Унда учта босқич белгиланади: Биринчи босқич – ақлий идрок бўлиб, унда ақлий категориялар тушунилади. Иккичи босқич – икки томонлама идрокдир. Учинчи босқич – фикран идрок қилинадиган билимлар ўзлаштириб олинганда намоён бўлади.

Умар Ҳайём ўз таълимотида илмий билишга алоҳида эътибор 19аратади. У шундай дейди: “Ақл-заковат нарса ва ҳодисаларнинг хусусий тасодифларини умумлаштирумаса, у ҳақда тасаввур ҳосил қила олмайди, нарса ва ҳодисалардан ажralиб қолган мавхумликни умуман акс эттигрмайди”.

Ўрта асрлар қомусий олимларинин қарашлари таҳдилидан шупдай хулоса қилиш мумкинки, уларнинг илмий дунёкараши мавжуд ташки олам ва унинг кишилар онгида акс этишини тан олишлари туфайли юзага келган. Улар билишининг манбанин ресал воқелик деб хисоблаганилар. Уларнинг фикрчча, инсон бишумларни уни ўраб олган оламдан олади ва улар (билимлар) ушбу оламнинг инъикосидир.

Яқин ва ўрта шарқ қомусий олимларининг педагогик қарашлари таҳдилини бу қарашларнинг яхлитлигини, уларнинг илмий билиш, инсонга бўлган муносабат ва унинг амалий фаолияти шаклланиши ва ривожланиши усуслари билан боњиклигини кўрсатади.

1.5. Олий мактаб талабаларининг билиш фаолияти

Олий мактабда мутахассислар тайёрлаш жараёнини фақат муайян фанлар бўйича билим, малака ва кўникма олиш билан чегаралаб бўлмайди. Шу туфайли ҳозирги шароитда ўкув жараёнини сифат жиҳатдан жиҳдий қайта қуриш лозим бўлади. Шу муносабат билан олий мактабда талабаларининг билиш фаолиятини жонлантириш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади.

Билиш фаолияти масалалари таниқли психолог ва педагог Н.П. Блонскийнинг ижодида ёритиб берилади.

П.П. Блонский илк бор педагогик психологияда мантиқий хукм турларининг шаклланиши (муаммоли, олдиндан кўра билиш) ва хулоса чиқариш планида таълим олувчининг фикрлашини таҳлил қилиб берди. У билиш фаолиятини психологик ҳодисалар – хотира, ирода, идрок билан диалектик алоқадорликда деб қарайди ва хотира назариясини шакллантирас экан, хотиранинг фикрлаш ва нутқ билан ички алоқасини очиб беради. П. Блонскийнинг ўрганишга қизиктириш асосида фаоллик ва мустақиликка ундаш, мустақил фаолият юритиш, таълим олувчиларнинг билиш қобилиятларини ўстиришни ташкил этиш тўғрисидаги ғоялари самарали ҳисобланади.

Билиш фаолиги муаммоси бўйича Л.П. Аристова, М.А. Данилов, Б.П. Есипов, И.Я. Ларнер, Р.С. Нога, М.Н. Скаткин, М.И. Махмутов, И.Т. Огородников каби педагог ва психолог олимлар тадқиқот иши олиб боргандар.

Дидактика ва психологияяга оид адабиётлар таҳлилидан “билиш” ва “ўқитиш” деған тушунчаларни фарқлаш лозимлиги кўринади.

“Билиш фаолияти” тушунчаси “ўқув фаолияти” тушунчасидан анча кенг. Билиш фаолиятининг мазмуний томони ўқув дастурларига асосланган формал ўқитиши доирасидан чиқади. Билиш фаолияти инсон куролланиши учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмалар шунингдек, унга зарур бўлган ижтимоий фаоллик ва мөхиятнини эмас, балки билимларни мукаммалаштириш, такомиллаштириш эҳтиёжларига боғлиқ равишда уни ташлай олиш, ташкил эта олиш ва уни хаётга татбиқ этишини шакллантиришир.

Педагогика назарияси билиш фаолиятини жонлантириш масаласига хилма-хил омиллар мажмуи нуқтаи назаридан қарайди: ижтимоий омиллар (объектив ва субъектив шаклларда), субъектда муайян маънавий эҳтиёжини мавжудлиги омили.

Талабаларнинг билиш фаолиятини жонлантириш учун уларда Куйицагиларни шакллантириш зарур:

- *билишга тайёрлик;*
- *билиш фаолиятининг малака ва кўникмалари;*
- *билиш фаолиятига эҳтиёж.*

Талабаларда билиш фаолиятига бўлган барқарор эҳтиёжни шакллантириш жараёни бу фаолиятини психологик давлатинишига асосланади.

С.А. Рубинштейн таъкидлайдики: “Фсьл-атвордаги барқарорликка эга бўлган ҳар бир илтилиш бу бўлгуси характерининг кирраларидан биридир, характер эса бирин-кетин инсон ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлиб, унга сингишиб, шахсий хислатига айланадиган интилишлар мажмунидир”.

Билиш фаолиятининг фаол қўзгатувчилари Куйицагилардир:

- *конкрет фаолиятга бевосита, фаол қизиқиш;*
- *ахлоқий – эстетик ва руҳий қониқишиш (мотивлари).*

А.К. Громцеванинг тадқиқотлари шуни кўрсатади, билиш фаолиятини мотивациялаш ўсмирик ёшида онгли характерига эга бўлади.

Ю.В. Шаров билиш эҳтиёжлари ривожланишининг бир исчада боскичларини ишлаб чиқдан:

- *элементар илмий-тадқиқот фаолияти йўналини боскичи ва ташки таассуротларга эҳтиёжни шакллантириш;*
- *ўраб олган оламини билишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш боскичи;*
- *билиш усулини эгаллаш фаолияти спфатида машқ қилиш эҳтиёжини шакллантириш боскичи;*
- *билиш эҳтиёжларини ташлашга йўналини шакллантириш боскичи;*
- *мустақиқ таҳсилга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш боскичи.*

Билиш фаолиятини жонлантириш факат билимларни ўзлаштириш жараёнини яхшилашгагина эмас, балки шахснинг энг мӯҳим сифати бўлган фаоллик ва мустақиқликнинг шаклланнишига ҳам йўналтирилган бўлиши зарур.

Талабалар олий ўқув юртида ўқиб турған вақтида билим, малака ва күніліктіліктернің әгальшында барча тұрдагы ўқув жараёнига жалб қилинады. Бу даврда улар шахсінің асосий қиёфалари шақланады. Фаолияттінде бу шақларда уларнинг әхтиёжлари, кизиқишилдер, мойилліктері, хиссиеци, мотивлары, шунингдек, умумий ва хусусий қобилиятлары пайдо бўлади ва ривожланады.

Олимларнинг исботлашларыча, ҳар қандай фаолияттінде тарбия-вий самараңорлығы күпроқ унинг ташкил этилиш даражасига боғлик, качонки, ёш хусусиятлар фаолият турларининг галма-галлиги, меъёрийлигиде амалга ошиди.

Билиш фаолияттін жонлантиришінде қизиқишилдер алохида ажамиятта эга.

Үрганишга бўлган қизиқишилдер олимлар ижобий, хиссий бўёқка эга бўлган, билим, малака ва күніліктіліктернің әхтиёжлариниң турларининг галма-галлиги, меъёрийлигиде амалга ошиди.

Билишга бўлган қизиқишил – ўқитишдаги ўзига хос қизиқишилдер.

Г.И. Щукина билишга бўлган қизиқишилдер инсоннинг предмет ва атроф-муҳит ҳодисаларига бўлган мураккаб муносабати ва уларнинг мухим хусусиятларини ҳар томонлама, чукур ўрганиш ва билиш деб қарайди.

Билишга бўлган қизиқишилдер саралаб олишга йўналтирилган ва у шахснинг әхтиёжларидан келиб чиқади.

Билишта бўлган қизиқишилдерине фаолият мөхияти, фикрларнинг обьекттага бўлган бетишм яқинини билан боғланади.

Билишга бўлган қизиқишилдерине белгилари куйидагилардир:

- интеллектуал ҳарактерда бўлиши;
- ижодий ҳарактерда бўлиши.

Билишга бўлган қизиқишилдерине ривожланиши босқичлари:

- қизиқишил – мўлжалланинг элементар даражаси – “мўлжалланган қизиқиши”;
- қизиқиувчанлик – билишга бўлган әхтирос, қувонч билан обьект чегарасига кириб бориш;
- билишга бўлган қизиқишил – ҳодисаларнинг мөхиятига кириб боришга интилиш, ҳакиқатни қидириш;
- назарий қизиқишил – воқеликка фаол таъсир этни орқали назарий асослар, конуниятларни билишга интилиш;

Қизиқишилдерине пайдо бўлиши ва ривожланишини шартли равишда куйидагича даражага ажратиш мумкин:

- янги фактларга, машгулотларда олинадиган ахборотларда гавдаланадига машгулотларга бевосита қизиқишил, ҳар хил шароитларда ҳаракат килувчи нарса ва ҳодисаларнинг мухим хусусиятларини билишга қизиқишил;
- ўрганишга бўлган баркарор қизиқишил. У талабаларга таълим бернишда мухим ҳарактерга эга ва унда билишга бўлган қизиқишил ташки омилларга мухтоҷ ҳамса у реал ўқув жараёни шарт-шаронти ва усулларни билан боғлик бўлади.

Билишга бўлган баркарор қизиқишил – куйидагилар киради:

- интеллектуал фаоллик (күрсаткичлари – савол ва жавоб мустақилити, жонли фаолиятта ўз ташаббуси билан киришишга интилиш);
- малака ва күннекмалардан фаол фойдаланиш, уларнинг фаол акс таъсири (билимлар янги билимларни эгаллаш методларига айланади, аксинча, билишга бўлган қизиқиш ўзининг энг юкори ривожланиш даражасига кўтарилади);
- ҳиссиятни намойиш қилиш (нафрат, қувонч, безовта бўлиш, интеллектуал ҳолатдаги ҳиссият);
- иродани намойиш қилиш жиддий дикқат қилиш, кучсиз чалиш, ўқув ишларини тугаллашга интилиш;
- ўз хатти-харакатларини эркин тандари – ўқув машгулотларидан бошқа вактларда у ёки бу машгулотларни эркин тандай олиш.

Талабаларнинг билишга бўлган қизиқиши шаклланишининг мухим шартларидан бири ҳиссий вазият, билишга бўлган эҳтиёж ва онли фикрлашни ривожлантиришни яратиш бўлиши ҳам мумкин.

Талабаларнинг билиши фаолияти тузнимасига фаоллик киради, яъни бу шундай иш фаолияти, унда билиш фаолиятини жонлантирадиган интеллектуал, иродавий, ҳиссий жараёнлар биргаликда намоён бўлади.

Жонли билиш фаолияти учун билимга бўлган хар томонлама, чукур қизиқиши, муайян куч сарф қилинини, дикқат, белгиланган мақсадга эришиш учун зарур бўлган ақлий ва жисмоний кучлар қаратилиган бўлиши лозим.

Билиш фаоллигин индивидуал бўлади, у шахснинг туғма қобилияти эмас, балки унинг хатти-харакатлари жараённида шаклланади.

Талабаларнинг жонли билиш фаолияти учун қўйидатилар хосдир:

- билимга ва ўқув мақсадларига бўлган чукур, хар томонлама қизиқиши;
- ақлий, жисмоний ва интеллектуал кучларни фаол намоён қилиш;
- дикқат, хотира, ирова ва бошқа руҳий сифатларни тўплаш.

Билиш фаолияти жараённида қўйидаги 4 сатҳ ажратилиди:

- репродуктив фаоллик. Бунда “тайёр билимлар”ни эгаллашга тайёрлик, қизғин қайта ишлаш фаолияти амал қиласи;
- аппликатив фаоллик - унга қизғин таңлов-яратиш фаолиятига тайёрлик характерлидир;
- изоҳлашщаги фаоллик – маъно-мазмунни қизғин изоҳлаш, тушентириш ва очиб бернишга тайёрлик;
- продуктив (самарали) фаоллик – унга янтиликни қизғин ижод қилинига тайёрлик характерлидир.

Билиш фаоллиги ривожланиши бир неча босқичларни ўз ичига олади:

- мустақил хатти-харакатларга интилишида намоён бўладиган амалий фаолиятдаги фаоллик;
- ўрганилаётган ҳодисаларнинг моҳияти ва тамоийларини қўлга киритишдаги интилиш;

- ижодий фаоллик (олий босқич) бўлиб, у сабаб-оқибат боғланишдан, ижодий фикрларнинг ҳаққонийлигига, унинг ҳаётйи ва билиш қимматига ишонч ҳосил килишдан таркиб топади.

Педагогика ва психологияга оид адабиётлар таҳлили шундай хулоса килишга изн беради: ўқитишда билиш фаолиятини жонлантириш деганда том маънода фикрлаш ишининг фаоллиги тушунилди.

Фикрлаш фаоллиги билиш фаолиятида мақсадга мувофиқ анализ ва синтезда, ўкув материалларини конкретлаштириш ва бир тизимга келтиришда, индукция ва дедукцияни қўллашда, билимлар тизимини эгаллашда, дунёқарааш, тасаввурлар ва тушунчаларни ишлаб чиқишида намоён бўлади.

Талабаларнинг ижодий фаоллиги ривожланиши шахснинг ўрганилаётган нарса ва ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб боришга нитилиш ва билиш фаолиятига янгилик ва ижодийлик унсурларини олиб кира олиши қобилияти билан характерланади.

Талабаларнинг фаоллиги уларнинг мустакиллиги билан тифиз боғланганди. Бу тушупчалар бир-бирини тўлдиради, чунки мустакил ҳаракатларнинг ўзидаёк шахснинг фаоллиги намоён бўлади, аксинча, фаоллик кўпинча мустакил ҳаракатларни тақозо қиласди.

Билиш мустакиллиги кўйицаги белгиларга эга:

- мустакил фикрлай олиш ва унга иштилиш;
- янги вазифаларда мўлжални ола билиш, янги вазифаларни ечишга ўз ёндашувини тона билиш қобилияти;
- ўзлаштириластгани билимларни нафақат тушунишни исташ, балки уни кўнга киритиш усусларини топиш;
- бошқа ишларни баҳолашда танқидий ёндашув;
- ўз хукмларини эрканилиги.

Б.П. Есипов мустакил ишларни билимларни излаб топиш, мала-ка ва кўнкиммаларни мустаҳкамлаш, билимлардан янги шароитларда фойдалана олиш, билимларни амалий қўллаш каби дидактик вазифалар билан боғлайди.

Г.И. Шукина билиш мустакиллигига билиш ва янги амалий вазифаларни белгилами, уни ҳал қилиши усулини топиш қобилиятлари билан ажralиб турадиган аслида мустакил тафаккур сифатида характерланадиган ўрганишини мотивациялаш ва ундан фойдаланиш (операция) бирлигини таъкидлайди.

Психология ва педагогикага оид адабиётларда билиш фаолиятининг кўйидағи типлари фарқланади:

- *перцептив;*
- *репродуктив;*
- *продуктив.*

Перцептив билиш фаолияти – бу фаолиятининг шундай намунасики, унда предмет, воқеа, ҳодиса ва улар ҳақидаги айrim маълумотлар белгилари ва мазмuni оғзаки ва ёзма нутқ воситасида акс этирилади. Перцептив фаолият сезидан бошланади ва тасаввурларни ифодалаш билан якунланади.

Репродуктив билиш фаолияти – бу фаолият билимларни амалий ва ижодий фаолиятда пировард натижада қайта ишлаб чиқиш билан боғлангандир. Билиш фаолиятининг бу намунаси билимларни ўзлашти-

риш, уларни ижодий ишда қўллаш, ўкув фаолиятининг турли усулларини эгаллашни қамраб олади.

Продуктив билиш фаолияти – у фаолиятнинг щундай намунасики, у турли тоифадаги ижодий вазифаларни ҳал килишга қаратилган. Продуктив билиш фаолиятининг турларидан бири эвристик фаолиятдир. Эвристик фаолият таъабаларниң мустақил ишлари билан бирга амалга оширилади.

Таъабаларда перцептив, репродуктив ва продуктив билиш малақа, кўникма ва қобилияларини шакллантириш ва ривожлантириш учун ўкув жараёнида уларниң хар бирига ҳос бўлған фаолиятнинг шакл ва мазмунини ташкил этиш, уларни ўзаро боғлаш, уларниң галма-галингани таъминлаш, улардан яхлитлик ҳолда фойдаланиш зарур.

Билиш фаоллиги ҳам фаолият мақсади, ҳам унга эришиш воситаси, ҳам натижаси сифатида қаралади.

“Билиш фаоллиги” тушучасида мотивация, интеллектуал ва хиссий-идоравий компонентлар фарқланади.

Хотима. Таъабаларниң билиш фаолиятини жонлантириш деганда ўқитувчининг таъабалар томонидан билимларни эгаллаш, малақа ва кўникмаларни шакллантириш, улардан амалиётда фойдаланишга қизқиши ўйотиш фаоллигини, ижодкорлигини, мустақиллигини ошириш мақсадида таълимнинг мазмуни, шакли ва усулиари, метод ва воситаларини такомиллантиришга қаратилган фаолияти тушунилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини ислоҳ килини қай тарзда амалга оширилади?
2. Олий мактабдаги таълим мазмуни деганда нимани тушунасиз?
3. Таълим мазмунининг моҳиятини белгилашда қандай ёидашувлар мавжуд?
4. Таълим мазмунини шакллантиришда қандай назарияларга амал қилилади?
5. Ҳозирги замон олий мактаби дидактикасида ўқитиш жараёнини қандай қонуциятлари бор?
6. Олий мактабда ўкув жараёниниң қандаи шакллари амалга оширилади?
7. Лекция, семинарлар, лаборатория ишлари, мустақил ишлар, мустақил таҳсилнинг таснифлари, вазифалари ва мазмунини сўзлаб беринг.
8. Ўқитиш методлари таснифини сўзлаб беринг.
9. Олий мактабда ўқитиш методларининг қандай таснифлари мавжуд?
10. Билиш фаолияти тўғрисида Шарқ қомусий алломаларининг илмий педагогик қаражашларини сўзлаб беринг.
11. Билиш ва ўкув фаолияти деганда нимани тушунасиз?
12. Билиш фаолиятининг ривожланишидаги қандай босқичларни биласиз?
13. Билиш фаолиятини жонлантириш усулиарини сўзлаб беринг.
14. Билиш фаолиятийнинг асосий типларини сўзлаб беринг.

Адабиётлар

Конституция Республики Узбекистан. – Т.: Узбекистон, 1993.

Каримов И. Узбекистан на пороге XXI века. – Т.: Узбекистон, 1997.

Каримов И. Узбекистан, устремленный в XXI век. – Т.: Узбекистон, 1999.

Аль-Кинди. Трактат о количестве книг Аристотеля и о том, что необходимо для усвоения философии. О первой философии. Книга о пяти существах. Объяснение первой действующей причины возникновения и уничтожения. Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIV вв.- М.: Соцэктиз, 1961.

Аль-Фараби Абу Наср. Трактат о разуме/ Изв №2385/XVIII. Лл. с. 406.

Аль-Фараби. Математические трактаты / Пер. с араб. и вступительная статья Б.А. Розенфельда и А. Кубясова. - Алма-Ата: Наука, 1972.

Беруни Абу-Райхан Мухаммад ибн Ахмед. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) / Пер. с араб. А.М. Беленицкого. - Л., 1963.

Беруни Абу-Райхан. Канон Масъуда / Пер. с араб. и вступительная статья П.Г. Булгакова и Б.А. Розенфельда // Изб. произведения. - Т. V.-Т.: Фан, 1973-1976.

Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. - Т., 1997.

Громкова М.Т. Если вы – преподаватель. - М., 1998.

Громкова М.Т. Педагогические основы образования взрослых. - М.: Изд. МСХА, 1993.

Ибн Сина. Даниш-намэ / Пер. с араб. и вступительная статья А.М. Богоутдинова. - Сталинабад: Таджикгосиздат, 1957.

Игамова М.И. Активизация учения школьников. - М., 1982.

Кабус-намэ / Пер. с араб., статья и прим. Е.Э. Бертельса., 2-е изд. - М., 1958.

Крысько В.Г. Психология и педагогика в схемах и таблицах. - Минск: Харвест, 1999.

Леднев В.С. Содержание образования. - М., 1989.

Лернер И.Я. Процесс обучения и его закономерности. - М., 1980.

Омар Хайям. Трактаты / Пер. с араб. и вступительная статья Б.А. Розенфельда. - М.: ВЛ, 1961.

Педагогика: педагогические теории, системы, технологии. - М.: Академия, 1999.

Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. 2-е изд. – М.: Педагогика, 1976.

Тллашев Х.Х. Общепедагогические и дидактические идеи учебных-энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока эпохи средневековья. - Т.: Фан, 1989.

Талызина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. - М., 1975.

II боб. Талаба шахсининг ривожланиш тавсифи

Кадрлар тайёрлаш милий моделининг асосий компонентлари: шахс - узлуксиз таълим - Фан - ишлаб чиқариш - давлат ва жамият.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги замон талабига асосан таълим тизимида туб ислохотлар олиб борилмокда.

Боскичда асосий вазифа таълим тизимини вакт талаби даражасигача кўтариш, мукаммал, катта имкониятларга эга авлодни тарбиялиш ҳисобланади. Ана шу вазифалар кадрлар тайёрлані миллий дастурида ўз аксими тоңди.

Кадрлар тайёрлашнинг бош обьекти ва субъекти шахсдир.

Шахс - таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузасида жамиятимизни ислоҳ қилишнинг ва қайта қуришининг устувор йўналишларидан бири "жамиятнинг тобора маънавий янигланиши" деб кўрсатган эди. И.А.Каримов ўз нутқида маънавият ҳақида тўхталар экан, унинг инсонни руҳий покланиш ва юксалишга давват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-эътиқодини, иродасини мустаҳкамлайдиган, ижодини уйнатадиган курдатли ботиний кучини эътироф этади.

"Маънавият, - деган эди И.А.Каримов, - бу ўзлигини, ўзининг жамиятдаги ўринни тобора чуқур билишга интишницир. Бу кишиларнинг снёсий, иқтиносий, ҳуқуқий билим савиляларини оширишицир. Кишилар, айнинса ёшлар онгида мустаҳкам ахлоқий ва руҳий тушунчалар, инсонпарварлик ва демократик кадрнингларни карор топтиришицир."

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсоннинг интеллектуал ва маънавий-ахлоқий тарбияси билан узвий боғлиқ равишда узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама ривожланган шахсни таркиб тонтиришни кўзда тутади.

Шахс таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида давлат томонидан сифатли таълим ва қасбий тайёргарлик олишга кафолатланган.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, маддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

Шундан келиб чиккан холда, олий мактаб олдида нафакат бўлнуси мутахассиснинг қасбий сифатлари, балки унинг шахсий сифатларини шакллантиришдек, бош вазифа туради. Бу вазифа ўзаро алоқада ва яхлитликда ҳал қилиниши ҳамда унинг ҳал қилинишига олий мактабнинг барча ўқув-тарбия жараёни багишланиши лозим.

2.1. Шахс ривожланишининг умумий қонуниятлари

Шахс - муайян ижтимоий гурӯҳнинг вакили бўлган, бирор фаолият тери билан шуғулланадиган, атроф-муҳитта онгли муносабатда бўла оладиган ўзига хос индивидуал - психологияк хислатларга эга бўлган конкрет инсон

Шахснинг психологияк хислатларига қўйидагилар тааллукли: характер, темперамент, қобилият, кучли ҳиссиятлари ва мотивлари шунингдек, психик жараёнларнинг кечиш хусусиятлари йиғиндиси (мажмуи).

Ҳар бир кишидаги бу такрорланмас индивидуал хислатлари тўплами (мажмуи) ундаги баркарор яхлитликни вужудга келтиради. Бу яхлитлик шахснинг ишбий турғун психологик қиёфаси ва бойлиги сифатида қаралади. У психик ҳолатлар ва жараёнларнинг тўхтовсиз ўзгариб туришига қарамасдан сакланаб колади.

Шунингдек, шахснинг психик бойлиги шахснинг яшаш шароити ва ижтимоий тарбия жараёнларида юз бераётган ўзгаришларнинг оқибати сифатида маълум даражада ҳаракатчан, ўзгарувчанлигини саклаб колади.

Шахс атроф-муҳит, инсонлар билан фаол алоқада бўлиш жараёнида шаклланади. Шахс фаоллигининг манбаи бўлиб инсон шахсий эҳтиёжларининг кўп кирраллиги, у ўзи мансуб бўлган жамият, жамоа эҳтиёжлари ҳисобланади.

Мураккаб ҳосила эҳтиёжларига *қизиқниш*, *мойнлик*, *дин*, *кўрсатма*, *эътиқод*, *истак* кирадики, улар йиғиндиси "мотивация доираси"ни, шахснинг "йўналганлиги"ни ҳосил қиласи.

Шахс воқеликка бўлган объектив ва субъектив муносабатларни ифода қиласи. Шахс бир бутун ҳолдаги ички шарт-шароитлар йиғиндиси бўлиб, унинг воситасида ташки таъсирларнинг инъикоси юз беради.

Шахснинг ривожланиши унинг фаолиятида амалия оширилади. Бу ривожланиши шахсга ҳос ва унин учун муҳим ҳисобланган мотивлар тизими билан бошқарилади.

Шахсни ҳаракатга келтирувчи куч тобора кўпайиб борадиган эҳтиёжлар ва уларни қаноатлантирадиган реал имкониятлар орасидаги ички зиддиятлар ҳисобланади. Эҳтиёжлар эса шахс ривожлапишининг омиллари ва натижаси сифатида намоён бўлади.

А.В.Петровскийнинг ташкилотларида кўрсатилишича, инсон шахснинг характерли томонларидан бири унинг индивидуаллигидир. А. В. Петровский шахс тузилмасида унга ҳос бўлган характер, темперамент, психик жараёнларнинг кечиш хусусиятлари, фаолиятнинг кучли ҳиссиятлари ва мотивлари йиғиндиси, шаклланган қобилиятлари заҳирашаги билим ва кўнинкамаларнинг бетакрор үйғушилги қайд қилинади. Инсон индивид сифатида жисмоний ва психик мазмун касб этади. Ташкилотларнинг кўрсатилишича, инсон психикаси эмоция ва онга бўлинади.

Онг инсонни дунёни миқсида акс эттириши билан уни ҳайвондан фарқлади. Онгина шахснинг ўзлигини ташкил этади.

Г.К.Селевконинг аниқлашича, шахс умумлаштирилган хилма-хил сифатлар тизимида кўринацидиган инсоннинг психик, маънавий моҳиятидир.

Булдай сифатлар тизимига қўйидагилар мансуб:

- инсон хислатларининг ижтимоий аҳамиятга молик сифатлар йиғиндиси;
- дунёга бўлган ва дунё билан, ўзига ва ўз-ўзи билан муносабатлар тизими;

- ижтимоий вазифалар, ахлокий кўринишилар йигинидисини амалга оширадиган фаолият тизими;
- дунёни ва унчаги ўзини англаши;
- эҳтиёжлар тизими;
- қобилияtlар, ижодий имкониятлар йигинидиси;
- ташки шаронтта бўлган эътиборлар йигинидиси.

Психология ва педагогика бўйича тадқиқотлар шахс ривожланишини уч омилга - ирсият, мухит ва тарбияга боғлайдилар.

Ирсий омил ота-оналардаги айрим сифат ва хусусиятларнинг болаларга ўтишидир. Ирсиятни генлар вужудга келтирали. Хозирги фан организм хусусиятлари тўғрисида ахборотлар сақланадиган ва узатиладиган ўзига хос ген кодлари акс этганигини исботлаган. Генетика инсон ривожланишининг ирсий дастурини очиб берган.

Тадқиқотчиларнинг таъкидилашича, инсон биологик тур сифатида инсонларга маълум бўлган тарихий давр тараққиётида сезиларни бўлмаган даражада ўзгаришга учраган.

Инсон ижтимоийлашини жараённидатни, яъни мулоқот, бошқа кишилар билан алоқаларда шахс бўлиб шаклланади. Тадқиқотларнинг гуваҳлик беришича, маънавий, ижтимоий ва психик ривожланишни кишилик жамиятисиз фаолиятда бўлолмайди.

Мухит шахс ривожланадиган реал воқеликдир

Шахс ривожланишинига таъсир этувчи ташки шароитларига олимлар географик, ижтимоий мухит, мактаб ва оиласи келтирадилар.

Яқин ва йироқ мухит фарқланади. Яқин мухиттага уй шароитини, узок мухиттага эса ижтимоий мухит киритилади.

Ижтимоий мухит ижтимоий тузум, ишлаб чиқариш муносабатлари тизими, ҳаётининг моддий шарт-шаронти, ишлаб чиқариш ва ижтимоий жараёнлар оқими харakterини ўз ичига олади.

Яқин мухиттага оила, каршиюшчар, ўртоқлар киради.

К.К.Платонов тадқиқотлари кўрсатадики, шахс тузилмасидаги биологик ва социал омишлар нисбати шахс сифатларининг тўртта поғонавий сатхини фарқлашгаш имконият беради:

1.Ирсият билан боғланган сифатларни бирлаштирган темперамент сатхи. Ўнга шахснинг эҳтиёж ва инстинкт хусусиятлари ва жинсий, ёш, миллий ва бошқа сифатларини киритади.

2.Психик жараёнлар хусусиятлари сатхи. Бу сатҳ сезги, идрок, хаёл, диққат, хотира, тафаккур, хиссият, ироданинг индивидуал характеристикини ўз ичига олади. Шунингдек, бу сатҳга олимлар тафаккурнинг мантиқий акс этиши: ассоциация, қиёслаш, абстракциялаш, ишукция, дедукцияларни ҳам киритадилар.

3. Шахс тажрибаси сатхи. Бу сатҳ билим, малака, кўникма, одат (қилин) каби сифатлар билан белтиланади.

4. Шахснинг йўналганлик сатхи. Бу шахснинг шундай сифатики, унда инсоннинг атроф-муҳитта муносабати аниқланади ва у унинг хулки асосини ташкил этади. Буларга қизиқиши, нуқтаи назар, эътиқод, ижтимоий кўрсатмалар, ўта муҳим йўналмалар, ахлокий-этик тамойиллар ва дунёкараш киради.

Шахс сифатларининг бу сатҳлари унинг тарқоклигини билдирамайди. Шахснинг барча сифатлари мураккаб яхлит тизимни ташкил этиб, ўзаро тифиз боғланган, шартланган ҳамда кўпинча улар бир-бирининг ўрнини босади.

Демак, шахс ташки ва ички омиилар таъсирида шаклланади ва ривожланади.

Психолог олимлар ташки омииларга шахснинг **ижтимоий табиати, мукаммалиги ва поғоналилигиги** киритади.

Шахснинг ижтимоий табиати ижтимоий муносабатлар билан белгиланади: ишлаб чиқаришдаги муносабати, моддий бойликни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш, муайян ижтимоий турухга бўлган сиёсий муносабати.

Шахснинг бир бутунлиги унинг нормал ва ҳар томонлама ривожланишини белгиловчи ташки таъсиrlар мажмуцир.

Поғоналилик - инсоннинг шахс сифатида, маълум даврларда ёш ва ижтимоий шаклланиши.

Шахснинг ривожланиши потскислиги, Бир одамнинг индивидуал ва психолигик хусусиятлари бош! ла одамларницидан тезро! | ривожланиши мумкин.

Ўринни тўлдириш. Шахснинг ривожлинишида маълум генетик ёки психофизиологик камчиликлар ёки хусусиятлар мавжуд бўлишга Ўзарасдан, кучлари ва иродасини ани! | ва Ўзтийлик билан жамлаш ўзининг тўла мукаммаллашнига эришиш имконини беради.

Шахс ва унинг ривожланишини муаммоси кўшлаб психологияр, социологияр ва педагогларнинг тадқиқот обьекти бўлиб келмоқда. Бу тадқиқотлар таҳлили унга бўлан бир қатор ёндашувларни келтириб чиқарди:

1. Социогенетик ёндашув шахс ривожланишини жамиятнинг тузилемаси, ижтимоийлашув усуслари, уни атроф-муҳит билан алокасидан келиб чиқсан ҳолда тушунтиради. Бундай ёндашувда **ижтимоийлашув, ўрганиш, ижтимоий вазифа назариялари** амал қиласди.

Ижтимоийлашув назарияси таъкидлайдики, инсон биологик ҳосила сифатида дунёга келиб, ижтимоий шарт - шароитлар таъсиридагина шахс бўлиб етишади.

Ўрганиш назарияси (Э. Торидайқ, Б. Скинер ва б.) га кўра шахс ҳаёти, унинг муносабатлари таҳсил кўриш, ўрганишни мустаҳкамлаш, билим ва кўнікмаларни ўзлаштириш натижасидир.

Роль бажариш назариясининг мазмуни шундан иборатки, шахсга жамиятда муайян ижтимоий роль (барқарор хулқ усуслари тўплами) тайин қилинади. Бу роль шахс хулқининг характерини, унинг бошқа инсонларга бўлган муносабатини белгилайди.

Бу назарияларни камчилиги шунцаки, у инсон ҳаётининг обьектив, ижтимоий-тарихий шарт-шароитларини хисобга олмайди.

2. Биогенетик ёндашув шахс ривожланишида организм етилишидаги биологик жараёнларни асос килиб олади. Бу ўйналишда З.Фрейд тадқиқотлари ажратиб туради. Унингча, шахс хулқи инсоннинг физиологик, беихтиёр майлари, ҳаваслари билан боғланган. Э.Кречмер шахс типларини инсоннинг гавза тузилиши хусусиятларидан келтириб чиқаради. С.Холл таъкидлашича, шахс ривожланиши доира шаклида,

яни йигиңдар, иштиёқлар шаклидаги жамиятнинг босқичли ривожлашилдири.

3. Психогенетик ёндашув на биология ва на мұхит ахамиятини инкор этмайды, балки психик жараёнларнинг ривожланишини биринчи үрингә қўяди. Бу ёндашув психодинамик, когнитив ва персонологик назариялар амал килади.

Психодинамик йўналиш (Э.Эриксон). Бунда шахс хулки эмоция, иштиёқ ва бошқа психиканинг рационал бўлмаган компонентлари оркали тушунтирилади.

Когнитив назария вакиллари (Ж.Пиаже, Д.Келли ва бошқалар) шахс психикасининг интеллигентуал - билиш доираси хусусиятларини сунадилар.

Персонологик йўналиш вакиллари эса шахс ривожланишига яхлит ҳолда қарайдилар (Э.Ширангер, А.Маслау ва б.). Бу борада Б.Г.Ананьев, К.А.Абулханова, А.Н. Леонтьев, А.В.Петровский, В.В.Мясищев, К.К.Платонов, Д.П.Узнатзе, Д.И.Фельдштейн ишлари эътиборлидир.

Б.Г.Ананьев шахсга 4 томонлама бирлиги пуктаи назардан қарайди: 1) инсонга биологияк тур сифатида; 2) интивид сифатида онтогенез ва инсоннинг ҳаёт йўчи; 3) инсонга шахс сифатида; 4) инсонга инсоннинг бир кисми сифатида

К.А.Абулханова шахсни ҳаёт йўли субъекти ва фаолият субъекти сифатида тасаввур қилиди. Унинг ривожланиши асосида фаоллик (ташаббус, масъулият), ташкилний вақтига инсабатан қобилият, ижтимоний тафаккур каби сифатлар ётишини таъкидлайди.

А.Н.Леонтьев ва А.В.Петровскийлар бу ёндашувга биноан ҳар қандай психик ҳодисаларни тушунтиришда шахс нинди шарондларининг бир бутун тизими сифатида тавдalanани деб ҳисоблайдилар ва унинг воситасида барча ташкил тасирлар акс этади, бу эса шахсда умумийлик ва турғаникими хар хил компонентлари ўлчовларини фарқлаш имконини яратади.

В.В. Мясищев шахс ядросини инсоннинг атроф - мұхитни онгигда акс эттириш оркали шаклланадиган ташкил олам ва ўзига бўлган муносабатлар тизими деб тушунади.

К.К. Платонов фикрича, шахснинг динамик функционал тузилмаши йўналганлик, тажриба, психик жараёнлар ва унинг биопсихологик хусусиятларидан иборатdir.

Д.Н. Узнатзе шахсни мотивлари ва хулки англаимас характердаги бир бутун ва маънавий тузичма тушунилмаслиги мумкин бўлган хисмат деб қарайди. Д.Н.Узнатзе мақсағга мувофиқ фаоллиги жараённада шахс психикасининг шаклланиши ва ривожланишини ёритиб берувчи умумпсихологик концепцияси сифатида кўрсатиш назариясига асос солган.

Д.И.Фельдштейн фикрига кўра, онтогенезда шахс ижтимоий етукликининг турли босқичларини босиб ўтиш жараённада ривожланади. Унинг шаклланишида ижтимоий ахамият касб этган фаолият бош омиил бўлиб ҳисобланади.

Демак, шахс фаол ва онгли мавжудот сифатида белгиланади. У фақат ижтимоий муносабатлар обьекти эмас, балки субъекти ҳамдир.

Шахс ишлаб чиқариш ва моддий манфаатларни қабул қилиш жараёнида шаклланади.

Шахс сиёсий муносабатларни, (идеологик) гоявий муносабатларни ифода этади. Шахснинг ривожланишига ижтимоий турархага ўзаро муносабатлар ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

2.2. Ўсмирлик даврида шахснинг шаклланиши

Социологлар шахсга, умуман, жамиятга аниқ ижтимоий турархага алоқацор ижтимоий аҳамиятга молик хислат ва хусусиятларининг кўриниши жиҳатидан қарашибозимлигини уқтирадилар. Ижтимоий муҳит шахснинг асосий ижтимоий функцияларини белгилайди.

Ўсмирлик даври ўзига хос ижтимоий турархни ташкил этади. У хаёт, меҳнат ва тажрибаларнинг муҳим шарти, ижтимоий хулқ ва психологияси, ўналангашканликнинг муҳим тизими сифатида гавсиф қилинади. Ўсмирлик жисмоний етуклик даври хисобланади. Бу даврда организмнинг тез ўсиши ва ривожланиши тугалланади, жисмоний ривожланишининг нисбий турғун даври бошланади. Ўсмирлик даврида гавданинг ўсиши секишишади, сезиларли даражада мускул кучлари ва иш қобилияти ошади, кўкрак қафаси кенгаяди, скелетнинг қотиши тугалланади, тўқималар ва органлар шаклланади ва функционал ривожланади.

Ўсмирлик даврида инсоннинг ҳаёт ва меҳнат фаолияти белгилаб олинади, уни мустакил меҳнат фаолиятга бўлган тўлақонли қобилиятли қиласидаги психик, гоявий ва фуқаролик стуклик даражасига эришади.

Ўсмирлар ва қизлар шахси ўзлари ўрини эталлай бошлаганди жамият, жамоа, ижтимоий муносабатлар тизимидағи янги муҳит таъсирида қарор топади.

Ўсмирлик давридаги асосий фаолият тури ўрганиш, таълим олиш, ишлаб чиқариш меҳнатидир. Бу жараёнда ўсмирлар ва қизларнинг аклий ривожланишида характерли ўзгаришлар юз беради, меҳнат ва ўрганишга бўлган онгли муносабат ҳам ошади, келгусидаги меҳнат фаолиятида олинган билим, малака ва кўникмалар унда тўлақонли қатнашиш учун зарур шартлардан бири деган онглилик шаклланади.

Ўсмирлик ёши учун қизиқишининг кенглиги ва турли - туманилиги ҳам характерлидир. Билишга бўлган қизиқишлар кенг, барқарор ва шижаотли тус олади. Билиш фаолиятига қаратилган ва у билан боғланган ўқиш, мутолаа қилишга қизиқиш ривожланади, ишда фикрни жамлаш малакаси, мантикий эслаб қолишнинг турли усусларидан фойдаланиш шаклланади. Ақлий ишлар характери ўзгаради. Ақлий фаолият нисбатан фаол, мустакил ва ижодий характер олади.

Фикрлаш фаолияти - умумлаштириш ва абстракциялашнинг олий даражасига кўтарилади, ходисаларнинг сабабий боғланишлари йўналишини оширади, унда ахволни асослаш ва исботлаш малакаси шаклланади, фикрлашда танқицийлик ривожланади. Фикрлаш фаолиятининг ривожланиши назарий тафаккурнинг шаклланишига, табиат ва жамиятнинг умумий қонунларини билишга, фалсафий категорияларни ўзлаштиришга бўлган қобилиятнинг шаклланишига омил бўлади.

Ўсмирлик ёшидаги психик ривожланишининг асосий хислатларидан бири дунёкарашнинг шаклланишидир, шунингдек, турли билим

соҳалари ва фаолиятининг ҳар хил турларида ижоднинг ривожланиши ҳам ажралиб туради.

Ўсмирлик даври ҳаётнин ҳилма-хил жиҳатларига бўлган ҳиссий ва эмоционал муносабатларнинг бойлиги ва ранг-баранглиги билан ҳам характерлидир.

В.Г.Крыско назариясига кўра, ўсмирлик даври психик ривожланишининг асосий йўналишлари кўйицагилардан иборат:

- атроф-муҳитга эркин, онгли муносабатда бўлиш;
- бош мия фаолиятининг эмоционал - иродавий доирасининг мураккаблашуви;
- воказилклинг абстракт-логик тушунилиши;
- шахс фаолиятини бирин-кетин интеллектуаллаштириш;
- ижтимоний ва касбий муҳитта мослашиш.

Ўсмирлик даври хусусиятлари таҳлилида фаолиятга алоҳида аҳамият берилади.

Фаолият деб ипсоннинг эҳтиёжлари ва қизиқишларини қондиришга қаратилган хатти-харакатлари йигиндисига айтилади.

Социологлар, фаолият ўрганиб уни қўйицаги асосий грухларга ажратасилар: ижтимоий харАктерли, мақсадга йўналтаплик, режалилик, давомийлик.

Психология фаолиятининг ўйин, ўрганиш, меҳнат турларини қайд килади.

Ўйин - шартли вазиятларда ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга қаратилган фаолият тури.

Ўрганиш - бу меҳнат фаолиятини бажариш учун зарур бўлган билим, малака ва кўникумларни мунтазам эгаллаш жараёнишdir.

Меҳнат - ипсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирувчи ижтимоий фойдали маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолиятдир.

Социологлар фаолиятининг қўйицаги асосий грухларини ажратасилар: *ижтимоий характер, мақсадга мувофиқлик, режалилик, изчиллик*.

Ўсмирлик даври фаолиятининг ижтимоий характеристери щундаки, улар бу даврда жамият тарихий ривожлациши, ижтимоний меҳнат жараёнида эришилган барча билимларни ўзларининг саъй-харакатлари билан ўзлаштирадилар ва такомиллаштирадилар.

Фаолиятнинг мақсадга мувофиқлиги ўзининг асосий мақсади касбий билим, малака ва кўникумларни эгаллаш учун онгли ва мунтазам интилишини билдиради.

Фаолиятнинг режалилиги эса бу даврдаги барча саъй-харакатлар шундай тизимга эга бўладики, унда улар ўзаро боғланган, маълум бир тартибда жойлашган, мувофиқ равишда режа асосига қурилган бўлади.

Фаолиятнинг изчиллиги доимий равишда маълум бир вакт жадвали асосида, касбий фаолиятга тайёрлашдан иборатдир.

Шахс фаолиятида унинг йўналганлиги муҳим ўрин эгаллайди. Психологларнинг аниқлашларича, шахснинг йўналганлиги бу шундай психик хислатки, унда эҳтиёжлар, мотивлар, дунёқараш, йўл-йўрик, ҳаёт ва фаолият мақсадлари ифодаланади.

Шахснинг йўналғанлилиги тузилмасидаги талабаларнинг асосий эҳтиёжлари билимлар, касбий малака ва кўникмаларни эгаллаш билан характерланади.

Ўсмирлик даври эҳтиёжлари доим ўсиб бориш характерига эга. Улар нафакат ўкув фаолиятини, балки маънавий ва моддий ҳаётни камраб олади. Бундан келиб чиқадиган зиддиятлар талаба шахснинг характератта келтирувчи кучлари бўлиб хизмат килади.

Мотивлар - бу ички кучлар бўлиб, эҳтиёжлар билан бояланган ва у шахсни белгили фаолиятга унчайди.

Ўсмирлик даврининг йўл-йўриқлари у ёки бу фаолият турини амалга оширишининг ички шайлигидан иборатдир.

Мақсад шахс учун аҳамиятли бўлган предметлар, ҳодисалар, вазифалар ва объектларга етишиш билан характерланади.

Шахснинг дунёкараши табиат, жамият, инсониятга бўлган эътиқодлари, илмий карашлари асосида юзага келган тизимлар. Дунёкараш шахснинг ботиний ҳолати, ҳаёт максадлари, қизиқишилари, муносабатлари, тутган мавқелари билан беляланади.

Демак, ўсмирлик шахснинг шаклланишида муҳим давр ҳисобланади.

Ўсмирлар ва қизлар ҳаёти ҳамда фаолиятининг янги шароити, уларнинг фаол ўкув ижтимоий, меҳнат фаолиятлари бўлғуси мутахассис шахсининг шаклланишида ўз таъсирини ўтказади. Назарий билимларнинг ошибб, мулоқот доирасининг кенгайиб, турмуш тажрибалирнинг бойиб бориши дунёкарашнинг шаклланишига таъсир этади.

2.3. Талабанинг ақлий фаолияти хусусиятлари

Педагогика назариясида ақлий тарбия шахсни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг муҳим жиҳати сифатида белгиланади. Унинг моҳияти шундаки, интеллектуал фаолиятга қизиқиши ўйғотиш, билимлар билан қуролланиш, уларни кўлга киритиш ва амалиётда қўллаш методлари, ақлий меҳнат маданиятни жорий қилиш орқали ақл ва билиш қобилиятларига раҳбарлик қилишдир.

Педагогика ва психологияга оид тадқиқотларда ақлий тарбия муаммолини тушуниш бўйича икки муҳим концепция мавжуд.

Унадан бири ўқитиш жараёнида кишилар томонидан тўшланган ва бир тизимга келтирилган билимларни эгаллашдан иборатдир. Бу караш Платон давридан бошлаб аксарият фалсафа ва педагогика намояндалари томонидан ривожлантирилган (Я.А.Коменский, Дж. Локк, И.Ф.Герберт ва б.) Бу концепция намояндалари ақлий тарбияни белгилашда инсониятнинг ижтимоий тажрибасига асосландилар. Бу эса сўзсиз шу концепциянинг ижобий жиҳати эди, лекин бу концепцияда таълим олувчишарнинг имкониятлари, сўровлари, қизиқишилари ҳисобга олинмаган эди.

Бошқа концепция тарафдорлари (Ж.Ж.Руссо ва унинг издошлиари) боланинг ақли ҳаммасидан аввал унинг ўз табиий фаолиятида ривожланади деган қоидага асосланадилар. Таълим олувчига ишлаш, ҳаракат қилиш, мустакил бўлишга тўла имконият яратилиши зарур. Бунда фан иккинчи навбатга суриб қўйилган. Бу концепция ижобий ва салбий жиҳатларга эга.

Фаол мустақил фаолият жараёнида ақлий тарбия түғрисидаги ғоя ижобийдир, бирок унга ягона коида сифатида қарашнинг ўзи етарли эмас. Фанда тўпланган ва инсониятнинг тизимга туширилган тажрибалирини инкор этиб бўймайди.

Прагматика назариёси тарафдорлари тизимга туширилган билимларни ўзлаштириши концепциясини қаттиқ танқид остига олдилар. Дж.Дьюи таъкидлайдик, мактабдаги шахс ривожланиши, ҳаётини тажрибаси ўрганилиши лозим бўлиган ва тизимли билимлар доирасини белгилайдиган ўкув дастурларига бўйсундирилган, зоро улар ўлик, механик ва формал машбалардир. У "мактаб фанлари"нинг анъанавийлидан воз кечишни таклиф қиласи ва ўқитишга "сунъий жараён" нинг киритилишини таълаб қиласи.

Ақлий тарбияни ривожлантириш жараёнида бу концепцияни бойитнишга харакат қилипган. К.Д.Ушинский ақлни ҳам формал, ҳам реал ривожлантириш мумкин деб ҳисоблайди.

Демак, турлича ёпишувлар, ақлий ривожланишига бўлиган амалдаги муносабатлар билан зич алоқада деб қарашга имконият беради.

Шахснинг амалдаги муносабатлари деганда унинг табиат, жамият ва жамоа, саиъатга бўлиган муносабати тушунилади. Бу муносабатларда инсониятнинг кўн асрлар тажрибасида тўпланган ва тизимга туширилган илм-фанини эгалаш катта аҳамиятга моликдир.

Бунда факат билимларни эгалашга эришишгина эмас, балки уларнинг моҳиятига чукур кириб бориш, уларни эгаллаш ҳамда қўллаш методларини ўрганиш, билимларни эътиқодга, фикрлаш ва фаолиятни куролига айлантириши ҳам зарур.

Ақлий ривожланиш билимларни ўзлаштиришнинг фақат ҳажми ва сифати эмас, балки фикрлаш жараёни тузилмаси, мантикий иш юритиш ва ақлий харакатларнинг бойлиги, ҳамда уни тўғри қўллаш билан ҳам белгиланди.

Ақлий тарбиянинг умумий шарти кен камровли фаолиятдир. Фаолиятнинг характеристи ҳам мухим аҳамиятта молик. Ўзи асосланадиган илмий асосларнинг кенгайиши жараёнида ақлий ривожланиш интенсивлашади. Бунга фаолиятсиз ҳолат ва мақсадсиз вакт ўтказиш зил туради. У интеллектуал ожизликни, қолокликини юзага келтиради.

Ақлий ривожланишининг асосий жараёилари Л.С.Вигодский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Н.А.Менчинская, Л.В.Запков, М.А.Данилов, Б.П.Есицов, М.Н.Скаткин таъсикотларида ёритиб берилган. Уларда ақлий ривожланиш ўрганиш, меҳнат, ўйин, ҳаётини вазиятларда такомишашиб борувчи тўхтовсиз жараён эканлиги таъкидланади.

Ақлий ривожланиш, билимларни фаол ўзлаштириш ва ижодий қўллаш жараёнида жуда интенсив юз беради.

Ақлий ривожланишининг характеристи хислатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- атроф-мухитта фаол муносабатда бўлиш;
- ўзига маълумлар чегарасидан чиқишига интилиши;
- назарий ва амалний мақсадларда билимларини ошириш ва уларни ижодий қўллашнинг доимий заруряти;

- кузатувчанлик, ҳодисалар ва фактларнинг энг моҳиятли жиҳатларини ва алоқаларни ажратади олиш қобилияти;
- муаммоларни рационал ҳал қилиш учун зарур бўлган вазифалар ва воситалар ўртасидаги алоқаларни таъминловчи харакатлар ва изланнишларнинг изчиллиги;
- ишцаги аниклилик ва натижаларни кўлга киритищдаги ишончлиликни таъминловчи интизомлилик;
- аклий қенглик - бу аклий фаолият ва хотира ривожи изчиллигига асосланган ҳосила сифатдир;
- қенг илмий ахборотларга асосланниш қобилияти;
- қенг илмий уфқ, техник ва компьютер воситаларидан фойдаланиш малакаси;
- реал воқелик жараёнларини тўхтовсиз акс эттирувчи тушунчаларни ўзлаштириш ва фойдаланишга мойиллик;
- аклий фаолиятининг динамиклиги;
- мустақиллилик ва ижодий характер.

Ривожланган ақлнинг энг олий шакли ижодий тафаккурдир. У инсоннинг билиш босқичи ва обьектив воқеликни ажет эттириш жараённинг олий шаклидир. Ижодий тафаккур фаолликнинг ва кишининг мустақил фаолиятининг олий шакли сифатида ижтимоий аҳамият ва бетакрорлик қасб этади. У ижодий жавоб талаб клининг масаланинг қўйилиши; муаммони кўра олиши; олдиндан кўйилган гипотеза ва масалани счиш ўйлари ва усусларини аниқлаш учун зарур бўлган билимларни сафарбар қилиш; маҳсус кузатувлар ва экспериментлар, тунигланған фикрларни ифодалашни акс эттиради.

Ривожланган ақл учун кузатиб борилган фактлар негизида шароитни синчиклаб таҳлил қилиш ва мантикий асосланган синтездан иборат мантикий тафаккур ҳосдир.

Г.Селевконинг таъкидлашича, тафаккур атроф-муҳитдаги обьектлар ва ҳодисалар, улар орасидаги боғланишлар, ҳайтий мухим вазифаларни счиш, номатлумни ахтариш, келажакни кўра олишдаги инсоннинг билиш жараёнларини билдиради. Г. Селевко томонидан тавсия этилган аклий фаолият таснифи қўйидагилардан иборат:

- фикрлаш воситалари характеристига кўра: предметли, ҳаракатли, кўргазмали, образли, абстракт, ҳиссий;
- мантикий схема жараённинг кўра: киёс, таҳлил, абстракциялаш, умумлаштириш, синтез, тасниф, инструкция, дедукция, инверсия, рефлексия, антиципация, гипотеза, эксперимент ва б.;
- натижа шаклига кўра: янги намуна яратиш, тушунчани аниқлаш, ҳукм, хуроса чиқариш, теорема, қонуният, қонун, назария;
- мантикий фикрлаш типига кўра: аклий-ҳиссий ва фахмий-назарий ёки, В.В.Давидов белгилашига кўра, дигалстик-мантикий.

И.С.Якиманская "ўкув ишлари усуслари"ни ишлаб чиққан. Бу тушунча ўрганиш жараённинг самарадорлигини белгилайдиган малака жараённинг оид соҳани ўз ичига олади. Шундан келиб чиққан ҳолда ишларнинг умумтаълим усусларини фарқлайди:

- ўкув фаолиятини режалаштириш малака ва кўнікмаси;

- ўқув фаолиятни ташкил этиш малака ва кўнинмаси;
- ахборотни идрок қилиш малака ва кўнинмаси;
- фикрлаш фаолияти малака ва кўнинмаси;
- ўқув фаолияти натижаларини баҳолаш ва англаш малака ва кўнинмаси.

Талабаларнинг фикрлаш фаолияти жараёнида бош натижада билим, малака ва кўнинмаларнинг шаклланганиниги дидир.

Г.Селевко тавсия этган таснифда билим акс этиш шакли, ёритилишини чегаралаш, билиш соҳаси ва предмети, психологик ва умумлапитириш даражасига кўра ажратиб туради.

Акс этиш чегарасига кўра кўйидагилар фарқланади:

- индивидуал билимлар - воқелик билан ўзаро алоқаси, унинг шахсий тажрибаси, меҳнати ва дунёни билишда юзага келадиган ҳиссий ва аклий тимсоллар ва уларнинг ўзаро боғланишилари йигиниди;
- ижтимоий билимлар - фан, техника, маддий ва маънавий қадрияларда акс этган атроф-муҳит умумлашмалари ҳосиласи ва билиш натижалари.

Акс этиш шаклига кўра кўйидагилар фарқланади:

- инторавий, вербал бинчимлар ёки назарий билимлар;
- образли - ҳиссий органларда идрок қилинган ва тимсолларда тавсия этилган билимлар;
- маддий - меҳнат, санъат предметларида мавжуд бўлган билимлар;
- тадбирний - инсонларнинг жорий фаолиятида қайд қилинган билимлар.

Билиш соҳаси ва предмети бўйича кўйидагилар фарқланади: гуманистар ва аниқ математик фанлар, философа, жонсиз табиат, жамият, техника, санъат.

Психологик даражасига кўра кўйидагилар фарқланади: таниш, тиклаш, тушуниш, кўллан, автоматик харакат қилиш, муносабат ва билим - эҳтиёж.

Умумлаштириш даражасига кўра факт - ҳодисалар, тушунчачартерминлар, алоқа-қонуннятлар, гипотеза - назариялар, методологик бинимлар, баҳолаш билимлари.

Буларнинг барчаси амалиётда синаалган билимларнинг атроф-муҳитни билиш натижалари, унинг инсон онгида хақиқий акс этишидир, дейишга имконият беради.

Малака - мавжуд билимлар асосида ўзгариб турувчи ёки янги шарондада шахснинг муайян фаолиятни самарали бажаришга қаратилган кобилияти сифатида белгиланади.

Кўнинмалар - автоматик тарзда бирор харакатни бажариш қобилияти.

Талабларнинг фикрлаш фаолиятини таҳлил қилиш бу муаммо жуда ҳам мураккаб эканини кўрсатди.

Талабаларнинг аклий ривожланишини аниқлашга ижтимоий аҳамиятли фаолият турларини таҳлил қилиш жараёнида эришилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириклар.

1. Шахс ривожланишининг қандай умумий қонуниятлари бор?
2. Шахс ривожланишини харакатга келтирувчи қандай кучлари мавжуд?
3. Шахс ривожланишининг асосий психологик ва педагогик омиллари.
4. Ижтимоий гурух сифатида талабаликка баҳо беринг:
5. Талабалар психик ривожланишининг асосий йўналишлари деганча нимани тушунасиз?
6. Талаба шахсининг йўналганинги ҳакида сўзлаб беринг:
7. Талабаларнинг аклий фаолияти хусусиятлари қандай изоҳланади?

АДАБИЁТЛАР

Конституция Республики Узбекистан. -- Т.: Узбекистон, 1993.

Каримов И. Узбекистан на пороге XXI века. -- Т.: Узбекистон, 1997.

Каримов И. Узбекистан, устремленный в XXI век. -- Т.: Узбекистон, 1999.

Аль-Кинди. Трактат о количестве книг Аристотеля и о том, что необходимо для усвоения философии. О первой философии. Книга о пяти существах. Объяснение первой действующей причины возникновения и уничтожения. Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIV вв.- М.: Соцэктиз, 1961.

Аль-Фараби Абу Наср. Трактат о разуме/ Инв №2385/XVIII. Лл. с. 406.

Аль-Фараби. Математические трактаты / Пер. с араб. и вступительная статья Б.А. Розенфельда и А. Кубасова. - Алма-Ата: Наука, 1972.

Беруни Абу-Райхан Мухаммад ибн Ахмед. Собрание сведений для знания драгоценностей (Минералогия) / Пер. с араб. А.М. Беленицкого. - Л., 1963.

Беруни Абу-Райхан. Канон Масъуда / Пер. с араб. и вступительная статья П.Г. Булгакова и Б.А. Розенфельда // Изб. произведения. - Т. V.-Т.: Фан, 1973-1976.

Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. - Т., 1997.

Громкова М.Т. Если вы – преподаватель. - М., 1998.

Громкова М.Т. Педагогические основы образования взрослых. - М.: Изд. МСХА, 1993.

Ибн Сина. Даниш-намэ / Пер. с араб. и вступительная статья А.М. Богоутдинова. - Сталинабад: Таджикгосиздат, 1957.

Игамова М.И. Активизация учения школьников. - М., 1982.

Кабус-намэ / Пер. с араб., статья и прим. Е.Э. Бертельса., 2-е изд. - М., 1958.

Крысько В.Г. Психология и педагогика в схемах и таблицах. - Минск: Харвест, 1999.

Леднев В.С. Содержание образования. - М., 1989.

Лернер И.Я. Процесс обучения и его закономерности. - М., 1980.

Омар Хайям. Трактаты / Пер. с араб. и вступительная статья Б.А. Розенфельда. - М.: ВЛ, 1961.

Педагогика: педагогические теории, системы, технологии. - М.: Академия, 1999.

Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. 2-е изд. - М.: Педагогика, 1976.

Тлиашев Х.Х. Общепедагогические и диактические идеи ученых-энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока эпохи средневековья. - Т.: Фан, 1989.

Талызина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. - М., 1975.

Щукина Г.И. Активизация познавательной деятельности учащихся в учебном процессе. - М., 1979.

III боб. Олий мактаб ўқитувчининг инновацион фаолияти

Хозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш - инновацион педагогикани майдонига олиб чиқди. "Инновацион педагогика" термини ва унга хос бўлган тадқиқотлар Фарбий Европа ва АҚШла, 60-йилларда пайдо бўлди. Инновацион фаолият Ф.Н. Гоноболин, С.М. Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, В.А. Сластенин, А.И.Шчербаков ишларида тадқик этилган. Бу тадқиқотларда инновацион фаолият амалиёти ва илғор педагогик тажрибаларни кенг ёйиш нуктаи назардан ёритилган.

Х.Барнет, Дж. Бассет, Д. Гамильтон, Н.Гросс, Р. Карлсон, М. Майлз, А.Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем ишларида инновацион жараёнларни бошқариш, таълимдаги ўзгаришларни ташкил этиш, инновациянинг "ҳаёти ва фаолияти" учун зарур бўлган шарт-шароитлар масалалари таҳлил қилинган.

Янгилик киритишнинг ижтимоий-психологик аспекти американлик инноватик Э.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган. У янгилик киритиш жараёни қатиашчиларининг тоифа(тинг)лари таснифини, унинг янгиликка бўлган муносабатини, уни идрок қилишга шайлигини тадқик этади.

Олий мактаб ўқитувчининг инновацион фаолияти олий мактаб педагогикасининг бош муаммоларидан биридир.

Шу жиҳатдан ушбу бобда олий мактаб ўқитувчи инновацион фаолиятининг шаклланиш концепцияси, инновациянинг ижтимоий-маданий ва ҳаёт фаолияти аспектлари ҳақида баҳс юритилади.

3.1. Инновацион фаолиятининг назарий омиллари

Инновация (инглизча innovation) - янгилик киритиш, янгиликдир.

А.И. Пригожин инновация деганда, *муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жамият, туругҳа янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсаға мувоғик ўзгаришларни тушупади. Бу инноватор фаолияти*дир.

Тадқиқотчилар (А.И. Пригожин, Б.В. Сазонов, В.С. Толстой, А.Г.Кругликов, А.С.Ахиезер, Н.П.Степанов ва бошқалар) инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: *янгиликнинг иницивијал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларни ўзаро таъсирининг микросатҳи*.

Биринчи ёндашувда, ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади.

Иккинчи ёндашувда, алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашидир.

Олимлар инновацион жараён микротузилмасини таҳлил килишда ҳаётнинг даврийлиги концепциясини фарқлайдилар.

Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади.

Педагогикага оид азабиётларда инновация жараённинг схемаси берилади. У куйидаги босқичларни қамраб олади:

1. Янги ғоя түгилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.
2. Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи.
3. Яратилган янгиликни амалда қўллай билиш босқичи.
4. Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиш босқичи.
5. Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара бералиган муқобили пайдо бўлади.
6. Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланниш доирасини кисқартирниш босқичи.
7. В.А. Сластенин янгилик киритишини мақсадга мувофиқ йўналинилган янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёни мажмуи, унинг мақсади ишончларнинг эҳтиёжи ва интилишларини янги воситалар билан кондириш деб билади.

Янгилик киритишининг тизимли концепцияси муаллифлари (А.И. Пригожин, Б.В. Сазонов, В.С. Толстой) инновацион жараёнларнинг икки муҳим шаклини фарқлайдилар.

Биринчи шаклига, янгилик киритишини оддий ишлаб чиқиш киритилди. Бу илк бор маҳсулот ўзлаштирган ташкилотларга таалуклидир.

Иккинчи шаклига, янгиликни кенг кўламда ишлаб чиқиш таалуклидир.

Янгилик киритиши ҳам ички мантиқ, ҳам вақтта нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-мухитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир.

Педагогик инновацияда "янги" тушунчаси марказий ўрин тутади. Шунингдек, педагогик фанда хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйготади.

Хусусий янгилик В.А. Сластенинини аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирин янгилашини кўзда тутади.

Мураккаб ва прогрессив янгиланишга олиб келувчи маълум учурларнинг йигинидиси шартли янгилик ҳисобланади.

Маҳаллий янгилик аник объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

Субъектив янгилик маълум объект учун объектнинг ўзи янги булиши билан белгиланади.

Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари фарқланади. Янгилик - бу восита: янги метод, методика, технология ва бошқалар.

«Инновация» - бу таълим: маълум босқичлар бўйича ривожланадиган жараён.

В.И. Загвязинский янги тушунчасига таъриф бераб, педагогикада янги факатгина бу ғоя эмас, балки ҳали фойдаланилмаган ёндашувлар, методлар, технологияларлар, лекин бу педагогик жараённинг унсурлари мажмуан ёки алоҳида олинган унсурлар бўлиб, ўзгариб ту-

рұвчи вазиятда ва шароитда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этишнинг илғор бошланмаларини ўзида акс эттиради.

Р.Н.Юсуфбекова педагогик янгиликка ўқитиши ва тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва аввал қайд қилинмаган ҳолат, натижада ривожланиб борувчи назария ва амалиётта элтувчи педагогик воқеликнинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни сифатида қарайди.

Педагогик инновациядаги Р.Н.Юсуфбекова *инновацион жараён тузылмасининг уч блокини фарклайди:*

Биринчи блок - педагогикадаги янгини ажратиш блоки. Бунга педагогикадаги янги, педагогик янгиликнинг таснифи, янгини яратиш шарт-шароити, янгиликнинг меъёрлари, уни ўзлаштириш ва фойдаланишта тайёрлиги, анъана ва новаторлик, педагогикадаги янгини яратиш босқичлари киради.

Иккинчи блок - янгини идрок қилиш, ўзлаштириш ва баҳолаш блоки: педагогик ҳамжамиятлар, янгини баҳолаш ва уни ўзлаштириш жараёниларининг ранг-баранглиги, педагогикадаги консерваторлик ва новаторлик, инновация мухити, педагогик жамиятларнинг янгини идрок этиш ва баҳолашга тайёрлиги.

Учинчи блок - янгидан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки, яъни янгини тадбик, этиш, фойдаланиш ва кенг жорий этиш қонуниятлари ва турларицир. М.М.Поташникнинг инновация жараёнилари талқинлари киши эътиборини ўзига тортади. У инновация жараёнинг күйидаги тузилмасини беради:

- *фаолият тузилмаси - мотив - максад - вазифа - мазмун - шакъ - методијар - методика компонентлари йиннищиси;*
- *субъектив тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;*
- *сатҳий тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;*
- *мазмун тузилмаси - ўқув-тарбиявий ишлар, бошқарув (ва б.)да янгиликнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқилиши ва ўзлаштирилиши;*
- *босқичлиларка асосланган ҳаёт даврийлик тузилмаси - янгиликнинг пайдо бўлиши - илдам ўсиш - етуклик - ўзлаштириш - диффузия (синигиб кетиш, тарқалиш) - бойиш (тўйинниш) - қолоклик - ишқироз - иррациация(алданиш) - замонавийлаштириш;*
- *бошқарув тузилмаси - бошқарув ҳаракатларининг 4 та турининг ўзаро алоқаси: режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик килиши, назорат қилиш;*
- *ташкилий тузилма - диагностик, олдинцан кўра билниш, софт ташкилий, амалий, умумлаштирувчи, татбиқ этувчи.*

Инновация жараёни, таркибий тузилмалар ва қонуниятларни қамраб олган тизимдан иборатдир.

Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараёни кечишининг 4 та асосий қонунияти фарқланади:

- *педагогик инновация мухитининг аёвсиз бемаромлик қонуни;*
- *ниҳоят амалга ошиш қонуни;*

- қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни;
- педагогик инновациянинг даврий тақрорланиши ва қайтиши қонуни;

Аёвсиз бемаромлик қонунида педагогик жараён ва ҳодисалар түгрисидаги яхлит тасаввурлар бузилади, педагогик онг бўлинади, педагогик янгилик баҳоланади ва у янгиликининг аҳамияти ва қимматини кенг ёяди.

Нихоят амалга ошиш қонуни янгиликининг ҳаётйлиги бўлиб, у эрта ё кеч, стихияни ёки онгли равишда амалга ошади.

Колиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни шундан иборатки, унча педагогик инновация фикрлашни бир колини тушириш ва амалий ҳаракатга ўтиш тенденциясига эга бўлади. Бундай ҳолатда педагогик Колип (стереотип) қолоқликка, бошқа янгиликларнинг амалга ошиш йўлига тўсик бўлишга мажбур бўлади.

Педагогик инновациянинг даврий тақрорланиши ва қайтиши қонунининг моҳияти шундаки, унда янгилик янги шароитларда қайта тикланади.

Педагогик инновация тадқиқотчилари инновация жараёнининг икки тишини фарқлайдилар:

Инновациянинг биринчи тиши стихияни ўгади, яъни инновацион жараёнда унга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уни амалга оширишнинг барча шарт шароитлари тизими, усуулари ва йўлларига онгли муносабат бўлмайди.

Инновациянинг иккинчи типи онгли, мақсадга мувофик, илмий асосланган фаолият маҳсулидир.

Олий мактабдаги инновацион жараёнлар В.А.Сластенин, М.М.Левина, М.Я.Вилепский ва бошқалар томонидан тадқик килинган.

Олий мактаб инновацион жараёнлари негизида қўйидаги ёндашувларни белгилаш мумкин:

- маҳданиятшунослик жиҳатидан (инсонни билинининг устувор ривожланиши) ёндашув;
- шахсий фаолият жиҳатидан (таълимдаги янги технологиялар) ёндашув;
- кўп субъектли (дигалогик) ёндашув, касбий тайёргарликни инсонпарварлаштириш;
- индивидуал - ижодий (ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро муносабатлари) ёндашув.

Олий мактабда инновацион фаолиятининг субъекти ўқитувчи, унинг шахсий имконияти ҳисобланади. Бунда ўқитувчи шахсининг ижтимоий-маҳдий, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари юксак аҳамиятга молик бўлади.

С.М.Годнининг ишларида талабанинг шахсий хислатлари педагогик жараёнининг субъекти сифатида ёритилади. Унга қўйидагиларни киритади: ўқитувчининг хозирги ва келгуси босқичлари учун қабул килинган ўкув - тарбия жараёнининг мақсади, вазифаси ва кўрсатмалари инглай билиш; интеллектуал меҳнатнинг янги тадбирларини эгаллаш; мақсадга мувофик касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таҳсил олиш, қийинчиликларни аъло даражада енга билиш, ўсиш ва мустаҳкам ўрин эгаллашнинг кенгайиб бораётган интеллектуал ва касбий

имкониятлари, истиқболлари билан қоникиш, ўзининг ижтимоий роли функциясини бажаришида фаол муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Инновацион педагогик жараённинг мухим унсурлари *шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини- ўзи сафарбар кила олиши хисобланади*. Унинг энг мухим йўналишларидан бири талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш.

Бундай йўналиш талабаларнинг ўкув ишларини фаоллаштириш, уларнинг касбий ихтисослашишини аниқлаб олиш фаоллигини ўз ичиға олади.

Таянч йўналишлар - таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви, уларнинг ўзаро алоқаларида янги тамойилларга ўтиш.

Шундай килиб, инновацион фаолият омиллари назарияси таҳлили унинг энг мухим йўналиши *гуманистик аксиология* экан деган хуносага олиб келади.

Инновацион фаолиятта, аксиологик ёндашув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига баҳдида қилиши, у томонидан яратилган педагогик қадриятларни англатади.

Аксиология инсонга олий қадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан-бир мақсади сифатида қарайди.

3.2. Ўқитувчининг инновацион фаолияти тузиљмаси

Ўқитувчининг инновацион фаолиятига яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият натижаси сифатида қаралади.

В.А.Сластенин ўқитувчининг инновацион фаолиятини тузишда унга акмеологик жиҳатдан ёндашади.

Акмеология (акме) - юнонча олий нукта, ўткир, гулиаган, етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

Б.Г. Аナンьев, Н.В.Кузьмина, А.А.Деркач ва бошқалар қасбий фаолиятнинг самарасини ошириш билан боғлиқ бўлган инсон ҳаётининг энг ижодий даврлари, етуклик босқичлари тўғрисида фикр юритадилар. Улар етук инсонларнинг профессионализми, шахс ривожланишининг гулиаган давридаги психик қонуниятлари, профессионализмга етицидаги баландликлардан ўта олиш масалалари билан шугулланганлар.

В.А.Сластенин акмеологиянинг юксак профессионализмга, мутахассиснинг узоқ ижодий умр кўришига олиб келадиган субъектив ва объектив омилларини асослаб берди. Объектив омилларга олинган таълимнинг сифатини, субъектив омилларга эса инсоннинг истеъоди ва қобилиятини, ишлаб чиқариш вазифаларини самарали ҳал кила олишицаги масъулияти, мутахассисларга ёндашувини киритади.

Юксак профессионализмга эришишнинг омиллари сифатида куйидагилар кўрсатилади:

- *истеъодод нишоналари;*
- *уқувлилик;*
- *қобилият;*
- *истеъодод;*

- оила тарбияси шароити;
- ўкув юрти;
- ўз хатти-харакати.

Акмеология илмий нұқтаи назардан профессионализм ва ижод мұносабатида олиб қаралади. Бунда күйидеги категориялар фарқланады:

- ижодий индивидуаллук;
- ўзининг ўсиш ва такомиллашиш жарабәни;
- ўз имкониятларини амалға ошириш сифатидаги креатив таж-рибаси.

Үқитувчининг ижодий индивидуаллуги күйидегилардан иборат:

- интеллектуал - ижодий ташаббус;
- билимлар көнгілігі ва чуқурлар интеллектуал қобиляти;
- зияннаттарга нисбатан хүшерлік, ижодға тәнкиций ёңшашув, вұжудан яратуучилікта қурашчанчик қобиляти;
- ахбороттарға ташначик, муаммолардаги гайры одатийдикка ва янгиликка бұлған ҳис-түйгү, профессионализм, билиншта бұлған чап-қоклик (Н.В.Вишневская).

В.А.Сластенин ижодий индивидуализмии рүёбға чикаришнинг асосий вазифаларини күйидегиша белгилдейді:

- ижтимои моҳият қасб эттән маданиятни бойнити;
- педагогик жарабәни ва шахс билимларини янгилаң түриш;
- самарали ва ахамиятты мөйөрларин белгилайдынган янги технологияларни топниш;
- шахснинг ўз тәқдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи намоён қила очиши асосида ўз ривожланишини таъминлаш;

Шу тариқа үқитувчининг ижодий индивидуаллугини шактлантириш шахс ривожланиши ва янтизанишининг динамик инновацион жарабәни сифатида тушупнелди.

Ижодий индивидуаллукни характерлайдыған, самарали ўз-ўзини аңглашы күйидегилардың ўз ичига қарыншылар олады: ўзини бошқаларға қиёс килиш асосида ўз шахснини бетакрор эканлығын аңғылай олиши; ўзи түғрисидеги креатив күрінішлар ва тасаввурлар түпшами; индивидуал креатив ўзига хосликлариниң бир бутушилиги ва үйғунлік, ички бирлиги; шахснинг ўз ривожланишидеги динамикалық ва доимийлік жарабәни ва уннинг ижодкор сифатида шактланиши; шахс ўзини намоён қила олиши ва ўзининг муайян ишшарни амалға оширишга тайёр тұрғалығы; ижодкор сифатида ўзини бағында қила олиши ва шахсий хамда ижтимои вазияттарда ўзининг үрнини англай олиши (В.А.Сластенин).

Инновациян фаолият түзілмаси таҳлилида акмеологик ёңшашув үқитувчининг қасбий мағорати чүққыларында әрішувида уннинг шахси ривожланиш қонуниятларини очиши имконини беради.

Үқитувчи инновациян фаолияттандырылғандағы энг мұхим тавсифи креативистлер.

Креативлик термини антилопа-америка психологиясында, 60-жылдарда пайда болды. У индивидуаллук янги түшүнчә яратиши ва янги күнікмалар хосил қилиш қобиляти, хислатини билдиради.

Ж.Гилфорд креативликни тавсифлайдиган қатор индивидуал қобиляттарни күрсатади:

- *фикрининг равонлиги;*
- *фикрии максадга мувофиқ йўллай олиши;*
- *ўзига хослик (оригиналлик);*
- *кизиқувчанлик;*
- *фаразлар яратиш қобилияти;*
- *хаёл кила олиш, фантастлик (фантазия.)*

М.Н.Гнатько креативликни кишининг ижодий имконияти, ижтимоий - ижодий фаолликни намоён кила олиши қобилияти билан индивидларининг қандайдир маҳусе хислати деб карайди.

Ижод тушунчасини белгилашда у жараён – натижа тавсифидан, креативликни белгилашда эса субъект – шартлийк тавсифидан фойдаланади.

Ижод мезонлари, унинг психологик механизмлари, ижодий тафаккурининг ривожланиш техникаси В.А.Кан-Калик, Я.А.Пономарев, С.Ю.Степанов, Т.В.Фролов ва бошқаларининг ишларида тадқиқ этилган.

Д.Б. Богоявленская ишларида ижод таҳлили бирликлари белгилаб берилган. Бундай бирлик сифатида муаллиф интеллектуал фаолликни кўрсатади ҳамда унинг учта босқичини ажратади:

- *рағбатлантиришнинг самарали ёки сусткашлиқ босқичи. Шахснинг бу босқичига унга ташқаридан берилган вазифаларни ташаббусиз қабул килиши характерини:*
 - *интеллектуал фаолликнинг эвристик босқичи. Бу босқичда ўз фаолияти таркиби ва тузилмасини таҳлил қилиш давом этади, янгилик очиш, оқилона ҳал қилишга имконият берадиган айрим вазифалар киёсланади;*
 - *интеллектуал фаолликнинг креатив босқичи. Бу босқичда қўлига киритилган эмпирик қонунлар келуси тадқиқотлар учун мақсад бўлиб колади.*

Рағбатлантирувчи, самарали ва эвристик босқичга колоқ (экстенсив) аклий фаолият, креатив босқичга ингеллектуал фаолият хосдир.

Н.М. Гнатько креативлик механизмларни куйидаги бўлимларга бўлиб ўрганишни таклиф этади:

- *потенциал креативлик;*
- *фаолиятдаги креативлик.*

Потенциал креативлик Н.М Гнатъконинг фикрича, муайян ташқи шароитларда фаол креативликка айланишига назарий тайёр шаклда намоён бўладиган индивидиумнинг потенциал жойлашишини англатувчи креатив фаолиятдир. Потенциал креативлик ижоднинг зарурий субъектив шартидир.

Фаолиятдаги креативлик - фаолиятнинг бирор турида ижодий фаоллик кўрсатувчининг, бевосита тайёргарлигини таъминлайдиган фаолиятининг у ёки бу тури индивидуал тавсифлари алоқаларини юзага келтиради. Фаол креативлик ижоднинг энг муҳим субъектив шартидир (Н.М.Гнатько).

Тадқиқотлар кўрсатадики, потенциал креативлик амалга ошириш мумкин бўлган креативликдир. Уни фаолиятдаги креативликка ўтказиш

муайян фаолият турини ташувчи (субъект) томонидан унинг ўзлаштирилишида туб ўзгартирислар килиш орқали амалга ошиди.

В.А. Сластенин, Н.М.Гнатъконинг потенциал креативликни мунтазам фаолиятдаги креативликка тақлид килиш асосида ўзгартариб бориши ҳақидаги қарашларига қўшилган холда уни тўлдириб, креативлик тақлид қилиш, нусха олиш йўли билан ривожланади ҳамда тақлид қилиш асосидаги ижод ҳақиқий ижодга олиб келади, деб ҳисоблайдилар.

Ўқитувчи фаолиятидаги креативликнинг бир неча босқичларини белгилаш мумкин:

Биринчи босқичда, тайёр методик тавсияномалар аниқ қилиб кўчирилади; иккинчи босқичда, мавжуд тизимга айрим мосламалар (модификациялар), методик усуллар киритилади; учинчи босқичда, ғояни амалга ошириш мазмунни, методлари, шакли тўла ишлаб чиқиласи; тўртинчи босқичда ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз бетакрор концепцияси ва методикаси яратилади.

Ўқитувчининг инновация фаолияти тузилмасидаги энг муҳим компоненти бу рефлексияндр.

Рефлексия ўқитувчинин ўз онги ва фаолиятини белгилаши ва тахлил қила олиши деб қаралади (ўз фикри ва ҳаракатларига ташқаридан назар. В.А.Сластенин).

Педагогикага оид адабиётларда рефлекстив жараёнларни изоҳлашнинг икки анъанаси мавжудлиги айтилади:

- объектлар мөҳиятини изоҳлашга ва уларни конструкциялашга олиб келадиган онгининг рефлекстив тахлили;
 - шахслараро мулокот мъиносини тушуниши рефлексияси;
- Бу билан боғлиқ равища педагог олимлар кўйидаги рефлекстив жараёнларни фарқлайдилар:
- ўз-ўзини ва бошқаларни тушуниши;
 - ўз-ўзига ва бошқаларга баҳо бериш;
 - ўз-ўзини ва бошқаларни изоҳли тахлил қилиш.

Рефлексия (лотинча *Reflexio*- ортга қайтиш) субъектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида каралади.

Фалсафа ва педагогикага оид адабиётларда рефлексия шахснинг ўз онгидаги ўзгаришларни фикрлаш жараёни деб ёзилади.

Психологик лугатда шундай изоҳ берилади: "Рефлексия - фақат субъектнинг ўз-ўзини билиши ва тушуниши эмас, балки бошқалар унинг шахсий хислатлари, хис килиш туйғуси ва билиш (когнитив) тасаввурларини билиш ҳамда тушунишини аниклаб олишини ҳам англатади.

В.А.Лефевр таъкидлаган эдикси, инсон ўзининг хатти-ҳаракатларига, фикрларига нисбатан кузатувчи, тадқиқ қилувчи бўлиб колмаслиги, балки бошқа персонажлар, уларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганувчи мавқенини эгаллаши ҳам керак.

М.В.Кларин ижодий тафаккур хусусиятларини рефлексия билан боғлайди. Бундай ўзаро алоқаларда рефлексия ўзида хулоса чиқариш, умумлаштириш, аналогия, қиёслаш ва баҳолаш ҳамда муаммоларни эслаш, енга олиш ва ҳал қилишларни бирлаштиради.

В.А.Петровский рефлексия фаолияти тахлилида унинг икки турини фарқлайди:

- ретроспектив;
- проспектив.

В.А.Петровскийнинг аниклашича, ретроспектив рефлексия бу "содир этилган фаолият тарихининг ретроспектив тикланиш шаклидаги рефлексиясицир".

Проспектив рефлексия - бу фаолиятнинг амалга ошишига бўлган талабнинг хукм суриш динамикаси.

С.Ю. Степанов, И.Н. Семенов ишларида интеллектуал ва шахсий рефлексиялар фарқланади. В.В.Давидов ўз тадқиқотларида формал ва мазмун рефлексиясини асослаб берди. И.С.Ладенко аналитик ва синтетик рефлексияни фарқлади.

Демак, ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси мотивацион, креатив, технологик ва рефлектив компонентлардан иборатдир.

Инновацион фаолият тузилмаси ҳақидаги муҳим тизимли тасаввурлар, уларнинг вазифаларини асослаш, уларнинг шаклланганлик меъёрлари ва сатҳлари уларни олий мактаб амалиётига татбиқ этишининг зарур омили ҳисобланади.

3.3. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини шакллантириш шартлари.

Инновационлик педагогик жараённи ифодалаб, нафакат унинг дидактик қурилмасига, балки ўқитувчининг ижтимоий, мөхиятли натижалари ва руҳий қиёфасига ҳам таалуклайдир.

Инновацион очиклик, бошқалар фикриининг тан олинишини билдиради.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти турли хилдаги қарашларнинг тўкнашуви ва ўзаро бойитилиш динамикасида амалга ошишини кўзда туати.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга ўқитувчининг тайинли мулоқоти қарама-қарши фикрларга нисбатан беғараз муносабат, турли ҳоятларда рационал вазиятнинг тан олинишини ўқтиришга тайёрлиги киради. Бунинг натижасида ўқитувчи ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзу (мотив)га эга бўлади.

Ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мавзу (мотив)лари муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўқитувчи шахсининг креативлигини шакллантириш имкониятини беради.

Янгилик киритишнинг муҳим шарти **мулоқотнинг янги вазиятини туғдиришдир.**

Мулоқотнинг янги вазияти - бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавзенини, дунёга, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатни яратади олиш қобилиятидир. Ўқитувчи ўз нутқтаи назарларига ўралашиб қолмайди, у педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали очилиб, мумкаммаллашиб боради. Бундай вазиятларда ўқитувчининг фикрлаш усуслари, аклий маданияти ўзариб боради, хиссий туйгулари ривожланади.

Кейинги шарти - бу ўқитувчининг **маданият ва мулоқотга шайлиги.**

Ўқитувчи инновацион фаолияти воқеликни ўзгартиришга, унинг муаммолари ва усулларини ечишни аниқлашга қаратилғандир.

Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги муроқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларида бириди.

Янги муносабатлар айданаларда бўлганидек, қистовлар, хукмга бўйсуниш каби унсурлардан ҳоли бўлиши лозим. Улар ҳамкорлигининг, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам шаклица курилган бўлиши даркор. Улар муносабатларидағи энг муҳим хусусияти бу ўқитувчи ва талабанинг ижодати ҳамкорлигидир.

Инновацион фаолият куйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- *касбий фаолиятнинг онсли таҳлили;*
- *мельорларга иисбатан танқидий ёндашув;*
- *касбий янгиликларга иисбатан шайлик;*
- *дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиши;*
- *ўз имкониятларини рўёбга чикарни, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш.*

Демак, ўқитувчи янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларни музаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарбиботчиси сифатида намоёни бўлади.

Хозирги жамият, маданият ва таълим тараққиёти шаронтида ўқитувчи инновация фаолиятига бўлган зарурият куйидагилар билан ўлчаниди:

- *ижтимоний-иқтисодий янгилини таълим тизими, методология ва ўкув жараёни технологиясини тубдап янгилашни талаб килади. Бундай шаронтида ўқитувчининг инновация фаолияти педагогик янгиликларни яратниш, ўзлаштириш ва фойдаланишдан иборат бўлади;*
- *таълим мазмунини инсоннарварлаштириш доимо ўқитинининг янги ташкилий шаклларини, технологияларини киширишини тақазо килади;*
- *педагогик янгиликни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишига иисбатан ўқитувчининг муносабатининг характеристиришни ўзгариши.*

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг таҳлили янгилик киртишининг самарадорлигини белгиловчи муайян мельорлардан фойдаланишини талаб килади. Бундай мельорларга - янгилик, мақбулилк (оптимальность), юқори натижалилк, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий кўллаш имкониятлари киради

Янгилик, педагогик янгилик мельори сифатида, ўзида таклиф килинадиган янгини, янгилик даражаси мөхиятини акс эттиради. Педагог олимийян янгиликнинг кўлланиш машҳурлиги даражаси ва соҳасига кўра фарқланадиган мутлок, чегараланган мутлок, шартли, субъектив даражаларини фарқлайдилар.

Мақбулилк мельори ўқитувчи ва талабанинг натижага эришиш учун сарфланган куч ва воситаларини билдиради.

Натижалилк ўқитувчи фаолиятидаги муайян муҳим ижобий натижаларни билдиради.

Педагогик янгилик ўз мөхиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим. Педагогика янгилик дастлаб айрим

ўқитувчиларнинг фаолиятига олиб кирилади. Кейинги босқичда синалгандан ва объектив баҳо олгандан сўнг педагогик янгилик оммавий татбиқ этишга тавсия этилади.

В.А.Сластенин ўтказган тадқиқотлар ўқитувчининг инновацион фаолиятга қасбий тайёргарлигини аниқлаш имкониятларини беради. Улар куйидаги тавсифлардан иборат:

- мўлжалланган янгиликни ялни ва унинг алоҳида босқичлари муваффақиятини башорат килиш;
- келгусида, қайта ишлаш мақсадида янгиликнинг ўзицаги ва уни татбиқ килишдаги камчиликларни аниқлаш;
- янгиликни бошқа инновациялар билан қиёслаш, улардан самарадорларини танлаб олиш, уларнинг энг ахамиятли ва пишиклик даражасини аниқлаш;
- янгиликни татбиқ этишининг муваффақиятлилик даражасини текшириш;
- янгиликни татбиқ этадиган ташкилотнинг инновация қобилиятига баҳо бериш.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил килиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепцияси шакллантириш, узбу режани амалга ошириш ва таҳлил қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади.

Инновацион фаолиятнинг самарадорчиги педагог шахсияти билан белгиланади.

В.А.Сластенин тадқиқотларида ўқитувчининг инновацион фаолиятта бўлган қобилиятларининг асосий хисматлари белгилаб берилган. Унга куйидаги хисматлар тааллукли:

- шахснинг ижодий-мотивацион йўналтанилиги. Бу - кизикувчаник, ижодий кизиқиши; ижодий ютукларга интишиш; пешқадамлиллик интишиш; ўз камолотига интишиш ва бошқалар;
- креативлик. Бу – ҳаёлот (фантастлик), фараз; қолиплардан холи бўлиш, таваккал қилиш, танқиций фикрлаш, баҳо бера олиш қобилияти, ўзича мушоҳада юритиш, рефлексия;
- қасбий фаолиятни баҳолаш. Бу - ижодий фаолият методологиясини эгаилаш қобилияти; педагогик тадқиқот методларини эгаилаш қобилияти; муаллифлик концепцияси фаолият технологиясини яратиш қобилияти, зиддиятни ижодий бартараф қишиш қобилияти; ижодий фаолиятда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилияти ва бошқалар;
- ўқитувчининг иницивидал қобилияти. Бу - ижодий фаолият суръати; шахснинг ижодий фаолиятдаги иш қобилияти; қатънатллик, ўзига ишонч; масъулнаметлиллик, ҳалоллик, ҳақиқатгүйлик, ўзини тута билиш ва бошқалар.

Инновацион фаолият тадқиқотлари ўқитувчининг инновацион фаолиятга ҳозирлиги меъёрларини белгилашга имкон берди (В.А. Сластенин):

- инновацион фаолиятга бўлган заруриятни англаш;
- ижодий фаолиятта жалб қилинишига тайёргарлик;
- шахсий мақсадларни инновацион фаолият билан мослаштириш;

- ижодий мұваффакиятсызликтарни енгішіга тайёр гарлик;
- инновацион фаолиятни ижро этиш учун технологик тайёр гарлик даражасы;

- инновацион фаолияттың касбий мұстакиллікка таъсири;
- касбий рефлексияга бұлған қобиляктар.

Олій мектебдегі инновация жараёнлари харakterи кириллицан яңгиликтер хүсусиятлари, үкітүвчиларның касбий имкониятлари, янилік кирилл ташабускорлари ва иштирокчиларинин инновацион фаолияттары хүсусиятлари білдеңгендер.

Инновацион фаолиятта әңг мұхым масалалардан бири-үкітүвчи шахсилер.

Үкітүвчи новатор сермаңсул ижодий шахс бўлиши, креативликни, кенг камровли қизиқиши ва машғулликни, ички дүнёси бой, педагогик янилікка ўч бўлиши лозим.

Инновацион фаолият асосий таркибий қисметтерден ташкил топади, улар қуйидагилардир:

- Мотивациян, креатив, технологик ва рефлексиян.

Үкітүвчинин инновацион фаолиятта тайёрлаш иккى йўналишда амалга оширилиши лозим:

- яннилікниң ишоре қилишга инновацион тайёр гарликни шакллантириш;
- янгича ҳаракат қила олишга ўргатиш.

Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларниң ўкув-билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Инновация жараёнлари, уларниң функциялари, ривожланиши коңуниятлари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари, бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш олій мектаб ўкув жараёнини замонавий педагогика хамда психология фанндары ютуқлари асосида, жаҳон стапшартлары даражасида ташкил этиши имконини беради.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириклар:

1. Тайлимда "инновацион жараёнлар" терминин нимани айлатады?
2. Инновацион фаолиятдаги акмеологик ёндашувга изоҳ беринг.
3. Инновацион фаолиятдаги "креативлик" деганша сиз нимани тушунасиз?
4. Инновацион фаолият таркибидаги "рефлексия"ни тушунтириб беринг.
5. Инновацион фаолиятни шакллантириш шартларини изоҳлад беринг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Н.В.Вишнякова. Креативная психопедагогика. – Минск, 1995.
2. С.М.Годник. О сущности профессионально-педагогической деятельности. Воронеж, 1992.
3. В.И.Загвязинский. Инновационные процессы в образовании и педагогическая наука. – Тюмень, 1990.

4. Инновационная обучение: стратегия и практика. – М., 1994.
5. Инновационные методы обучения в вузе. Сборник научных трудов. – Мурманск, 1993.
6. Кан-Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. – М., 1990.
7. Кларин М.В. Инновационные модели учебного процесса в современной зарубежной педагогике – М., 1994.
8. Сластенин В.А., Кодымова Л.С. Педагогика: Инновационная деятельность. – М.: Магистр, 1997.

IV боб. Педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари

Илмий-техник тараққиёт нафакат, аксарият ишлаб чиқариш соҳасининг технологиялаштириди, балки у маданият, таълим соҳаларига ҳам кириб бормоқда. Бугунги кунда информацион ахборот тиббиёт, таълим ва бошқа технологиялар тўғрисида фикр юртитиши мумкин.

Технологиялаштириш-бу объектив жараён бўлиб, таълим эволюциясининг янги вазифаларини сифатли ҳал қилиш учун тайёргарлик даври.

Тарихан технология тушунчаси техник тараққиёт билан боғлиқ равишда юзага келган ва бу тушунча санъат, хунар ва фан ҳакиқати таълимотга мувофиқ келади.

Технология деганда, одатда ашёларни қайта ишлани методлари ва ишлаб чиқариши жараёни ҳамда уларниң илмий тавсифларининг мажмуми тушунилади. Сиёсий луғат (М., 1989)да технологияни шундай изоҳ берилади: 1) ишлаб чиқариши жараёнида ашёлар, материалилар, ярим тайёр ашёларни қайта ишлаш, тайёрлаш ҳолати, ҳусусияти, шаклиниң ўзгариши методлари йигинчиси; 2) ашёлар, материалилар ва ярим тайёр ашёларга мувофиқ ишлаб чиқариш қуроллари орқали таъсир ўтказиш усулилари тўғрисидаги фан.

«Қомусий луғат»да шунга яқин изоҳ берилади, лекин уни бир мунича кенгроқ ёритади: «Фан сифатица технологиянинг вазифаси ҳар томончами самарали ва тежамили ишлаб чиқариш жараёниларини аниклаш ва амалийтда ундан фойдаланиш максадица физика, кимё, механика ва бошқа қонуниятларини бажариш.»(М., 1979)

Технология грекча сўз бўлиб, технос- санъат, маҳорат, логостъалимот деган маъноларни билдиради.

Педагогик технология педагогнинг талабаларга таъсир қилишни ташкил этиши бўйича касбий аҳамиятга молик малакалар тизимини аниқлаб беради, педагогик фаoliyatнинг технологиклигини англаш усулиларини таклиф этади.

Хозирги давр таълим технологиялари муаммоси, педагогик инновация тажрибалари уларни бир тизимга тушириш ва аниқлаштиришини талаб қилади. Олий мактаб олдида педагогик технологияларнинг илмий асослари, уларнинг таснифи, моҳиятини очиб бериш ва ўкув жараёнинг технологиклиги муаммоларини таъминлаш масаласи турибди.

4.1. Педагогик технологияларнинг илмий асослари

Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда педагогик технология тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмда мустаҳкам ўрин эгаллади, лекин уни педагогиканинг мукаммал лугатлари (тезаурус)даги ўрни ҳали номаълумлигича қолмоқда.

Педагогик технология тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида турли қараашлар мавжуд бўлган: у техник воситалар ҳакидаги таълимот деб ҳамда ўқитиш жараёнини лойиҳалаштирилган холда изчил ва мунтазам ташкил этиши деб талқин қилинган. Ҳозир педагогик технологияларнинг бир қанча таърифлари мавжуд.

В.П. Бесалько педагогик технологияни *амалиётта татбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси* сифатида белгилайди. У педагогик тизим технологиялар ишлаб чиқиши учун асос бўлади, деб ҳисоблайди. Бунда асосий диккат ўкув-педагогик жараённи олдиндан лойиҳалашга қаратилади, дидактик вазифа ва ўқитиш технологиялари тушунчасидан фойдаланилади. Шу тариқа В.П. Бесалько ўкув жараённи лойиҳалашғоюсими ишлари суради, афсуски, педагогик технология ва лойиҳа тушунчалари ҳакида аниқлик йўқ.

Педагогик технология таълим жараёнига жадаллик билан кириб бораётган бўйса ҳам, унинг мақоми ноаниклигича қолиб кетмоқда. Таъкидчиларнинг ишларида фан ва амалиёт оралиғидан ўрин эгаламоқда.

Н.Ф.Талызина ҳар бир педагог аниқ педагогик жараённи ташкил этишдан олдин ўкув жараённи ҳакида *технологик даражада билимлар тизимини билдиб олган бўйини шарт* деб ҳисоблайди. У фан ва амалиёт оралиғида тамойилларни олға сурувчи, метоҳлар ишлаб чиқувчи, уларни изчил қўллаш каби масалалар билан шуғулланувчи алоҳида фан бўйини керак, деб ҳисоблайди, уларсиз педагогик жараён асосланмай колади (технология реал ўқитиш жараённи сифатида).

Айрим муаллифлар ўқитиш технологияларига фан ва санъат оралинидаги фан деб қарайдилар, бошқалари уни лойиҳалаш билан боғлайдилар.

Шундай қилиб, бир ёндашувда ўқитиш технологиялари, ўқитишнинг барча воситаларини қамраб олган кандайдир жиҳозлаш сифатида ҳам белгиланади. Унда технология ўкув жараёнини техниклаштиришини тақозо қиласди.

Бошқа ёндашувда технологияга таълим амалиётини янги ёки замонавийлаштирилган билимлар билан гъамишланинг усули сифатида қаралга имконият беради. Бунда технологияга таълимпинг илмий тамойиллари ва амалиётини татбиқ этиш сифатида қаралади.

Технология тушунчаси 60-йилларда Америка ва Фарбий Европада таълимни ислоҳ қилинини билан боғлиқ равища кириб келди. Б.Блуи, Ж. Королл, П.Я.Гальперин, В.И.Давыдов, Н.А.Менчинская, З.И.Калмыкова, Л.И. Запков технологиялари машҳур. Ўқитишни ташкил қилишининг технологик ёндашувлари В.П.Бесалько, Н.Ф.Талызина, Л.М.Фридман, Ю.Н.Кулюткина, Г.С.Сухобской, Т.В.Кудрявцев, А.М. Матюшкин, М.И.Махмутов каби аксарият психолог ва дидактикачиларга таалуклайдир.

Технологик ёндашувлар таҳлили шуни күрсатадыки, аксарайт ўқитиши технологиялари бүш технологияланганлыги бүйича қолиб кетмоқда. Бир қатор технологияларда назарий асослар кучайтирилган, амалий томони у қадар ойдинлаштирилмаган.

Т.А.Балло технологиянинг бир томонини, яъни ўқитишида тоширикли ёндашувни ёритади. Бошқаларида ё компьютер орқали дастурлаштирилган ўқитиши ёки ўқитишининг муаммоли тузилемаси ажralиб туради.

Л.В. Занков, Т.Я.Гағъперин, В.И.Давидов тадқиқотларида босқичли ўқитишининг яхлит технологиялари ҳакида фикр юритилади.

1. Педагогик технологияда ҳали кўп аниқланмаган масалалар бор. Бу муаммони тадқиқ этиши ўқитиши технологиясининг тушунчаси ва методологик моҳиятини аниқлаш билан боғлик.

Педагогик технология ўзига хос ва потенциал яратиладиган педагогик натижаларга эришиш учун педагогик тизимнинг барча ташкилий томонларига алоқадор назарий ва амалий (таълим тизими доирасида) тадқиқотлар соҳаси сифатида белгиланади.

Педагогик технология моҳиятини ёритиш учун педагогидидактикалар томонидан берилган таърифларга тұхталишни максад-га мувофиқ деб топамиз.

«Педагогик технология – психологик ва педагогик ўғитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуулар, ўқитищ йўллари, тарбиявий воситаларнинг маҳсус түшнамидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради» (Б.Лихачев).

«Педагогик технология – ўкув жараёнини амалга оширишининг мазмуний техникаси» (В.П. Бессалько).

«Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиши натижаларига эришиш жараёнининг тавсифи» (И.П. Волков).

«Технология – ишлов берниш, ҳолатни ўзgartириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси» (В.М. Шепель).

«Педагогик технология – талаба ва ўқитувчининг уларга зарур шароит яратиш орқали ўкув жараёнини лойихалаштириш, ташкил этиши ҳамда ўқказиш бүйича педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган моделидир.» (В.М. Манахов).

«Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиши ва билимларни ўзлаштиришининг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиши ва белгилашнинг изчили методидир» (ЮНЕСКО).

«Педагогик технология – педагогик мақсалаларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда, бўлишнинг тизимли йигиндиси ва тартибини билдиради» (М.В. Кларин).

«Педагогик технология – ўзида турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма хисобланади». (Г.К. Селевко).

Бу таърифлар таҳлилидан педагогик технология натижани кўлга киритиш учун таълим доирасида зарур бўлган воситалар тизимини режалаштириш ва татбиқ этиши деган холосага келиш мумкин.

Таълим технологияси деганда таълимнинг белгиланган мақсади ва талабанинг билим даражасига кўра ўкув фаолиятини бошқаришнинг назарий лойиҳаси ва педагогик тизимнинг амалда бўлишини таъминловчи зарур воситалар тизими тушунилди.

Ўқитишининг шахсга йўналтирилган технологияси бирор назария ва мақсад асосида ишлаб чиқилади. Педагогик тизимнинг амалда бўлиши, унинг мосланувчалиги ҳамда талабанинг шахсий хусусиятлари, уларнинг технологик ва индивидуал меъёрлари билан боғланган. Бунда ушбу технологияларни мослашувчанлиги, уларнинг вариативлиги, талаба хатти-ҳаракатларининг босқичлилиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитиши технологияси сатҳида ўкув жараёнининг барча компонентлари ёритилади.

Шахсга йўналтирилган технология асосида талабаларнинг интеллектуал ва эмоционал-мотивацион ривожланиши, билим ва қасбий малакалар шаклланиши, таълим жараёнига қадрият сифатида ёндашиш муносабатини таъминлаш, фаолиқни ошириш, ўз-ўзини англаш ва мустақиллигини шакллантириш этади.

Бу талқиотларни таҳлил қилган ҳолда ушбу таърифни бериш мумкин:

Педагогик технология таълим мақсадларига эришиш ва шахснинг ривожланишига қаратилиган педагогик фаолиятни муттасил равища ривожлантириши тизими лойиҳасидир.

Олий таълимни ислоҳ қилиш бу масалаларга илмий асосланган нуқтаи назардан ёндашишга мажбур этади. Хар қандай лойиҳалаш, ўқитишининг илмий асосланган воситалари бўлгани ҳолда, бу унинг технологиклиги ҳисобланмайди.

Педагогик технологияларни асосий вазифаси – ўкув жараёни мақсадларини амалга ошириш ва ривожлантириш. Яъни, шулардан тизимни ривожланиш қонуниятларини кўзда тутувчи технологиялар яхлитлиги принципи келиб чиқади: унинг хамма таркибий элементлари муайян ўзаро алокаларида унинг тузилиши инвариативлик.

Технологиянинг найдо бўлиш иккинчи принципи-инвариатив шахсий ташкил тониш, яъни унинг шахсий индивидуал хусусиятларига мослашувчанлиги, олий ўкув юртлари педагог ва ўкувчиларнинг ўзаро алокалари берилган.

Олий ўкув юртларида педагогик тизимни лойиҳалаштириш нуқтаи назаридан педагогик технологияларни ўзига хос жиҳатларини аниклашда педагог ва ўкувчilar ўзаро муносабатлари кўрсатилган ўқитувчи фаолияти тизимларини ёки бу тизимларнинг фарқ килишдан иборат бўлмаслигини эсда тутиш керак.

Лойиҳалаш методологик функция бажаради. У талабанинг психик ривожланиш қонуниятлари, ўкув жараёнининг ривожланиш хусусиятлари ва педагогик бошқарув усусларининг тадқиқот воситаси сифатида майдонга чиқади.

Олий ўкув юртида, таълимни такомиллаштириш мақсадида педагогик мулокотнинг янги шакллари, ахборотларнинг таркибий қисмларини қайта ишлаб чиқиш, ўкув фаолиятини бошқаришнинг яъни шакллари талаб қилинади.

Технологик тараккиёт бугунги кунда ижтимоий жараёнларни кузатиб боришига қодир энг мухим компонентлардан биридир. Педагогик таълим технологиясини яхшилаш жамият маданий савиясини ва унинг иқтисодий қудратини шакллантириш шартидир.

Ўқитиш технологияси таълимнинг фаолиятини ва шу билан бирга, билимларни меҳнат жараёнига татбиқ этишни таъминлайди, педагогнинг онглилигини қолипга туширади, унинг жадал ҳаракат килишига ва ҳаёт йўлига таъсир кўрсатади.

Касбий ўқитиш технологияси шахсни интизом, ирода ва ихтисосликка бўлган кизиқиши юзага келтиради. Мутахассисга бўлган хар томонлами талабни қаноатлантиришга қаратилган таълим технологиялари педагог ва талабанинг ҳамкорлигига психологик-педагогик шартшароитларни амалга оциришига йўналтиради.

Мутахассисларни касбий тайёрлаш технологик тамойили бўлажак касбига қаратилган мақсадлар, мазмун функциялари, ўқитиш методларидир. Шундан келиб чиқкан ҳолда педагогик технологиялар ишлаб чиқлади.

Педагогик технологиялар таърифларига бўлган турли ёндашувлар шуни кўрсатади, ҳақиқатдан ҳам ўқитиш технологиялари фац, ишлаб чиқариш ҳамда ўқув-педагогик жараён оралиғидан ўрин олади. Бу касбий дидактика тайёртарлик тизимидағи билимларнинг мустақил соҳаси бўлиб, у ўқитишнинг дидактика назарияси ва амалиёти билан чамбарчас боғлашади. У ўқув фаолиятини бошқариш жараёнини лойихалаш функциясини ўзига қамраб олади.

Ўқитиш технологияси таркибига ўқув жараёнини бошқаришини аниқ усуслари, бошқариш ва ўқитишнинг айни истиқболи тадбирлари ҳақиқидаги ҳам иззарий, ҳам амалий билимлар киритилади. Ўқув жараёнининг бориши шароитларига мос равишда уларнинг изчилиги белгиланади.

Ўқитиш технологияси, ўқитиш назарияси, ўқитиш техникаси. Улар ўқув фаолиятини бошқариш ҳақиқидаги педагогик соҳалардир, улар умумлаштирилган даражасига кўра амалга оширилади.

Педагогик технология таълим истиқболининг жараёнлаштирилган аспектидир.

Ўқитиш технологиясини белгилаш – бу касбий фаолият соҳасидаги таълимий ва такомиллаштирилган самарасини таъминловчи ўқув жараёнини меъёрий бошқариб туришади.

Лойиҳалаштириш ўқитиш тизимларини ёки бу тизимларнинг алоҳида компонентларини фарқ қилишдан иборат деб ҳисоблаш керак эмас.

Технологик субъект – субъектив муносабатларни ўрнатиш даражасида ишлайди.

Ўқитиш технологияси назариёт ва амалиёт ўртасида оралиқ ҳолат эгаллайди.

Илмий адабиётларда, педагогик технологиянинг уч аспекти тўғрисида фикр юритилади: *илмий, тавсифий, амалий*.

Илмий аспектда ўқитишнинг мақсади, мазмуни ва методлари илмий асосланади, педагогик жараён лойиҳалаштириллади.

Тавсифий аспектда режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришишнинг максади, мазмунни, методлари ва воситаларининг иштироки асосида алгоритм жараёни ишлаб чиқилади.

Амалий аспектда педагогик технология жараёни амалга оширилади.

Таълим амалиётига нисбатан педагогик технологиянинг уч сатҳи белгиланади: *умумпедагогик, хусусий методик, локал (модул)*.

Умумпедагогик технология яхлит таълим жараённи ифода қиласиди.

Хусусий методик технология бир фан доирасидаги ўқув -тарбия жараёнини амалга ошириш методлари ва воситаларидан иборат бўлади.

Локал (модул) технология ўқув тарбия жараёнининг маҳсус бўлимларига технологияни татбиқ қилишини ифода қиласиди. Бу технология хусусий дидактик ва гарбиявий вазифаларни ҳал қилишига каратилади.

Педагогикада ўқитиш технологиялари билан бирга таълимий технологиялар хам ўрин олган. Таълимий технологиялар мазмун-ахборот аспектини билдира, ўқитни технологияси жараёнга алоқадор деб хисобланади, яъни улар орасида, хали ҳам аниқ фарқлар белгиланмаган.

Педагогик технология таълабаларнинг тайёргарлик даражасини, уларнинг ахборотлар билан танишганлик ва амалий тайёргарлигига мослашган бўлиши лозим.

Касбий таълим тизимида ўқитиш технологиялари фундаментал ва амалий билимларнинг ўзлаштирилишини, ҳаракатларнинг рефлективлининг акс эттиради ва ўз касбий фаолиятини шакллантиради.

Педагогик технология ўқитувчи ва талаба фаолияти билан белгиланади. Фаолиятнинг бундай турларига кўра педагогик технологиянинг тузилмаси аниқланади.

Педагогик технологиянинг тузилмаси. *У концептуал асос, таълим жараёни мазмуни, технологик жараёндан иборат бўлади.*

Ҳар бир педагогик технология муайян илмий концепцияга асосланади.

Педагогик технологиянинг илмий концепцияси таълим мақсадларига эришишнинг фалсафий, психологияк, ижтимоий-педагогик ва дидактик асослашларни ўз ичига қамраб олади.

Таълим жараёни мазмуни таълим жараёнининг умумий ва аниқ мақсадлари, ўқув материали мазмунидан иборат бўлади.

Технологик жараён ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқитувчи фаолияти, ташаба фаолияти, ўқув жараёнини бошқариш усуслари, ўқув жараёни диагностикасини қамраб олади.

Тадқиқотчилар ҳар қандай педагогик технологияларни қаноатлантирадиган мезонларни белгилайдилар.

Изчилилк педагогик технологиянинг мезони сифатида жараёниниг мантикийлиги, педагогик технологиянинг барча қисмларининг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлияни ўз ичига олади.

Педагогик технологиянинг мезонларидан бири бошқарувга асосланганлигидир. У ўқув жараёни диагностикаси, уни режалаштириш

ва амалга оширишни лойиҳалаш, ундағы ўқитищ методлари ва воситаларини ўзгартыриб туришдан иборат бўлади.

Педагогик технологиянинг самараодорлик мезони таълим жараёнининг аник шароитларида олинадиган юксак натижаларни кўзда тутади.

Қайта тиклаш педагогик технологиялар мезонларидан бироридир. Унда педагогик технологияларни бошқа ўкув юртларида қўллаш имконияти тушунилади.

Шундай килиб, олий мактабда мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги мураккаб ва доимий харакатдаги тизимни ташкил этади. Бу тизимда бўлғуси ўқитувчининг технологик тайёргарлиги алоҳида ўрин тутади. У бўлғуси педагогининг интеллектуал ривожланиши, фаол ўқиши, ижодий шахснинг ривожланиши, тафаккурнинг касбий йўналилигани идрок килиш, ўкув-билиш фаолиятини ташкил этишида тадқиқий (илмий) тамойилларни амалга ошириш билан боғланган.

Бўлғуси педагогининг технологик тайёргарлиги олий ўкув юртида педагогик технологияларни амалга оширишни талаб киласди. Олий ўкув юрти таълим жараёнида фойдаланиладиган ва кенг тарқацган педагогик технологиялар: *муаммоли ўқитиши, ўқитишнинг табақалаштирилган ва иницивидал ривожланиши, программалаштирилган ўқитиши технологияси, компьютер ахборот технологияси, муалиффлик технологиястини*.

4.2. Муаммоли ўқитиши технологияси

Муаммоли ўқитиши бу такомиллашган ўқитиши технологиясидир

Хозирги, олий мактабдаги самараодор ўқитиши технологияси – бу муаммоли ўқитиши. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ушаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантириши. Муаммоли ўқитиши ижодий, фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади.

Муаммоли ўқитиши жараёнида талабанинг мустакилиги ўқитишнинг репродуктив шаклларига нисбатан тобора ўсib боради.

Хозирги педагогикага оид адабиётларда муаммоли ўқитишнинг турли таъриф ва тавсифлари бор. Бизнингча, нисбатан тўлиқ ва аник таъриф М.И.Махмутова томонидан берилган бўлиб, унда муаммоли ўқитиши мантиқий фикрлар тадбирлари (тахлил, умумлаштириш) хисобга олинган ўргатиш ва дарс бериши усууларини қўллаш қонцалари ва талабаларнинг тадқиқот фаолиятлари конуниятларининг (муаммоли вазият, билишга бўлган қизиқиши ва талаб...) тизими сифатида изоҳланади.

Муаммоли ўқитишнинг моҳиятини ўқитувчи томонидан талабаларининг ўкув ишларida муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўкув вазифаларини, муаммоларини ва саволларини ҳал қилиши орқали янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқариш ташкил этади. Бу эса билимларни ўзлаштиришининг илмий-тадқиқот усулини юзага келтиради.

Маълумки, ўқитишининг ҳар қандай асосида инсон фаолиятининг муайян қонуниятлари, шахс ривожи ва улар негизида шаклланган педагогик фаннинг тамойиллари ва қоидалари ётади. Инсоннинг билиш фаолияти жараёни мантиқий билиш зиддиятларини ҳал килишда объектив қонуниятлари дидактик тамойил – муаммолиликка таянади.

Ўқитишининг ҳозирги жараёни таҳлили психолог ва педагогларнинг фикрлаш муаммоли вазият, кутилмаган хайрат ва маҳлиё бўлишдан бошланади, деган худосалари ҳақиқатга яқин эквалигини кўрсатади. Ўқитиш шароитида инсоннинг ўша психик, эмоционал ва ҳиссий ҳолати унга фикрлаш ва ақлий изланиши учун ўзига хос туртки вазифасини бажаради.

Муаммоли вазият муайян педагогик воситаларда мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган ўзига хос ўқитиш шароитида юзага келади. Шунингдек, ўрганилган мавзулар хусусиятларидан келиб чиқиб, бундай вазиятларни яратишининг маҳсус усусларини ишлаб чиқиши зарур. Шундай қилиб, ўқитишида муаммоли вазият шунчаки «фикр йўлидаги кутилмаган тўсиқ» билан боғланган ақлий машакқат ҳолати эмас. У биниши мақсадлари маҳсус такозо қилин ақлий тарағлил ҳолатидир. Бундай вазият негизида аввал ўзлаштирилган билим излари ва янги юзага келган вазифани ҳал қилиш учун ақлий ва амалий ҳаракат усуслари ётади. Буида ҳар қандай машакқат муаммоли вазият билан боғлик бўла вермаслигини таъкидлаш ўрини бўлади. Янги билимлар аввалги билимлар билан боғланмаса, ақлий машакқат муаммоли бўлмайди. Бундай машакқат ақлий изланишини кафолатламайди. Муаммоли вазият ҳар қандай фикрлаш машакқатларидан фарқ қилиб, унда талаба машакқат талаб қилиган объект (тушунча, факт)нинг унга аввал ва айни вақтда мәълум бўлган вазифа, масала бўйича ички, яширип алокалари ишингдеки англашиб етади.

Шундай қилиб, муаммоли вазиятнинг моҳияти шуки, у талаба таниши бўлган мәълумотлар ва янги фактлар, ҳодисалар (қайсики, уларни тушуниши ва тушунтириши учун аввалини билимлар камлил қилади) ўргасидаги зиддиятдир. Бу зиддият билимларни ижодий ўзлаштириши учун ҳаракатлантирувчи кучдир.

Муаммоли вазиятнинг белгилари куйидагилар:

- талабага иотаниниш фактнинг мавжуд бўлиши;
- вазифаларни бажариш учун талабага бериладиган кўрсатмалар, юзага келган билиши машакқатини ҳал килишица уларнинг шахсий манфаатдорлиги.

Муаммоли вазиятдан чиқа озиш ҳамма вақт муаммони, яъни нима номаълум эквалигини, унинг нутқий ифодаси ва ечимини анилаш билан боғланган.

Муаммоли вазиятнинг фикрий таҳлили қилалигидан бўлсақ, у аввалинбор талабаларнинг мустақил ақлий фаолиятидир. У талабани интеллектуал машакқат келтириб чиқарган сабабларни тушунишга, унга кириш, муаммони сўз билан ифодалаш, яъни фаол фикр юритишини белгилашга олиб келади. Бу ўринда изчиллик ёрқин кўринади: аввало муаммоли вазият юзага келади, сўнг ўкув муаммоси шаклланади.

Ўқитиш амалиётида бошқа вариант – ўша муаммо ташкил кўрининида муаммоли вазият юзага келишига мувофиқ келгандай бўладиган вариант ҳам учрайди. Фактлар, хукмлар назарий қоидалар

зиддиятлари мазмунидаги, саволлар кўринишидаги муаммонинг ифодаси одатда «нимага» саволига жавоб бўладиган муаммоли вазиятнинг мавжудлигини акс эттиради.

Муаммо уч таркибий қисмдан иборат: маълум (берилган вазифа асосида), номаълум (уларни топиш янги билимларни шакллантиришга олиб келади) ва аввалги билимлар (талабалар тажрибаси). Улар номаълумни топишга ўйналиган қидирув ишларини амалга ошириш учун зарурдир. Аввало талабага номаълум бўлган ўкув муаммоси вазифаси белгиланади ва бунда унинг бажарилиш усуслари ҳамда натижаси ҳам номаълум бўлади, лекин талабалар ўзларидағи аввал эгалланган билим ва кўникмаларга асосланиб кутилган натижа ёки ечилиш йўлини излашига тушиди.

Шундай қилиб, талабалар биладиган вазифа ва уни мустақил ҳал қилинниш усули ўкув муаммоси бўла олмайди, иккинчидан, бирор вазифанинг ечилиш усусларини ва уни излаш воситаларини билишмаса ҳам ўкув муаммоси бўла олмайди.

Ўкув муаммосининг муҳим белгилари куйидагилар:

- янги билимларни шакллантиришга олиб келадиган номаълумнинг кўйилиши;
- талабаларда, номаълумни топиш йўлища изланишни амалга ошириш учун зарур бўлган муайян билим заҳирасининг бўлиши.

Ўкув муаммосини ечиш жараёнида талабалар акдий фаолиятининг муҳим боскичи унинг ечилиш усулини ўйлаб топиш ёки гипотеза кўйини ҳамда гипотезани асослашдир.

Ўкув муаммоси муаммоли саволлар билан изчил ривожлантириб борилади ва бунда ҳар бир савол унинг ҳал қилиннишида бир боскич бўлиб хизмат қиласди.

Муаммонинг таркибий қисмлари, маълум ва номаълумнинг ўзаро муносабати характеристери билимга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради ва фаол билишга бўлган изланишга унчайди.

Таъкидлаш жоизки, муаммоли ўқитишининг зарурий шарти талабаларда ҳақиқатни ва унинг натижасини излаш жараёнига бўлган ижобий муносабатни вужудга келтириш ҳисобланади.

Талабаларнинг муаммоли ўқитишдаги ижодий ва қидирув билиш фаолияти муаммоли вазият пайдо қилинганда, талабалар машғулотда муаммони ифодалаб беришдан иборат бўлади, янни билишдаги кийинчиликларнинг пайдо бўлиши моҳиятини (яъни ушбу дамда унга нима маълум бўлса) сўз билан ифодалаб беради, сўнгра муаммонини ечилиш усусларини қидиради ва бунда турли таҳминларни олға сурали, талабалар ҳақиқий деб топган таҳминлардан бирини фараз сифатида асос қилиб олади ва уни исботлайди, изланиш муаммо ёки вазифа бажарилгандан сўнг тугалланади.

Шахс билиш фаолиятининг изланиш даврини маҳсус схемаларда ифодалаш мумкин: муаммоли вазият, ўкув муаммоси, ўкув муаммосини ечиш учун изланиш, муаммонинг ечилиши.

Муаммоли ўқитиши машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишининг муҳим томони шундаки, бунда ўқитувчи унинг ҳам таълимий, ҳам тарбиявий функциясини яхши англаб олган бўлиши талаб қилинади. Ўқитувчи ҳеч қачон талабаларга тайёр ҳақиқатни (ечимни) бериши керак эмас, балки уларга, билимларни олишта туртки бериши,

машгулотларда ва ҳаёт фаолиятларида зарур бўлган ахборот, вожса, вакт ва ҳодисаларни онгида кайта ишлашларига ёрдам бериши лозим бўлади.

Муаммоли ўқитиш билимларни оғизи ва мустаҳкам ўзлаштириш, атроф-муҳитга ўзининг фаол муносабатини белгилаб олишида, талабалар билиш фаолиятини жонлантиришида катта имкониятларга эга.

Муаммоли ўқитишда ўқитувчи талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этади, шундагина талабалар фанларни таҳлил қилиш асосида мустаҳқил равишида интеллектуал машҳаккатларни ҳал қилиш, холоса чиқарни ва умумлаштириш, қонуниятларни шакллантириш, кўлга киритилган билимларни янги вазиятга татбиқ этишга иштиади.

Айрим ҳолларда ўқитувчи талабаларда нафақат қизиқиши уйғотиши керак, балки ўкув муаммосини ўзи ҳал қилиб кўймаслиги ва бошқа ҳолларда талабаларнинг ўкув муаммосини ечишдаги мустаҳқил ишларига раҳбарлик қилини лозим, натижада талабаларда билимларга мустаҳқил эришиш қобилияти шаклланади ҳамда гипотеза кўйиш ва уни исботлаш орқали янги аклий ҳаракат усусларини топади, билимларни бир муаммолаи бошқа кўчириш кўнникласини ҳосил қиласди, дикқат ва тасаввурлари ривожланади. Талабалар муаммоли ўқитиш жарёнида муаммоли вазиятда ўкув материалларини широк қилиш орқали билим ва аклий ҳаракат усусларини ўзлаштиради. Экан, ўрганилганларни мустаҳқил таҳлил қиласди, гипотезалар кўйини ва уларни исботлаш орқали ўкув муаммоларнинг шакллантирилганда ва ечар экан, унда талабаларнинг интеллектуал фаолигиги таъминланади.

Шундай қилиб, муаммоли ўқитишнинг вазифаси талабалар томонидан билимлар тизими ва аклий ҳамда амалий фаолиятлари усусларини самарали ўзлаштиришига ҳамкорлик қилиши, уларда янги вазиятда олинига билимларни ижодий қўллаш малакасини ҳосил қиласди, билиши мустаҳқилиги ўкув ва тарбия муаммоларини ҳал қилишидир.

Ўкув жараёнини амалий таҳлили муаммоси ўқитишнинг ўзига хослигини белгилаш имкониятини очади. Муаммоли ўқитишнинг можияти таълим олувчи томонидан ўзлаштириши лозим бўлган ахборотларни ўқитувчининг маҳсус ташкил қилишидан иборатдир.

Муаммоли ўқитинин ташкил этишининг биринчи шарти ўкув ахборотларининг такомиллашиб бориш тизимиdir.

Муаммоли ўқитишнинг иккичи шартида муаммоли ўқитиш амалга оширилади ва унида ахборотининг ўкув вазифасига ўтказилиши вактида уни ечиш усуслини ташлаш имконияти кўзда тутилади.

Муаммоли ўқитишнинг учинчи шарти таълим олувчининг субъектив мавқеи, уларнинг билиш мақсадларини анилаб этиши ва қарор қабул қилиши, масалани ҳал қилиш ва натижани қўлга киритиш учун ўзларининг ихтиёрида бўлган воситаларни баҳолай билишидир.

Муаммоли ўқитишга асосланган ўкув машгулотларини ўтказиш методикаси унда қўлланадиган методларни асослаб беришни талаб қиласди. Бунда: ижодий, қисман-ижодий ёки эвристик, ахборотларни муаммоли баён қилиш, ахборотни муаммоли бошлаш орқали баён қилиш асосий методлар ҳисобланади.

Ижодий метод таълим олувчининг ижодий мустаҳқилигини тўла амалга оширади. Унда талаба ўқитувчининг берган вазифасини бажара-

ди, айни вақтда ўзлари хам ўкув муаммосини шакллантиради, ўзлари мустакил гипотезани ечишга ҳаракат қиласилар, изланиши амалга оширади ва нировард натижага эришадилар. Шу тарика ижод методини қўллаш билан талабалар фаолияти олимларнинг илмий-тадқиқот фаолиятига яқинлашади. Ўқитувчи факат талабаларнинг илмий изланишиларига умумий раҳбарлик қиласи, вазифалар эса уларнинг мустакил ўкув-билиш ҳатти-харакатларининг тўла даврийлигини қўзда тулади: ё таҳлилигача ахборотлар йиғилади ёки счилишига қадар ўкув муаммоси қўйилади ҳамда ечимлар текшириб кўрилади ва янги билимлар жорий қилинади.

Ижодий методдан ўрганилаётган курснинг умумий асосларини қамраб олган энг муҳим мавзуларни ўтища фойдаланиш тавсия этилади. Бу эса бошқа барча материалларнинг тобора онгли ўзлаштирилишига олиб келишини лозим. Шунингдек, бундай методда машгулот ўтказиш учун ўқитувчи танлаган бўлим ёки мавзу талабаларнинг идрок қилишларига қулай бўлишини назарда тутиши лозим бўлади.

Ижодий метод таълим олувчидаги узоқ вақтни ва маҳсус шароит яратилишини талаб қиласи.

Талабаларнинг ижодий ишлари шаклий жихатдан рангбарангдир. Улар маъруза матнини тайёрлаш ва семинарга тайёргарлик кўриш, у ёки бу масаланинг назарий ҳолатини (адабиётлар билан бирма-бир ишлаш, хужжатларни архивда ўрганиш) ўрганиш, кўргазмали куроллар, дидактик материаллар тайёрлаш ва бошқалардир.

Кисман ижодий метод мураккаб муаммони бўлаклари ажратиб, унинг қулай масалаларини босқичма-босқич аниқлаб олинида қўлланади ва унда ҳал қилинган ҳар бир босқич (қадам) масаланинг кейинги босқичини ечища асос бўлиб ҳизмат қиласи. Бунда талабалар ўкув муаммосининг қўйилишида, гипотезани тахмин қилиш ва исботлашада фаол қатнашдилар. Уларнинг фаолияти репродуктив ва ижодий унсурларини ўзида қамраб олади. Бунда ўқитишининг кидирув (изланиш) сухбати, талабаларнинг жавоблари ва тўлдиришларига қўшимча қилган ҳолда ўқитувчининг баёни, фактларни кузатиш ва умумлаштириш усуслари қўлланади. Бу ҳолларда талабаларнинг репродуктив ва кидирув (изланиш) фаолиятининг мувофиқлигига муҳим аҳамият касб этади. Улар бирор босқичдаги ўкув муаммосининг мустакил ҳал қилинишида, то улардан аксарияти счилигунга қадар кучли ўзгариб туриши мумкин.

Машгулотларда ижодий сухбатни қўллаш мақсадга мувофиқ топлади. Талабалар бундай сухбат жараённида ўзларида аввалдан мавжуд бўлиган билимлари, ижодий фаолияти тажрибасига асосланган ҳолда, ўқитувчи раҳбарлигига муаммони излайди ва мустакил равишда унинг ечимини топади. Талабалар ўз ташабbusлари билан саволларга жавоб берадилар ёки ўз чиқишиларида турли мулоҳазаларни билдирадилар, муаммосининг счилишидаги ўз варианналарини илгари сурадилар, ҳодисалар ўртасидаги ранг-баранг аюқаларни қайд қиласилар, баҳслашадилар, бошқаларнинг фикрига танқиций муносабат билдирадилар. Бу жараёнда ўқитувчининг талабаларга ёрдам бериш даражаси уларнинг машгулотларга тайёргарлик кўриши даражасига боенлик бўлади.

Ижодий сухбатга тайёрлашда ўқитувчининг унга ўга масъулият билан ёндошиши талаб қилинади. Ўқитувчи бундай сухбатта олдиндан

жиций тайёргарлик кўриши лозим: аввалдан шундай саволлар ўйлаб топиши керакки, улар талабанинг у ёки бу ходисанинг моҳиятини ўйлашга мажбур этсиз, сұхбат йўналиши ва гипотезанинг эҳтимол кўрилган вариантилари ва унинг ечилиш йўлларини башорат қила олсин. Ўқитувчи талабаларнинг умуман муаммони ечини учун етарли даражада тайёргарлик кўриб келмаслигини ҳам кўзда тутиши ва бундай вактда содда ва мураккаблаштириб борувчи кўшимча саволларни тайёрлаб кўйини лозим, бундай саволлар орқали талабалар ижодий ҳал килиши шарт бўлган вазифаларни қисмларга ажратиш ҳам зарур бўлади, яъни муаммо кичик муаммоларга бўлинади ва муаммоли вазифа ечилади. Ўқитувчи бундай вазиятда вазмилигини саклаши, талабаларга тезроқ ёрдам бериш, камчилигини тузатиш ва янгилиш фикр билдирганиларга танбех беришга шошилмаслиги, балки кўшимча саволлар билан ўзларининг хатосини англашга ва тўғри карор қабул килишга эршини мақсадга мувофиқдир.

Ижодий сұхбат давомида камрок тайёргарлик кўрган, жонни фикр олишувларда, шунингдек, индамасликини хуш кўрадиган талабаларга алоҳида аҳамият бериш лозим. Бундай талабаларнинг ҳуққларини кўзда туттаги холда улардан ҳам «иидо чиқиши»га эришиш максадида ушар учун ҳам аввалдан саволлар тайёрлаб кўйиш маъкул бўлади.

Ижодий характердаи сұхбат ўкув-тадқикот ишларининг зарурий боскичи хисобланади. Унда талабаларнинг ўзида тадқикот ишлари унсурлари мавжуд бўлган қисман-ижодий фаолиятнинг бажарилишини талаб қиласиган муаммоли характердаги мантикий масалалар дикқатни жалб қиласи.

Материални муаммоли баён қилиш. Бунда ташаббус ўқитувчи томонидан амалга оширилади ва тобора фаоллаштириб борилади. Ўқитувчи яъни материални баёл қилишда унинг ечилишини ўзи таъмилийди. Бунда ўқитувчи зиддиятларни таъкидлайди, уни барчаға эшилтириб мухокама қиласи, ўз мuloҳазаларни билдиради, ҳақиқатни фактлар, мантикий исботлар тизими ёрдамида асослайди. Ўқитувчи бу тадбирларни муваффақиятни амалга ошира олса, талабалар унни фикрлари боришига дикқат билан кўшилиб боради, муаммоларнинг ечилиш оқимига қўшилиб кетади, бирга фикр юритади, бирга ҳаяжонланади, шу тариқа машғулотини қатнашчисига айланади. Бунда ўқитувчи талабанинг билиш жараёнини саволлар бериш, саволга савол бериш йўли билан бошкаради ва шу орқали аудиториядаги ўрганилаётган материаллар бўйича зиддиятларга дикқатни жалб қиласи ва талабаларни ўйлаб фикр юртишга мажбур қиласи. Ўқитувчи тушунилмаган саволни ҳал килишидан олдинок талабалар ўз жавобларини тайёрлаб кўядишилар ва уни маълум муддат ўтгач ўқитувчининг фикри ва хуносаси билан таққослайдилар.

Материални муаммоли баён қилиш ахборотни баён қилинидан тубдан фарқ қиласи, чунки унда у ёки бу ходисанинг белгилари, хоссалари, тушунчалари, коидалари шунчаки тасвиirlаб берилади, тайёр хуносалар баён қилинади.

Ўкув ахборотларининг муаммоли баёни методидан фойдаланишининг бошқа варианти, фан тараққиёти тарихидаги у ёки бу

қонуннинг олимлар томонидан кашф этилиш йўлини ёритиб бериши хам мумкин.

Ўқув жараёнида кенг тарқалган методлардан бири – шартли равишда ўқув ахборотларишинг баёнини муаммоли бошлаш деб номланадиган методдир. Материални муаммоли баён қилиш методидан бу метод муаммоли вазият факат материални баён қилиш бошидагина яратилиши билангина фарқланади. Кейинчалик материал ахборот усулида баён қилинади. Албатта, бу метод юкорида талабанинг ижодий изланиш фаолияти, айнинса, ижодий методида кўринган кўнукмаларни ҳосил қилишга имконият бермайди, лекин талабаларнинг машғулот якунича олган илҳомлари барча материални фаол идрок қилишга, унга юкори кизикиш ўйғотишга бевосита туртки беради. Юкоридаги барча методлар орасида бу метод ўзининг оддийлиги билан ажрапиб туради.

Муаммоли вазиятни ташкил қилишда куйидаги эҳтимол кўринган дидактик мақсадларни ҳисобга олиш зарур: ўқув материалига талабалар дикқатини жалб қилиш, уларнинг билишга бўлгани қизикишини ўйғотиш, талабаларнинг билиш фаолиятини жонлантириш, уларни интеллектуал зўрикиш машаққатларига олиб келиш, талабалар томонидан эгалланган ҳозирги билим, малака ва кўнукмалар келажакда юзага келадиган билишга бўлган талабларини қондира олмаслигини кўрсата билиш, талабаларга ўқув муаммоларини таҳлил қилишга, унинг ечилишидаги энг рационал йўлларни аниқлашда ёрдам бериши керак.

Ўқув жараёнидаги муаммоли вазиятнинг бир неча турлари фарқланади:

1. Талабалар қўйицаси вазифанини стилюни усулини бузмайтилар, муаммоли савонга жавоб бера олмайдилар.
2. Талабалар аввал олган билимларини янни шароитда, ҳолатда фойдаланиш заруринятига дуч келадилар.
3. Вазифанинг назарий жиҳатдан ечилиши мумкин бўлиш ўйли ва танланган усулининг амалий жиҳатдан қўллаш қийинлиги орасида зиддият юз беради.
4. Вазифанинг бажарилишида натижага амалий эришиш ва талабаларда уни назарий жиҳатдан асослашга билим етишмаслиги ўртасида зиддият юз беради.

Адабиётларда муаммоли вазият яратишнинг куйидаги кўп учрайдиган усуслари Кайд қилинади:

- ҳодисалар, ўрганилаётган тушунчалар моҳиятини тушунтириш учун муаммоли вазифалар кўйиш;
- олинган билимларнинг амалий таъбики усусларини топиш учун муаммоли вазифа кўйиш;
- талабаларни ҳодисалар ва фактлар орасидаги зиддиятлар ва номунофикацияларни тушунтириб беришга ундаш;
- илмий тушунчалари ва ҳаётий тасаввурлари орасидаги зиддиятни келтириб чиқарациянган факт ва ҳодисаларни таҳлил қилишга ундаш;
- талабаларни факт, ҳодиса, хатти-харакатлар, хуносаларни солиштириш, киёс қилишга ундаш;
- талабаларни гўё тушуниб бўлмайдиган характеристдаги ва фан тарихида илмий муаммонинг қўйишишга сабаб бўлган фактлар билан таништириш.

Муаммоли вазиятни вужудга келтиришнинг юқорида келтирилган усуулари унинг бошқа варианtlарига чек қўймайди. Ҳар бир ўқитувчи ўзининг амалий фаолиятида ўқув материаллари билан ижодий ишилаш жараёнида уни ташкил қилишнинг турли имкониятларини кидириши ва топиши мумкин.

Талабаларнинг фикрлари тобора мукаммалланиш, муаммоли вазият уларда маълум хиссий ҳозирликни вужудга келтириди, мустакил амалга оширилган билиш жараёнидан, қашфиётлардан қоникиш хосил қиласи. Хайратга тушиб, тушкунлик ёки шодлик хисснётлари муаммоли вазиятни тўғри ташкил қилиш белтилари бўлиб хизмат қиласи. Мавъумки, юқори кўтаришилик билимларни самарали ўзлаштириши, ҳақиқатни кидириш ва унга эришишининг муҳим омили хисобланади.

Муаммонинг мураккаблиги, талабаларнинг билим савиаси ва малакаси, уларнинг ижодий фаолияти, кўнікмалари, дидактик мақсадга йўналганинг қараб муаммоли ўқитища талаба ва ўқитувчи ўзаро муносабатларининг турли варианtlарни бўлиши мумкин, яъни муаммоликнинг турли сатхлари амалда бўлиши мумкин.

Педагогикага оид адабиётларда асосан муаммоликнинг уч сатҳи ҳақида фикр юритилиади:

Биринчи сатҳда ўқитувчи ўзи муаммони қўяди, уни шакллантиради ва талабаларни мустакил равишда унинг ечилиш йўлини кидиришга йўналтиради.

Иккинчи сатҳда ўқитувчи фақат муаммоли вазиятни вужудга келтиради, талабалар эса муаммони мустакил шакллантирадилар ва ечадилар.

Учинчи сатҳ – олий сатҳ бўлиб, унда ўқитувчи шундай қоидани кўзда тутади: муайян муаммони кўрсатиб бермайди, балки унга талабаларни «рўбарў» қиласи ҳамда уларни мустакил ижодий фаолиятга йўналтиради, уларни бошқаради ва натижани баҳолайди. Талабалар эса муаммони мустакил англайдилар, уни шакллантирадилар, унинг ечилиш усуllарини тадқиқ қиласидилар.

Ўқув муаммосининг қўйилши жараёнини осонлаштириш учун муайян тартибга риоя қилиш лозим бўлади. Ечилиш лозим бўлган ҳамда янги тушунчалар билан бевосита боғлиқ бўлган аввалги ўзлаштирилган билимлар доирасини фаоллаштирасдан туриб, муаммони қўйиб бўлмайди. Муаммоли вазифаларни ташкил қилишдан олдин талабаларнинг сабаб-оқибат алоқаларини ўрната олиш усуllарини эгаллаганингига ишонч хосил қилиш, талабаларнинг муаммоли вазиятни таҳлил қила олиш даражасини ўрганиш шартдир. Шунингдек, ўқитувчи талабалар эътиборига фақат улар учун қулай бўлган муаммоларни қўймаслиги ҳам мумкиндири. Шу билан биргаликда муаммонинг ечилиши уни тўғри қўя билишга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини иштаслиқ зарур.

Бу қоидаларни амалга ошириш аввало ўқув материалининг мазмун хусусияти билан боғлиқдири. Унинг таркиби ва тузилмасига бир қатор талабаларни қўйиш мумкин.

Ўқув материали куйицаги мазмунни ўз ичита қамраб олади:

- янгилик унсурлари (янги тушунчалар, янги белгилар, хусусиятлар, номаълум тушунчаларнинг жиҳатлари, янги алоқалар, харакатланишининг янги усуслари);
- фактлар, билиш вазифалари ва масалалари, зиддиятлари кўринишидаги материалларни қамраб олган маълум ва янги билим ўргасицаги зиддият;
- умумпедагогик ва дидактик тамойилларни ҳисобга олган педагогик назариянинг методологик асослари материалини мантиққа мувоффик баён қилиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўқитиш жараёни факат «муаммоли» ёки «номуаммоли» методлар ёрдамидагина амалга ошмайди, балки унинг самарали бориши учун хилма хил методларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи машғулотнинг мақсади, ўкув материалларнинг мазмунини тўплаш, аудиторияда қатнашган талабаларнинг характеристи, уларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олган холда уларни тинглаш ҳамда бирини иккинчиси билан боғлашни амалга оширади. Шундагина ўкув жараёнининг юкори самарацорлиги таъминланади. Шундайек, муаммоли ўқитишнинг самарацорлиги кўп жиҳатлардан талабаларнинг ижодий фаолиятга, муаммони ифодалаш ва счишга бўлган тайёргарлигига боғлик бўлади. Уларни ижодий фаолиятта жалб қилишла муаммоли бошлиш баёнидан аста-секин таъқибот ишларигача ўтиш, муаммоли ўқитишнинг барча методлари занжирида аста-секин оддийдан мураккабга ўтиш тавсия этилади.

Педагогикага оид алабиётларда талабаларнинг ижодий фаолияти репродуктив, кайта ишлаб чиқиши методларини шакллантирмасдан аввал амалда бўла олмаслиги таъкидланади. Агар ўрганилаётган курснинг (бўлим, мавзунинг) мөҳиятини, улардан фойдаланишининг зарур методик материаллари ва қоидаларини талабалар билмаса ва аниламаса, ўқитувчи уларнинг ижодий фаолиятини гашкил эта олмайди.

Демак, муаммоли ўқитиш етарли даражада самарали бўлиши учун у яхлит ўкув-тарбия жараёнининг узвий қисми бўлиши керак.

Муаммоли лекциялар ўтказиш жараёнида, талабаларда ижодий фаолияттга зарур бўлган мотивлар, қимматли йўл-йўріклар ва йўлланмаларнинг шаклланганлиги мухим ўрин эгаллади.

Таъкидлаш жоизки, ўкув фаолияти мотивларининг доирасида жуда кўп мотивлар йигиндиши бўлса-да, улардан икки гурухи белгиловчи ҳисобланади.

Биринчи гурухга маҳсус мотивлар таалукли. Улар талабалар томонидан барча ҳаётий эҳтиёжларни чукур англаш, мутахассис бўлиб стишиши учун билимларни эгаллашнинг ижтимоий зарурлигини тушунишни қамраб олади. Бу гурух мотивларини ўқитувчи курснинг амалий характеристи ва касбий йўналганилигини намойиш қилиш орқали талабаларнинг тушунчаларини амалда қўллаш орқали кучайтириш мумкин.

Иккичи гурух мотивлари ўкув фанлари ва билишга бўлган қизиқиши билан боғланган. Бу гурух мотивлари мөҳиятини ўқитувчи талабалардаги ўкув фанларига бўлган қизиқиши билан тўғрисидаги билимларни шакллантириш орқали кучайтириш мумкин. Бунинг учун лекция жараёнида хатти-харакатларнинг намуниавий усуслари, тушунча-

лар тизимининг мантикий усууллари, аникланмалар, хислатлар ва бошқа исботловчи қурилмаларининг «тушунчалар асосида хulosалар» хатти-харакатлари шаклланишининг дидактик қимматини белгиловчи ўкув материалига ургу берилади.

Талабаларда юкорида баён килинган малакаларни шакллантириш учун лекцияни ўтказиш учун шуцдай тайёргарлик кўриш кўзда тутилиши керакки, улар тайёр билимларни чаққонлик билан ҳаракат усууларига айлантира олсин. Бу дидактик мақсадга эришиш учун талабаларнинг ечимларни қандай шакллантиришинига, тушунчалар счимиининг қандай усуулари борлининга, у ёки бу ифода кайси талаблар асосида қониктирилаётганига, дастлабки омил, аргументлар, хulosаларга диккатни жаъб қилиши лозим.

Ўқитишининг бу методини лекция ўқишининг ахборот – тасвирий ёндашувдан қисман ижодий ва ижодий методга ўтиш орқали амалга ошириш мумкин, улар талабаларда лекциянинг турли босқичларинда ва шароитларида муайян билиш машаққатларини туғдиради, улар ўқитиши жараёнида аввал шаклланган билим ва кўнимкамаларни жорий этиш ҳамда кайта ишлаш асосида мувваффакиятли ҳал қилинади.

Талабаларни ижодий фаолиятга тайёрлаш тизимида, ўқитувчининг лекция жараёнида уларга эътибор қаратиши ўкув-билиш фаолиятига мос кўрсатмаларни бера олини мухим аҳамиятга эга. Шу мақсадда лекцияда ўкув фани мазмунининг умумий-таълимий қимматини исботлаш билан бирга унинг шахс интелекти, дунёкараши, билимларни таснифлаш ва қўллаш усуулари, улардан тежамли фойдаланиш ҳамда тўғри баҳолай олиш тарбиясига таъсир этишини ҳам исботлаш лозим бўлади.

Шунингдек, бундай эксперимент (амалиёт), эгалланган билимлар, фикрларни (хукмларни) қуриш усууларининг ҳақиқийигини тасдиқлашга қаратилганлиги таъкидланиши лозим. Ўкув машғулотларининг бундай бориши талабаларда илмий-назарий тадқиқот ва эксперимент ўтказиш малакасини шакллантиради, бу билан улар илмий ижод кенглигига, ишчанлик мулокотига чиқади, тадқиқотини босқичларини режалаштираши, унинг мақсад ва вазифаларини ифодалайди, методикасини ишлаб чиқади.

Муаммоли ўқитишининг талаблар ларажасидаги сифатини таъминлаш, талабалар томонидан ўзлаштирилган ахборотлар бўйича билимларни чукурлаштириш ва кенгайтириш мақсадида семинарлар ўтказиш мумкин.

Маълумки, бундай семинар ўтказишнинг дастлабки мақсади маъруза ёки ахборотни жамоа бўлиб мухокама қилишdir. Семинарнинг самарадорлиги албатта талабаларни унга тайёрлаш сифатига боғлик. Айниқса, маъруза ва ахборот тайёрлаётган талабалар билан ишлаш мухим аҳамиятга эга.

Талабаларни семинарга тайёрлаш босқичма-босқич ташкил этилади.

Биринчи босқичда ўқитувчи талабанинг семинар мавзусини аниклаб беради. Мавзуни танлаш ва бўлғуси маъруза ёки ахборотни тайёрлашда уларга писбатан ўқитувчи шунчаки, талаба деб қарамаслиги керак, балки уларни семинарда мухокама қилинадиган мавзунинг аҳамиятини, долзарблигини фикрлашга, ўкув фанини кейинчалик мув-

вафракиятли эгаллаш учун уни чукур ўрганиши лозимлигини англашга, бўлгуси касбий фаолиятининг хозирги ижтимоий, илмий муаммолари-ни режалаштира олиш даражасига олиб келиш зарур. Бунда вактни тежаш, ташкилий ишларни этишини жадаллаштириш учун талабаларга мавзу бўйича адабиётларни, имкони борича, мавзулари ва саҳифаларини кўрсатган холда гавсия этиши лозим. Талабаларни маъру-за ва ахборотларга тайёрлашнинг биринчи босқичида унинг мавзуси бўйича рефератнинг батафсил режасини тузиш вазифаси юкланиди.

Иккинчи босқичда, талабаларни маъруза қилишга тайёрлашида ўқитувчи у билан бирга реферат режасини муҳокама қилади, унинг ай-рим ўринларини тузатади. Бу ўз навбатида дастлабки фикрларни тез-ликда тузатиш, аниқлик киритиш, тўлдириш имконини беради ва у пишорад натижада бўлгуси маърузанинг сифатини оширади.

Учинчى босқичда ўқитувчи талаба тайёрлаб келган рефератнинг мазмуни билан танишади. Зарурят туғилсанда, унга саволлар кўйиши, талаба эса бу сұхбатдан сўнг тегишли хулюса чиқарилиши лозим бўлади. Шунингдек, шундай саволларни ҳам бериш керакки, талаба бу саволларга ўз чиқишида жавоб берсин. Айни ўриница талабанинг семинарда маъруза қилиш услуги ҳам муҳокама Килингани маъкул.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, фақат маъруза билан қатна-шадиган талабалар билан ишлаб, бошқа талабалар назардан четда қол-масин, балки гурухдаги барча талабалар олдиндан муҳокама қилинадиган мавзулар билан таниш бўлиши, семинар мавзуси билан алоқадор лекция ва қўшимча материаллар мазмунин устида ишлана бўлиши, мав-зуга мувофик равиша олинайтган билимларни назорат қилишга ва мавзуни муҳокама қилишга тайёр бўлишлари лозим. Бундай семинар машғулоти одатда муҳокама қилинадиган мавзуминиң моҳияти ва дол-зарблиги лекция материали билан боғлашни эслатиш билан бошланади. Шундан сўнг талабалар ўрганилаётган масалани муҳокама қилишга фаоллаштирилади, билимларини намойиш қила олиши аниқланади. Бу икки йўл билан амалга оширилади: ё қисқача жавоблар талаб қилувчи ва олдиндан тайёрлаб қўйилган саволлар бўйича сұхбат шаклида ёки тузатиш (коррекция) тест саволлари асосида назорат қилиш орқали. Тажрибалар шуни кўрсатадики, бу ҳар иккала билимларни юзага чиқа-риш усули тезкор усул бўлиб, семинарнинг ушбу босқичини ўтка-зишнинг муҳим самарали шарти ҳисобланади. Талабалар билимларини юзага чиқариш жараёнида уларнинг эгаллаган билими кейинги семинарларда ва муҳокамаларда қатнашишлари учун старли эканлиги аниқланади. Талабаларда муҳокамадан сўнг ҳам билимлар старли бўлмаса, ўқитувчининг баёни орқали ёки талаба билан инцивидуал сұхбат шак-лида тушунтирилади. Улардан қай бири самара берса, шунисидан фой-даланилган маъкул, кейинги вариант нисбатан самарали бўлиши мум-кин.

Билимлар юзага чиқарилган ва айрим тузатишлар қилингандан сўнг талабаларнинг маъруза ва ахборотлар билан чиқишлари ташкилий этилади. Ўқитувчи талабанинг материални мантикий баён қила олишини, уни баён қилиш усулини, талабаларнинг унга бўлган эътиборини кузатиб боради. Маърузанинг мазмунини баён қилиш ёки муҳокаманинг бориш жараёни талабаларни зериктириб қўйганда ёки, аксийча, ундаги айрим масалаларга кизиқиши кучли бўлганда, ҳамда

уни муҳокама қилиш заруринати туғилганда, ҳурматини сақлаган ҳолда маърузачини бироз тұхтатиб, семинарни жамоа муҳокамасига айлантириш мәксадға мувофиқиді.

Маърузаны түрліб мұхокама қилиш педагогик аспектде семинарнинг әңг ахамияттың қисми ҳисобланады, бинобарин, семинарда талабалар жөнли биљиш фаолияттың жаһаб қилинасынан. Үкитувчи аввало маъруза ва ахборот мазмунини мұхокама қилишга ўтар экан, бу мазмун қанчалик талабалар даражасында әкаалыгын баҳолай олиши лозим. Маъруза мазмунининг түшүнилиши маърузачига шу семинар қатнашчиларинин берган саволлари ва талабаларнинг үкитувчи томонидан қўйилған савонларға (үкитувчи одатда уларнинг ўзлари савол бермеган тақдирда ёки уларнинг саволлари мавзу мазмунининг бир томонигагина алоқадор бўлганда талабаларга савол билан мурожаат қиласи) жавоб беришлари чоғида баҳоланади.

Маъруза мазмунин бўйича берилдиган саволларни иккى түрдага ажратиш мумкин: мазмунин ойдинлаштирилган саволлар ва мазмунин ривожлантиришга қаратилган саволлар. Мазмунин ойдинлаштирилган саволларга жавоблар маъруза баёнидаги айрим ўриниларни тақрорлазни талаб қиласи, мазмунин ривожлантиришга қаратилган саволлар эса маърузани янада тўлдиришини талаб қиласи. Үкитувчи аввало биринчи түрдаги саволларни таникин этади, ундан сўнг иккинчи түрдаги саволларга жамоа бўлиб жавоб кидиради. Мазмунин ривожлантиришга қаратилган саволларни мұхокама қилинг қўпинча талабаларда турли, муқобили жавобларни хам юзага келтириади. Бундай жавобларнинг бўлиши хилма-хил нұктан назарларнинг тўқнашувига сабаб бўлади ва у семинарнинг мунозарага айланышига олиб келади. Семинарни мунозара шаклида ташкил этиш ўкитувчишининг мұхим вазифаси ҳисобланади. Мунозара шаклида семинар ўтказиш талабанинг фикрларни ва муроҷаот кобилиятларининг шакипаниши учун тезкор омия сифатида катта ахамиятта молидицер.

Семинардаги мунозара қўйидагиларни кўзда тутади:

- семинар жараёнда, қўйилған саволларга жавоб беринида талабаларнинг эркин фикр билдириши ва асослай очишларини таъминлаш;
- таалуқлни жавобчарининг бошқа талабалар томонидан түшүнлишини ҳам таъминлашти;
- нұктан назарларга танқиций муроҳазалар билдиришни ташкил этиш, уларни ойдинлаштириш, тўлдириш, ўзгартириш;
- ойдинлаштирилган, тўлдирилган, ўзгартирилган фикрларининг тушупнишини таъминлаш;
- қўйилған саволларга яқдиг исботлар асосида жавоблар бериниң кўпикма ҳосил қилиши.

Мунозарани шу жараёнда қўйилған саволларга берилган жавоблардан иборат хуносаларни шакилантириш ва шундай муаммоларни белгилаш орқали якунлаш керакки, улар кейинги семинарлар ёки талабаларнинг мустақил ишларида ҳал қилинадиган бўлсин.

Хар бир маъруза мұхокамаси унинг асосий қоидалари ва мұхокама (мунозара) натижаларини қайд қылган ҳолда қисқача умумлаштириш билан якупапиши лозим. Семинар мавзусининг мазмунини хуносалаш, маърузачилар ва семинар қатнашчиларининг тайёргарлик

даражасини, уларнинг семинар давомидаги фаолигини баҳолаш, семинар самарацорлигининг умумий баҳоси ва кейинги семинар машғулотига мақсад қўйиш билан тугашланади.

Шундай қилиб, билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинарлар қўйидаги боскичларни қамраб олади:

1. *Семинар мавзусининг долзарблигини асословчи ўқитувчининг кириш сұхбати.*

2. *Семинар мавзуси мазмунини тушуниш учун зарур бўйланган билимларни юзага чиқариш.*

3. *Тайёрланган маъruzаси бўйича талабаларнинг чиқишиларини ташкил этиш ва уларнинг кўттарган масалаларини семинар катнашчиларининг тушуниб олишларини таъминлаш.*

4. *Семинарга кўйилган талабалар маъruzalарининг муҳокамасини ташкил этиш.*

5. *Семинарни якуплаш.*

Талабаларнинг ўз фаолиятларини ташкил этишини шакллантириш ва ривожлантиришга эса билимларни эгаллаш, мақсад ва вазифаларни қўйиш малакасини хосил қилиш, ўз фаолиятини режалаштириш, назорат қилиш ва баҳолашин кўзда тутган семинарлар катта ёрдам беради, бундай малакаларни шакллантириш, одатда, ўкув ишлари мазмунини ташкил этувчи материаллар, лекция, илмий ва ўкув-методик адабиётларни конспект қилиш, маъруза ва рефератларни ёзиш, ўкув ва илмий ахборотлар мазмунини тушуниш ва эслаб қолиши асосида амалга оширилади.

Бу турдаги семинарга тайёргарлик кўришида ўқитувчи талабалар мутлако қиласиган материаллар асосида бажариладиган ишларнинг таъмийларини, ўзига хослигини, методикасини ўрганади, ишларнинг бажарилиш муваффақиятлари (натижалари)ни баҳолаш месъёrlарини тўлалигича ёки айрим қисмлари бўйича белгилаб чиқади ва пировард натижада талаблар даражасига етказади.

Ўз фаолиятларини ташкил этиш малакаларини шакллантиришда талабалар қўйидаги изчилликдаги блоклар харакатларини бажариши лозим бўлади:

- берилган ўкув материаллари асосида муайян ўкув ишлари турларини бажариш, конспектлаштириш, реферат ёзиш;
- бажарилган ишлар натижаларини намунага киёс қилиш ва фаолият натижаларини муваффакият месъёrlарига кўра баҳолаш;
- бу турдаги ишларни самарали бажариш методикаси билан танишиш;
- танланган методикага мослигини аниқлаш орқали бажарилган ишлардан фойдаланиш усувларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- ўз фаолиятига баҳо берган ҳолда ишларни самарали бажариш методикасини ойдинлаштириш ва янги материал асосида ишнинг бажарилиш режасини тузиш;
- белгиланган режа асосида ишларни бажариш, юз берадиган қийинчиликларни аниқлаш, уларнинг сабабларини таҳлил қилиш ва унинг оидини олиш усувларини қидириб тошиш (ўқитувчининг ёрдамида);

- *фаолиятнинг муваффақият мөърлари асосида бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;*

- *ўз ишларини такомиллаштириш бўйича вазифа қўйиш.*

Семинарнинг бу турига тайёргарлик кўришда талабалар ўқитувчининг топшириғига кўра ўқув ишларининг у қашир катта бўлмаган аник материал тарзидаги муайян турини (масалан, конспектлаштириш) мустакил бажарадилар ва унинг натижасини семинар сифатида тавсия этадилар.

Ўқитувчи семинарни бошлиар экан, талабаларга унинг мақсади ва вазифаси билан таништиради ва унор томонидан бажарилган вазифаларни текширади. Сўнг ўқитувчи талабаларга олинидан тайёрлаб кўйган вазифаларни бажариш намуналарини кўрсатали ва талабалар бажарган иш натижалари билан қиёслашни ташкил этади. Талабалар ўз ишларини намунага қиёслаш орқали бевосита улар орасидаги фарқларнинг мавжудлигини ишонч ҳосил қиласди ва ўз маликаларини такомиллаштириш зарурлигини аизлаб оладилар. Бажарилган ишлар натижаларини баҳолашга аниклик киритиш максадида талабаларнинг намунага жавоб берини мөърларини антилашига эришиш лозим. Талабалар бажарган иш натижалари белгиланган мөърлар тизимида мослигини қараб баҳоланишга ишонч ҳосил қилишлари керак. Талабалар тавсия этилган мөърлардан фойдаланишга ҳоизда ўқитувчи раҳбарлигида аввалтига нисбатан яна ҳам жиҳдийроқ равишда бажарилган иш натижаларини баҳолайдилар. Шу тарика талабаларда ўз фаолиятини натижаларини назорат килиши ва баҳолай олиш маликаси пойдевори яратилади. Бунда талабаларга ўз ўқув (факат ўқув бўлмаслиги ҳам мумкин) ишларининг натижаларини ялни ва қисмма-қисм мөърлар тизимида мос равишда цазорат килиши мумкин ва лозим эканлигини тушунишлари таъминланishi керак. Бу ўз навбатида ўтказилган ишлар натижаларининг кайдаражада намунага мос ёки мос эмаслигини ва ўз фаолиятини такомиллаштириш йўнанишларини белгилаб олиш имкониятини беради.

Ўқитувчи талабалар томонидан бажарилган ишларни баҳолаб бўлгач, уларни муайян ишларни самарали бажариш методикаси билан таништиради. Бу методиканинг ҳар бири кутгилган натижаларини олиш нуктаи назардан зарур бўлган, асосланган хатти-харакатлар изчиллигини тавсифланиши тақозо қиласди. Шу методика таркибига кирган ҳар бир хатти-харакатнинг бажариниши сифатини баҳолашга асос бўладиган мөърлари берилади.

Ишни бажариш методикаси билимларига эга бўлган талабалар ўқитувчининг топшириғига биноан уларнинг изчиллигини, аввал аманга оширилган хатти-харакатларини таҳлил қиласилар ва унинг ишлаб чикилган методикага мувофиқлигини аниклайдилар. Натижада ҳар бир талаба ўз фаолиятининг самарадорлигини ошириш максадида зарур бўлган хатти-харакатларни белгилаб оладилар.

Шундан сўнг талабаларга семинар аввалидаги, лекин бошқа мазмундаги ўқув ишлари топшириги берилади. Талабалар топширикни бажарив бўлгач, ўқитувчи бажарилган бир неча ишлар намунасидан олинган натижаларни гурухда мухокама килишини ташкил этади. Мухокамада яъни семинар аввалида таклиф этилган баҳолар мөъеридан фойдаланилади. Ҳар бир талаба ишидаги кучли ва кучсиз ўрин-

ларни қайд килган ҳамда шу меъёрларни кўллаган ҳолда ўзи кўлга киритган натижаларни баҳолайди.

Семинар машғулоти унга якун ясаш билан тугайди. Ўқитувчи талабалар томонидан бажарилган ишлар натижасини баҳолаб у ишда муваффақиятли қатнашганларни алоҳида таъкидлаб ўтади, шунингдек, айrim камчиликларга йўл қўйганларни ҳам қайд қиласди ва ишлаш усусларини келгусида такомиллаштириш, яъни кейинги машғулотларда қацдай вазифалар қўйилишини белгилаб беради.

Умуман, семинарда талабаларнинг ўз фаoliятларини ташкил этиш малакаларини жонлантириш қўйидаги босқичларни кўзда тутади:

1. Семинарнинг мақсади ва вазифаларини шакллантириш;
2. Талабаларнинг дастлаб бажарган ишлари натижаларини ўзлари баҳолашлари ва таҳлил қилишларини ташкил этиш;
3. Ишин бажарни методикаси билан таништириш;
4. Талабалар томонидан амалга оширилган дастлабки ишларнинг бажарилиши усусларни таҳлилини ташкил этиш;
5. Янги мазмундаги ишнинг режасини тузишини ташкил этиш;
6. Белгиланган режа асосида ишнинг бажарилишини ташкил этиш;
7. Бажаринган иш натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолашни ташкил этиш;
8. Машгулотта якун ясаш.

Таъкидлаш жоизки, кўриб чиқиша семинар тинлари талабаларни муаммоли ўқиттишга тайёрлаш учун зарур бўлган ва бир қанча педагогик вазифаларни бажаринга қаратилган машғулотлар тизимини билдиради. Бундай ўқитиш бевосита муаммоли турдаги семинарларда амалга оширилиши мумкин.

Семинар машғулотининг мавзуси зудлик билан ҳал қилинини мумкин бўлмаган муаммо шаклида берилиши мумкин. Фикрлаш усусларини ривожлантиришга қаратилган семинар машғулотларига тайёр гарлик кўришда ўқитувчи қўйидаги масалаларни қамраб олган ва жиддий ўйланган сценарийсини ишлаб чиқади:

- талабаларнинг муаммони счища катнашиши учун старли бўлган билимларнинг юзага чиқариш қобилиятини ҳамда билимларни юзага чиқариш учун зарур бўлган вазифаларни тавсифлаш;
- талабалардаги билимларни юзага чиқарни асосида муаммога ва муаммони ифодачашга киришиши;
- муаммони тўғри ҳал қилишнинг сўнгти хуносаси (карори) – натижасини шакллантириш;
- масалани тўлалигича счишини таъминлаштирган муаммони шакллантириш;
- муаммо таркибицаги муаммоларга жавоблардан иборат оралиқ хуносаларни шакллантириш;
- муаммо таркибицаги муаммоларнинг ечилишида тўғри жавобларни таъминловчи муаммо саволларини шакллантириш.

Муаммоли саволлар тизимини ишлаб чиқиша талабаларни ўйлашга мажбур қилиш ҳамда уларнинг жавоблари эҳтимоли назарда тутилади. Шу билан боғлиқ равишда машғулот сценарийси машғулотнинг бирор (эҳтимол кўрилган) вариантини акс эттириши ло-

зим бўлади, унинг реаллиги эса ўқитувчининг талабалардаги бошлангич фикрлаш кобилияти даражаси ҳакидаги қай даражада билимга эга бўлишига боғлиқ. Шу билан бирга, ҳатто яхши ишлаб чиқилган сценарий бўлса-да, семинарни боришида аввал ўйланган режадан четга чиқишилар бўлади, чунки талабаларнинг якка тартибдаги хислатлари, билимларининг даражаси ва кенглиги ҳар хил бўлади, шу туфайли ўқитувчи семинарни самарали ўтказиши учун мавзу мувофиқ материал мазмунини ўзи юксак даражада егаллаган бўлиши шарт.

Семинар аввалида ўқитувчи тайёрлаб келган саволлари ёки вазифаларидан фойдаланган ҳолда, талабаларда семинарда, катнашиш учун старли бўлган билимларни юзага чиқаради.

Билимларни юзага чиқариш, билимларни чукурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинарлардаги усуллар асосида, амалга оширилади Сўни юзага чиқарилган билимлар асосида ўқитувчи машғулотда ҳал қилинадиган муаммони талабаларга билдиради ва уни ифодалаб беради. Аввал бошданоқ кўйилган муаммонинг талабалар томонидан қабул қилининин таъминлаши учун муаммони кўйишда уни счиш учун уриниб кўринини ташкил этиш тавсия этилади. Бу билан ўқитувчи кутилаётган счимни талабалар билан таҳлил килади, уларда кўринилган кийинчиликларни аниклайди. Муаммони счишдаги дастлабки уриниш натижасида талабалар уни сингилтина счиш мумкин эмаслигини аниклайдилар. Бунда муаммоли вазият талабалар учун муаммони счиш усуllibарининг кейинги изланишини авж олдирини зарурлигининг ички руҳий асослашиши бўлиб хизмат килади.

Ўқитувчи муаммони счиш усуllibарини изланиши тақиқи этингта ўтар экан, аввало биринчи муаммони ифода килади, сўнг муаммоли саволларни кўяди ва жавобларни мухокама килиб, талабаларнинг бу муаммони счиш усулини излашга, яъни биринчи оралиқ хulosани қидиришга ундейди. Сўнгра ушбу муаммони бутунлигича счиш ва хотима хulosаларни ифодалаш билан туталтаниши лозим бўлган кейинги муаммоларнинг счилини усулини излашни ташкил этади.

Ўқитувчи муаммони кўйишда унинг мазмунини ойдигантирувчи муаммоли саволларни бернишда олдин муаммони тўлалигича счинга уриниш ташкил этилганидек, талабаларни муаммо қисмларини счишига уринишларини ташкил этишин мумкин. Бу уриниш муаммони счишда иккичи машаккатни вужудга келтирайин, унинг талабалар томонидан анилаб этилиши муаммонинг счилини усулини қидиришша фол иштирок этишининг кўшимча мотиви бўлишига олиб келади.

Семинар машғулотининг энг муҳим босқичи, унинг ўзаги муаммоли савол жавоб қидиришни ташкил этиш хисобланади.

Ўқитувчи муаммоли савол кўйинб, унга жавоб олиши биланоқ тўғри ва нотўғри жавобларни баҳоламаслиги, балки талабалардан саволларга ҳар томонлама кенг жавоб талаб қилиши керак. Агар талаба куттилган муайян жавобни тайинли асослай олмаса, бу жавобга хайриҳох бўлган бошқа талабаларни ҳам аниклаб, уларга биргаликда шу жавобни асослашни таклиф этади. Агар талабалар у ёки бу саволга турли жавоблар таклиф этсалар, ўқитувчи талабаларнинг жавобларни қиёслашга қаратилиган фикрлашга уринтириши лозим бўлади. Бундай

фикрлаш иши мураккаб бўлиб, у барча билдирилган нуктаи назарларни тушуниш, уларнин кучли ва кучсиз томонларини аниклаш, тўғри жавобни қидириш мақсадида танқидларни хисобга олган холда турли карашларни ўзаро нисбатлашни кўзда тутади.

Шундай қилиб, муаммоли саволга жавоб топишни қидиришни ташкил этиш ўзида муттазам кўйилган қадамлар модулини бирлаштириди. Улар кўйицагилар:

- муаммоли саволни кўйинш;
- кўйилган саволларга жавоб топиш ва асослаш бўйича талабаларнинг фикрлашга уриннишларини ташкил этиш;
- жавобларнинг ташкидий таҳлилини ташкил этиш, уларнинг кучли ва кучсиз жиҳатларини аниклаш;
- келишилган мавқе (позиция)ни ишлаб чиқиши – энг тўғри жавобни конструкциялаши мақсадида жавобларни ўзаро қисс қилишини ташкил этиш.
- кейинги муаммоли саволни кўйишга ўтиши.

Ўқитувчи ташкил этган бундай мужассамлашган ҳаракатларни бажариш жараёнида талабаларнинг тафаккурларида ривожланиш юз беради.

Талабаларга муаммоли саволлар қўйишида муаммоли саволларнинг узлуксизлигини, уларнинг бажарган ижодий иш натижалари билан алоқасини таъминлаш зарур.

Умуман, талабаларнинг фикрлаш қобисиятларини ўстиришга багишланган семинар кўйидаги босқичларни уз ичига олади:

1. Ўкув муаммосини ечиш бўйича ижодий фасилиятда фаол иштирок этиш учун зарур бўлган билимларни юзага чиқарни;

2. Муаммолга киришини ва уни ифодалаши;

3. Талабаларнинг аввал эгалланган билимларни негизида муаммони счишга уриннишни ташкил этиш;

4. Муаммони счиш бўйича талабаларнинг кенг ижодий фаолиятини ташкил этиш (муаммони ва муаммоли саволни кўйиш, муаммоли саволга жавоб топишни ташкил этиш, оралиқ ва якунний холосаларни ифодалаши);

5. Машғулотта якун ясаш.

Муаммоли ўқитиш шароитидаги ўкув жараёниниг мустаҳкам асоси талабаларни мустакил фикрлашга мунтазам тайёрлаш, шахсий фазилат сифатида улардаги баҳоланадиган мустақилликни шакллантириш ва ривожлантириш хисобланади. Бу ўқитишдаги мустакил ишнинг алоҳида муҳим аҳамияти, уни ўкув юрги педагогик тизими марказига кўйилишишининг қонунийлиги, унинг ўз тизими бўлиши заруриятини ташкил этиш демакдир. Шу билан биргэ таъкидлаш жоизки, бу масала ҳанузгача амалиётда тўла ҳал қилингандай эмас.

Амалий машғулотлар бир неча босқичда ўтказилиди. Биринчи босқичда билимлар назорат қилинади, уларнинг мавжудлиги машғулотларда ишлаб чиқиладиган вазифаларнинг ечилиш методикасини тушунишга ёрдам беради. Ўқитувчи билимлар ўзлаштирилишиниг назоратини ўтказиб бўлгач, талабаларни муайян тоифадаги вазифаларни ечиш методикаси билан танишитиради. Бу жараёнда ўқитувчи методика таркибига кирадиган барча ҳаракатларни талабаларга ту-

шунтириши лозим. Ўрганилган методикага мувофиқ равища барча ҳаракатларни амалий эгаилашни ташкил этиш учун ўқитувчи талабаларга алохида топшириклар беради. Бу топширикларни бажариш жараёнида юзага келган қийинчилекларни ўз вактида сингиш мақсадида ўқитувчи талабаларга йўл-йўриклар беради. Бунда ўқитувчининг вазифаси ҳар бир талабанинг ўз топширигини ошли равища бажаришини таъминлашдан иборат бўлади.

Топширикни бажариш якунлангач, ўқитувчи унинг боришини ва талабалар ишлари натижаларини таҳлил қиласди, турух билан биргаликда типик қийинчилекларни мухокама қиласди, уларни енгиш усусларини кўрсатиб беради, шаклланган малакаларни келгусида такомиляштириш бўйича вазифалар кўяди.

Шундай қисиб, алгоритмик тицдаги амалий машғулотларни ўтказиш кўйидаги босқичларни кўзда тутади:

1. *Муайян тоифацаги вазифаларни ечиш методикасини тушуниб олишга ёрдам берадиган билимлар ўзлаштирилишини назорат қилиш;*
2. *Ўзлаштирилиш объекти булган вазифаларнинг ечилиш методикаси билан танишини;*

3. *Аник вазифа материаллари асосида ўрганилган методикага мувофиқ равища талабаларнинг ишланишга фоалиятни ташкил этиш;*

4. *Типик қийинчилеклар ва уларни енгиш йўлларини турух бўлиб мухокама қилишини ташкил этишининг талабалар томонидан бажарниб бориши ва натижаларини таҳлил қилиш, келгусида эгаилашши мумкин бўлган малакаларни такомиляштириш бўйича вазифа кўйиш.*

Муаммоли тицдаги амалий машғулотларни ташкил этиш кўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. *Муайян тоифацаги вазифаларнинг ечилиш методикасини ишлаб чиқиши учун зарур бўлган билимларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилишини назорат қилиш;*

2. *Ечилиш методикасини ишлаб чиқишини кўзда тутган янги вазифаларни қўйиш;*

3. *Кўйилган вазифанини ечилиши методикасини ишлаб чиқишига қаратилган талабаларнинг фикрлашга уршишшарини ташкил этиш;*

4. *Талабалар ишларининг натижачарини таҳлил қилиш, методикани ишлаб чиқиши жараёнида юзага келган қийинчилекларни турух бўлиб мухокама қилиш, унинг сабаблари ва уни енгиш усусларини аниқлаш.*

Амалий вазифа ва муаммоларни ечишдаги талабаларнинг умумий фаолиятини ташкил этишининг самарали шакли тадбиркорлик ўйинлариdir. Маълумки, тадбиркорлик ўйинлари талабаларнинг колектив фаолиятини ташкил этишин билдирачики, бу жараёнда унинг бўлуси касбий фаолиятининг ашёвий ва ижтимоий мазмуни яратилади.

Тадбиркорлик ўйинларининг педагогик самарадорлиги натижаси кўп жиҳатлардан ўйиннинг сценарийсини ишлаб чиқиши унинг тайёрланиш сифати билан белгиланади. Тадбиркорлик ўйинлари талабани амалий тайёрлашнинг педагогик вазифалари тизимини ечишга қаратилган бўлиши лозим. Буларга бириичи навбатда: реал касбий фаолият шароитида қўлланадиган амалий малака ва кўнгималарни шакллантириш; амалий вазиятлар ва шунга мос ҳаракат усусларини ишлаб

чикишни таҳлил қиласиган фикрлаш қобилиятларини шакллантириш; турху (жамоа) фаолиятида фаол иштирок этишини таъминлайдиган қобилиятларни шакллантириш таалукклидир.

Ўйиннинг мазмуни ва тузилмаси шундай шаклланиши ва шулдай тузилиши керакки, шунга мос малака ва қобилиятлар ҳар бир иштирокчидан бутун ўйин давомида шакллансан. Ўйиннинг педагогик вазифалари режада аниқ акс этиши шарт.

Ўкув вазиятини моделлаштириш бўйича тадбиркорлик ўйинларини тайёрлашда мураккаб амалий вазифаларни (муаммоларни) ечишга қаратилига касбий фаолият мазмунни танланади. Бунда мос вазифаларни таҳлил қилиб чиқиш, уни ечишда иштирок этадиган раҳбарлар ва ижрочиларни, уларнинг вазифалари, ўзаро муносабатлари тартиби, вазифани самарали ечишнинг ибтидоси, босқичлари ва мөърлари, унга керак бўладиган техник воситалар, мөърий, эҳтиёж (справочник), методик ва бошқа манбаларни аниқлаш зарур.

Ўкув жараёнини такомиллаштириш методлари муаммоли ўқитиши жараённида самарадорлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Улардан талаба ижодий шахсни – бўлғуси мутахассисни шакллантириш нұктаси назардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Бундай ўқитища талабаларнинг билиш мустакиллигини шакллантириш ва ривожлантириш катта аҳамиятга эга, чунки у талабаларда билимга бўлган барқарор қизикишнинг шаклланганлигини, ташаббус ва мустакил фаолиятнинг мунтазамлигини, муайян аклий ҳаракатлар ва аклий сифатлар тизимини кўзда тутади.

Матъумки, билиш талабаларнини тушуннини учун бўлган аниқ фан сатҳида бошланар ва бу босқична унин ривожланиши, қобилияти мос келини, табиат жараёнлари ва ҳолисатарининг ички моҳияти ва ҳакиқий мазмунига этиш ва шу тариқа асл илмий билимлар ўзлаштирилар экан, бу ўринча ўқитишининг фаол, муаммоли-ижодий методларини кўллаш зарур. Вазифа илмий билимларни эталаш жараёнида ўз-ўзидан ҳал бўлмайди. Унинг ечилиши тафаккурни маҳсус машқ қиздиришга жаён этади. Шу маънода гап ўкув материалиини ўрганишининг муайян образи, ташкилий, педагогик мақсадга мувофиқлиги жараёни, фикрлашнинг фаол тараққий этиб бориши, билиш фаолиги ва талабаларнинг мустакиллиги ҳакида боради.

Демак, муаммоли ўқитиши бу ўқитишининг педагогик технологияси бўлиб, ўзининг мазмуни ва тузилмаси бўйича ўқитувчи ва талабанинг ижодий жараёнларини синтезлайди.

Муаммоли ўқитища педагогик фаолиятнинг хусусиятлари ўкув ахборотлари мазмунини муаммоли вазифалар ва муаммоли вазиятларга кўчириш орқали максадларни ойдинлаштириш жараёнидан иборат бўлади.

Ижодий ўкув фаолияти муаммоли ўқитишининг асосий қоидасини саклаган ҳолда – маълум даражада ҳаракатларга эркинлик бериш ва бу ҳаракатларни билиш жараёнининг бутун тузилмаси тизимида тартибга тушириш билан бошқарилади.

Муаммоли ўқитища фойдаланган ҳолдагина талабаларда ўкув муаммолари ва касбий вазифаларни ечишда илмий текшириш жихатдан ёндашувни тарбиялаш, мустакил билиш малакаси ва методларини шакллантириш мумкин. Муаммоли ўқитиши кўллаш, билиш-

ни тушунини шакллантиришга ёрдам беради, педагогик ижод ва касбий маҳоратни ривожлантиришга психологик ва касбий тайёргигини шакллантиради.

Муаммоли ўқитиш ўкув ахборотларининг махсус тузилмасини ишлаб чиқишини тақозо қиласди. Муаммоли лекция технологияси саволлар, гипотезалар тизими, унинг ечими, назорат ва тузатувларни амалга ошириш тизими орқали мазмунни мунтазам очиб боришини кўзда тутади.

Шунингдек, муаммоли лекцияда муаммоли вазият ва уни муаммоли ҳал қилиш тизими ҳам киради. Ўкув жараёнида бундай технологияни жорий қилиши қизиқини уйғотади, аклии ривожлантиради, билиш қаршиликларни сингин учун йўл-йўриклар беришни талаб қиласди, мантиқий таъкиқ қилишига йўлладиди ва уни босқичлар бўйича ўргатади, тафаккурини назарий услубларини тарбиялайди.

Муаммоли лекцияни ўтказишида ўкув ахборотлари тузилмаси шундай тасвирилации мумкин, яъни лекция «Ўзбекистон Республикасида Ҳалқ таълимни таракқиётининг ҳозирги замон конценцияси» каби муаммоларга багишланниши мумкин. Бу лекцияни ташкил этинда муаммоли вазият таклифлар бўйича счилни усулини танлаш, қўйилган муаммо ечими бўйича ташланган усулиарни мухокама қилиш, янги ахборотни олиб кириш тарзида яратилади.

Муаммоли вазиятини яратиш учун талабаларга икки назарий қондада таклиф этилади: бу ҳалқ таълимини башорат қилиш ва ҳалқ таълимни мақсади. Уларга бу муаммолардан бирини танлаш ёки муаммоли вазият аниқлаб беришини лозим бўлган ўзларининг янги назарий қондани тузини таклиф этилади.

Кейинги босқичда ташланган вазифани мухокама қилиш ташкил этилади, унинг хам қилиниси жараёни кузатилади, ахборотлар таҳлил қилинади, ташланган счимининг тўғрилиги текшириб кўрилади. Ундан сўнг янги назарий нуқтаи назарни тузишга ўтилади.

Муаммоли лекция талабаларниң факат тингловчи эмас, балки фаол иштирокчи бўлнишини тақозо қиласди. У илмий тафаккур услубини ривожлантиради. Муаммоли вазифалар ўзида операцион-процессуал таркибларни бирлаштиради. Улар ахборот мазмунини янгилаш ва янги билимлар олиш орқали таҳлилга, тушунни ва изоҳлашга, ўрганизашётгани илмий муаммоларни назарий жиҳатдан фикрлашга диккатни жалб қиласди. Муаммоли лекция давомида талабаларда мавжуд бўлган билимлардан фойдаланилади, уларни янги ахборотлар билан боеник равишда янтиланишини амалга оширади.

Муаммоли лекция билиш фаолиятини самарали бошқаришни таъмин лайди.

Шундай қилиб, муаммоли ўқитиш ўкув жараёнини ташкил этишини шундай шаклини, унда ўқитувчи бошчилигида муаммоли вазият ва бу вазиятнинг ечилишидаги талабаларниң самарали мустақил фаолияти юзага келтирилади.

Муаммоли ўқитишни ташкил этиш натижасида талабаларда касбий билим, машака ва кўнкимлар ҳамда фикрлаш қобилиятиларини ўстиришнинг ижодий имкониятлари юзага келади.

Муаммоли технологияни амалга ошириш учун:

- энг долзарб, ахамиятли вазифаларни танлаш;
- ўқув ишларининг барча турларида муаммоли ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш;
- муаммоли ўқитишнинг энг мақбул тизимини ишлаб чиқиш, дарслик, ўқув ва методик кўлланмалар, тавсияномалар яратиш;
- шахсий ёндашув ва ўқитувчи маҳорати зарурдир.

4.3. Ўйинли технологиялар

Ўйинли технологиялардан фойдаланишнинг асосини талабаларнинг фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолияти ташкил этади.

Ўйин олимлар тадқиқотларига кўра меҳнат ва ўзи билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Психологларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологияк механизмлари шахснинг ўзини намоён килиш, ҳаётда ўз ўринини баркарор килиш, ўзини ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналанган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллапади.

Л.С. Вигодский ўйинни боланинг ички ижтимоий дунёси, ижтимоий буортмаларни ўзлаштириш воситаси сифатида таърифлайди.

А.Н. Леонтьев ўйинга шахснини хәслотдаги амалга ошириб бўлмайдишиан кизикишлари (манфаатлари)ни хаёлан амалга оширишлари эркинлиги сифатида карайди.

Психологлар таъкидлайдиларки, ўйинга киришиб кетиш қобицияти киши ёшина боёнлик эмас, лекин ҳар бир ёндағи шахс учун ўйин ўзига хос бўлади.

Ўйинли фаолият муайян функцияларни бажаришга бағишлиланган бўлади. Улар кўйидагилар:

- **мағтункорлик;**
- **коммуникативлик;**
- **ўз имкониятларини амалга ошириш;**
- **даволовчиллик;**
- **ташхис;**
- **миллатлараро мулокот;**
- **ижтимоийлашув.**

Тадқиқотчилар ўйин хусусиятларини ишлаб чиқканлар. Ўйинларнинг мухим қирралари С.А.Шмаков томонидан ёритилган. У эркин ривожланувчи фаолиятни фарқлайди. Бундай фаолият факат натижа (тадбирни) туфайли баҳра олиш учун эмас, балки ҳоҳишиларига кўра, фаолият жараёнининг ўзидан баҳра олиш учун кўлланади.

Ўйин ижодийлиги билан ажralиб туради. У мумкин қадар бой, фаол характерига -- «ижод майдони»га эга бўлади.

Ўйин учун ҳиссий кўтарикилилк хосдир. У ўзаро кураш, мусобакалашиш, рақобат шаклида намоён бўлади.

Ўйиннинг ўйин мазмунини акс эттирувчи, уни ривожлантиришинг мантиқий ва вақтингча изчиллигини кўзда тутган бевосита тегишили ва унга нисбий алоқадор қоидалари бўлишини кўрсатадилар.

Таъдикотчилар назарий аспектда ўйинга фаолият, жараён ва ўқитиш методи сифатида қарайдилар.

Ўйин фаолиятни сифатида мақсадни белгилаб олиш, режалаштириш ва амалга ошириш, натижаларни таҳлил қилишини қамраб олади ва бунда шахс субъект сифатида ўз имкониятларини тўла амалга оширади.

Ўйинли фаолиятни мотивациялаш ўйин характерининг мусобақалашини шартлари, шахснинг ўзини намоёни кила олиши, ўз имкониятларини амалга ошириши эҳтиёжларини қондиришдан келиб чиқади.

Жараён сифатида ўйин тузилмаси (Г.К. Селевко таъбирича) қўйидағигарин ўзишига қамраб олади:

- *ўйнаш учун олинган роллар;*
- *бу ролларни ижро этиш воситаси бўлган ўйин харакатлари;*
- *предметларни, яни ҳақиқий нарсаларни шартли, ўйин нарсалари ўрнища қўллаш;*
- *ўйинда иштирок этувчиларнинг ресал ўзаро муносабатлари;*
- *ўйинда шартли равнища яратилган сюжет (мазмун) – ижро соҳаси.*

Ўйиндан тушунчалар, мавзу ва ҳатто ўқув предмети бўлиммини ўзлаштиришда ўқитиш методи ва мустақил технология сифатида фойдаланилади.

Ўйин билиш ва унинг бир кисми (кириш, мустаҳкамлаш, машқ, назорат) тарзида ташкил этилади.

Ўйинлар турли мақсадларга йўналтирилган бўнади. Улар дидактик, тарбиявий, фаолиятни ривожлантирувчи ва ижтимоийлашув максадларда қўлланади.

Ўйиннинг дидактик мақсади билимлар доираси. билиш фаолияти, амалий фаолиятида билим, малака ва қўникумаларни қўллаш, умумтаълим малака ва қўникумаларни ривожлантириш, меҳнат қўникумаларини ривожлантиришни кенгайтиришга қаратилиган бўлади.

Ўйиннинг тарбиявий максади мустақиллик, иродани тарбиялаш, муайян ёндашувлар, нуқтаи назарлар, матнавий, эстетик ва дунёқаранини шакллантиришдаги ҳамкорликни, коллективизмни, жамоатга киришиб кета олишини, коммуникативликни тарбиялашга қаратилиган бўлади.

Фаолиятни ривожлантирувчи ўйинлар диккат, хотира, нутқ, тафakkur, қиёслаш малакаси, солиштириши, ўхшашини топиш, фароз, хаёл, ижодий қобилият, эмпатия, рефлексия, оптимал ечимни топа олиш, ўқув фаолиятини мотивациялашни ривожлантиришга қаратилган.

Ижтимоийлашув ўйинлари жамиятнинг меъёриари ва қадриятларига жалб қилиниш, муҳит шароитларига қўникуш, эҳтиросларни назорат қилиши, ўз-ўзини бошқариш, мулокотга ўргатиш, психотерапияни изазарда тутади.

Педагогикага оид адабиётларда педагогик ўйин деган тушунча мавжуд.

Педагогик жараённи ташкил этишнинг бир қатор методлари ва усуллари ҳамда турли шаклдаги педагогик ўйинлар «ўйинли педагогик технологиялар»ни ташкил этади.

Педагогик ўйинда таълимнинг педагогик мақсадлари аниқ қилиб қўйилади.

Педагогик ўйинлар асосида таълабаларни ўқув фаолиятига йўлловчи ўйинли усуллар ва вазиятларни вужудга келтириш ётади.

Г.К. Селевко томонидан педагогик ўйинлар таснифи ва уни амалга оширишининг асосий ўйналишлари ишлаб чиқилган.

Педагогик ўйинлар қўйидаги асосий ўйналишларда бўллади:

- *дицактик мақсад ўйинли вазифа шаклида қўйилади;*
- *ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсунади;*
- *ўқув материализдан ўйин воситаси сифатида фойдаланилади;*
- *ўқув жараёнига дидактик вазифа ўйинга айлантирилган тарзда мусобақалашиш унсурлари киритилади;*
- *дидактик вазифанинг муваффақиятни бажарилниши ўйин патижалари билан боғланади.*

Педагогик ўйинлар фаолият турлари, педагогик жараён характеристики, ўйин методикаси, соҳа хусусияти, ўйин мухити бўйича тасниф килинган (4.01 таблицага қаратилсин).

Олий мактаб амалиётида тадбиркорлик ўйинларига алоҳида аҳамият берилади.

Тадбиркорлик ўйинлари назарияси умуман бошқа ўйин фаолияти назарияси билан бевосита боғланади.

Тадбиркорлик ўйинларини машхур психологлар Л.С. Выгодский, А.Н. Леонтьев, П.Я. Гальперин ва бошқаларини ишларида назарий асосланган.

Тадбиркорлик ўйинлари ўз характеристига кўра инсоннинг шахсий хислатларини шакллантиришининг амалдаги воситаси хисобланади.

Тадбиркорлик ўйинлари билиш ва ўқитишнинг воситаси сифатида XX асрнинг 20-йилларида туркираб ривожланди. Тадбиркорлик ўйинларига таклидий (имитацион) ўйинлар билишининг воситаси сифатида асос бўлди. Таклидий ўйинларга ўз навбатида ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий ўйинлар асос бўлган.

А.А. Вербицкий тадбиркорлик ўйинларига ўқитишнинг ишоравий контекст шакллари сифатида қарайди. Унинг фикрича, тадбиркорлик ўйинларида машқ қилиш фаолияти ва бўлажак қасбий фаолият модел ёки улинг прототипи, қайсиdir сунъий ва табиий тизим сифатида ўзаро нисбатланади. Шу туфайли тадбиркорлик ўйинлари қасбий фаолиятнинг ишоравий моделлари сифатида белгиланади, унинг контексти (мазмуни) ишора воситалари, яъни табиий тилни ҳам ҳисобга олган модельлаштириш, таклид (имитация) ва алоқа ёрдамида берилади.

А.А. Вербицкий олий ўқув юртининг вазифасини буенадай ўқитишида, яъни таълабани бир етакчи фаолият типи (ўқув)дан бошқа (қасбий) типга фаолиятнинг предмети, мотиви, мақсади, воситаси, усул ва натижаларини мақсадга мувофик йўналтирилган (ўзлаштирилган) ҳолда ўтказиши таъминлаш деб билади.

Тадбиркорлик ўйини янги технология сифатида моҳиятан қўйидагиларни билдиради:

- ишлаб чыкариш имитацион модели сифатида тақдим этилган ўкув материалы мазмунининг изчилигиги;
- ўйинни ўкув моделица келгусидаги касбий фаолияти таркибий қисмларини яратиш;
- ўкув жараёни тарзини билимларга эхтиёжларни түждириш ва уларни амалда күллашнинг реал шароитларига якинлаштириш;
- ўйиннинг таълимий ва тарбиявий самараодорлиги йигиндиши;
- ўйинни олий борувчи ўқитувчнинг талабалар фаолиятини ташкил этиши ва бошқаришидан талабаларнинг ўз хатти-харакатларини ташкил этиши ва бошқаришга ўтишини таъминлаши.

А.С. ва Г.Ф. Арбеньевлар тацқикотларица тадбиркорлик ўйини мутахассисининг эвристик тафаккурини ривожлентиришнинг самарали методларидан бири сифатида баҳоланади.

А.Тюков фикрича, ҳар қандай ўйин қай тарзда лойиҳалаштирилишидан қатъий назар, уларнинг ҳар бири қуйидаги талабларни бажариши лозим:

- касбий доирә имитацияси яхлингани. Ўйин имитациясига таалукли бўлган тузимга ва жараёшлар асосий воқеликни акс эттирувчи умумий сюжет ёки асосий мавзуга эга бўлиши лозим;
- мустақил ташкил этишга йўналаганини;
- ўқитишининг муаммолилиги;
- методологик, психологик ва техник жиҳатдан таъминланганини.

Ташкилий ўйин аслида тобора такомиллашиб борувчи ўқитишини таъминлаши керак. Шу мақсадда унда фаолият ривожленишининг тўлиқ даврийлиги имитацияси амалга оширилади, яъни қандайдир вазият ечимига бўлган ёндашувдан тошилган счимнинг умумлаштирилган баҳоси ўтилади.

А.А. Тюков ўйин даврийлигининг қуйидаги босқичларни қайд киради:

- вазиятини ва муаммолаштиришини таҳлил қилиш асосида ўйиннинг асосий сюжет мавзуси бўйича ўйин иштирокчисининг сермаҳсул мустақил ижодий иши;
- амалий гурӯхларнинг иш натижаларини умумий танқидий мухокама қилиш;
- ўйин жараёни ва иштирокчилар латти-харакатларини рефлексив таҳлил қилиш;
- ечимни ташкил этиш босқичи.

Я.С. Гинзбург ва Н.М. Коряк ўйининиң қуйидаги ижтимоий-психологик хусусиятларини фарқлайди:

- гурӯх характери;
- яратувчилик, шартлилик;
- рамзијлик, утилитар бўлмаслик характери;
- белгисизлик (мавҳумлик), тарқалувчанлик хусусияти

Тадбиркорлик ўйинини тайёрлашнинг ижтимоий-психологик муаммоларига қуйидагилар киради:

- иштирокчиларни танлаш;
- ролларни тақсимлаш;
- ўйин раҳбарини ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлаш;
- ижтимоий психология бўйича умумназарий билимларни эгаллаш;
- назарий билимларини амалда қўллай олиш;
- шахсий тайёргарлик.

И.Озлоёров тадбиркорлик ўйинларига ўкув ишларини ташкил этишининг бир щакли сифатида қарайди. У ўйинлар ўкув жараёнида ўз ўрнига эга ва ўкув жараёнининг асосий вазифалари, моҳияти ва тузилмаси ҳамда ўрганилаётган фаннинг дидактик табиатига боғлиқ бўлган, аник белгиланган дидактик функцияларни бажаринини таъкидлайди.

Тадбиркорлик ўйинларининг дидактик функцияларига кўйидагилар киради:

- талабаларда ақлий фаолият усуулларининг шаклланиши;
- билимларни мустаҳкамлаш ва қўллаш;
- ўкув жараёнида бўлгуси мутахассиснинг фаолияти факат ўрганиш эмас, балки уни бажаришга қаратилган дидактик қоидалар ишлаб чиқишидан иборат бўлиши;
- талабалар ўкув-билиш фаолиятининг бўлгуси касбий фаолияти, характеристи ва тузилмасига максимал даражада яқинланниб бериши.

Тадбиркорлик ўйини ижтимоий-педагогик тизим сифатида қўйида-ти тайёргарлик босқичларига эга:

1. Ўкув-билиш вазифаларини муаммоли вазият тошириги шаклида қўйиш:

- бўлгуси тадбиркорлик ўйинининг мақсадини аниқлаб олиш;
- муаммоли вазиятни аниқлаб етиш;
- талабаларга навбатдаги тадбиркорлик ўйинни ҳакида дастлабки маълумотлар бериш;

2. Навбатдаги вазифани бажариш учун зарур бўлган аввал эгалланган билимлардан фойдаланиш:

- талабаларнинг ўқитувчидан ёки адабиётларни таҳлил қилиш орқали янги билимларни қабул қилиб олиши;
- бажарилиши лозим бўлган иш тўйрисища талабаларга йўл-йўрникларни кўрсатниш;
- олингап билим, ўзлаштирилган илмин тушунчалар ва ишлар методларини умумлаштириш;
- ўз-ўзини назорат қилиш;

3. Тацбиркорлик ўйинларининг шартларини тушунтириши ва вазифани бажариш учун зарур бўлган янги амалий билимларнинг ахборотини бериш.

4. Навбатдаги ишни режалаштириш:

- уларга аввал маълум бўлганлар асосида унинг айрим босқичларини бажариш усуулларини танлаш;
- аввал эгалланган билимлар асосида тушунтириш ишини олиб бориш ва ўз ижоди учун зарур бўлган янги методларни қидириш;

• режалаштиришни мустақил назорат қилиш.

5. Вазифа шартлари, уларнинг бажарилишини тушунтирувчи коидалар (материаллар)ни ўрганиши ва таҳлил қилиш бўйича мустақил ишлар ва тадбиркорлик ўйинларидаги ўз мавкеини аниқлаш.

6. Ўзларидаги бор билим, малака ва кўникмалар асосида режа бўйича ишларни бажариш:

- янги билим ва малакаларни ҳосил қилиш;

- ўз хатти-харакатлари ва уларнинг натижаларини мунтазам назорат қилиш.

- қайд қилинган камчиликлар ва уларнинг сабабларини бартараф қилиш;

- белгиланган режаларни (режа олди ишлари ва режадан ташқари) такомиллаштириш;

- якуний натижаларни текшириб кўриш ва таҳлил қилиш.

7. Талабалар фаолиятини, уларнин билими, малакаси, кўникмаларини назорат қилиш ва жорий йўл йўриклиар бериши.

8. Талабаларнинг тадбиркорлик ўйинларига тайёрлигини аниқлаш мақсадида уларнинг мустақил ишлари натижаларини текшириб кўриш.

9. Талабаларга тадбиркорлик ўйинларини ўтказиш ва унча қатнашиш бўйича йўл-йўриклиар берниш, уларни роль ўйнаш бўйича тақсим қилиш, зарурат туғилганда ҳар бирига қўшимча йўл-йўриклиар берниш.

10. Олдиндан ишлаб чиқилган сценарий бўйича талабаларнинг тадбиркорлик ўйинлари.

11. Ўйин иштирокчиларига жорий йўл-йўриклиар берниш.

12. Ўйин иштирокчиларининг ўйин давомида ўзи ўйнаган ролларига баҳо берниш, ўз-ўзини назорат қилиши.

13. Тадбиркорлик ўйини натижаларини муҳокама қилиш ва талабанинг ўқув-ўйин фаолиятига баҳо берниш.

Шундай қилиб, тадбиркорлик ўйинлари материалларни янги билимларни эгаллани, ўтилияни мустаҳкамлани, ижодий қобилиятларини ривожлантириши, умумий малакани шакллантириши каби бир қатор вазифаларни счишда фойдаланилади.

Тадбиркорлик ўйинларининг бир неча модификациялари мавжуд:

Имитацион ўйинлар.

Бундай ўйинлардан максақ қайсиdir ташкилот, муассаса ва унинг қисмлари фаолияти андоза қилинади. Вокеалар, кишиларнинг бирор фаолияти (иш битириш мажлислари, режани муҳокама қилиш, сұхбатлар ўтказиш ва б.), фаолият ҳолати ва шартлари андоза қилиб олинни мумкин.

Сценарийда бундай ўйнаш тўла тузилмаси ёзib чиқилади ва имитация қилинадиган объекtlар ва жараёнлар белгиланади.

Операцион (воксей) ўйинлар. Бундай ўйинларда аниқ ўзига хос вокеа-ходисанинг бажарилиши машқ қилинади. Операцион ўйинлар иш жараёнига хос моделлаштирилади.

Роль ижро этиш ўйинлари. Унда аниқ шахснинг хулқи, хатти-харакати, ўз вазифалари ва мажбуриятларини бажарилиш тактикаси машқ қилинади.

Тадбиркорлик театри. Бунда қандайдир вазият ва унлаги кишининг хулқи ўйналади. Бу ўйиннинг асосий вазифаси турли ҳолатларда

мұлжални тұғыри баҳолай олишни ўргатиши, үзининг хулқига тұғыри баҳо бериш, бошқа кишиларнинг имкониятларини баҳолай олиш, улар билан мұлоқот ўрнатса олишгә ўргатылады.

Психодрама ва социодрама. Бу ҳам үзига хос «театр», лекин ижтимоий психологик мақсадни күзлайды: Унинг асосий мақсади жамоада вазиятни ҳис қыла олиш, бошқа кишининг ҳолатини ўзгартыриш ва унга баҳо бериш, у билан самарали мұлоқотта кириша олишни шакилантириш ҳисобланады.

Таңбиркорлык үйинлари технологияси 4-02 жадвалда тасвиrlанган (Г.К.Селевко варианти).

Бу технология тайёргарлик даврини ҳам үз ичига олади. У сценарийни ёзиб чиқыш, вазият ва объектларни шартты белгилар асосида тасвиrlашыдан болыланады. Сценарий машгүлолтинг ўқув мақсади, ўрганилаشتырылған мұаммонинг тавсифи, күйилған вазифаны асослаш, үйиннин режаси, вазиятнинг мазмунни ва қатнашуuvчи шахсларнинг тавсифини үз ичига олади.

Үйиннеге киришиш. Бу босқичда иш режими аникланады, машғұлтнинг бөш мақсади шакилантириледи, мұаммони күйинші ва вазиятни танлаш асосланады.

Үтказыш босқичи. У үйин жараенидір. Үйин бошланғач, ҳеч ким унда арапташмайды ва унинг боришини ўзгартыра олмайды. Үйиннің факат уни бошқарувчи тұзатыб бориши мүмкін.

Таңдил босқичи. Үйин шатырлары мұхокама қилинады ва баҳоланады. Бу босқичда экспертерлернің фикрлари эпитеттіледи, үзаро фикр алмашиналады, талабалар үз хатты қарастырылады да хүлесаларнин химоя қылладылар.

Шундай қилиб, таңбиркорлык ва эвристик үйинлар бұлғуси мұтакассиснинг ілмий-ижодий тажрибасынан ривожлантириши учун катта имконияттар яратады.

Олий мактаб мұаммоларининг таңқиқотчилари қуидаги таңбиркорлык ва эвристик үйин турларини фарқлайдылар:

1. Мұтакассислар орасыда үз вазифаларини, дастурлар ва ролларини тақсым қылиш асосида таңбиркорлык ва эвристик үйинлар. Бундай мұтакассислар сирасында қуидагилар кирады:
 - келгусида ишлаш күтилаشتырылған мұассасаңда фаол ижодий ишловчиларни ва уларни ишлаб чиқышида, аниклаш билан банд үйледі «вазифа таңқиқотчилар»;
 - ижодий гурухдаги барча иштирокчиларнинг фаоллігін сатыда шу гурухнинг үзига хос катализаторлык вазифасын бажарувчы «фаоллаштыруvчилар»;
 - ілмий мұаммонинг ечимиге ёрдам берадын ийлілар да бетак-рор фикрлар тақлиф күлүвчі «гоялар ишлаб чикуvчы» талабалар;
 - гояларнинг түгелишигінде уларнинг бошқа ижодий гурух аяздары томоницан илор қилинишигінде ёрдам берадын «резонатор» (тарқатувчы) талабалар;

Тадбиркорлик ўйинларининг технологик схемаси

Тайёргарлик босқичи	Ўйинни чиқиши Ўйинга кирнеши	ишилаб	<ul style="list-style-type: none"> • сценарий яратиш • тадбиркорлик ўйини режаси • ўйиннинг умумий тавсифи • йўл-йўриқлар мазмуни • моддий таъминот тайёргарлиги • муаммо, мақсадни аниклаб олиш • шартлари, йўл-йўриқлар бериш • регламент, қоидалар • ролларга тақсим килиш • гурухни шакллантириш • маслаҳат (<u>консультация</u>).
Ўтказиш босқичи	Вазифани бўлиб чиқиши Гурӯҳларро мунозара	гурух ишилаб	<ul style="list-style-type: none"> • манбалар бўйича ишлаш • тренинг • «фикрлаши ҳужуми» • ўйин техникаси устида ишлаш <ul style="list-style-type: none"> • гурӯҳларниң чиқишилари (фикрлари) • итижани ҳимоя қилиш • мунозара қоидаси • эксперталар иши
Тахлил ва умумлаштириш босқичи			<ul style="list-style-type: none"> • ўйинни тўхтатиш • тахлил, рефлексия • ўйинни баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш • хуносалар ва умумлаштиришлар • тавсиялар

- ижодий турардан барча иштирокчиларнинг фаоллиги сатҳида шу турарнинг ўзига хос катализаторлик вазифасини бажарувчи «фаоллантирувчилар»;

- илмий муаммонинг ечимиға ёрдам берадиган йўллар ва бетакрор фикрлар тақлиф қиливчи «ғоялар ишлаб чиқувчи» талабалар;

- ғояларнинг тунилишига ва уларнинг бошқа ижодий турар аъзолари томонидан идрок қилинишига ёрдам берадиган «резонатор» (тарқатувчи) талабалар;

- муаммони ечишнинг энг макбул (оптимал) вариантини қайта ишлаб чиқиш ва топни билан баңг бўлган «назоратчи» талабалар.

Бундай ўйинларни муайян обьектда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Раҳбарлар ва ўқитувчилар олдиндан ролларни белгилаб қўядилар. Масалан, агар ўйин конструкторлик бюросининг тузилмасини ўзлашибдиришга қаратилган бўлса, куйидагилар белгиланиди:

- «КБ бошлиги»;
- «Бош конструктор»;
- «Ихтирочи»;
- «Оппонент»;
- «Чизмакаш»;
- «Текширувчи»;
- «Маслаҳатчи»;
- «назоратчи» ва б.

Шундан суні куйидагилар тузуб чиқилади:

- ҳар бирининг эгалайинган вазифалари ва хатти-харакатлари баҳоси бўйича йўрикнома;

- ўйин жараёнининг асосий даврийлиги бўйича дастур ишлаб чиқилади.

Ўйин жараённида тортишиш, мусобақалашиниши (баҳс-мунозара юритиш), руҳиятининг бўлишини таъминлаш зарур.

Ўйин ўтказиш чоғида «буюргмачи» ролини бажарувчи раҳбар у ёки бу тадбирларни бажарилиш сифатига ва бу тадбирларда роль ижро этган (катнашгани, иштирок этган) талабаларга баҳо беради. Шу баҳолар асосида бутун турарнинг ҳамда алоҳида талабаларнинг роль ижро этиши баҳоси чиқарилади.

Бундай ўйинларни ташкил этиши бўлғуси мутахассис қобилиятини диагностика қилишини тақозо қиласи. Шу мақсада талабаларни роль ижро этишларини алмаштириб туриш ҳам тавсия этилади, чунки ҳар бир талаба у ёки бу ролда ўз имкониятларини синаб кўра олсин, яъни «оддий»дан «КБ бошлиғи» даражасидаги ролларни ижро этишга имконият берилсин.

2. Ижодий фаолиятнинг бирор босқичида муайян стратегия, тактика ва методларни қўллаш малакасини шакллантиришга қаратилган тадбиркорлик ва роль ўйинлари.

Масалан, «Илмий-таҳқиқот ишларида маъруза, мунозара» тарзида ги ўйин.

Бу ўйиндаги асосий роллар қуйидагича бўлиши мумкин:

«Бошловчилар» - ўқитувчи, ишлаб чиқариш мутахассиси;

«Пешқадамлар» - мұхокама қилинадиган мұаммонаң мұайян мәсаласи бүйіча вазиятни тасаввур қила оладиган маърузачилар;

«Безакчилар» - пешқадамларнинг маърузалари ва чиқишлиарни күргазмали тасаввур этишлари ва тушунтиришларини таъминловчи ўйин иштирокчилари.

«Ассистентлар» пешқадамлар ёрдамчилари бўлиб, улар пешқадамларга ва оппонентларга күргазмали чиқишлирига ёрдам берувчи ўйин иштирокчилари.

«Расмий оппонентлар» - пешқадамларнинг маърузаси ва бошқа материаллар бүйіча расмий тапкидий руҳда чиқиш қилувчилар;

«Норасмий оппонентлар» - мұаммо бүйіча гурух бўлиб ёки мустақил илмий-тадқиқот олиб борувчи барча бошқа талабалар – ўйин иштирокчилари;

«Чалғитувчилар» - корхона ёки илмий мұассасаса қўшимча салбий ҳодиса, фактларни баён қилини асосида ўйин иштирокчиларининг фаолийтина сабаб бўладиган савоялар қўйиши лозим бўлган ўйин иштирокчилари. Корхона ёки илмий мұассасаса мутахассислари, одий ўқув юрти ўқитувчилари, илмий ҳодимлари, аспирант, талабалари бу «вазифа»ни бажаринилари мумкин.

«Регистрагорлар» - мунозараларни ёзиб оловчичи ўйин иштирокчилари;

«Экспертлар» - маъруза мұхокамасидаги чиқишлиар ва счимнинг гурух бўлиб қабул қилиниши бүйіча объектив баҳо берувчи ўйин иштирокчилари. Бу вазифада корхона ва илмий мұассаса мутахассислари, одий ўқув юрти ўқитувчилари ва илмий ҳодимлари, аспирант ва талабалар қатнашишлари мумкин.

Бундай ўйинларда қўйидаги асосий вазифалар ҳал қилинади:

- бўлгуси мутахассисини ахборотлар алмашинга ўргатиш;
- уларда ўз нуктаги назариярни асослаш ва ҳимоя қилиш, бошқа қишиларнинг ғояларига кириб бора олиш, гурух бўлиб счим қабул қила олини мачакасини шакллантириш.

Ўйин-мунозаралар бўлгуси мутахассисда илмий-ишлаб чиқариш мұаммосини қўя билин ва счимга, мустақил фикрлашта, объективликка ишбатан қизиқиши шакллантиради, мұаммоларни қўйиш, уни мұхокама қилиш, уларни ечишда ўзини тута билиш кўнижмаларини ҳосил қиласи.

Ўйин- мунозаралар мұайян мұаммо бүйіча баҳсларни танил этилишини қўзда тутади.

Баҳс мұаммона мұхокама қилиш жараёнидир. Унинг усули эса гурух бўлиб ташкін қилишdir. Унда ҳар бир иштирокчи хамсухбати (ракиби)нинг фикрини асослаш, уни ишкор этиш орқали ҳақиқатни тиклашда ўз монополиясини ўрнатади.

Баҳс мунозара боришининг турли вариантлари мавжуд:

Эвристик ёндашувда томонлардан бирин мұаммонаң счими бүйіча ўзининг ёндашувини қабул қилишга уринмасдан ишонтириш методи, ички туйнү, соғлом аклдан фойдаланган ҳолда баҳс иштирокчиларини ўзининг нуктаги назарига оғдириб олади.

Мантикий ёндашувдаги баҳсга ўта мустаҳкам мантикий таҳлил ва далил-исботлар характерли бўлиб, унинг воситасида иштирокчилар якуний хуносаларга келадилар.

Сўфиёна ёндашув. Унда томонлардан бири ўз рақибини донолик килиб мағлуб қилиши ҳам мумкин.

Авторитар ёндашув. Унда томонлардан бири ўзининг обрўсидан фойдаланиб, ўз нуқтаи назарии ўтказиши мумкин.

Танқидий ёндашув. Бахс иштирокчиларидан баъзиари ўз рақибининг факат камчилиги, кучсиз ўрии ва мавқеига диккатни жалб қиласди ва, аксинича, рақибининг фикридаги ижобий унсурларни кўришга интилмайди ва муаммонинг ечими бўйича ўз таклифларини ҳам бера олмайди.

Догматик ёндашув. Унда томонлардан бири баҳсни ҳақиқатни ўз манфаати учун ўзининг шахсий мақсадларига мувофиқ келадиган томонга бошлаб кетади.

Прагматик ёндашув. Иштирок этувчилардан бири ва ҳар бир томон фақатгина ҳақиқатни ўрнатиш учунгина баҳс юритмайди, балки унда ўзларининг яширин ва баҳс иштирокчиларига маълум бўлмаган амалий манфаатларига буриш учун фойдаланади.

Баҳсни ўтказища қўйидаги қоидаларга аҳамият бериш лозим:

- оппонентининг ўз фикрини асословчи сўзини тинглаб, кузатиб борини;
- оппонентини сўзлашдан тўхтатиб кўйишга шоннилмаслиги;
- маїда-чўйда деталларга эътибор қаратмаслиги, энг муҳимини кўришга, тушунишга ҳаракат қилиши;
- кучисиз ўринлар, далил-исботлар, мисолларни тоини ва таҳчилини;
- оппонентини ўзидан кучли деб ҳисобламаслики;
- ўзига ҳацдан ташқари бино кўйиш ва ишонинига ружу бермаслик;
- кўркиш-ракиб олдида мағлубият эканлигини эсда тутиш.

Намуна «Баҳса ғолиб келиш санъати» (П.И. Пидкастой томонидан ишлаб чиқилган) ўйин.

Бу ўйин 2,3 соатга мўлжалланган.

Ўйиннинг мақсади – талабаларниң баҳс-мунозара олиб бориш маълакалари ва қобилиятларини ривожлантириш ва баҳолаш.

Мунозара – баҳснинг муаммолари. Баҳс-мунозарага олиб чиқида-диган муаммо талабалар учун долзарб ва кизиқарли бўлиши керак.

Намуна тариқасида қўйидаги саволларни кўйиш мумкин:

1. Менинг ижодий, рақобатбардошлик шахсиятим ғояси қандай?
2. Шахснинг ижодий, зиёлилик, рақобатбардошлик хусусияти нималарда кўринади?
3. Шахснинг мустакил ривожланиш жараёнини мен қандай тасаввур қиласман?
4. Бозор иқтисоди муносабатлари шароитида ўзимни қандай унга баҳшида қиласман?

Ўйин иштирокчиларининг роллари ва вазифалари.

Бошловчи – ўқитувчи ўйиннинг маъноси, асосий босқичлари ва иштирокчиларнинг вазифаларини айтиб беради.

Икки рақобатбардош 7-10 кишидан иборат гурӯхлар юкоридаги саволлар бўйича мунозарага киришадилар.

Бошловчи ўқитувчи ўйинни лозим топган оқимга йўлаб туради, унинг аъзолари фаолигини таъминлаб туради, мунозаранинг тўғрилитини кузатади, унга яқун ясайди.

Эксперт – талабалар мунозара иштирокчиларига баҳо беради, гурхга ва унинг аъзоларига қуйидаги меъёрларга асосланган ҳолда баҳо кўяди:

- а) ифоданинг мантиқийлини ва асосланганлиги;
- б) нутқ, мадданияти, нотиқлик санъати усууларини эгалаганлиги;
- в) хуносаларнинг исботлилиги;
- г) баҳс усууларидан ранг-баранг ва самаралин фойдаланиши;
- д) саволлар кўя олиши ва б.

Ўйин босқичлари

Биринчи босқич ташкилий босқичdir. Унда рақобатта киришувчи жамоалар ва экспертилар туруги шакллантирилади. Ўқитувчи ўйиннинг мақсади ва коидатарини байн қилиб беради.

Иккинчи босқич ўйин жараёниdir. Ўйин давомида жамоалар олишлари мумкин ва унда мунозарани кутилмаган даражада янги ўйлаш ва тонин имкониятига эга бўладилар.

Учинчи босқич ўйинга яқун ясайдир. Бу босқичда экспертиларнинг хар бирига ўз мулоҳазаларини билдириш учун имконият берилади, ушар эса ўз баҳоларининг меъёрларини хамда баҳс-мунозара иштирокчиларининг чиқнишлари натижаларини асослаб берадилар.

Экспертилар вазифаси:

- жамоанинг ғалабасини асослани;
- а) ўйин иштирокчиларидан энг хушмуомала; б) энг аклли; в) энг обручи; г) энг ижодкорларини аниқлаб беради.

Ўйин якунида ўқитувчи ўйинни таҳлил қилиб беради ва якун ясайди. Айниқса, ўқитувчи ўйиннинг бориши, унинг муваффакияти ва камчиликларига ургу бериши лозим. Шунингдек, истиқболда эътибор берилиши керак бўлган муваффакиятли, мунозарали, ижодий вазиятларни фарқлаб бериши керак.

Ўйинли технологияларни амалга ошириш бўлгуси мутахассиснинг ижодий фаолиятини ривожлантириш методларидан фойдаланишини тақозо киласди.

Ижодий фаолият тажрибасини ривожлантириш методларига ишмий тафаккурни жонлантириш, янни муаммоларни счиш малакасини ишлаб чиқишига, муаммоларни счишда онли ишланишига олиб келадиган методлар таалуклидир.

Ижодий фаолиятни ривожлантириш методлари Г.С. Альтшулер, О.Г. Богданова, А.В. Брушлинский, Г. Мелхорн, Б.Миронов, П.Якобсон ва бошқалар томонидан ишлаб чиқиляган.

Улар қуйидагилар:

Шароитни (мухитни) мураккаблаштирадиган методлар

1. Вакт жиҳатдан чегараланган методлар. У муваффакият факторнинг конструкторлик фаолиятига сезиларли таъсир этишни қайд қилишга асосланади: байзиларда вакт жиҳатдан чегаралаш фаоликни оширади ва сокинлик ҳолатига қараганда, янада юкори натижаларни кўрсатади, бошқалирида (кўпинч) турли даражаша ўз хулқини ўзгартиради, натижалари камайиб кетади ва ҳамма вакт ҳам охирги ечимиға эришилмайди; учинчиларида, вакт жиҳатдан чегаралаш уларни жилов-

лайди, талвасага туширади, улар пароканда бўладилар, васвасага берилади, кўпчилиги ёки бир қисми вазифани ечишдан бош тортадилар.

2. Тўсатдан таъқиқлаш. Жараённинг у ёки бу босқичида хатти-харакатларниң қандайдир деталлар механизми таъқиқланади. Бу билан штамплар, конструкторлик фаолияти, мосламалар, қисмлар, деталларнинг машхур типларини кўллаш имкониятлари бузилишининг олди олинади.

3. Тезликда эскизлаш методи. Тағабаларнинг конструкторлик фаолиятининг у ёки бу пайтида расм чизиш талаб қилинади, ўз фаолиятини бевосита назорат қилинишига конструкторлик ижодий жараёни образлар воситасида бошқаришга, ёрдам берадиган миссига (ҳаёлига) келган барча конструкцияларни тасвирлайди.

4. Янги варианtlар методи вазифани, бошқача бажаришни талаб қилинада, яъни счимнинг бир неча варианtlари бўлган ҳолда, унинг янги вариантини топиш ва бажаришда кўринади.

5. Ахборотлар танқислиги методи конструкторлик фаолиятининг биринчи босқичларида алоҳида фаоллик вазифаси кўйилганда кўлланади. Бунда вазифанинг бошланишида маълумотлар жуда оз бўлади.

6. Ахборотлар мўллиги методи вазифа кўйилган шароитда, ортиқ даражала маълумотлардан фойдаланишга асосланади.

7. Бемаъни методнинг моҳияти шундаки, унда мутлақо бажариб бўлмайдиган конструкторлик вазифаси (абадий двигателини яратишга ўхшаш) кўйилади.

8. Рекодификация методи. Унинг моҳияти шундаки, ҳодисаларни «кўчирниш» фактлари билан боғлиқ янги ва бетакрор гояларни ишлаб чиқиши мақсадида ҳодисаларни бошқача ифодалашдир, у «кашфиётлар майдони (матрица)» ига асосланади. Рекодификацияни бир гиддан иккичи тил (фанда кўпинча математика тили)га ўтказиш деб тушунса ҳам бўлади. Бироқ у барча рекодификация тили бўлиши мумкин эмас, график ифодалар, схемалар, таблицалар, диаграммалар ҳам рекодификация вазифасини бажариши мумкин.

Ижодий вазифаларни гурух бўлиб ечиш методлари:

Дельфи методи – тавсия этилган сериядаги муқобиллардан энг яхшисини танлаб олишга ёрдам беради.

Гурух аъзоларидан ҳар бир муқобилга муайян изчилиларда баҳо бериш талаб қилинади. Тадбирни ўтказиш тартиби қўйидагича. Масалан, статистик методлар орқали 5та камчилик (дефект) сабаблари аниқланган. Қайси бири мухим камчилик? Мухокама иштирокчилари муаммони аввало мухимлик даражасига кўра саралаб чиқасига. Ўзлари учун мухим ҳисобланган муқобилни биринчи ўринга, иккинчи даражаларини бешинчи ўринга қўядилар. Шундан сўнг ҳар бир муқобилга ҳар бир иштирокчи камчиликларнинг сабабларига тўхталиган ҳолда 10 балик тизим асосида баҳо қўйиб чиқади. Бунда энг юкори балл сифатида 1 ва энг пасти 10 балл этиб белгиланади. Учинчи босқичда муқобилларнинг ҳар бири ўзаро кўпайтирилади ва ҳосила рақам топилади. Энг кам рақам тезликда ва биринчи навбатда бартараф килинадиган сабабни билдиради. Ҳисоблашни осонлаштириш учун маҳсус жадвал (4.03) ясалиши мумкин.

Мұқобилларни бағолап

М.К.	Мұқобиллар					1					2					3					4					5				
	T	B	X	T	B	X	T	B	X	T	B	X	T	B	X	T	B	X	T	B	X	T	B	X	T	B	X			
A	4	7	28	3	4	12	1	1	1	2	3	6	5	10	50															
Б	5	2	10	3	6	18	2	7	14	1	10	10	4	4	16															
В	2	8	16	1	1	1	4	3	12	3	4	12	5	2	10															
Г	5	10	50	4	5	20	3	4	12	2	3	6	1	1	1															
Хосила			10			51			39			34															77			
			4																											

Изоҳ: Т- тоңба баҳоси (1 даң 5 гача)

Б- балл бүйіча баҳо (1 даң 10 гача)

Х- хосила (янын Т+Б)

М.К.- мұхокама қатишаңылдары

2. «Қора күти» методи. Бу метод асосида счиладиган мұаммолар аник вазиятни таҳдид қилини орқаси амалға оширилады, яни таҳлия давомида иштирокчилар бенхитсер камчиликлар (дефектлар)нинг юзага келиши масалаларига тұтхаладылар. Иштирокчиларни бунда маҳсус, мақсадға мувоғиқ күйилған саволлар уңдайды. Масалан, «Бу вазият нимага олиб келади?» ёки «Бу холатда механизмлар иши кай даражада барқарор?» ва б. «Қора күти» методининг мөхияти шундаки, унда камчиликлар сабаби йүл-йүлакай аниқланады. Бунда кишиларнинг ижодий ташабbusлари ривожлантирилады.

3. Күндайш түгіш методи. Гурухниң ҳар бир аязосында ён чўнтак дафттарчаси тарқатылады. Унга, айттайык, бир ҳафта давомида мұхокама килинадиган мұаммо бүйінча туғилған фикрлар қайд қилиб борилады. Барча иштирокчиларнинг ёзіб борған фикрлари пешқадамдар томондан таҳдид қилиниб, тайёрланған материал охирги мұхокамага олиб чиқылады. Бу метод күйидеги жиһатлары билан ажраби туралы: бириңчидан, туғилған тоғ, аник рационал таклиф ўша түрхуннинг фикри даражасына күтәрнеди, иккінчидан, түрли хилдаги тортишувшар, пүктай назарияр түрух мажлисигача хөз қилинади, кескинлашып нұктан назарлар ҳам текисланады.

4. 6-6 методи: Олти киндидан кам бўймаган түрух 6 минут давомида түрух олидида турған мұаммони ечишнә ёрдам берадиган аник гояни шакллантиришга ҳаракат қиласылар. Ҳар бир иштирокчи алоҳида сахифаларға ўз фикрларини ёзіб боради. Бу жула ихчам тарзда амалға оширилады: жиссликларнинг бузилинин, материалларнинг бузилиши, технологияларнинг бузилиши тарзидан. Шундан сўнг түрухда барча тайёрланған рўйхатлар мұхокама қилинади.

Мұхокама жараёнида ўта хато қарашлар чиқариб ташланади, мұнозарали масалаларға аниқлик киритилади, бопқа барча аниқланған хусусиятлар түрхлаштирилады. Вазифа - бир неча мұхим мұқобилларни саралаб олиш, бинобарин, уларнинг міндори иштирокчилар міндорига нисбатан кам бўлиши лозим.

5. Бевосита жамоа бўлиб «Фикрлар ҳужуми» («Мозговая атака») олиб бориш. Бу методдан мақсад мүмкін қалар катта міндордаги гояларни ийғиши, талабаларни айни бир хил фикрлаши инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган

фикрларни енгиздир. Бу метод А.Ф. Осборн томонидан тавсия этилган. Бу методнинг асосий тамойили ва қоидаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиқсан гоялар танқидини мутлақ тақиқлаш, ҳар қандай лукма ва ҳазил-мутобибани рағбатлантиришдир. Бу методдан фойдаланишнинг муваффакияти кўп жиҳатдан ўқитувчи – машгулот раҳбарига боғлик. «Фикрлар хужуми» иштирокчилари микдори 15 кишидан ошмаслиги керак. Машгулотнинг давомийлиги бир соатгача.

6. Ялпи «Фикрлар хужуми». Бу метод Ж. Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган. У катта гурухларда (20дан 60тагача бўлган) янги гоялар ишлаб чиқиш самараорлигини сезиларли даражада оширишни таъминлайди. Барча иштирокчилар кичик-кичик 5-6 кишидан иборат гурухларга бўлинади ва ҳар бир кичик гурух ҳал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15минут давомида мустакил равища тўғри «Фикрлар хужуми» ўтказади. Шундан сўнг ҳар бир кичик гурух вакили ўз гурухларида ишлаб чиқилган гоя хақида ахборот берадилар ва ўқитувчи раҳбарлигига жамоа бўлиб унга баҳо берадилар ва улардан энг яхшилари, бетакрорлари танлаб олинади.

7. «Фикрларнинг шицдатли хужуми» - деструктив берилган баҳо билан диалог. Бу метод Е.А. Александров томонидан таклиф қилинган ва Г.Я. Буш томонидан ўзgartирилиб йўлга кўйилган. Диалогнинг моҳияти шундаки, жамоа бўлиб гоялар ишлаб чиқишда иштирокчиларнинг ижодий имкониятлари фаоллаштирилади ва унга зид гоялар кўйилади.

Машгулот босқичма-босқич куйидаги тарзда ўтказилади:

1-bosқич. Микдор ва психологияк мулокоти жихатидан мақбул кичик гурухларни шакллантириш;

2-bosқич. Вазифа, муаммодан келиб чиқадиган мақсадларни ифодалаш;

3-bosқич. Тўғридан-тўғри «Фикрлар хужуми» қоидасига асосан ҳар бир гурухда гоялар ишлаб чиқиш;

4-bosқич. Гояларни тартибга солиш ва таснифлаш;

5-bosқич. Гояларни деструктивлаш, яъни амалга ошишиб имкониятига қараб баҳолаш;

6-bosқич. Аввалги босқичларда билдирилган танқидий мулоҳазаларга баҳо бериш.

Иштирокчилар: 1) гоялар ишлаб чиқувчи; 2) муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва гояларни баҳоловчи; 3) зид (карши) гояларни ишлаб чиқувчи гурухларга бўлинадиган бўлса, самарали натижага эришиш мумкин.

8. Кейинги даврларда « Яширин фикрларнинг шицдатли хужуми» шаклидаги метод кенг ривожламишда. Бу методнинг келиб чиқиш моҳияти шундай: ҳар бир киши ҳам ижодий меҳнат кила олмайди, бегона шахслар олдида, айникса, бегона шахслар баҳсга аралашиб турганда гоялар ишлаб чиқа олмайди, лекин уларнинг гоялар ишлаб чиқишга укувлари бор, балки улар ёлнизликка ва соқинликка муҳтоҷ бўладилар. Шу туфайли «яширин фикрлар хужуми» да икки гоя ишлаб чиқувчи гурухча: бири- одатдаги фикрларнинг шицдатли хужуми давомида гояни олға сурувчилар; иккинчиси – яширин, яъни улар биринчи гурух муҳокамаларида қатнашмайдилар, улар учун «яширин хона» ташкил этилади ва жойлаштирилади.

Улар телемонитор воситасида биринчи гурухнинг баҳсларини кузатадилар ҳамда юзага келган ғояларни ўз дафтарчаларига ёзиб борадилар ва уларни «эксперт»ларга узатадилар.

9. Синектика методи. У 1960 йилда АҚШда У.Гордон томонидан ишлаб чиқилиган. Бу метод талабаларга муаммонинг унсурларини ифодаланига, ижоднинг бош мақсадини ажратиб олишга, турли хил характерларни вазифаларни счишининг ҳар хил нусхаларини излашга ёрдам беради ва улар куйидаги шаклга эга бўлади: бевосита (мазъум бир вазифанинг ечилишига ўхшатиб ечилади), шахсий (объектдаги беризиш вазифа образига киришига уриниб кўриш ва шу нуқтаи назардан фикрлашга ҳаракат қилиб кўриш), рамзий (икки жумла билан вазифанинг образли моҳиятини айтиб бериш), хаёлий (гўёки эртаклардан ишек бу вазифани сгадилар). Бу билан бўлгуси мутахассисда абстракциялаш малакаси, мухокама предметидан ўзини фикран олиб кочиши, ақл юритиш мойиллиги, хаёлот, баҳсларга киришиб кета олиши, боғланшиб қолиш ҳавфи бўлган ғоялардан узоклашиш, бошқалар фикрини тинглаш, сафдоши билдириган ғояларга ишбаган чидалми бўлиш. одатдагилар ичидан тайри одатийларини, тайри одатийлар ичидан одатдагиларини тоиниши, аиалоғлардан унумли фойдаланиши каби синектик фикрлашга бўлган қобилият шаклланади.

10. Техник счиимларнинг морфологик таҳлили ва синтези. Бу метод швейцариялик астрофизик Цвикки томонидан ишлаб чиқилиган. Ўрганилиши лозим бўлган техник тизим таркибий кисмлари ёки функционал морфологик белгиларидан иборат бўлган таркибининг рўйхатидан аниқ муқобилилари, техник ифодалари ажратиб олиниди; улар морфологик кути ёки матрица деб номланадиган жадваллар шаклида жойлашади ва ажралиб турган белгилар вариантларини бирлаштириб саралаб олини орқали янги вазифалар счиими аниқланади. Морфологик таҳлиlda бўлгуси мутахассислар техник вазифалар счиими унсурларини ҳар гомонлама комбинациясини ясашга ўрганадигар, чунки бу метод куйидаги тамойилга асосланган: техник характердаги ижодий вазифаларни счища мувофиқлаштирувчи ўқлар ёрдамида объектини мухим тавсифларини фарқлаб оладилар. Унга куйидагилар киради:

- вазифаларни аниқ ифодалаш, янги ифодаларни тоиниша уринини, иккичи даражали ва ўхшаш вазифаларни аниқлаш, улардан энг муҳимини ажратиб олиш;
- счиимлардаги мавжуд камчиликлар, уларнинг асосий тамоилилари ва янги таклифларни салаб кўрсатиш;
- хаёлий, биологик, иқтисодий, молекуляр ва бошқа аналогларни хомаки режалаштириш;
- математик, гидравлик, электрон, механик ва бошқа моделларни ясаш (улар аслида аналогларга киёсланган ғояларни ифода қиласи);
- вариантлар, гобеликлар, бўлгуси алоқалар, мантикий ўхшашликларни ўрнатиш;
- бу ишдан мутлако хабари йўқ бაъзи кишиларнинг фикрларини билиш ва б.

11. Функционал – фойдали таҳлил методи. Бу методнинг яратувчилари сифатида Пермлик мұхандис Ю.М. Соболев ва Л.Майез бошчилигидаги Американинг «Женерал электрик» фирмасининг мұхандисларидир.

Бу техник объектларнинг техник-иктисодий методи бўлиб, уларнинг истеъмолчилик ўзига хослиги ва бу ўзига хосликни таъминловчи чиқимлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга хизмат қиласи. Бу методнинг моҳияти шундаки, объектта бажарилиши лозим бўлган амаллар ва истеъмолчи таалблари нуқтаи назардан ёндоши. Бу метод бир катор мураккаб конструкцияларга ишлов бериш, уларнинг технологиклиги, самараисиз чиқимларга қарши «марказлашган хужум» ташкил этиш, моддий ва меҳнат омилларидан самарали фойдаланишини оширишни ҳал қилишда иктисодий самарацор метод ҳисобланади. Мамлакатимиздаги илмий ташкилотлар ва корхоналарнинг хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтилиши бу методдан кенг фойдаланиш лозимлигини кўрсатади. Шунингдек, функционал-фойдали таҳлил асослари олий мактабда бўлғуси мутахассис-тадқиқотчиларга (конструкториар, технологлар) дарс сифатида ўтилиши лозим. Бу эса олий ўқув юртини битиргандан сўнг бориб ишлайдиган илмий ташкилот (корхона)да маҳсулотлар конструкциясини, уни тайёрлаш технологиясини яхшилашнинг аниқ йўлларини аниклашга янги имкониятлардан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ва ускуналарни ишлатиш ҳамда ортиқ даражадаги сарф-ҳаражатларни бартараф қилишга имкон беради. Масада шундаки, функционал-фойдали таҳлил нуқтаи назардан қаранганди, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча сарф-ҳаражатлари фойдали ва фойдалисиз ҳамда ортиқча деб тақсим қилинади. Кейингилари яққоз кўриниб турган ва бехуда сарфлардир. Бу метод бўйича ўқитишининг самарацорлигини ошириш учун мамлакат олий ўқув юртларида тўплланган тажрибалардан фойдаланиб, функционал-фойдали таҳлил ва конструкцияларнинг технологиклиги бўйича маҳсус курслар ишлаб чиқиш зарурдир.

11. «АРИЗ - ТРИЗ» методи. Г.С. Альтшуллер ва унинг мактаби томонидан ишлаб чиқылган. Бу методлар синов ва камчиликлар ҳамда уларнинг бошқа модификацияларидан сезиларли фарқ қиласи. Улар кўр-кўрона қилиришдан кўра техник тизимларни ривожлантириш қонуниятларига бўйсунган мантиқий операциялар тизими асосига қурилган. Назариянинг асосий ғояси: техник тизимлар ўз ҳолича эмас, балки яратувчилик вазифаларини онгли ва мақсадга мувофиқ ечишда фойдаланиш мумкин бўлган муайян қонунлар асосида юзага келади ва ривожланади.

Бу вазифаларни счиш жараёнини техник зиддиятларни аниклаш, таҳлил этиш ва ечиш деб қараш лозим бўлади, белгиланган вазифаларни қўллаш методикаси эса техника ва технологияни яратишдаги илмий-техник зиддиятларни ажратиб олиш, аниклаш ва ҳал қилиш бўйича мунтазам равишда муайян ҳаракатларни бажаришdir. Тизим ўз ичига бундай зиддиятларни ҳал қилишга ёрдам берувчи ўзига хос янгиловчи операторларнинг 40 та усусларини қамраб олади. Улардан айримлари қўйицагилар:

1. «Тақсим қилиш»: а) объектни мустақил қисмларга бүлиш; б) объектнің бүлакларга бүлиб бажариш; в) тақсимлаш даражасини көнгайтириш.

2. «Буглаш»: айни ёки ёндөш операциялари учун мұлжалланған объектларни бирлаштириш; б) айни ва ёндөш операцияларни бирлаштириш.

3. «Оналик»: а) бир объектни иккінчи объект ичига ва ўз навбатыда унинг ичига учинчі объектни жойлаштириш; б) бир объектни тұғридан-тұғри иккінчи объект орасидан үтказиши.

4. «Чаптаңик»: а) объектнинг ҳаракатдагы қисмнің ёки ташки мухиттің құзғалымас ҳолатта олиб келиш, аксина, мұқим ҳолаттің ҳаракатдагы ҳолатта көлтириш; б) вазифа шартлары талаб қылған ҳаракаттар үрнінг тескәри ҳаракатин амалға ошириш; в) объектнинг «оёғинің осмонға қылғыб қүйіш» ва уни ўнглаш.

5. «Заарарни фойдаға айлантириш»: а) заарарлы факторлардан (масалан, мухитта заарар еткәзедиган) ижобий самара беришда фойдаланыш; б) заарарлы факторларни бошқа заарарлы факторлар билан құшиш асосыда уни бартараф этиши; в) заарарлы факторларни ортиқ даражада күчайтириш асосыда уни безарар қилиш.

Хотима. Тағабапарниң үқув фаолияти шахсий мөхият сифатида қабул қылғынадиган үқув максадынаның оның равища қартилған бўлиши лозим. Д.Б.Эльконин таъкилайдыки, үқув фаолияти энг аввали шундай фаолияткы, унинг натижасида тағабапниң (үқувчыда) ўзида ўзгарни юз беради. Бу фаолият ўз ҳолица ўзгарышлардир. Унин маҳсулі, субъектнинг ўзида юз берган ўзгарышлардир.

4.4 Ўқитишининг интерактив стратегияси

Одий мактаб үқув жараёнида амалиёттега ўқитиши интерактив методлари ва ўқитиши актив методларидан фойдаланниң бүйича интерактив курслари көнг кириб келмокда. Бу йўналишдаги лойиҳалардан бири Джоре Сорос очиқ жамият ҳомийинги ёрдамида Ҳалқаро ўқувчилар Ассоциацияси ва Шимолий Айова Университети ҳамкорлигига яратилған кескин фикрлаш бўйича лойиҳа ҳисобланади.

Бизнинг үқув қулланмамизда Женин Стил, Керт Мередис, Чарлос Темнонлар томонидан тайёрланған кескин фикрлашини ривожлантириш максадида ўқиш ва ёзишга ўқитиши лойиҳаси материаллари берилади.

Кейинги баён этишиларимизда «Кескин фикрлашни ривожлантиришин асослари» жамлаласында материаллардан фойдаланамиз.

Ушбу лойиҳа бутун дунё педагоглари ҳамкорлигига амалға оширилади. Бундай ҳамкорликдан мақад, ўрганаётгандан фандан катыйи назар ҳамма ёщаги ўқувчиларниң кескин фикрлашларини ривожлантиришга ёрдам берадиган методларни педагогикага тацбик этиш ҳисобланади.

Лойиҳа муаллифлари кескин фикрлашга бошидан ўрганиб чиқадилар.

Кескин фикрлаш бу англанған ҳолда, аналитик фикрлашдир. Маълумотларни одий тушуниш босқичининг якунловчиси эмас, балки бошланғич пүктаси ҳисобланади.

Кескин фикрлашни эгаллаб, иисон у ёки бошқа ғоялар билан танишади ва уларни амалга оширишда мумкин бўлган оқибатларни ўргатади.

Кескин фикрлаш- мураккаб фикрлаш жараёни бўлиб, маълумотларни қабул қилишдан бошланиб ва қарор қабул қилиш билан якунлади.

Кескин фикрлаш- ғояларни ва имкониятларни ижодий бирлаштириш, маълумотлар, концепцияларни қайта тушуниш ҳамда қайта қуриш мураккаб жараёнидир. Бу бир вақтда бир неча босқичларда содир бўладиган актив ва интерактив идрок этиш жараёнидир.

Кескин фикрлаш- ҳар қандай ёшда ҳам содир бўладиган мураккаб фикрлаш жараёни.

Муалифлар ишлаб чиқкан кўп назарий база ҳисобланади.

Ўқитишининг малий стратегияси назарий асослари ана шундан келиб чиқиб, бу курс дарс ўқиши интерактив ва қизикарли стратегияни таклиф этади, улар тингловчиларни ҳақиқий ўкув фаолиятига жалб этади.

Бу курс асосида дарс ўтиши ва ўқитиши уч босқичли моделдан иборат бўлади. Бу модель турли муалифлар ва ташкиқотчилар томонидан турлича шаклда берилган, улар орасида Боган ва Эстенс (1986), Оғи (1986), Жилкем ва Темпл (1986), Тирпи, рицех ва Джерлар (1985) билар борлар.

Тахлил қилиш учун берилган бу модель фикрлашни ўкувчилар унга ўкув машғулотларидан олдин, машғулотлар вақтида ундан кейин жалб этишлари керак бўлган идрок этиш жараёни сифатида қаралган.

Ушбу курс тажрибага асосланган. Кескин фикрлаш жараёнини тахлил исча босқичдан иборат:

1. Уютиш, чакириш босқичини тушунтириш (илиғарни олинган билимларни қайта эсга солиш)
2. Анграба этиш босқичини тушунтириш (янги мавзуни ўрганиш)
3. Мулоҳаза қилиш босқичини тушунтириш (янги билимларни мустаҳкамлаш)

Кескин фикрлашни ривожлантириш лойиҳаси муалифлари билимлар фойдали бўлганида ва концептуал тушунарли бўлганидагина қимматга эга бўладилар деган фикрдан келиб чиқади. Ўзгариб турувчи дунёда мувваффакиятили ҳаракатлар бажариш учун ўкувчилар эркинлиги ҳақида қарорга келиш ва маълумотларни танилаб олишни билишлари керак бўлади.

Ўкувчиларниң фикрлаш жараёнини ўрганиб чиқиб, (Келлинс ва Минглери, 1992) танқидий тахлил жараёни доимий мунтазам бўлиши керак деб таъкидлайдилар. Бу жараён фақатгина олинаётган маълумотларни тери тушуниб олишга ёрдам бериб қолмай, балки кейинги мустақил фикрлаш ва рефлекслаштириш учун асос бўлиб ҳам хизмат қилиши керак.

Таъним ва ўқитиши асосларини таънифлаб муалифлар ўқитишида қўллашга концептуаль базани таклиф этадилар, у фаннинг тури ва ўқитилиш йўли параллеллигига қарамай, синкларда аста – секин амалга оширилиши мумкин. Бундай ёндошиш ўкувчиларда танқидий тахлил қилишга, оқилона ва танқидий фикрлаш жараёнини амалга оширишга, ўкувчиларниң қобилиятларини ривожлантиради деб ҳисоблайдилар. Таклиф этилаётган модел қисман Боган ва Эстеслар ишлаб чиқкан ва унинг кўрининини

Мередне ва Стил (1997)лар ўзгартирган ва кенгайтирган моделга асосланган.

Таълим ва ўқитиши асосларини тузувчилик унга ўқув контекстини киритишни, яъни дарснинг тузилмасини куришни таклиф этадилар.

Ўқитиши мазмунни ақлий ҳужумдан бошланади. Мисол учун Китт Хайнинг «Денгиз тошбақалари» деб номланган, кичик мақоласини ўқиб чиқиши таклиф этилади (мақола параграф иловасида берилган). Олдин ўқиб чиқиби дengiz тошбақалари ҳакида бироз ўйлаб олиш таклиф этилади. Бунинг учун муҳокама қилиши учун шерик ташланади. 3-5минут давомида шериги билан ҳамкорликда тошбақалар ҳакида мавжуд билимлар ёзиб чиқилади. Мияга нима келса ҳаммасини ёзиб олиш керак. Ёзилган нарсанинг тўғри, нотўғрилиги аҳамиятта эга эмас, иложи борича кўпроқ маълумотлар ёзиш муҳимдир.

Шериклар муҳокамани якунлаганинидан кейин, турухлар аъзоларидан дengiz тошбақалари ҳакидаги ўз билимлари билан ўртоқлашишлари таклиф этилади.

Ўқувчилик ўз фикрларини ганириб берар эканилар, уларни доскадаги қоғозга ёзиб бориш керак. Ҳаар қандай келишимовчиликлар муҳокамага олиб чиқилиши керак. Ана шу иш жараёни давомида вақти-вакти Билан айтилган ганилар тўғрими, деб савол бериб туриш зарур. Бундан ташқари, муҳокама этиётгани саволлар бўйича ўртоқлик тортишувлари, турли фикрлар ва қарама-карши фикрларга йўл бериб туриш максадга мувофиқ бўлади.

Кейинги босқич мақоланинг ўзини ўқиши бўлади. Бу ишга ажратилган бир соат, бир ярим соат бўлади (мақола нусхаси ҳамма болаларда бўлади ёки ўқитувчи ўқиб беради). Мақолани ўқишидан аввал самрали ёзиш ва ўқишига ёрдам берувчи ёзини интерактив системаси методи тушунтирилади (INCEPT). Мақоладаги белгинар қўйидагилардан иборат бўлиши керак: «V»-«V» (ха) белгисини сиз билганингизга мос келади ёки биламан деб, ўйлаганингизга мос келади деб, ҳисоблаган жойга қўйинг.

«-» - сиз билаганга мос келмайди, ёки сиз биламан деб Уйлаганга мос келмайди деб ҳисобласангиз «-» (минус) қўйинг.

«+» бу нарса сизга янгилик деб ҳисобласангиз «+» (плюс) қўйинг.

«?» - сиз тунунарли эмас ёки бу ҳақда тк маълумот олишни истасангиз «?» белгини қўйинг.

Шундай килиб, ўқиши жараёнида сизнинг белгиларингиз ва тушунчалигини мос тўртта белгилар қўйиб чиқилади. Ҳаар бир қаторни ва ҳар бир тушунчани белгилаб чиқиш мажбурий эмас. Бу белгилар ёрдамида маълумотлар ҳакида умумий тасаввурингизни акс эттириш керак.

Мақолани ўқиб бўлгандан кейин бу ўқилганинги шериги Билан муҳокама қилиб олиш учун бир дақиқа танаффус таклиф этилади. Қайси билимлар тасдиқланди? Қандай Янни маълумотлар олдингиз? Қандай саволлар юзага келди?

Кейинги босқич тортишуви саволлар бўйича муроҳазалар ва кўшимча билимлар манбани излапи бўлади.

Бу босқичда қоғозга ёзилган фикрларга қайтиб ҳамма мақоланинг мазмунини муҳокама этади. Аввал ҳамма рози улган саволлар ку-

рилади. Кейин эса қарама-қаршиликлар мұхокама этилади. Бу ишларпенг ҳаммаси бир-бир ярим соат давом этиши керак.

Үйғотиш-чақириш – мұхокама этиш якунланғандан кейин бу боскичдан мақсад ҳаммасини орқага қайтариш ва қилинган ишларни таҳлил қилиб чиқищ эканини түшүнтириш керак. Биринчи масала деңиз тошбақалари ҳақида нималарни билишларини анклаш, билимлариниң ҳаммасини эсга олиш ва уларни ёзіб олишдан иборат эди.

Кейинги боскич гурух бўлиб мұхокама этиш эди. Деңгиз тошбақалари ҳақида нималарни билишларини хотираға олиш бу боскичидаги энг мұхим вазифа хисобланади. Бу боскич үйғотиш, чақириш, эсга олиш боскичи деб аталади. Бу боскич давомида ўқитувчи иложи борича ўзи камроқ гапириб, ўқувчилар гапиришига имкон бериши керак. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларни йўналтириб туриш, уларни ўйлашга мажбур этишдан иборат, шу Биглан бирга ўқувчилариниң фикрларини дикқат билан эшлиши керак.

Биринчи боскичда фаолиятнинг бир неча идрок этиш турлари амалга оширилади.

Биринчидан, ўқувчи ўрганилаётган мавзу бўйича ўзи билганинни эсга олишни фаол амалга оширилади. Бу эса узи ўз билимларини таҳлил қилишга мажбур этади ва кейинги мавзуни тўла ўрганишга интилиши зарурлиги ҳақида ўйлайди.

Эста олиш боскичининг иккичи мақсади- ўқувчини фаоллаштиришдан ибортдир. Ўқувчи мақсадга мувоффқ ўйлай бошлайди, ўзининг фикрларини ўзига тушунтира бошнаганиданча унинг иштироки фаол хисобланади.

Билимларини намоён этиш (ўзига ва шеринила) оғзаки ёки ёзма путьки ёрдамида фаол фикрлаш фаолияти мати содир бўлади. Шундай қилиб, олган билимларини англаб этиши даражасига кади ва Янги билимларин ўзаштириш учун насос бўлиб хизмат қиласи.

Эста олишининг учинчи боскичида таклиф этилаётган, кўриб чиқилаётган мавзу, унинг мақсади аниқланади ва қизиқишини үйғотади.

Мақсадларининг икки тури мавжуд:

- Таклиф этилаётган мавзуда ўқитувчи кўйган мақсад

- Ўқувчилар мустақил танлаган мақсадлари

Мустақил танланған мақсадлар ташқаридан таклиф этилган мақсадлардан кўра кучлироқ бўлади. Агарда мустаҳкам қизиқишиш бўлмаса, ўкув фйаолиятига интилиш пасаяди.

Деңгиз тошбақалари ҳақидаги мақола мисолида қизиқишиш ақлий ҳужум (рўйхат методи билан үйғотилади).

Гурух бўлиб тортишувлар натижасида бу ғояларга «Аралашмаган» янгилари қушилади.

Бу Янги ғоялар ва танишувлардан баъзилари қарама-қарши хусусиятга эга бўлиши мумкин. Буларни синфда аниқлаб таҳлил этиш мұхим, чунки қарама-қаршиликлар шахсий саволларини вужудга келишига олиб келаци. Шахсий саволлари эса ўкиш ва тушуниш учун ҳаракатлантирувчи куч бўлиши мумкин.

Америкалик тадқикотчи (Пиреон 1990) тушунишни «Ўз саволларига жавоб топиш» деб таърифлашни таклиф этади.

Англаш.

Иккинчи бочқич- аинглаш босқичи. Бу босқичда ўкувчи Янги ғоялар ва маълумотлар Билан ишлайди. Бу алоқалар тинимсиз ўқиш, фильм томоша килиш, хабарларни эшитиш ёки тажрибалар ўтказиш максадида бўлиши мумкин. Аинглаш босқичи давомида ўкувчи тоширикларни бажаришда мустакил ва фаол иштирок этиши керак.

Янги маълумотлар билан танишиб чиққанидан кейин ўкувчига қуидаги савол берилади: «Сизлар ҳозир қандай ишни бажардинглар?» ва ўйлаб олишга вақт берилади. Уларнинг шахсий ўкув тажрибалари муҳокама қилинади. Ўкувчилар фаолигининг юкори даражасини кўллаб турувчи стратегиялардан бири ИНСЕРТ ҳисобланади:

ИНСЕРТ- ўқиш давомида ўз шахси тушунишларини фаол кўриб чиқишига ёрдам берувчи кучни курол ҳисобланади. Ўкувчи ўқиёттанини оҳирiga келиб, у ўқиган матидан ҳеч нарсани эслай олмаслиги ҳолати кўпчилик ўкувчилар учун одатий ҳол бўлади, шунинг учун матнни ўқиёттанида фаолигини тўплаб туриш учун ИНСЕРТ ёрдам беради. Аинглаш босқичини амалга ошириш идрок этиш учун ҳам аҳамиятга эга. Иккинчи босқичининг асосий вазифаси- аинглаш босқичининг вазифаси- эслага олиш босқичи давомида вужудга келтирилган фаоликни, харакатлар кучини ва қизиқишини кўреатишдан иборат бўлади. Ўкувчиларнинг ўз шахсий тушунчаларини кўриб чиқишилари бўйича уринишиларини куялаш мухим вазифа ҳисобланади. Ўкувчилар ўз тушунчаларини кўриб чиқишилари жараёнида ўзларининг мавжуд тасаввурларининг Янги маълумотлар Билан солиширадилар, илгари маълум бўлганлар Билан янтикларни англаб боғлайдилар. Бу ҳолат биринчи расмда киринчи расм. Мавжуд бўлган ва Янги билимлар ўртасидаги боғликлек.

1-расм.

Бу расмга мувофиқ равища ўкувчилар янгисини яратиш учун мавжуд бўлган ва Янги билимлари ўртасида боғликлек ўрнатасилар. Фаолигини ошириш ва тушунтириш мослаштириш жараёнини талил этишда мақсад аниқланади, тапқидий таҳтил таққослани анилиз ва синтез этилади.

Фикрлаш босқичи учинчи босқич ҳисобланади. Бу босқични ўқитиш жараёнида кўпинча эътибордан четда қоддирацилар, лекин бу босқич ҳам бошқалари каби мухим ҳисобланади.

Айнан анна шу даврда ўкувчилар ўзларининг Янги босқичларини мустаҳкамлайдилар ва ўз тасаввурларига Янги тушунчалар киритиш учун уларни фаол қайта кўрадилар. Айнан анна шу босқичда ўкувчилар Янги билимларни ҳакиқатдан ўзларининг онларига мустаҳкамлаб оладилар.

Денгиз тошбақалари мисолида бу босқич турли усууллар Билан амалга оширилади. Аввалига материалларни ўқишидан олдин тузилган рўйхатга асосан материалларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилинганидан кейин эса ИНСЕРТ усулини кўплаб ўқиб чиқиш пайтида қилинган турли белгиларни намойиш этиш учун жадвал тузилади ва шундан кейин күшимча маълумотлар талаб этилишини аниқлаш учун гурухли тортишувлар ўтказилади. Буларнинг ҳаммаси ўкувчининг матнини қайта кўриб чиқиши ва унинг мазмунини ўйлаб чиқишига олиб келади. Фикрлаш босқичида бир неча мухим мақсадлар ҳал этилади. Биринчидан, ўкувчилар Янги ғоялар ва маълумотларни ўз сўзлари Билан ифода

етишга уриниб кўришлари керак. Бу Янги тасаввурларни тузуб олиш учун зарур бўлади. Ўқитиш натижалари узок сакланиб қолишилари ва тушуниш даражалари ҳар хил одамларда турлича бўлади. Тушунишнинг узок сакланиб қолиши Пирс ва Филдинглар томонидан 1951 йили ҳисоблаб чиқилган.

Унга биноан ўкувчилар англаб етган маълумотларини ўз сўзлари Билан ифода этсалар, олган тушунчаларини яхши эслаб қоладилар. Тушуниш ўз шахсий сўзлари билан фаол қайта ифода этилганида шахсий англаб етишган маъно пайдо бўлади. Иккинчидан, бу босқичда ўкувчилар ўртасида жонли гоялар Билан алмашиниш ташкил этилади, у ўз Экспрессив сўз бойликларини кенгайтириш ҳамда бошқа ўкувчилар тасаввурлари Билан танишиб олишга имкон беради.

Рефлекслаштириш босқичда тортишувлар бир катор турли вазиятларни кўриб чиқиш имкониятини беради. Бу вақтда Янги маълумотларни билиб олиш турли усулилари Билан танишиш янада қулай конструкцияларга олиб келади, улардаги билимлар янада самаралироқ ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш мумкин бўлади.

Бу босқичда ўкувчидагиларни амалга ошириш мумкин:

- ўкувчиларнинг фикрлашларини фаоллаштириш;
- таълим (ўқиши) мақсадларини ажратиб кўрсатиш;
- фаол мунозараларга ёрдам бериш;
- ўқишига қизиқишини ошириш;
- фаол ўкув фаолиятини таъминлаш;
- Ўзгаришларни жонлантириш;
- ўкувчиларга турли фикрларни эпитетишига ёрдам бериш;
- ўкувчилар ўз саволларини бернишларига ёрдам бериш;
- Ўзини фикрини ифода этишга ёрдам бериш;
- Танқидий фикрлашга жалб этиш;
- Ўқитувчининг асосий вазифаси фаолиятига маълумотларни шунчаки етказиб бериш юзакигина эмас, балки мазмунли қўринишда сиртқи билим олишга ёрдам бериши керак. (Мередис ва Стиль 1995).
- Ўқитувчи ҳам тенгдошга айланиши керак, ўкувчи фаол ўкишга интилиши;

Буларнинг ҳаммаси ўкувчининг шахсияти ўзгаришига олиб келади, бу мустаҳкам билимлар эталлашга шароит ҳисобланади. Ўкувчилар маълум даражада ўқитувчига айланадилар, синф эса ҳамкорлик бирлашмасига айланади. Шундай қилиб, танқидий фикрлаши одам ўзи билалига олиб келишади. Лекин буни амалга ошириш учун ўз билимлари ва тушунчалари англаб етиш даражасига кўтариш керак. Кўпгина ўкувчилар ўзларининг илгариги билимларидан фойдалана олмайдилар, бу эса Янги маълумотларни тушунтириш йўлларини ўйлаб чиқишиларни қийинлаштиради. Улар ўзларини илгариги билимларидан фойдалана олмасликлари сабабли уларда хотүғри ва ҳатто қарама-карши тасаввурлар колиши мумкин, улар кейинги ўкишларида ҳалақит беради. Танқидий фикрлаш учун ўз билимлари даражасини аниклаб олиш зарур.

Рефлекслаштириш ва танқидий таҳлия қилиш илгариги тасаввурлари Янги маълумотлар таъсири остида ўзгартира олиши, Янги билимларни илгариги тасаввурлари билан қандай қилиб бирлаштиришни ўйлаб, ижолий қараб чиқишини талаб этади. Одатда у ўз-ўзидан содир

бүлмайди. Ўқувчиларга илгариги мавжуд билимларни эсга олишта вакт бериш керак. Бу педагогик жараённи шундай ташкил этиш керакки, аввало ўқувчиларниң билимлари аникланиб олинниб ва тасаввурларини қайта күришта олиб келинисин. Ривожлантирувчи фикрлашга ўқитиш, идрок эти шва теранроқ фикр ифода этиш жараёнлари Билан боғлиқдир. Бу жараён ўқувчи билимлар мазмуни ҳақида ўйлаганида, яның ғоялар ва тасаввурлар, маълумотлар ҳақида умумий билимлар ҳақида ўйлаганида идрок этувчи бўлиб қолади.

Аммо мавзу ўқувчилар қандай идрок этиш ҳақида ўйлашларидан ҳам иборат бўлиши мумкин. Масалан,

- «Мен бу ҳақда нима деб ўйлайман?»

- «Бу маълумот мени билган билимлар Билан қандай мос келади, қандай боғланади?»

- «Бу маълумотни олганимдан кейин мени қандай килиб бу ишни бошқача бажара оламан?»

- «Бу ғоялар таъсири остида менинг қарашларим қандай ўзгарили?»

- Танқидий фикрловчилар – бу фаол фикрловчилардир, улар ўз тасаввурларини янгидан аниқлаб олиш учун, мунтазам ишлайдилар ва ўзлари ҳамда билимлари ўсиши жараённида уларнинг дунёшлари қандай ўзгариши ҳақида ўйладишилар. Ўқувчилар метаидрок этиши жараёнларини тушуниб ва назорат кила бошлаганларида, улар Янги ғояларни, Янги тасаввурларни, маълумотлар ҳамда тушучаларни киритишини. Янги йўлларнга яхши қулоқ соладиган ва тушунадиган бўлацилар. Уларнинг тасаввурлари харакатчанроқ ва мустаҳкам бўлади, чунки улар ўз қарашлари тизимини яхшироқ аниқлаб етга бошладишилар. Ўқувчиларнинг янги маълумот ҳақида фикрлаш қобилиятлари ўсади, чунки улар фикрлашлари ва уларни назорат қилишда кенг имкониятта эта бўладишилар. Улар янги маълумотларни яхши қабул килиб оладишилар, чунки уларда янги билимларни илгаритилари билан бемалол бирлашибтиришлари ўз қобилиятларнiga ишончлари ошди. Метаидрок этиши жараённи бошқара оладиган ва танқидий ўйлай оладиган ўқувчилар тури кераксиз ҳаракатларни бажармайдишилар.

Танқидий фикрлашни ривожлантиришда стратегиялар жадвалидан фойдаланиши тавсия этилади. Бу стратегиялар 2-расмда кўрсатилиши.

2-расм.

Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари стратегиясининг ташкилий схемаси

Эсга олиш	Тушуниб олиш	Фикрлаш
Жуфт бўлиб ўқиш	Инсерт	Жуфт бўлиб муҳокама этиш
Гурӯхли ақлий хужум		Гурӯх бўлиб муҳокама этиш График тузини $V+ = ?$

Денгиз тошбақалари

Океанпарда дүнёдаги эң катта тошбақалар сузеб юрадилар. Бу жуда катта сұдрабиб юрувчи жониворлар денгиз тошбақалари деб аталадылар. Агарда сиз ва сизнинг бутун оиласынан бир вақтда торозига турсағынан ҳам сизларнинг оғирлигиниздан буңдай бир тошбақаның оғирлигити катта бўлар эди.

Катта тиеритли тошбақалар Антрактик океан кирғоклари якинида ва Мексика кўрфазида учрайдиган беш турдаги тошбақалар ичида эң каттаси ҳисобланади. Улардан баъзилари 682 килограммдан ёки 1500 футидан ҳам оғирроқ, бўлалилар.

Тошбақаларни бошқа тўртта тури бўлиб - булар: коретта, ридли тошбақаси, ёлғон коретка ва катта тошбақалардир.

Улардан охиригиси - бу сиз зоомагазиндан сотиб олишингиз мумкин бўлган кичкина кўк тошбақа эмас, бироқ бу ҳам унинг кариндоши ҳисобланади. Денгиз тошбақалари миллион йиллар давомида бутун дунё бўйлаб, очиқ денгизларда ва кирғок, бўйи кўрфазларидан сузеб юрадилар. Улар океандан яшаш учун баҳайбат катталикка эгадирлар. Уларнинг сузини учун кучли сузгичлари бор, бундан ташқари сув тагида бир соатдан ортиўла олишлари учун кўкракларини ҳавога тўлдириш қобилиятига эгадирлар.

Катта қаттиқ косалари уларни кўплаб душманларидан ҳимоя қилади, лекин оч акуналар учун баҳайбат тошбақалар ҳам иштаҳали бўлиб туолади. Агарда тошбақага хужум қилинса, у ўзини кўтариб туриб, сузгичлари билан сувга ўраб хужум килаётганларни курқитиши мумкин.

Тошбақалар денгизларда гала-гала бўлиб сузеб юрадилар. Бир гурух тошбақалар йил давомида минглаб километрлар сузеб ўтиши мумкин. Улар кўп вақтларини денгиз юзасида ва ухлаб ўтказадилар. Баъзилари денгизга қўйиласиган динеларга сузеб киришлари мумкин шунда уларни балиқчилар қармоқ, Билан овлайдилар. Лекин тошбақалар сузичи Билан бир ҳаракатланишда қармоқни узуб юборадилар. Кўпчилик балиқчилар ўз қармоқларидан узилиб чиқиб кетган катта балиқ аслида, тошбақа бўйганини билганиларида эди, жуда ҳам ҳайрон бўлар эдилар.

Денгиз тошбақалар турли хил озука топадилар. Кўпинча, улар балиқ Билан озиқланадилар, лекин баъзан денгиз ўсимликларини ҳам кранларни, тошбақалар, устрица, криветка, хатто медузаларни ҳам ейдилар. Биз бу баҳайбат денгиз мавжудотлари ҳакида жуда кам биламиз. Уларни деярли факаттинга ҳайвонот боғларида ёки катта аквариумлардагина кумкин, лекин биламизки, улар денгизларда катта масофаларни сузеб ўтиб, баҳорда ёки ёзда ҳар йили тухум қўйиш учун бир жойга кайтиб келадилар. Америка Қўшма Штатларида уларни кўнайиш жойлари Шимолий Королинадан, то Техас кирғоклари бўйлаб жойлашган.

Ёз кечаларида сув кўтарилини пайтида катта она тошбақалар уя куриш ва тухум қўйиш учун кирғокка чиқиб келадилар. Уларнинг ҳар бири кирғокда тухум қўйиш учун кулагай жойни излаб топғунларига қадар ҳаракатланиб юрадилар, у тўртта сузгичидан фойдаланиб кумда катта чукур қазийдилар, шундан кейин факт орқа сузгичлари ёрдамида кумда думалоқ тешик очадилар. Улар аста-секинлик балан эҳтиёт бўлиб чукурчалан кумни чиқариб ташлайдилар. Чукурча керакли шаклга эга бўлганида- одатда чукурлиги 60 см (2 фут), кенглиги 25 см

(10 дюм) атрофида бўлади- у қазишини тўхтатади ва тухумларини қўя бошлади.

Тухумларни қўя бошлаганида кўзларидан ёши оқишига эътибор бермай қўяди. Унинг кўзидан катта-кбатта «ёшлари» оқади.

Аслица у йигламайди, унинг кўзлари доим ҳўлланиб туриши юзидағи күмни юваби ташлашга ёрдам беради.

Она тошбақага 100 тадан то 150 тагача тухум қўйиши учун 20 минит керак бўлади. Улар дум-думалоқ бўлиб гольф ўйини тўпи катталигига бўладилар, уларнинг пустлонги қалин бўлади, шунинг учун кумга тушаётганида синмайди. Тошбақа дархол чукурни кўмниб сувгичлари билан текислаб устидан яна кум сочиб қўйяди, уячани ҳеч ким топиб олмаслиги учун. Бир неча минут дам олиб, у коронғу оксанига буриласди ва ҷарчаган ҳолда сувға тушиб боради ҳамда денигизга сузиб кетади. Унинг тухумлари кўёшда қизийди ва улардан ёш тошбақачалар ёриб чиқади, улар ўз-ўзинча ҳолга ташлаб қўйилади.

Кичик тошбақачалар таҳминан 60 кундан кейин ёриб чиқадилар. Уларнинг катталиклари тошбақа турига қараб 1 дюмдан то 4 дюмгача бўлади. Умумий уринишлари билан улар кумдан ўйл очиб уячадап юқорига чиқадилар, унарни бу ерда сб қўйишга тайёр турган душманларни кутиб оладилар. Қирғоқда уларга енот-ёнуглар, ёввойи итлар, ёввойи чқалар ва бошқа озуқа излаб юрган жониворлар дуч келади, денигизда эса катта балиқлар кутиб турадилар, кичик тошбақалар денигизга сузиб кетгандаридан кейин улар билан нималар содир бўлишини ҳеч ким билимайди. Улар фақаттинга катта бўлиб қолганларидан кейингила кўзга кўринацилар.

Улардан айримлари, жуда камларигина катта ёшига стадилар. Онларни шунчалик кўп тухум қўйганлари учун ҳам шунчага душман бўлсада улардан жуда ҳам оз сонли вакииллар яшаб кетадилар. Лекин шунга қарамасдан ҳам тошбақалар сони охирги пайтларда камайиб бормоқда.

Инсонлар ҳам тошбақаларнин тухумларини миннелабини йигиб ониб бозорларда сотар эдилар. Баъзи тиббакаларнинг гўштлари жуда ҳам маъзин бўлади ва уларни ҳолири ҳам тутиб олиб, шин овқат тайёрлаш давом этмоқда.

Кейинги вақтларда тошбақалар тухум қўйинилари учун уя қазийдиган қирғоқлар камайиб кетган. Анина шу қирғоқларни ҳам аста- секин инсон эгаллаб бормоқда.

АҚШ хукумати томонидан қуруклиқда катта жойлар ажратилиб ёввойи жониворларнинг кўпилаб турларини сақлашга ҳаракат килинмоқда, бундай ерларни қўриқхоналар деб аталади. Бу ерда улар бемалол яшашлари мумкин, одамлар уларга зарар келтирмайдилар. Жанубий Королинаяни Ромейн бурни ва Ажордия штати қирғон яқинидаги Блендеат оролида 2 та тошбақалар уя қурадиган қўриқхоналар мавжуд

Хозирги вақтда дениз тошбақаларини қўриқлашдиган конунлар қабул қилинган. Уларни денизизда овлаш ман этилмаса ҳам, уларнинг тухумларини йишиш, катта ва кичик тошбақаларга қуруклиқла яшашига ҳалақит килиш тақиқланади.

Бу ҳамма қўриклиш чоралари қадимги бўлиб, жуда қизиқарлиди, булар жониворлар йўқ бўлиб кетмасликлари учун жуда зарурдир.

Республикамиз олий мактабларида алохига ўзгаришлар юз бермокца. Испоҳатлардан олдинги даврда республикамиз олий мактабларида бир қатор объектив камчиликлар мавжуд эди. Кўпчилик олий ўқув юртларининг моддий техника базалари маънавий ва ижтимоий жиҳатдан эскириб колган эди. Замонавий ахборот техникалар Билан таъминланганлиги ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш жуда паст даражада эди.

Амалдаги бир даражали таълим меҳнат бозори, талабларини ишлаб чиқаришига тузилиши ўзгаришларини тўла ҳисобга олмаган. Ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг кўпчилик қисми бўш тайёргарликлари, уларнинг паст билим ва мутахасислик даражалари муҳим муамммо бўлди, илмий ва илмий-педагогик кадрларнинг кексайиб боришлари содир бўлади. Республикализ олий таълим тацкилотларида 40 ёшгача бўлган Фан докторлари сони уларнинг умумий сонининг атиги 0,9 фоизигина ташкил этади., 50 ёшдагилар ва ундан юқорилари эса 79 фоизни ташкил этади.

4.5 Ўқитишнинг интерактив методлари.

Танқидий фикрлашни ўстиришга хизмат қиласидаги методлар «Демократик таълим учун» консорциуми томонидан амалга ошириладиган «Танқидий фикрлаш учун ўқиши ва ёзиши» лойихаси доирасида ишлаб чиқилиган.

Консорциумнинг аъзолари: Халқаро ўқиши ассоциацияси, Хобарт ва Уильям Слимс колледжлари ва Шимолий Айова штатуниверситети. Бу лойихани Нью – Йорк Очик жамият институти ва Марказий Осиё тўғрисидаги Марказий ва Шарқий Европадаги Сорос фонди маблағ билан таъминланади.

Бу параграфда методлар мазмуни мазкур лойиҳа материалларига мувофиқ равишда ёритилади.

Танқидий фикрлашнинг фаол методларини ишлаб чиқишда куйнадаги асослардан келиб чиқадилар: Танқидий фикрлаш нима?

Фикрлаш – ўқиши, ёзиши, сўзлаш ва эшишишга ўхшашиб жараён. У фаол, мувофиқлаштирувчи шундай жараёнки, ўзида бирор ҳақикат тўғрисидаги фикрларни камраб олади.

Фикрлаш контекстдан ташқарида ҳосил қилинадиган кўникма эмас.

Танқидий фикрлаш таълимий дастур ёки кундалик ҳаётнинг умумий контекстидан йироклашган шароитда ўрганилиши лозим бўлган ҳодиса хам эмас.

Браун (1989) таъкидлайдики, вазифа ва реал ҳаёт мақсадларидан ажратилиган ўқув кўникмалари таълим олувчиларга объектив тестларни яхши топшириш имкониятини бериши мумкин, лекин улар бу кўникмаларни янги вазиятларда қўллай олмайдилар.

Рихер таъбири бўйича ўрганиш ва фикрлашнинг таърифи когнитив психология, фалсафа ва мультимедиа маҷанияти таълими соҳасидаги тадқиқотлар натижаларига асосланади.

Бу тадқиқотларнинг асосий натижалари:

1. Самарали ва мутгасил ўрганиш асосида талаб ротларни ўзлаштириш, синтезлаш ва уларни тұла зетаётади (Андерсон ва үнға хаммуалилдар, 1985).

2. Ўрганиш жараёни фикриаш фаолигитини ривоҷ турли тумаг стратегияларидан фойдаланганзагина муҳоббади. Бутий стратегия ўрганиш жараёнини янада (Палинскар на Браун, 1989).

3. Ўрганиш ва тақиёйи фикрлаши талабаларнинг ага нисбатан яшин билимларни кўллаш имкониятларига дирда ривожланади (Ресник, 1987).

4. Урганиш талабаларининг очциниги билимлари, таъянгандагина мустаҳкамланаси. Буттар талабаларининг билдирилган ахборотлар бизан бошланган имкониятини беради.

5. Танқицій фикрлаш ва үргапшиғой ва тажрибада тұмандығын педагоглар тушуптан жаңа көрнекілдіктердің мәндерін анықтауда орын алады.

Танкцидий фикрлашни ривожланиши мухитнин ярьшилтүү болуп саналады.

Лекин таңкыдий фикрловчыларынның шаклалапишишга мүайян ўкув шароитлари түштөмөн мавжуд. Уннын үзүүлүгүнүүсүнүү

Танкидий фикрлана тажрибасини эгаллашын учун ят бериш.

Вакт. Танқидий фикрлаш вакт талаб қылади.
Пирсон, Хансен, Гордон (1979)нар таъкидлашадык ижод килиш гүё аввалин соя, тасаввур, учрашувлар в археологик жиҳатдан тадқик кишишга олиб келади. Шу

- фикрларини ўз сўзлари билан ифодалаш;
 - ўзаро тақиций фикрлар алмасиш;
 - ўз нояларини ифодалай олиш ва конструктив тарбияни билиш;

5. Бордовский Г.А., Извозчиков В.А. Новые технологии обучения: Вопросы терминологии// Педагогика. – 1993.-№5.
6. Ганыперин П.К. К теории программированного обучения. – М., 1967.
7. Кларин М.В. Инновации в мировой педагогике. – Рига, 1995.
8. Кларин М.В. Педагогическая технология. – М., 1989.
9. Кудрявцев П.О. Проблемное обучение. Истоки и сущность.: Знание, 1991.
10. Молибог А.Г. Программирование обучение. – М., 1967.
11. Пидкастый И.И. и др. Технология игры в обучении и развитии. – М.: РПА, 1996.
12. Самоунина Н.В. Организационно обучающие игры в образовании. – М.: Народное образование, 1996.
13. Селевко Г.К. и др. Дифференциация обучения. – Ярославль, 1995.
14. Селевко Г.К. Опыт разработки теории педагогики сотрудничества. Методические рекомендации. Ч. I, II. – Ярославль, 1988, 1989.
15. Селевко Г.К., Тихомирова Н.К. Педагогика сотрудничества о перестройке школы. – Ярославль, 1990.

16. Унт Инге. Индивидуализация и дифференциация обучения.- М.: Педагогика, 1990.
17. Шаталов В.Ф. Педагогическая проза. – М.: Педагогика, 1980.
18. Элькочин Д.В. Психология игры.- М., 1979.
19. Юдин В.В. Педагогическая технология. – Ярославль, 1997.

V-боб. Педагогик маҳорат асослари.

Ўқитувчилик касби ўз моҳиятига кўра ўта индивидуалир.

Хар бир ўқитувчининг муҳим ҳаётий ўрни ўз ишининг устаси бўлишидир.

Мастер (уста) жуда илғор, билимдон, ёки ўз ишини моҳирлик билан бажарувчи деб ифодаланади.

Ўқитувчи маҳорати унинг фаолиятида кўринаси. Ўқитувчи аввало цедагогик жараённинг қонуниятлари ва механизmlарини яхши эгаллаган бўлиши лозим. Шу маънода педагогининг умумлашган малакалари, унинг педагогик техникаси катта аҳамиятга молик бўлади.

Маҳорат – бу алоҳида курдат. Юкори ва кичик даражада Уста бўлиши мумкин эмас. Маҳоратга эришиши ҳам, эришмаслик ҳам мумкин. Ҳақиқий уста меҳнат фаолияти чоғидагина тўзалади.

Педагогик маҳоратта стишиш ўқитувчининг муайян шахсий сифатлари билан амалта ошади.

Педагогик маҳорат юксак даражадаги педагогик фаолиятнинг тараккӣ этишини, педагогик техникани эгаллашини, щунингдек, педагог шахси, унинг тажрибаси, фуқаролик ва касбий мавқеини ифодалайди.

5.1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча

«Педагогик маҳорат» бир категория сифатида ўзининг илмий асосларига эга. 1987-1997 йиллардаги илмий ёндашувлар бу фавқулодда ҳодисага нисбатан куйидагича хулоса қилишга имкон берди:

Педагогик маҳорат касбий фаолиятдаги индивидуалликнинг ёрқин қўриниши сифатида тушунилади.

Педагогик маҳорат категорияси касбий фаолият нуткаи назардан кишининг индивидуалигини характерлайди.

Ҳозирги тадқиқотларда педагогик маҳоратнинг ўзига хослиги куйидаги категорияларда жамлапади:

Педагогик маҳорат (А.С.Белкин, В.И.Загвязинский, Н.П.Лебедник, И.А. Зязон, Т.Ф.Кузина, Н.В.Кухарев, С.Б.Елканов, А.К. Маркова);

Педагогик ижод (В.В. Белич, В.И.Загвязинский, В.А. Кан-Калик, Н.Д.Никандров, А.К. Маркова, Т.В. Фролова, Т.Калошина, Г.Ф. Похмелкина, С.Ю. Степанов);

Новаторлик (В.И.Загвязинский, А.К.Маркова);

Касбий билимдонлик (И.А.Зязон, Н.П.Лебедник, А.К.Маркова);

Фаолият услуби (А.К.Маркова);

Инновацион фаолият (Е.П.Морозов, П.И. Пидкастий, Н.В.Юсуфбекова);

Педагогик технология (Н.Е. Шуркова, В.Ю. Питюков, Е.А.Осипова);
Маҳорат (Н.В. Кузьмина, Т.В.Фролова, Т.Ю.Калошина, Г.Ф.Похмелкина,
С.Ю.Степанова).

Турли тадқиқотчилар ишларида айни бир ҳодисани тавсифлаш учун турли тушунчалардан фойдаланиш бошқача маъно ва мазмун томонларига эга.

Турли муаллиф асрларида педагогик маҳоратнинг ягона, тан олинган таърифининг йўқлиги уни тадқиқотнинг жонли жараёни деб хулоса чиқаришга асос бўлади.

Тушунчалар, фикрларининг турли-туманилиги бу ҳодисанинг мураккаблиги ва кўп кирралилигидан далолат беради. Барча таърифларда урғу шахсга берилади ва шу тариқа педагогик маҳоратнинг социал мөҳиятини акс эттиради.

И.А.Зязон ва Н.А.Лебедниклар шахснинг социал етуклиги ва қасбий маҳоратнинг ўзаро боғликлитини исботлаб бердилар.

Маҳорат талабалар томонидан уларнинг социал етукликка эришини даражасига қараб босқичма-босқич эгалланади. Социал етуклик компонентлари педагогик маҳорат компоненти билан кўйидаги инсабатда бўлади.

Бўлғуси педагогининг социал етуклик компонентларига ушибулар киради:

- социал ўз-ўзини белгилаш - ўзининг педагогик қобилиятлари ва эътиқодини намоён қилиш;
- социал фаоллик - одамлар билан ишлай олиш ва бошқаларни тарбиялаш тажрибасини такомилаштириш;
- социал масъулнот - ўқитувчининг билимдошлигига айланадиган билимлар.

Педагогик маҳорат компонентлари Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин, И.А.Зязон, В.И.Загвязинский, Г.И.Хозяинов, Т.Ф.Кузина, А.И.Мяшенко, Н.П.Лебединик, Т.Нойнер, Ю.К.Бабанский, Н.В.Кухаревларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Улар педагогик маҳоратнинг асосий ўйналишларини муйайн мантикий изчилилкда бечгилаб бердилар.

Педагогик маҳорат асосларига: қасбий педагогик билимлар, инсонтарварликка ўйналганилик, педагогик техника, қасбий педагогик фаолиятни амалга ошириш тажрибаси, педагог шахси таалукларидир.

Маҳоратнинг шаклланиш босқичларига: репродуктивлик (бошланғич), ижодийлик, ижодий-новаторлик киради.

Педагогик маҳорат даражалари ўқитувчи иш даражасининг давоми хисобланади:

- репродуктив (ўта паст);
- мослашувчан (паст);
- локал (чегараланинг) - моделлаштириш (ўргача қониқарли).

Бу даражада талабалар билан бўладиган ўкув-тарбия ишларининг айrim ўйналишларида юқори сифати билан характерланади:

•изчилил моделлаштириш (юқори). Бу босқичла, педагог фаолиятини барча турларида юқори сифатга эришилади;

•изчилил моделлаштириш (олий). Бунда, фаолиятнинг барча турларида ижодий муносабат намоён бўлади, ўкув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш йўллари изланади.

Педагогик маҳорат компонентлари қасбий фаолиятга қасбий вазифаларини

бажарыш учун зарур бўлган малака нуктаи назардаги қарашларни акс эттиради.

Тадқиқотчилар малака деганда хатти-харакатлар тизимини уни амалга ошириш мақсади ва шарт-шароити билан мувофиқ равишда самарали бажариш имкониятини тушуниадилар.

Педагогик маҳорат компонентларини ҳосил қиласидаги малака турухлари фарқланади:

- *лойиҳалаш;*
- *конструкциялаш;*
- *ташкилотчилик;*
- *мулоқот;*
- *билиш ва рефлексивлик.*

Кейинги йилларда педагогик маҳорат категориясига нисбатан янгича қарашлар пайдо бўлди. Педагогик маҳоратнинг анъанавий изоҳларидан бир қадар чекиниш ҳам юз берди (И.А.Зязон, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин).

Педагог тадқиқотчиларнинг Санкт-Петербург мактаби педагогик маҳоратни кишининг алоҳида холати – яни унинг касбий машғулоти кент маънода кишилар билан ишланинг ўзига хос соҳаси бўлган педагогика хисобланади, деб тавсифлайди.

Педагогик маҳоратнинг асоси педагогик билимдонликлар.

Педагогик билимдонлик деганда конкрет тарихий даврда қабул қилинган месъёrlар (нормалар), стандартлар ва талабларга мувофиқ педагогик вазифани бажаришга қобилик ва тайёрлик билан белгиланаётган интеграл касбий-шахсий тавсифнома тушунилади.

Педагогик билимдонлик педагогик соҳада маҳорат билан ишләётган кишининг таълим ва тарбия ишида инсоният тўплаган барча тажрибалардан рационал фойдаланиш қобилиягини кўзда тутар экан, демак, у старли даражада педагогик фаолият ва муносабатларнинг мақсадга мувофиқ усуллари ва шаклларини эгаллаши лозим бўлади.

Касбий-педагогик билимдонликнинг бош кўрсаткичи бу инсонга, шахса ўйналиганликлар.

Касбий-педагогик билимдонлик педагогик воқеликни изчил идрок эта билиш ва унда изчил ҳаракат киёла олиш малакасини қамраб олади. Бу хислат педагогик жараён мантиғининг яхлитлигича ва бутун тузилмаси билан биргаликда кўра олиш, педагогик тизимнинг ривожланиши қонуниятлари ва йўналишларини тушуниш имкониятини таъминлайди, мақсадга мувофиқ фаолиятини конструкциялашни осонлаштиради.

Билимдонлик ўқитувчи учун ўта мұхим бўлган учта ҳолат билан боғланган замонавий педагогик технологияларни эгаллашни тақозо этади:

- одамлар билан ўзаро алоқада бўлища, мағаний мулоқотда бўлиш;
- фани соҳаси бўйича ахборотларни қабул қила билиш ва уни ўқитиш мазмунига мослаб қайта ишлаш ва ундан мустакил таҳсил олища фойдалана олиш;
- ўқув ахборотларини бошқаларга бера олиш.

Касбий-педагогик билимдонлик асосан тўртта компоненти билан характерланади:

- шахста, инсонга йўналганик;
- педагогик воеликин изчил идрок этиш;
- фан соҳасига йўналганик;
- педагогик технологияларни эгаллаш.

Хозирги таълим шароитида касбий-педагогик билимдонлик яна уч компонент билан тўлдирилади:

- билимдонлик, умуман, ўз фаолиятини жаҳон педагогик маданияти даражасида ишлаб чиқилган тажрибалар асосида ташкил этиш қобилияти, утга ва ватанимиздаги педагогикага интеграциялаша олиш;
- ўз сафлоши тажрибаси ва инновацион тажрибалар билан ўзаро самарали муносабат ўрнатиш қобилияти;
- ўз тажрибаларини умумлаштириш ва бошқаларга бера олиш маълакасида намоён бўлади.

Педагогикинг касбий билимдонлиги креативлик билан характерланади.

Креативлик – бу касбий ҳаёт усули, кўп киррали таълим жараёни ва тизминнинг мақсадлари, мазмунин, технологиялари сатҳида янги педагогик воеликин яратиш истаги ва маълакасидир. Креативлик ўқитувчига инновацион ўзғаришлар оқимиға мослашиб олинишга ёрдам беради.

Хар қашдай даражадаги касбий билимдон педагогик рефлексияга кодирдир.

Рефлексия – фикрлашниң маҳсус усули бўлиб, педагогик воеликка, тарихий-педагогик тажрибага, муайян касбий мавқенинг ташувчиси бўлган ўз шахсиятига қайта назар ташлашдир.

Юкорилаги касбий-педагогик билимдонликни ташкил этувчи барча компонентлар мураккаб тузилмани ҳосил қилиб, мутакассиснинг «идае модели»ни шакллантира боради ва пировард натижада зич бирлашиб кетади ҳамда ўқитувчи шахси фаолияти тавсифини белгилайди.

Билимдонлик факат фаолият жараёнида, конкрет касб доирасида намоён бўлади ва баҳоланади.

Педагогик муҳитда ўқитувчи фаолиятини баҳолашда, одатда, «педагогик маданият» гермини қўлиданади.

Педагогик маданият касбий фаолиятиниң индивидуал мазмуни билан боғланади.

Педагогик билимдонлик ўқитувчининг юксак натижаларга эришишини таъминлаяди.

Педагогик маданият фаолият ва муносабатларга эстетик шакл беради.

Педагогик фаолият педагогик маданият тушунчаси таҳлили омили бўлиб хизмат килиади.

Педагогик маданият умуман маданиятнинг намоён бўлишидир.

Маданият фаолият жараёни ва натижаси ўлароқ субъектнинг дунё объектларини ўзлаштира боришдаги барча хатти-харакатларини қамраб олувчи социал ҳодисани билдиради. Маданият инсон яратган, шунингдек, қандай во-сита ва метод билан яратган барча ҳодисаларни ўзида бирлаштиради.

Педагогик маданиятда, умуман маданиятда бўлганидек, предмет-ҳосила ва техник-технологик жиҳатлар мавжуд.

Педагогик маданият бир қатор тизим ҳосил қылувчи унсурларга эга. Уларга күйидагилар киради:

Педагогик лойихалаш маданияти. У объектив имкониятлар билан талаб ва йстакларни ўзаро нисбатлаган ҳолда мақсадни түғри таштай олиш, вазифаларни белгилаб олиш, уларнинг ечилиш босқичларини режалаштириш, зарур қуролларни ташлаб олиш мақасидир. Лойихалаш маданиятини намойиш килиш бу ижодга, яъни фавқулодда янгиши яратиш, ўрнатилган меъёрлар ва на-муналар чегарасидан чикиб кета олиш қобилияти ҳамдир.

Билимлилик маданияти. У педагогик билимларнинг турли-туманилиги ва педагог томонидан бу билимларни эгаллашини билдириди.

Дунёкараш маданияти. Унинг даражасини аксарият ҳолларда педагог ва ўқитувчининг ўзаро муносабатлари жараёни ва натижалари белгилайди.

Турли намунадаги дунёкарашнинг мавжудлиги, хусусан, стихияли, мунтазам, шимий ва мистик, иррационал, оптимистик ва пессимикик, догматик ва танқидий, диний, атеистик, рационал ва педагогик фаолият субъектининг ҳам бир неча намунаси борлигини такозо қилади.

Дунёкараш маданияти фан, фалсафа, дин каби маънавий маданият унсурлари билан танишиш чоғища шаклданади.

Педагогик маданиятнинг бир унсури фикрлари маданиятидир.

Фикрлар маданияти ҳам кунцалик ҳаёт жараёнида одатдаги воситалар, ҳам маҳсус воситалар (унинг таркибиға формал мантиқни ўрганиш ҳам киради) да вужудига келади.

Хис этиши маданияти. У инсонлар олни кечинмаларининг кенг уйгунилиги ҳосиласи бўлиб, уларсиз педагогик жараёнида мулокотнинг бўлиши мумкин эмас.

Бахолаш маданияти у ёки бу сабаб ва ҳодисалар бўйича ахлоқий, эстетик, сиёсий, хукукий, диний ёки фалсафий характердаги мақакали хукм чиқариш қобилиятидир.

Мулоқот маданияти педагогик маданиятнинг энг муҳим компоненти бўлиб, у педагогининг ўкувчилар, ота-оналар ҳамда раҳбарият ёки кўйи вазифа эгалловичи шахслар, шунингдек, педагогик иш доирасидан ташқаридаги барча инсонлар билан мулокот қилиш маданиятларини қамраб олади.

Ташкилий маданият ҳам педагогик маданият тизимиға киради ва у ўқитиш ҳамда тарбия жараёнини педагогик доиранинг турли даражаларида (жамиятда, ўқув юртларида, болалар гурухларида) ташкил этиш имкониятини беради.

Шундай қилиб, педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларига қўйидагилар киради:

- **хар бир ўкувчи учун долзарб бўлган ҳаётий мазмун ривожланишини, ўкувчининг шу ривожланиш кесмасида, ҳаракат кила олишида, унинг ҳаёт мазмунининг очилиши ва амалга ошишида ўқитувчи қаңдай билим билан унга ёрдам кўрсата олишини «кўра олиш» қобилияти;**
- **айрим ўқитувчилар ривожланиш мазмунин ва кесмаси интеграцияси хисобланган ҳамда жонли организм сифатиша ўқувчилар (синф ва б.) гурухини унинг ривожланиш ва мазмун касб эта борниш жараёнида «кўра олиш» қобилияти;**

- синфнинг интеграл мазмуни ва интеграл ривожланиш кесмасини «кўриш» ва идрок этиш малакаси;
- ўзилини организмини юксак даражада англаш. Синф, ўқувчи ўз ис таклари, мотивари, афзал кўриши жиҳатидан улар учун зарур бўягани да қиий ахборотларни ажратса олиш малакаси;
- шахсий хусусиятлар оқибати сифатида вужудга келадиган турли бузи лиши вазиятларидан идрокни чалгитиш;
- ўз сезигиларининг нозик фарқланиши имкониятлари воситасида юқори ҳис билан бошқарни;
- кенг бошқарув репертуарини, бошқаришининг хилма-хил услубларини, ахборотларни узатиш «Куролларин»: овоз, хатти-ҳаракат, мимика ва бошқаларни эгаллаш;
- касбий усуllibар ва методларининг кенг жамгармаси;
- методологияни эгаллаш.

5.2. Олий мактаб ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолият

Олий мактаб ўқитувчисининг самарали фаолияти унинг чукур ва раиг-баранг касбий билимлари, дарс бериши методикасини эгалланганлиги, ўз меҳнатининг психологик асосларини ҳисобга олиши билан боғланган.

Бу вазифаларнинг ҳал килинишида педагог шахсига муҳим аҳамият берилади.

5.2.1. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар:

Олий мактаб ўқитувчиси шахсига жиддий талаблар қўйилади. Улар педагоглар ва психолоѓлар томонидан чукур ўрганишган. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган энг муҳим талаб унинг юқори малакали бўлишидир, бунки унингиз педагогик фаолият юритиб бўлмайди. Олий мактаб ўқитувчиси ҳам шундай талабларга жавоб бериши керакки, бундай талаблар уни юксак даражада бўлғуси мутахассисни шакллантирашган шахс даражасига кўтарсан.

Олий мактаб ўқитувчисига кўйидағи муҳим ва доимий талаблар қўйилади:

- жамият ривожланишининг спёсий, социал ва иқтисодий йўналишларини тўғри баҳолай олиши;
- муайян тараққёт даврида жамият учун зарур бўягани бўлгуси мутахассисни шакллантириш стандартларини эгаллаган бўлиши;
- педагогик фаолиятни севинчи;
- ўз соҳаси бўйича маҳсус билимларга эга бўнин;
- заковатли бўлиши;
- педагогик туйғу;
- юксак стуклик;
- умумий маданият ва ахлоқнинг юксак даражаси;
- педагогик технологияларни маҳорат билан эгаллаган бўлиши.

Педагог шахсига қўйиладиган қўшимча талаблар: *киришиб кета олиш, санъаткорлик, қувноклик, яхши дид ва бошқалар.*

Юқорида санаб ўтилганлар, педагог шахсига хос бўлган туфма хислатлар эмас, балки улар педагогнинг ўз устида мунтазам ва бетиним меҳнати, улкан хизматлари натижасида юзага келтирилади.

5.2.2. Педагогик қобилияят

Ўқитувчининг касбий фаолияти фавқулодда умумий ва хусусий қобилияtlарни талаб қиласди.

Касбий-педагогик фаолиятнинг муваффакияти хусусий педагогик қобилияtlарга боғлиқ бўлади. Педагогик қобилияtlарнинг куйидаги туроҳлари фарқланади:

- *объектта (талабага) ишсабатан сезгирилик;*
- *коммуникативлик -- инсонларга юз тутиш, хайриҳоҳлик, муомалалик;*
- *перцептив қобилияtlар -- касбий етуклик, эмпатия, педагогик туйгу;*
- *шахс динамикаси -- иродага таъсир эта олиш ва мантиқий ишонтира олиш қобилияти;*
- *хиссий барқарорлик - ўзини бошқара олиш;*
- *креативлик -- ижодий иш қобилияти.*

Педагогнинг хусусий қобилияtlарига билим, малака ва кўнижмаларни эгаллаш фаолияти ва шахсни тарбиялаш қобилияти ҳам тегишилди.

Ўқитиш, ўрганиш ва ўрнатиш бўйича қобилияtlарига куйидагилар киради:

- *талабаин тушунишини кўриш ва сезниш, бундай тушунишининг даражасин ва характерини ўрнатиш қобилияти;*
- *ўқув материалини мустақил ташаб олиш, ўқитишнинг самара берувчи усул ва методларни белгиллаш қобилияти;*
- *материални етарли баён килиш, унинг барча талабаларга тушунарлигини таъминлаш қобилияти;*
- *талабаларнинг инцинидиуалигини хисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш қобилияти;*
- *ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш қобилияти;*
- *талабаларнинг катта одимлар билан ривожланишини ташкил этиш қобилияти;*
- *ўзининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш қобилияти;*
- *ўзининг тажрибасини бошқалар билан баҳам кўриш қобилияти;*
- *мустақил таълим олиш ва мустақил такомиллашиш қобилияти.*

Педагогик жараёнга қаратилган педагогик қобилияtlарга куйидагилар киради:

- *бошқа инсоннинг ички ҳолатини тўғри баҳолаётган, унга ҳамзардлик билдириш, ҳамнафас бўлиш қобилияти (эмпатия қобилияти);*
- *таклид килиш учун намуна бўлиш қобилияти;*

- тарбия жараёнида инцивицдал хусусиятларни инобатга олиш қобиляти;
- муроқотнинг лозим топилган услубини, ўз ўрнини топиш, келиша олиш қобиляти;
- ҳурмат қозонниш, талабалар ўртасида обрўга эга бўлыш қобиляти.

Педагогик қобилятилар ичида педагогик муроқотга бўлган қобилят алоҳида ажралиб туради.

Ўқитувчининг талабалар билан давомий ва самарали алоқаларини ташкил этишини коммуникатив қобиляти билан боғлайдилар.

Коммуникатив қобиляти – бу педагогик ўзаро алоқалар доирасидаги ўзига хос тарзда намоён бўладиган муроқот қобилятийири.

Психологияга оид адабиётларда коммуникатив қобилятиларнинг бир неча тарзлари фарқланади:

1. *Кишининг бошқа кишини билиши*. Бу қобилятилар гуруҳида кишига шахс сифатида, шахснинг алоҳида киёфаси, мотиви ва хатти-ҳаракатларига баҳо беришни, кишининг ташқи кўрининиши, хулқи ва ички дунёси нисбатига баҳо беришни; савлати, имо-ишора, мимика, пантомимикасини «ўқий» олишни камраб олинади.

2. *Кишининг ўз-ўзини билиши*. У ўз билимларини, қобилятиларини ўз характери ва ўз шахснинг бошқа кирраларини ҳамда ташқаридаи ва унинг атрофидаги кишилар унга нисбатан қандай баҳо бериши лозим бўлса, шуидай баҳо беришни кўзда тутади.

3. *Муроқот вазиятни тўғри баҳолай олиш*. Бу вазиятини кузатиш, унинг кўнрок ахборот берадиган белгиларини таилаш ва унга ишқатни жалб килиш; юзага келган вазиятнинг социал ва психологияк муещарижасини тўғри идрок этиш ва баҳолаш қобилятидири.

5.2.3. Ўқитувчи фаолияти турлари

Олий мактаб ўқитувчисининг касбий фаолияти турли йўналишларда бўлади. Улардан энг муҳимлари кўйиладишилардир:

Ўкув педагогик фаолият. Бу фаолият жамият талабларига мос равишда олий мактабда ўкув жараёнини ташкил этишга йўналтирилади. Олий мактабдаги ўкув жараёни учун ўкув ва илмий-таҳқиқот ишларининг узвий боғликлиги, талабалар фаоллиги ва мустақил ишлари ижодий потенциал бўлган шахс аҳамиятини ошириш характерлидир.

Олий мактабдаги педагогик фаолиятда назарий ва амалий фаолият қўшиб олиб борилади.

Назарий фаолият яиги концепцияларни очиш билан боғланади.

Амалий фаолият муайян вазиятларни яшгилашга ва педагогик вазифалар тизимини ҳал қилишга йўналган бўллади.

Ўқитувчи конкрет фанини бошқа ўкув фанилари билан ўзаро боғлаган ҳолда унинг ўқитилиш мақсад ва вазифаларини белгилайди, талабанинг ўқув-билиш фаолиятини жонлантиришини тъминлайдиган ўқитишининг мазмунини, замонавий шакл ва методларини ўйлаб топади.

Ўқитувчи ўқув-педагогик фаолиятининг ўзига хослиги унинг илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирок этишидир.

Олий мактаб ўқитувчисининг педагогик фаолияти тавсифида олимлар, одатда, Н.В.Кузьмина ва З.Ф. Есарова тадқиқотларига таянадилар. Улар куйидаги компонентларни фарқлайдипар:

- **конструктивлик;**
- **ташкилотчилик;**
- **илмий билиш;**
- **коммуникативлик.**

Конструктивлик компоненти илмий-тадқиқот, ўқув-тарбия ишларида лойиҳалаш ёки ўз конструкциялаш малакаларида кўринади.

Лойиҳалаш малакаси – бу илмий изланишни ёки ўқув-тарбия жараёнини моделлаштиришнинг интеллектуал малакалариdir. Ўқитувчининг лойиҳалаш малакаси З.Ф.Есарова томонидан тақкиқ этилган.

Олий мактаб ўқитувчи фаолиятини тавсифлаш ва баҳолаш учун куйидаги сатхлардан фойдаланилади:

- **репродуктив.** Бунда ўқитувчи фақат ўзининг ахборотларини лойиҳалаштиради, лекин аудиториядаги талабаларнинг савиляларини ҳисобга олмайди;
- **мослашувчан.** Бу сатҳда ўқитувчи ўқув ахборотларини аудиториядаги талабаларнинг савиляларига мос килиб моделлаштиради;
- **локал-моделлаштириш.** Бу сатҳда ўқитувчи ахборотларни баён килибтина қолмайди, балки айrim масалалар бўйича билим, малака ва кўнижмалар тизимини моделлаштира олниш лозим;
- **тизимли-моделлаштирилган билим.** Бу сатҳда конкрет фанни ўзлаштириш учун зарур бўлган ўз фаолияти ва талабалар фаолияти тизимини моделлаштиради;
- **тизимли-моделлаштирилган фаолият.** Бу сатҳда ўқитувчи талабалар билан бирга барча ўқув-тарбия ишлари тизимини моделлаштира олади.

Ташкилотчилик фаолияти. Бу тадқиқот илмий изланиш ва ўқув-тарбия жараёнини аниқ режалаштириш ва ташкил этиш малакасида кўринади. Бу ўқитувчи, талаба ва бошқа олимларнинг ўзаро алоқадор фаолиятидир.

Ташкилотчилик фаолияти ўзини, ўзининг вактини; талабаларнинг индивидуал, гурух, колектив ишини; биргаликдаги тадқиқотларини амалга ошириш учун кадрларни танлаб олиш ва уларнинг вазифаларини белгилаб беришни ташкил этиш малакасида намоён бўлади.

Ташкилотчилик фаолиятининг асосий вазифаси шу фаолият иштирокчиларининг хатти-харакатларини интеграциялаштириш.

Илмий-билиш фаолияти. Бу фаолият атроф-оламни ва ўзини чукур ва ҳар томонлама билиш малакасида кўринади.

Ўқитувчи ўз тадқиқотлари, талабалар ва аспирантларнинг илмий фаолияти жараёни ва натижаларини таҳлил қиласи.

Коммуникативлик фаолияти. Бу фаолият сафдошлари ва талабалар билан мақбул ўзаро алоқаларни белгилаш малакасини кўзда тутади.

Коммуникативлик фаолияти асосида ўқитувчининг ўз-ўзини бошқариш қобилияти ётади.

Тадқиқотчилар педагогик вазифани педагогик жараённинг асосий бирлигини намоён этадиган ўзига хос тизим сифатида изохладилар.

В.А.Сластенин педагогик вазифа деганду, билиш, воқеликни жигтилаш (ўзгартериш) мақсали бўйган ўйланган педагогик вазиятни тушунади.

Ўқитувчининг мақсадиа йўналаган фаолиятида педагогик вазифанинг стратегик, тактик ва оператив каби уч катта гурухи фарқланади.

Стратегик вазифа. Бу ўзига хос улкан вазифа. Стратегик вазифалар таълимнинг умумий мақсадиаридан келиб чиқади. У жамият ривожланишининг объектив эҳтиёжларини акс эттираши. Бу вазифалар педагогик фаолиятнинг дастлабки мақсади ва якуний натижаларини аниқлаб беради.

Жорий педагогик жараёсида стратегик вазифалар тактик вазифаларга айланади.

Тактик вазифалар таълимнинг якуний натижаларини таъминлашга йўналаштирилиши саклаб кояш ҳолда стратегик вазифаларининг у ёки бу босқичида ҳал қилинадиган вазифалардир.

Оператив вазифалар педагог амалий фаолиятида жорий ва биринчи навбатда ҳал қиласидиган вазифалардир.

Олий мактаб ўқитувчисининг касбий фаолият таҳлили шуни кўрсатади, бу касб ўта мураккаб ҳамда ўта ижодий касбдир.

Шундай килиб, ўқитувчининг педагогик маҳорати педагогик вазифаларни юксак даражада очни, ўқитувчининг шахсий хислатлари синтези, унинг рангбаранг илмий соҳадаги ва педагогик фаолиятидаги бишим, маътака ва кўниумалари билан белгиланади.

5.3. Ўқитувчи ва талабанинг педагогик муносабатлари.

Педагогик фаолият педагогик муносабатлар маҳоратини талаб этади.

Муносабатлар - бу одамларнинг биргаликдаги фаолиятларига талаб бўлиб, у жуда мураккаб ва кўп қиррали жараён хисобланади.

Муносабатлар турмушни ташкил этишда асосий курол ҳисобланиб, инсон фаолиятининг камма турларида мавжудидir.

Муносабатлар муаммолари бир қатор олимлар томонидан ўрганилаш:

- Муносабатларнинг назарий масалалари билан бир қатор таниқли олимлар шугулланганлар: А.А.Леонтьев, Б.Д.Парпин, Б.Ф.Ломов, Н.П.Еристов, В.Н.Панферов, В.А.Кап-Канич.

Муносабатлар коммуникация сифатида куйидаги аспектларда кўриб чиқилган;

- Инсонни инсон томоницага қабул қилиниши қатор таниқли олимлар томонидан ўрганилиб чиқилган: А.А. Леонтьев, Л.Д.Ершов, В.И.Кнізов, Е.В.Кондратьев, А.А.Бодалов, О.Г.какусун, М.И.Лишина, А.Э.Штеймец, В.И.Мисушеев, В.И.Саковниковлар.
- Вербал коммуникация билан А.Ф.Бондаренко, Н.А.Зилляя, А.А.Леонтьев, Е.Я.Ромашенко, Н.Н.Богомоголовалар шугулланишган.
- Новорвал коммуникациялар масалалари Е.А.Ермоллаев, Ф.В.Копшанский, В.А.Лабунская, З.В.Савкова тадқиқотларида акс эттирилган.

- С.В.Сергеева, Р.М.Фатыхова, Л.А.Савековалар муносабатларда шахснинг ўзини ижодий хис этиши масаласини ишлаб чиқдилар.
- А.В.Киричук, А.В.Мудрик, Л.А.Совенкова, А.С. Карпов, Е.Б.Арлова, Н.И.Плещкова, Л.Д.Шершовалар педагогик муносабатларда коммуникатив маҳоратларини эгаллаш роли ҳақида ёзғанлар.
- Л.Л.Буева, Е.К.Коган, Л.М.Терентьев, В.М.Тиспенко, А.Т.Шиякенлар муносабатлар, фаолият ва муаммолар ўртасидаги боғликларни ўргандилар.
- Ҳ.С.Усманов, И.Ф.Комогорцева, В.П.Наумов, Э.В.Соколов муносабатларнинг шахс шаклланишидаги аҳамияти ва ролини ўрганишга оид талқиқот олиб бордилар.

Бу талқиқотлар муносабатлардан максаднинг мазмуни ва вазифасини аниқлагта ўкув фаолиятида муносабатнинг ролини ажратиб кўрсатишда ёрдам берадилар.

Л.П.Буева муносабатлар ва ижтимоий муносабатларни таҳлил қилиб, муносабатлар бевосита кузатилаётган ва бошлангичда ўтказилаётган ҳақиқий воелик ва ижтимоий муносабатларни равшанлаштириш, уларни персонификациялантира ва шахсий шакли, деб таъкидлайди.

Муносабатлар- бу одамларнинг жуда мураккаб, ҳар томонлама предметли амалий фаолияти бўлиб, унинг давомида яшаш учун маблағ ишлаб топадилар, уларнинг хис ва хаёлий образи таъкидланади.

Муносабат шакли ва мақсади фаолиятининг хусусияти, йуналиши ва ташкил этилиши ижодийлигига боғлиқ булади. Ўз навбатида фаолиятга ўзига хос таъсири кўрсатади. В.М.Саковин муносабатни мураккаб, уни ифода этиш ҳеч бир категорга куйиб бўлмаётдиган ходиса сифатида олиб карайди.

У муносабатни алоқалар, фаолият, мулоқот, бир-бирини тушуниш, бир-бирига таъсири кўрсатиш сифатида ўрганади.

Муносабатлар табиатда ижтимоий жараён сифатида - турмушнинг туббесенадир.

Унинг вазифаси ва аҳамияти шахс шаклланиши, у турмуш билан яхлитлигини тушуниш, яхлит мавжуд бўлиши ва яхлит ривожланиши билан боғлиқлариди.

Психологларнинг муносабат моҳияти муаммосига кўшиган хиссалари бекиёсдиди.

Психологик фан соҳасида куйидагилар ўрганилади:

- муносабатлар ва шахс
- шахснинг коммуникативлиги ва коммуникатив эмаслиги
- шахснинг коммуниктивлик хислатлари ва асаб системаси тури
- коммуникативликка талаблар
- ижтимоий-психологик иерцепция ва рефлексия, уларнинг шахс ва жамоанинг эмадиопа кайфияти билан боғликларни.

Д.П.Кополинский, Е.Е.Кузьмин, А.Б.Петровский, П.Н.Усинский каби психологлар ғурухли ва жамоатчилик муносабатларининг асослари билан изғуулланганлар.

Ә.Ф.Поршинев муносабат ва алоҳида шахсларнинг боғликларни ва бир-бирига ўтишини кузатади.

Б.Д.Паршгин муносабатта янада кенпроқ тушунча беради: бу бир вактнинг ўзида жараён ва одамларнинг бир-бирига муносабати сифатида ҳам ва улар-

нини бир-бирига ғамхўрлиги ва бир-бируни тушуниши жараёни сифатида ҳам иштирок этиши мавжуд бўлган мураккаб, кўп киррали жараёнцир деб тушунидирали.

В.Н.Масищев муносабатни аниқ бир шахслар ўзаро алоқалари жараёни сифатида қарайди. У муносабатда инсонларнинг муомаласи ифода этилади, дейди.

А.А.Боданев муносабат назариясини ишлаб чиқкан.

У муносабатларда шахс ҳиссиятлари юзага келиши ва ривожланишига алоҳида эътиборни қаратади.

У муносабат одамлар фаолиятининг асосий турларидан бири деб ҳисоблайди.

А.А.Боданев муносабатларнинг бутун шаклланиб боришига таъсир қўрсатувчи асосий хусусиятларини аниклайди.

Б.Ф.Ломов индивидуалниң фаолияти ягона мақсадларига эришиш учун уринишларини бирлаштиришга қаратилган уларнинг ўзаро алоқаларини муносабат деб тушунади.

Инжимоий психология қўйидаги ўзаро боғлиқ бўлган хусусиятларни ажратиб қўрсатади.

Инжимоий психология қўйидаги ўзаро боғлиқ бўлган хусусиятларни ажратиб қўрсатади.

- матъумот алмашиши(муносабатнинг коммуникативлик томони)
- ўзаро алоқалар (муносабатнинг интерактив томони)
- инсонларнинг бир-бируни тушунишилари (муносабатнинг прецентив томони)

Ана шулардан келиб чиқиб, психологлар муносабатни бир вақтнинг ўзида жараёни сифатида ҳам, бир-бируни ғамхўрлиги жараёни сифатида ҳам иштирок этувчи мураккаб ва кўп киррали жараён деб ҳисобланадилар. Педагогик нуқтаи-назардап муносабатлар 60- йилларда мустакил назарий муаммо бўлиб колди.

Муносабатларга оид муаммоларни ўрганиш қўйидаги йўналишларда олиб борилямокда:

- турли нуқтаи-назарлари ва хусусиятлари, педагогик одоб, маҳорати, раҳбарлиги - Ю.П.Азаров, Я.В. Бондаревская, П.Ю.Гордин, Н.А.Зазюп, Б.Т.Тихачев.
- ўқитувчи фаолияти Гоноболин, Н.В. Кузьмин.

Ўзаро алоқалар - Л.Ю.Гордан, Н.Д.Демина, Т.Н.Малкова, В.А.Кан-Капик ўз тадқиқотларидаги муносабатни маълумотлар алмашиш, шахснинг идрок этиши, турли коммуникатив воситарадар ёрдамида бир-бируни тушуниш, тарбиявий таъсир қўрсатиш мазмунидаги педагог ва тарбияланувчиларнинг мос равиша ижимоий психологик таъсир қўрсатишлари услугуб ва кўнижмалари тизими сифатида ўрганади.

Педагогик муносабатлар жараёнини таҳлил қилиш унда иккита қўшимча тизимларни ажратиб қўрсатишга имкон беради:

-Ўқитувчини ижодий фаолиятга тайёрлаш.

-Ўқитувчилар билан бевосита муносабатлар давомидаги ижодий фаолияти. Педагогик муносабат педагогик фаолият таркибида иштирок этади.

Муносабатнинг коммуникатив тури маълумотлар алмашиш, бир-бирига таъсир қўрсатиш, бонцанинг хулкига таъсир қўрсатишни кўзда тутади.

Коммуникатив жараённинг воситалари нутқ, имо-ишоралар, мимика, пантомимика, овоз оҳангі, тұхталишлар, «күз орқали боғланиш» тизимлари ҳисобланады. Муносабаттнинг интерактив тури ўзаро алоқалар умумий стратегиясини күзде тутады. Муносабаттнинг перцептив тури бошқа одам образини ташкилдантириш жараёнини ўз ичига олади.

Бу жараёнда асосий механизмлар қуйидагилардан иборат:

тепештириш - ушбу одамни маълум бўлган унга ўхшашига ўхшатиш.

Рефлексия - идрок этиш обеъктини бошқа одамлар қандай қабул қилишларини англаб етиш.

Мазмунни мақсадлари ва воситаларига кўра муносабат бир неча турга ажратиначади. Уларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- моддий – (фаолият предметлари ва маҳсулотлари билан алмашиш)
- когнетив – (билимлари билан алмашиш)
- концион (психик ва физиологик ҳолатлари билан алмашиш)
- сабаблийлик (истаклари, мақсадлари, қизиқишлари, талаблари билан алмашиш)
- фаолиятлийлик (харакатлари, иши бажаришлари, маҳоратлари, кўниумлари билан алмашиш)

Боситалари бўйича муносабат қуйидагича бўлиниши мумкин:

- бевосита;
- билвосита;
- тўридан-тўри;
- тааллуқли (боғланиш) алоқа ва масофалийлик;
- диалогик ва монологик;
- оммавий ва шахслараро

В.А.Кан-Калик педагогик жараён қуйидаги босқичлардан иборат бўлади деб, ҳисобланади: ният пайдо бўлиши, ниятни амалга ошириш, таҳлил қилиш ва баҳо бериш.

Бу босқичларга биноан мутахассислик-педагогик муносабат босқичлари кўрсатилади:

- ўкувчи билан бўладиган муносабатни педагог томонидан ишлаб чиқилиши (таҳмин қилиш босқичи)
- аудитория билан бевосита муносабатларни ташкил этиш (муносабаттнинг бошланғич даври)
- педагогик жараён пайтида муносабатларни бошкариш
- амалга оширилган муносабатларни таҳлил қилиш ва кейинги фаолият учун ишни муносабат тизимини тузуб чиқиш.

Моделлаштириш босқичи - бу ўзаро алоқалар коммуникатив тузилмани ўзига хос режалаштириш деб ҳисобланади.

Бу тузилма педагогика масалаларига, вужудга келган вазиятга педагог индивидуаллигига, ўкувчилар хусусиятларига мос тузилади.

Бевосита муносабатларни ташкил этиши. Бу босқичда ташаббусни педагог ўз кўлига олади. Шу мақсадда бўлажак муносабатлар шароитида мўлжаллар амалга оширилади, у шулардан иборат бўлади:

- Педагогнинг ўкувчилар билан муносабатлари ўз усулини англаб етиши.

- Унинг ўкувчилар аник бир жамоаси билан муносабатлари тажрибасини хаёлан қайта тиклаш, эста олиш.
 - Янги коммуникатив шароитларда муносабатлар усулини аниқлаш.
- Муносабатларни бошқариш - кўлланилаётган таъсир кўрсатиш усууларини коммуникатив таъминлашдан иборат бўлади. Муносабатларни бошқариш кўйидагиларни ўз ичига олади:

- муносабат моделини аниқлаштириш
- муносабатлар шароитини ва тузилишини аниқлаш
- бевосита муносабатларни амалга ошириш.

Педагогик муносабатларнинг бориши ва натижаларини таҳлил қилиш коммуникатив масалаларнинг ечилиши якуний босқичи ҳисобланади. Бу босқичнинг асосий вазифаси ташҳис тузатиш ҳисобланади.

В.А.Сталестиннинг тушунчаси барча педагогнинг йўл тутиши - бу дунёга, педагогик воқеёнкка ва педагогик фаолиятта интеллектуал ва эмоционал-баҳолаш муносабатлари тизимиdir.

Педагогнииг ижтимоий вазияти педагогик муносабат усулида акс эттирилади.

Педагогик муносабатларни турларга ажратиш қўйидагиларни ўз ичига олади:

- авторитар усул
- демократик усул
- либераль усул

Муносабатнинг авторитар усули ўкувчилар фаолияти буйича ҳамма масалаларни педагогнинг бир ўзи ҳал қилинишидан иборат бўлади.

Демократик ёки ҳамкорлик усулида ўқитувчи ўкувчиларнинг ўзаро алоқаларида субъектининг ролини оширишига, умумий ишни бажаришига ҳаммани жалб этишга эътибор қаратади. Бу усулиниг ҳусусияти - бир-бирини тушуниш ва бир-бирини ўйлаш ҳисобланади.

Муносабатнинг либераль (бенарволик, эътиборга олмаслик) усулида ўқитувчи ўкувчилар фаолиятига камрок аралашишга интилиши билан ифодаланаади.

Бенарволик муносабат усули аралашмаслик тактикасига амал қиласи, эътиборсизлик ва қизиктирмасликни ифода этади.

Муносабатларнииг усулига қўйидагилар киради:

- Педагогик муносабатнинг дўстона илтифотларига асосланган усули.
- Муносабатлар-масала
- Муносабат- кўрқитиш
- Муносабат- ҳазиллашиш.

Педагогик муносабатлар жараёнида эмпатия-ҳамдардлик катта аҳамиятга эга бўлади.

Эмпатия педагогик масалаларни муваффакиятли ҳал этиши ва педагогик мақсадга мувоғиқ педагоглар ҳамда ўқитувчилар ўзаро муносабатларини ўрнатишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, педагогик муносабат ижодиёти алоҳида туридан иборат бўлади, маълумотлар етказиш маҳоратида, ўкувчилар ҳолатини тушупиши,

муносабат бўйича шеригига таъсир кўрсатиш санъатида, ўзининг психик холатини бошқаришда ўз ифодасини топади.

5.4. Үқитувчининг педагогик маданияти ва техникаси

Педагогик фаолият маданият билан узвий равищда боғланган бўлади.

Юқори савияли маданият - педагог меҳнатининг зарурӣ шарти ҳисобланади.

Маданият - сўзи логинчадан таржима қилинганида «ишлов бериш», «етиштириш» маъносини билдиради. У инсоният томонидан ижтимоий-тарихий амалиёти жараёнида яратилган ва яратилаётган, жамиятнинг ривожланшидаги тарихий эришилган даражасини ифода этувчи моддий ва маънавий қадриятлари тўпламидан иборат бўлади.

Маданият кенг маънода - бу жамиятнинг ривожланиши тарихий даражасидир. У одамларнинг ҳаёти ва фаолиятини ташкил этиш турлари ва шахсларида ҳамда улар яратлаётган моддий – маънавий қадриятларда ҳам ўз ифодасини топади. Тор маънода маданиятни моддий ва маънавийлик каби ҳам тушунилади.

Моддий маданият ишлаб чиқариш жараёнида яратилган техника, ишлаб чиқариш тажрибаси, моддий маблағлардан иборат бўлади.

Маънавий маданият фан, санъат, азабиёт, таълим, фалсафа каби соҳаларда маънавий қадриятларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва фойдаланишдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ривожланиш стратегияси жамиятда ислоҳотлар ва қайта куришларни ўтказиш ҳакида гапирав экан, асосий вазифаларидан бирн жамиятни янада маънавий янгилини деб белгиланади.

И.А.Каримов маънавийликни ўз-ўзини, жамиятдаги ўз ўрнини чукур тушуниб етишга интилиш сифатида белгилайди. Бу инсонларнинг – сиёсий, иктиносий ҳукукий онги даражасининг ўсишидир. Инсонлар онгида, айниқса, ёшлар да мустаҳкам ахлоқий ва маънавий тушунчаларни, ижтимоий ва демократик қадриятларни мустаҳкамлаш зарурлиги ҳакида кўп бор таъкидлайди.

И.Каримов маънавият ҳакида гапирганда, у инсонни руҳий покланиши ва ўсишига, ички дунёни бойитиш, иродани мустаҳкамлаш, ишонтириш, қадриятларни, виждан ўйғонишига ундовчи ички кучни тушуниши эканлигини таъкидлайди.

Маданият фалсафий-социологик нуқтаи-назардан маданият ижтимоий ҳаётда маълум чегараларга эга ва маълум вазифаларни бажарувчи, сифатли маънога эга яхлит ижтимоий ҳодиса сифатида қаралади. Маданият жамиятнинг фаол, янгиловчи кучи сифатида мавжуд бўлали ва ривожланади.

Методологик жиҳатдан маданият жамият ривожи ва унинг аъзоларининг иходий фаолияти жараёнида қонуний якунлари ҳисобланади.

Маданият алоҳида шахсга ва бутун инсоният ривожланишига ёрдам беради.

Маданият инсоният ижтимоий-тарихий меҳнат фаолияти натижаси ҳисобланувчи моддий ва маънавий қадриятлар йигинидиси сифатида қаралади.

Тадқикотчилар маданият тушунчасига турли нуқтаги назардан ёдошлилилар.

Маданият түшүнчеси жараён сифатида Э.А.Банлер ва Н.С.Злобин ишларида күриб чықылган.

Улар маданиятты маңнавий қадрияттарни ишлаб чиқыш, сақлаш, тақсимлаш ва фойдаланишни ўз ичига олган, инсон фаолиятининг (тирик) жонли жараён деб хисоблашади.

Н.С.Злобин маданият – бу инсоннинг ижодий яратувчилик фаолияти деб хисобладайди.

Л.Н.Коган ва Ю.Р.Вишневскийлар маданият инсонларнинг фаол ижодкорлик фаолияти сифатида белгилайдилар. Э.С.Маркарияннинг фикрига кўра, маданият бу инсон ҳаёт фаолиятини биологик ҳаёт шаклларидан фарқловчидир.

Маданиятнинг фалсафий ривожланиши концепцияси В.С.Семёнов томонидан келтирилган. У маданият инсон ва оламнинг ўзаро муносабатида алоҳида специфик рол ўйнайди деб хисобладиди. У фалсафий нуктаи-назардан маданият бутун ташки дунё-табият ва жамият, инсоннинг ички дүлгеси, унинг шаклланиши ҳамда ривожланиши маъносини ўз ичига оладиган инсоннинг дунёни ўзлаштиришинин алоҳида фаол усули деб таъкидлайди.

Педагогик фаолиятда инсон маданий фаолиятнинг уч шакли кўринади: 1-шакли: педагогинин маданий ижодкорлик ва маданий очувчи фаолияти. У педагог шахсининг ивожланиши (ўзини англаш, ўзини ўнглаш, ўзини дастурлаштириш, ўз-ўзига тасир) ва ўкувчишар шахси ривожланишига йўналтирилган. 2-шакли: педагогинин инсоний тўплаган маданий бойликларини ўзлаштириш ва эгалаш. У исихик ҳолат, нутқ ва ҳоказоларни бошқаришда педагог шахсининг ўзини намоён этицига қаратилган.

Педагогнинг ўзини намоён этици жамиятнинг тарбиявий, таълимий ва ривожлантирувчи кучи хисобланган, инсоннинг тўплаган тажрибани эгалламай туриб, амалга ошириб бўлмайди. 3-шакли: (мулокот) ва педагогнинг бевосита таъсири-мулокот ва муносабат, ўкувчиларга маданий қадриятларни етказишида ўз маданиятнинг шахсий, бевосита, намоён бўлишидир.

Фаолият категорияси сифатида педагогик маданият педагогик фаолиятнинг ҳамма турларида амалга ошириллади.

Педагогик маданият имконият яратган педагогик тажрибаларни эгаллаб олиш орқали кўп киррачи муносабатлар ва муаммоларни вужудга келтиришга ёрдам беради, ўзини англашни, ўзини такомиллаштиришни таъминлайди.

Педагогик маданият муаммолари буйича Ф.Н.Гоноболин, Н.В.Кузмин, А.И.Шербаков, А.А.Сластенин ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бу тадқиқотларда педагогик фаолиятнинг турли хил сифатлари ва кўрсаткичлари ўрганилган ва педагогик фаолият орқали ўқитувчининг педагогик маданияти даражасини, унинг мазмуни ва моҳиятини англайдилар. Э.А.Гришин педагогик маданиятни ифода этиб, ўқитувчининг кўйидаги касбий аҳамиятга молик сифатларини кўрсатади:

- Умумий билимдонлик
- Ўз фанини билиш
- Педагогик билим ва маҳоратларини доимий ривожлантириб бориш
- Педагогик касбии севиш
- Одамийлик, ҳақиқаттўйлик ва талабчанлик

- Кузатувчанлик, эътиборлилик ва одоблилик.

В.А.Сластелин педагогик маданиятнинг интеграл кўрсаткичлари деб қуидагиларни хисоблайди:

- Мутахассислик шарафи ва гуурини хис этиш

- Жамиятта хизмат қилиш шакли сифатида педагогик фаолиятга тайёрлик даражаси

В.А.Кан-Капин педагогик фаолият маданияти тизимига қуидагиларни киритади:

- Ижодий индивидуалик

- Сезги фаросат

- Одоб

- Интуиция

В.А.Кан-Капин педагогик фаолиятни ижодий жараён сифатида қарайди. Педагогик маҳоратга у педагогик маҳоратлиликни киритиб, уни педагогик маданиятнинг бир кисми деб ҳисоблайди.

Педагогик маданиятнинг муҳим ташкил этувчилари сифатида

В.И.Писаренко қуидагиларни кўрсатади:

- Интелегентлилик

- Билимлар доирасининг қенглиги

- Касби бўйича билимларининг чукурлиги

- Илмий ва ижтимоий маълумотлар оқимида йўл топа олиш маҳорати

- Педагогик фаолиятда билм ва маҳоратлардан фойдалана билиши

А.В.Барабашникова томонидан педагогик маданиятга қуидагича таъриф берилади: Педагогик маданият- бу психологик – педагогик ўкув ва маҳорати, умумий ривожланиши ҳамда касбий-педагогик сифатлари, педагогик одоби ва кўп қиррали муносабатлари тизими, фаолияти ва хуқукий билимлари тўпламири.

Е.Б.Горман педагогик маданиятни ўқитувчининг касбий ҳулқи-одоби, фаолият усули, тури ва кўринишини белтиловчи интеграл, тизими, динамик тўплами сифатида тушунилади.

Педагогик маданият ўқитувчининг умумий ва касбий даражаси юкорилигини унинг психологик - педагогик билимларини, касбий - педагогик тарбиясини, педагогик фаолиятга сабабли-қадриятли муносабатларини ўз ичига олади.

Педагогик маданият асосида Я.Б.Гармешнинг фикрича учта гурух ётади:

- Касбий одоблилик

- Шахсий ихихологик хусусият

- Фуқаролик бурчи

С.Ф.Сердук педагогик маданият таркибига қуидагиларни киритади

- Шахснинг профессионал педагогик йўналганилиги

- Педагогик сифатлар (қобилияtlар)

- Махсус тайёргарлиги

- Ўқитувчининг касбий маҳорати

Педагогик маданият муамоларини ўрганиш. Бу тизимнинг қуидаги ташкилий кисмларини ажратиб кўрсатишга имконият беради.

1. Ўқитувчининг шахсий касбий педагогик йўналганилиги. Бу компонент тизимини ташкил этувчи элемент ҳисобланади. У педагогик жараённинг

унинг қизиқишилари, лаёкати, ишончи, гоялари орқали педагог фасилетни инсонпарварлаштиришга қартилган мустаҳкам сабаблар тўпламишда иборат бўлади.

Педагогик жараёни ташкил этишда ўқитувчининг шахси касбий педагогик йўналганилиги қўйицагиларни ўз ичига олади.

- Гояларини (педагогик вазифаларни кенг кўра олиши, педагогик фикрланиши, ривожланиши, ўзини ривожлантириш билан шуғулланиши, педагогик ўзаро алоқаларда профессионализмга эришиш)

- Қизиқишилари (фанга қизиқиши, психологик-педагогик билимларини та-комиллаштириши, ўқитувчиларнинг таълим даражасини ва умумий маънавий маданиятларини ошириш)

- Қадриятли юнилишилари (юкори билмга эга бўлиш, тарбиялам, ўқитувчи ва ривожлантириш жараёниларида ўкувчиларини фаоллаштириш)

Р.О.Кузьменко касбий-педагогик йўналганилиги ўқитувчининг ишин муваффакиятли бўлишига ёрдам берувчи зарур талаб ва қизиқишиларни кондишиларини бошқарувчи сифатида ва бир вақтнинг ўзида сабаблар сифатида иштирок этувчи деб хисоблайди. Касбий педагогик йўналганилик ўқитувчининг педагогик фаолиятиниң маданияти тизимида муҳим ўрин эгаллайди. С.Ф.Сердюк ўзининг тадқиқотларида касбий йўналганиликка қўйицагича таъриф беради: Шахснинг касбий педагогик йўналганилиги - бу педагогнинг ўзини ривожлантириши, ўзини намоён этиши ва педагогик ўзаро алоқалар жараёнида унинг мустаҳкам педагогик гоялари, қизиқишилари ва қадриятли юнилишилари мавжудлигидан иборат бўлади. Касбий педагогик йўнилишилари ўқитувчининг ишида аниқ педагогик вазифаларни белгилайди. Масалан: лекция ўқитиш фаолиятида қўйилган муаммоли вазиятни ўкувчилар иштирокида ҳал этиш кетма-келини таркибини таъминлаш масаласи қўйилган. Ёки ўкувчилар фаолиятини фаоллаштирувчи ўйин вазиятларини амалга ошириш, таъсир кўрсатиш таркибини аниқлаш масаласи қўйилади. Лабаратория машғулотларида - бу лабаратория машғулотларини ўтказни сифатини оцирувчи ўкувчиларнинг лабаратория ишларини бажаришга тайёргарлигини дастлабки текширишини таъминлаш, тасвиялар тайёрлаш хисобланади. Касбий педагогик йўналганининг муаммоси кўпичилик педагоглар ва психологларининг тадқиқотларининг предмети хисобланади. Бу муаммоларни ўрганича Ф.Н.Гунуболина, М.Н. Диягенко, П.А.Кандибович, И.Ф.Крибонос, Н.В.Кузьмин, С.В.Меппер, Л.И.Рувишкий, Н.Н.Тарисович кабилариниң ишлари багишилапан. Касбий педагогик йўналганилик масаллари билан Т.В.Андрейви, С.Х.Асақулина, И.Г.Гануцгук, В.Н.Гоголева, Д.Е.Есельбаева, Е.Я.Зазарева, Ж.В.Иванова, Л.А.Игнатенко, м.Е.Коневскаялар шуғулланганлар.

Бу тадқиқотларининг умумий холосаларига асосан, касбий педагогик йўналганиликнинг муҳим омили бўлиб, ўқитувчининг инсонпарварлиги, унинг ўкувчиларга олий қадрият сифатида муносабати, ўқувчининг шахси, қадр-кимматини хурмат қилиш, меҳрибонлигини дўстона талабчанлигини, бефарқлик камситиш ва шавқатсизликка йўл қўймаслиги хисобланади. Педагогик фаолиятга истеъоди асосида сабаблари ва мақсадлари ётади. Сабаблари педагогини педагогик фаолиятига англаб етган ҳолда интилиши билан ифодаланаади.

Мақсадлари - бу ўқитувчининг касбий фаолиятида натижаларға эришишга интилишлариидир.

Шундай ўқитувчи шахсининг касбий педагогик йўналганичиги ўзида унинг гояларини, қизикишларини, қадриятли йўналишларини бирлаштириди ва педагогининг шахсий сифатларини мослаштириши ҳақиқий имкониятларини, унинг ўкув тарбиявий жараён талаблари касбий даражасини акс эттиради.

2. Педагогик шахсий сифатлари (педагогик қобилияtlари).

Педагогик қобилияtlари педагогик маънода Б.Г.Анапьев, С.Л.Рубинштейн, Б.М.Жеклов ҳамда И.В.Кузьмин, Б.Ф.Ломонова, Н.В.Масиев, К.К.Платонов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Бу ишларда яслагоининг қобилияtlари, шахсни педагогик фаолиятга лаёқатли қилувчи унинг шахсий хусусиятлари сифатида белгиланган.

Педагогик қобилияtlари педагогик маҳоратни тақомиллаштиришни таъминловчи жараён ва ўқитувчининг педагогик маҳоратини оширувчи жараённи таъминловчи педагогик шахсий сифатлар тўплами сифатида ифодатлади.

Педагогик қобилият қўйнагилардан ташкил топади:

- Коммуникативлик (ўкувчиларга ёкиши, меҳрибонлиги, хушмуомилалиги)
- Перцептив қобилияtlари (касбий мутахассислик)
- Иродавий таъсир этиши ва мантиқий ишонтириш қобилияти.
- Эмоциональ барқарорлигини (ўзини туга билиши)
- ОптиМИСТИК ТАХМИН ҚИЛИШ
- Крентивлик (ижодкорликка қобилияти) ва бошқалар.

Баъзи муаллифлар педагогик қобилиятта қўйнагиларни киритадилр:

- Ташкилотчилик қобилияти
- Коммуникатив маҳорати
- Дидақтик қобилияти.
- Илмий ўрганиш (аналитик) қобилияти.
- Перцептив ва бошқалар.

Педагогик қобилияtlар педагогик маданият тизимида муҳим аҳамиятли қисм хисобланади.

Улар педагогик маданиятда юксак даражага эришиш учун муҳим шароитлар хисобланадилар.

Касбий тайёргарлиги ўқитувчининг профессионал тайёргарлиги икки ташкил топувчидан иборат бўлади:

- Профессионал билимга эталиги.
- Профессионал мутахассислиги

Мунтазам профессионал тайёргарлик ўқитувчини педагогик тайёрлаш тизимида таркибий қисмларидан бири хисобланади.

Касбий тайёргарлиқ ўқитувчининг педагогик маданияти даражасини ошириш имконини беради, ўкувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш масаларини ечишининг мақсадга мувоффик бўлишига ёрдам беради.

Педагогик маҳорат ягона тизимининг тузилишини ташкил қилувчи қисми педагогик техника хисобланади.

Педагогик техника муаммоларига кўпчилик муаллифларнинг асарларида катта эътибор берилган: Ю.П.Азаров, Н.И.Бондиров, Н.Л.вербова, П.В.Гапахова,

Б.Н.Поповин, Ф.И.Гоноболин, И.А.Зазюк, В.А.Кан-Капич, А.А.Леонтьев, С.Т.Никольская, Л.И.Рувинский, В..спастепин, Н.Н.тараевич, Ю.И.Турганинова, Н.Д.Хмели, В.П.Лихачев, Н.М.Яковлев ва бошқалар бу мұммога кatta әльтібор берғанлар. Илмий – педагогик адабиётларда педагогик техника фаол педагогик фаолиятни бошқарувчи мұтахассислик маҳоратлари баъзи түпнамалари сифатида тушунтирилиши умумий қабул қилинган. Бу түпнамадаги маҳоратларнинг түрт гурухи киритилган:

- Гавда ҳаракатлари нафис текислиги (мимика, пантомимика).
 - Үзи ҳолатини бошқара олиш (психик кескинликни йүқота олиш).
 - Ижтимоий-перцептив маҳорати (ташқи күринишини тушуниши, кузатувчаник).
 - Нұтқ техникаси (нафас олиш, овози, дицция, нұтқ суръати, оқанғи)
- Педагогик техника дейилгацида қуйидаги бир-бириға бөнлиқ қисм (компонент) лардан ташкил топған яхлит динамик тизим тушунилади:
- Педагогик үзини ривожлантириш техникаси.
 - Эмоциональ-образлы үзини ифода этиш.
 - Педагогик үзаро алоқаларни ташкил этиш.
 - Педагогик үзаро алоқаларни бошқариш.
 - Ижтимоий перцепция
 - Ақлий идрокни амалга ошириш.

Педагогик техникани куриш асосида қуйидаги тамойил мавжуд: педагогик техникани англаб әгаллаш, унинг элементларини ривожлантиришдан улардан педагогик үзаро мұносабатлар жараённанда беихтиёр фойдаланышиша үтиш.

Педагогик техника педагогик маҳоратни эң мухим компонентларидан бири хисобланады. Педагогик техникани профессионал әгаллаш олиш педагогик эмоциялари, овози, нұтқи, ҳаракатлари, мимикасини педагогик таъсир этиш куролига айлантирады.

Шундай қилиб, педагогнинг ҳақиқиит педагогик маҳорати педагогик маданияти, маҳорат ва педагогик техниканинг юксак даражадаилиги билан уз-вий бөнлиқ бўлади.

Бу үзаро бөнлиқлик ўқитувчининг янада үзини ривожлантириши, үзини намоён этиши йўлини белгилайди.

Олий мактаб ривожланишининг ҳозирги даврида ўқитувчининг алоҳида психологияк - педагогик тайёргарлигига талаб зарурлиги ошиб бормоқда. Ўқитувчининг шахсий ва педагог-мұтахассислиги сифатларини ривожлантиришга әльтіборини қаратиш ўкув тарбиявий жараённи самараавий ташкил этишига имкон беради.

Замонавий ўқитувчи үзини идрок этиш, үзини режалаштириш, үзини бошқариш, нұтқини тарбиялаш нозик ифодалилик, методик ва коммуникатив тайёргарлик ва педагогик үзаро мұносабатларда үзини намоён этиш техникаларини әгаллаган бўлиши керак.

Булар ҳаммаси ўқитувчига касбий фаолиятида ақлий, эммоционал, маънавий ва жисмоний қийинчиликларни бемалол ентишга имкон беради.

Юқори даражада педагогик маҳорати ўкувчилар фикрлаш фаолликларини оширади, уларнинг эмоционал кемтикликларини пасайтиради. Педагогик-мұтахассис ўзгарувчи педагогик вазиятларда ўз билимларини оқилона қўллай

билади, педагогик масалаларни ҳал этишда ўқувчиларга таъсир этиш усула-ри, услублари ва воситаларини мөхирона кўллай билади.

Текшириш учун саволлар

1. «Педагогик маҳорат» тушунчасини баён этиб беринг.
2. Педагогик маҳоратнинг тузилиши қандай?
3. Педагогик масалалар асосий турлари хусусиятларини айтиб беринг.
4. Педагогик муносабатнинг ўзига хос хусусияти нимадан иборат.
5. Педагогик муносабатнинг босқичларини айтиб беринг.
6. Педагогик муносабат асосий усули технологик хусусиятларини айтиб беринг.
7. Шахснинг маънавийлигини кўрсатиб беринг.
8. Педагогик маданият деганда сиз нимани тушучасиз.
9. Педагогик техника тушунчасини айтиб беринг.

Хулоса.

Олий таълим тизимини қайта қуриш ҳозирга замон босқичида демократик юкори ривожланган мамлакатлар даражасида Ўзбекистоннинг илғор илмий-техник, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини таъминлашга кучи стадиган ва юксак маънавий, маданий ва аҳлоқий сифатларига эта, чукур билимли рақобатбардош кадрларни тайёрлашни талаб этади.

Мутахассислар шахсини ривожлантириш, уларнинг фундаменталь чукур билимларини ва амалий тайёргарликларини юзага келтирувчи асосий воситаларидан бири олий мактабдаги таълим мазмунни ҳисобланади.

Олий мактабда таълимнинг янги мазмунини ҳозирги босқичда давлат стандарти белгилаб беради. Олий таълим, давлат таълим стандарти кадрлар тайёрлаш сифатига таълим мазмунига талабларни белгилаб беради. Давлат стандарти мөтёрий ҳужжатлари асосида олий мактабда ўқитиш жараёнини такомиллаштириш ўйлари белгилаб берилади. Олий мактабда ўқитиш жараёни ижтимоий педагогик қонуниятлар билан белгиланади ва ўқитиш кўп турли ташкилий усул ва шакллари тизими доирасида амалга оширилади.

Олий мактабда таълим мазмунини қайта кўриб чиқиш, мутахассисларни тайёрлаш янги стандарт шаклларини излаш бевосита талабалар идрок этиш фаолиятини фаоллаштириш билан боғлиқ.

Идрок этиш фаолиятининг назарий асосларини асослаб бериш учун Яқин ва Ўрта Шарқ комусий олимларининг педагогик нуктаи-назарлари мухим аҳамиятга эта.

Олий таълим мазмунини сифатли такомиллаштиришни педагогикада бугунги кунда янги йўналиш - педагогик инновациясиз амалга ошириш мумкин эмас.

Олий мактабда инновацион жараёnlарнинг хусусиятлари, янгиликларини тадбик этиш, ўқитувчиларнинг касбий салоҳиятлари, хусусиятлари билан белгиланади.

Олий мактабда педагогик инновациялар педагогик технологиялар билан узвий боғлиқ бўлади.

Педагогик технологиялардан фойдаланиш таълим технологиялари илмий асосларини, муаллифлик мактаблари ва тажриба янги технологияларини тизимлаштириш ва умумлаштиришга қаратилган.

Таълим мазмунини янада ривожлантириш олий мактаб ўкув жараёнида янги технологик муаммоларни қўйиш ва хис этишини талаб этади.

Адабиётлар:

Батракова С.Н. Основы профессионально-педагогического общения. – Ярославль, 1989.

Баллер Э.А., Злобин Н.С. Культура. Творчество. Человек. – М.: Молодая гвардия, 1970.

Березовин Н.А. Проблемы педагогического общения. – Минск, 1989.

Гримак Л.П. Резервы человеческой психики. Введение в психологию активности. – М.: Политиздат, 1989.

Ильин Е.Н. Искусство общения. – М., 1988.

Как развивать педагогическое творчество. – М.: Знание, 1987.

Кан-Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. – М., 1990.

Леонтьев В.А. Педагогическое общение. – М., 1979.

Маргарян Э.С. Теория культуры и современная наука. – М.: Мысль, 1983.

Новое педагогическое мышление. – М., Педагогика, 1989.

Основы педагогического мастерства. М., 1989.

Педагогический поиск. – М., 1990.

Петровский В.А. и др. Личностно развивающее взаимодействие. – Ростов на Дону, 1993.

Раченко И.П. Диагностика развития педагогического творчества учителя. – Пятигорск, 1992.

Учителю о педагогической технике. – М.: Педагогика, 1987.

Педагогик терминларнинг қисқача луғати

Автократияк - ҳокимлик, кишиининг буйрукбозлик, кўрсатмалар берин ва жазоған каби шаклларда бошқаларга (масалан, ўқитувчининг талабага) нодемократик усуниардан фойдаланган ҳояда таъсир этишига мойиллиги.

Агресивлик - дунималлик, бошқаларга, атрофдагиларга зарар етказиш, тажовуз қилини, нокулайлик туғидириш мақсадини амалга оширувчи шахснинг хусусияти.

Доларбланитириш - шахсдаги мавжуд билим, малака ва кўникумаларни турни ахлоқни шакллар ва ҳиссий ҳолатларни қайта ишлаб чиқиш ва уларни ботинни хониган зодирий ҳаракатларга айлантириши.

Аксиология - қадриятлар тўғрисидаги фалсафий таълимот, аксиологик қадриятлар мөхияти.

Аксиологик ёнданув инсоншарварлик педагогикасига ҳос бўлган хуесусият, бунда инсон ижтимоий қадрият ва жамият ривожланишиниги ниро-вард мақсади сифатида қаралади. Аксиологик тафаккур ўзаро алоқадаги хам ўзаро ҳаракатларни туне концепциясига асосланади.

Амалий тадқиқотлар - педагогик жараёнининг айrim жихатларини чукур үраниянига караштаган иншар, педагогик амалиёт конууларини очиш.

Анкеталанитириши - анкета срёдамида ижтимоий, иктисолий, демографик, психотехник педагогик ва бонка тадқиқотлар учун даствабки материалларни йинни жарасини.

Антрапиология - оламнинг биологик табиатини ҳар томонлама ўрганувчи фан.

Асотирлар - ибтидоний инсонларниң коинот, табнат ҳодисалариниң мөхияти, наидо бўлиш сабаблариниң ўзларича изоҳланни мақсадида яратган оғзаки ҳикояларицир. Инсоният тафаккуриининг ишк меваси сифатида асотирлар қадимги аждодларимизнинг атрофини ўраб олган борликка, турли туман нарса ва ҳодисаларга, коинот ва ер ости дунёсига бўлган қарашлар тизимидаи иборат.

Асотирлар кейинчалик инсон бадий тафаккуриини ривожи, иш-фани тараққиётни туфайли, табнат ҳодисалари ва турли нарсалариниң сир асрорини тувиуниб етнишлари оқибатида афсона, ривоят каби жанрларга айланган.

Асотирлар ер юзидаи барча ҳалкларда мавжуд, чунки барча ҳалклар ўз тараққиётининг ишк босқичларида асотирлар орқали фикрлаш, дунёга асотирлар инсоҳи билан қараш босқичини босиб ўтаплар.

Ассимиляция - янги шароитда тайёр малака ва кўникумалардан жиодий ўзгаришсиз фойдаланиши

Аутотренинг - ўзини-ўзи ишонтириш, шахснинг ўзини-ўзи бошқаришга қаратилган маҳсус машқлар тўнлами. Аутотренингдан шахснинг ўз рухий ҳолати ва хулқини бошқаришида фойдаланилади.

Ахборотли малака - таълим ва тарбия масалаларига ахборотларни мослаштириши ва галқин қилиш малакаси.

Ахлоқ - шахснинг жамиятта ва бошқа кишиларга иисбатан бурчни бенгишиб берувчи меъёрилар тизими, матнавий ҳулк қоидалари, у ижтимоий онг шаклларидан бири.

Баён қилиш – ўқитувчи томонидан ўрганилаётган материал мазмунини изчил сўзлаб бериш методи.

Билиш фаолияти – идрок қилиш ҳисси, назарий фикрлаш ва амалий фаолият бирлиги.

Бошқариш – ташкил этиш, қарор қабул қилишга қаратилган фаолият, объектни ўз хизмат вазифаси доирасида назорат қилиш, тартибга солиш, ишончли ахборотлар асосида таҳлил қилиш ва якун ясаш.

Бурч – муайян ахлоқий мажбурияятларни хис қилиш, унинг зарурлигини англаш.

Вазифа – мақсад ва уни амалга ошириш босқичларининг ойдинлаштирилиши.

Вербал – ифодали, оғзаки.

Гуманизм – 1) инсоннинг инсонга бўлган меҳри-муҳаббати, унинг шавни, кадрини хурмат қилиш, киши манфаатлари учун қайғуриш ўйлари билан суғорилган ва кишишар ўртасидаги тенглик, ҳалоллик, инсоний муносабат тамойилларига асосланган дунёқарааш; 2) инсонийлик ва инсонпарварлик, инсонларининг буйёдкорлигига ишончи.

Давлат таълим стандарти – узлуксиз таълимнинг муайян босқичида шахс (мутахассисини) тайёргарлик даражаси ва мазмунига қўйиладиган минимум талаблар.

Дидактика – таълим ва ўқитиш назарияси ҳамда ўқитиш жараёнида тарбиялаш мазмунини ифодаловчи педагогиканинг таркибий қисми.

Долзарбликни асослаш – таълим ва тарбия назарияси ҳамда амалиётининг истиқболдаги тараққиёти муаммоларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда ҳал қилиш зарурлигини кўрсатиши.

Дунёқарааш – шахснинг тафаккур тарзи ва йўналишини акс эттирувчи карашлар, эътиқод ҳамда фикр-ўйлар тизими.

Идрок этиш малакаси – бошқа субъектнинг хусусиятларини – унинг музоқоти ва мулоқота ҳозирлигини аниклаш учун зарур бўлган қасбий – педагогик малака.

Идеал – олий максад, бирор нарсанинг намунаси, шахс, гурухларнинг хатти-харакатлари, интилишлари интихоси.

Ижтимоий идрок этиш – кишилар томонидан ижтимоий объекtlарини идрок этилиши, тушунишиши ва баҳоланиши.

Изоҳдаш, тушунтириш – оғзаки изоҳ, ёритилиши лозим бўлган турли материалларни изоҳлаш, исботлаш, таҳлил қилиш.

Илмий муаммо (масала) – фан орқали ҳал қилинадиган асосий зиддиятлар.

Илмий янтилик – муайян даврга нисбатан маълум бўлмаган ва педагогикага оид адабиётларга қайд қилинмаган назарий, амалий хуласалар, таълим конунийлари, унинг тузизмаси, механизmlари мазмуни, тамойиллари ва технологиялари.

Индивидуаллик – шахснинг бетакрор биосоциологик хусусиятлари.

Интеллект – шахснинг турли фаолият турларини муваффақият билан ўзлаштиришини белгилайдиган туғма ва ўзлашма барча ақлий кобилияйтлар түплами.

Ишонтира олиш – ахборот оқимининг шахс томонидан таңқиддан холи, эркин равища ўзлашишига эришиши кўзлаган руҳий таъсир этиш методи.

Ишонч ҳосил қилиш – шахснинг муайян қоида ва талабларини онгли равища ўзлашириш воситасида тарбиялаш методи. Тегишли маълумотлар ва аргументларга асосланиб, шахснинг ўз ҳукми ҳамда хуносалари тўғрилигига ишончни юзага келтириш жараёни ва натижалари.

Ичиқоралик – ўзгаларнинг муваффакиятсизлигидан севиниш.

Ички позиция (мавқе) – шахснинг кундалик эҳтиёжи билан узвий боғлиқ ва ҳаётининг муайян даври фаолиятининг асосий мазмунни ва йўнал-ғанигини белгиловчи ижтимоий кўрсаткичлари тизими.

Истиқболни белгилаш малакаси – ижтимоий ва бизиш жараёнларини режалаштириш ва бошқариш.

Калокагатия – гўзаллик, олижаноблик ҳамда жисмоний ва маънавий бойликлар уйғулиги.

Касбий – педагогик мулокот – педагог ва тарбияланувчининг ўзаро зич ижтимоий – психологик алоқаси тизими бўлиб, унинг мазмунни ахборотлар айрибошлаш, тарбиявий таъсир ўтказиш, коммуникатив воситалар ёрдамида ўзаро муносабатларини ташкил этиш ҳисобланади.

Касбий тайёргарлик – бўлажак мутахассиснинг психологик, психофизиологик, жисмоний ҳамда илмий назарий ва амалий тайёргарлиги.

Касбий билимдонослик – педагогик фаолият юритиш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёрлик бирлиги.

Кибернетика – ахборотлар алмашиш, уларни қайта ишлашини бошқарни хакидаги фан.

Когнитив – билиш жараёни.

Коллектив – жамоа, умумий мақсад йўлида шахсларнинг ўзаро муносабатлари, ташкилийлиги ва интилишлари билан бир-бирига монаңд турғун социал (ижтимоий) гурух.

Коммуникация – кишиларнинг ўзаро мулокотларида ахборотлар алмашиш тавсифи.

Коммуникатив қўнирма – муомала қила олиш, педагогик техника малака ва қўнирма тушунчаси.

Коммуникатив фаолият – педагогнинг тарбияланувчилар, бошқа педагоглар, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар билан мақсадга мувофиқ ўрнатган муносабатлари.

Конструктив фаолият – у ўзида конструктив мазмун (ўкув материалларини ташлаш ва жой-жойига кўйиш, педагогик жараённи режалаштириш ва ташкил этиши), конструктив – оператив (ўзининг ва талабанинг хатти-харакатларини режалаштириш), конструктив – материал (педагогик жараённинг ўкув-материал базасини лойиҳалаштириш) ни бирлаштиради.

Конфликт – қарама-қарши қарашлар, фикрлар тўқнашуви, жицдий зиддият, кизғин баҳс.

Креативлик – бетакрор қадриятлар яратувчи, ностандарт ечимлар қабул қилувчи индивиднинг ботиний қобилияти.

Кузатиш – бирор педагогик ҳодиса бўйича аниқ фактик материал олиш мақсадини кўзлаган идрок этишининг шакли.

Кўникма – ўрганиш натижасида қўлга киритилган, беихтиёр, автоматик тарзда бажариладиган ҳаракат. Кўникмалар бирор ҳаракатни назоратсиз, автоматик тарзда бажариш кобилиятларицир.

Кўрсатма – эҳтиёжнинг мавжуулиги ва объектив вазият ҳамда уни кондириш билан боғлиқ равишда олдиндан шахсларнинг маълум фаоллигини тайёрлаши, уларни жойлаштириши.

Лаборатория иши – асбоб-ускуналар ва бошқа техник мосламалардан фойдаланган ҳолда талабалар билан тажрибалар ўтказиши, бирор ҳодисани маҳсус жиҳозлар ёрдамида ўрганиш.

Лекция (маъзуза) – одатда олий ўкув юртида бирор фан мазмунини оғзаки баён қилишга асосланган ўкув жараёни, методи.

Мактабнинг ички бошқаруви – юксак натижаларга эришиш мақсадида билишининг объектив конуулари асосида яхлит педагогик жараён қатнашчиларицини ўзаро мақсадли, онгли ҳаракатлари.

Малака – шахснинг ўзи этагилаган билимлари асосида уларнинг янги шароитдаги янгиликлар билан бирга, маълум бир фаолиятни самараши бажариш кобилиятидир.

Малака тавсифиомаси – ўқитувчининг назарий ва амалий билимларига кўйиладиган умумий талаблар.

Математик ва статистик метод – бу метод оғзаки сўров ва эксперимент натижачарига ишлов беришда, шунингдек, ўрганилаётган ҳодисалар орасидаги микдорий алокадорликни ўрнатишда қўлланилади.

Мафкура – ғоя ва қарашлар тизими.

Машқ – ўзининг билимларини чукурлаштириш ҳамда тегишли малака ва кўнчикмалар ҳосил қилиши мақсадида ҳаракатларни оғзаки ва ёзма равишида такроран амалга ошириш.

Машқ қилиш – ўқувчининг ўз қобилиятлари, билим, малака ва кўникмаларини ўстиришга қаратилган ҳаракатлари.

Мақсад – фаолият натижасини олдиндан фикран белгилаши.

Мактов – фойдали иш қилган шахсни, жамоаини оғзаки тақдирлаш.

Менежмент – социал, шунингдек, таълим жараёнларини бошқариш таъмийлари, методлари, воситалари ва шакллари мажмуаси.

Метод – 1) табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ қилиш, билиш усули; 2) ҳаракат қилиш усули, тарзи.

Методика – бирор ишни ташкил қилишда мақсадга мувофик қўллападиган методлар.

Методология – 1) дунёни илмий билиш методи ҳақидағи таълимот; 2) бирор фанда, шу жумладан педагогикада қўлланиладиган методлар.

Мифология – Кадимги дунё халқларининг дунё, табиат ҳодисалари, уларнинг пайдо бўлиши ҳақидағи, худолар ва қаҳрамонлар ҳақидағи ривоятлари, афсоналари, бу афсонада қадимий халқларнинг дунё ҳамда худолар ҳақида ибтидоий тасаввурларининг акс этанлиги.

Мотив – маълум эҳтиёжларни қондириш учун асос бўладиган кишининг ички фаолият мазмуни.

Мотивация – шахсни фаол ҳатти-ҳаракатларга ундовчи сабаблар, асослар тўплами бўлиб, у айни замонча киши хулқини физиологик ва психологик бошқаришининг динамик жараёнини ҳам билдиради, фаолиятнинг йўналиши, фаоллиги, уйгунилиги ҳамда турғунилигини белгилайди.

Муаммоли ўқитиши - ўқув машғулотини ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигида муаммоли вазият юзага келтирилади ва унинг ҳал қилинишида таълим олувчилар фаол мустақил ҳаракат қиладилар.

Муаммоли вазият - ўқув вазияти бўлиб, у мешақат билан ҳал қилинадиган масала туфайли юзага келади.

Мулоқотнинг етакчи турни – ривожланишининг маълум бир даврида атрофдаги кишилар билан муоммалада етакчилик қиладиган мулоқот турни бўлиб, унинг натижасида шахснинг асосий сифатлари шакланади.

Мунозара – 1) матбуотда, сұхбатда бирор баҳсли масалани мухокама килиш, баҳс; 2) муайян муаммо бўйича фикр алмашишга асосланган таълим методи.

Назарий босқич - тадқикот обьекти тўғрисидаги амалдаги ва истиқболдаги тасаввурлар ҳамда уларга бўлган талаб ўргасидаги зиддиятни снгшиш.

Назарий таҳлил – педагогик ҳодисаларнинг алоҳида жиҳатлари, белгилари, хусусиятлари ўзига хослигини аниклаш ва таҳлил этиш.

Объект – инсоннинг, субъектнинг билиш предмети ва фаолияти.

Одат – кишининг маълум ёзтиқоллар, қафириятлар ёки ахлоқий мөъёрлардан келиб чиқиб амалга оширадиган онгли фаолияти.

Педагог – тарбиячи, ўқитувчи, дарс берувчи.

Педагогика – ёш авлод таълим ва тарбияси ҳақидаги фан.

Педагогикада антропологик ёндашув – одам тўғрисидаги барча фанлар маълумотларидан мунтазам фойдаланиш ва педагогик жараённи ташкил этиш ҳамда амалга оширишда уларни хисобга олиш.

Педагогиканинг назарий вазифаси – илғор ва янги педагогик тажрибаларни ўрганиш.

Педагогиканинг технологик вазифаси – диагностик сатҳ – педагогик ҳодисалар ҳолатини аниклаш; башорат кишиш сатҳи – педагогик фаолиятни экспериментал тадқиқ қилиш ва шу асосда педагогик воқеаликни яратиш моделларини ўрнатиш; лойиҳа сатҳи- педагогик фаолиятнинг назарий концепцияси, унинг мазмунни ва характеристи асосида уларга мувофик методик материаллар (ўқув режа, ҳастина, дарслар ва ўқув қўлланмаси, педагогик тавсияномалар) ишлаб чиқиши; яратувчилик сатҳи - педагогик фан ютукларини такомиллаштириш ва қайта режалаштириш мақсадида таълим амалиётига татбик этиш; рефлекстик тузатма (корректировка) сатҳи - илмий тадқиқотлар натижаларининг таълим ва тарбия амалиётига сингиб кетишини баҳолаш.

Педагогика фани – маҳсус институтларда (оила, таълим ва тарбия, маданият муассасалари) мақсадга мувофик тақиқил этиладиган реал, яхлит педагогик жараён.

Педагогик жараён – таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, маҳсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг мақсади ўзаро муносабатлари.

Педагогик жараён тамоийлари – педагогик фаолиятни ташкил этишнинг асосий талаблари бўлиб, у педагогик жараённинг йўналишини кўрсатади ва унинг конуниятларини очиб беради.

Педагогик ихтисослик – таълим натижаси ўлароқ билим, малака ва кўникумалар мажмуудан иборат бир касбий гуруҳ доирасидаги фаолият турни.

Педагогик ихтисослашиш – педагогик ихтисослик доирасидаги фаолиятнинг бир турни.

Педагогик малака – муайян тоифадаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлган мутахассиснинг касбий педагогик тайёргарлиги даражаси ва тури.

Педагогик масала – педагогик жараёнини асосий бирлиги, ўзига хос тизимицир. У воқеликни билиш ва қайта яратиш зарурияти билан боғлик тафқур қилинадиган педагогик вазиятдир. Таълим қатнашчиларининг маълум бир мақсадиди қўзлаган таълим ва тарбиядаги моддийлаштирилган вазиятдир.

Педагогик маҳорат – педагогик жараённи билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш (А.С. Макаренко), педагогик жараённинг юқори самараорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези.

Педагогик мuloқot – таълим олувчиларнинг мақсадлари ҳамда уларнинг биргаликдаги фаолиятлари мазмунидан келиб чиқадиган ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришни, бир-бирини англаш ва қўллаб-куватлашни ташкил этишининг кўп киррали жараёни.

Педагогик такт – болалар фаолиятининг турли доираларида улар билан мuloқотда бўйиншнинг педагогик тамойили, ўлчови, ўқувчилар билан уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўғри мuloқотда бўла олиш маракаси.

Педагогик техника – 1) ҳар бир таълим олувчига ва жамоага педагогик таъсир ўтказишини самарали қўллаш учун зарур бўлган малака ва кўнікмалар мажмуаси; 2) ҳар бир таълим олувчи ва жамоанинг фаоллигини педагогик жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган малака ва кўнікмалар.

Педагогик технология – 1) олдиндан лойиҳалаштирилган педагогик жараённи амалиётда режали ва бир маромца татбик этиш ёки педагогик масалалини ечишга қаратилган педагогикнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлари тизимицир; 2) таълим ва тарбия методларининг у ёки бу тўпламини қўллаш билан боғлик бўлган педагогикнинг узлуксиз, ўзаро шартланган ҳаракатлари тизимицир; 3) педагогикнинг ютуқларига кафолат берадиган аниқ ишлаб чиқилган ва қатъий илмий лойиҳалаштирилган педагогик ҳаракат; 4) таълим шаклларини оптималлаштиришга қаратилган, техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, қўллаш ҳамда белгилашнинг тизимили методидир.

Педагогик тизим - шахсни ривожлантириш ва яхлит педагогик жараёнини бирлаштирган таълимнинг ўзаро боғланган ташкилий тузилмаси.

Педагогик фаолият – таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

Педагогик ўйин – билим олишга қаратилган ва маълум бир педагогик натижани қўзлаган ҳамда таълим жараёнида муайян мақсадни амалга оширувчи фаолият турни.

Педагогнинг коммуникатив маданияти – педагогикнинг кишилар билан киска муддатда мулокот ўрната олиши, улар билан мулокот ўрнатишга бўлган доимий интилиши.

Педагог нуқтаи назари (позицияси) - педагогикнинг дунёга, педагогик воқеликка ва педагогик жараёнга бўлган интеллектуал ва ҳиссий муносабати.

Педагогик ҳаққонийлик – ўқитувчининг объективлик мезони, унинг маънавий тайёргарлик даражаси.

Проектив малака – малаканинг маҳсус тури бўлиб, кутилган педагогик шатижаларни аник, таълим ва тарбия режаларида акс эттиради.

Прескрептив – меъёрий.

Психология – 1) шахснинг объектив борлиқини фаол акс эттириш жараёнини ўрганувчи фан; 2) маълум бир фаолият турининг ўзаро шартланган психик жараёнлар тўйлами; 3) психика, характер хусусияти, кўнгил ҳазинаси.

Рационализация – методларни ёки бирор иш - ҳаракатни такомиллаштириши.

Релексация – кучли ҳаяжон ва жисмоний зўрикишдан сўнг енгил тортиш, тинчланишнинг умумий холати.

Ретроспектив – ўтмишга мурожаат этиши.

Рефлексив малака – педагогга нисбатан қўлланадиган назорат - баҳолаш фаолияти.

Рефлексия – тақрорлаш, акс этиш, ўз ҳаракатлари ва ҳолатларини таҳдид қилиш.

Ривожланишнинг эҳгимоллик назарияси – шахс психикаси ривожланишининг ҳар бир даврини тасодифий фактлар йигинчисига кўра белгилашга асосланган назария ва у аввалиги ривожланиш давридаги эришилган сатҳга нисбатангина боғлиқ бўлади.

Роль ижро этиш – катишувчиларнинг якка ва гурух бўлиб турли ролларда (саҳнада) чиқиши, образга кириши.

Рұхий педагогик тайёргарлик – педагогиканнинг методологик асослари ва категорияларини, шахснинг ижтимоийлашуви ва тараққиёти қонуниятлари, таълим ва тарбиянинг моҳияти, мақсади ва технологияларини билиш.

Сардор – гурух альзотарига лозим бўлган вазиятларда сезиларли таъсир ўтказа оладиган шу гурухнинг аъзоси.

Сунестсия – уқтириш, тўла ишонч ҳосил қилиш.

Сұхбат – кузатув чоғида старли даражада аник, бўлмаган зарур ахборотни олиш учун қўлланадиган таққиқот методи.

Тадқиқот обьекти – зиддият ва муаммоли вазият туғдирувчи, билишга қаратилган илмий таҳлилга муҳтоҷ обьект.

Тадқиқот предмети – бевосита ўрганилиши лозим бўлган ва амалий ёки назарий жиҳатдан мухим аҳамият касб этадиган обьектнинг моҳияти, маълум бир томони, хусусияти.

Тазиик ўтказиш – уятга кўйиши, айбдорлик ҳисси ёки кўнгли чўкканларнинг фикри, ҳиссиётни, интилиши ва майилини уларнинг онгидан холос қилиш.

Талқин қилиш – бирор ҳодиса ёки нарсани изоҳлаш, тушунтириши.

Такаббур – ўз манфаатларини юқори қўювчи, манман шахс.

Такт – мисли кўрилмаган тарзда ўзини тута билиш.

Таълим – 1) шахснинг жисмоний ва маънавий шаклланишининг ягона жараёни, ижтимоий эталонларнинг ижтимоий онг сифатида у ёки бу даражада кайд қилинган, тарихан шартланган идеал тимсолларга онгли йўналтирилган ижтимоийлашиш жараёни; 2) муайян билимларни эгаллаш ғоявий-ахлоқий кадр, малака, кўнікма, ахлоқ меъёrlарига қаратилган жамият аъзоларининг таълим ва тарбияси вазифасини бажарадиган нисбий мустақил тизим.

Таълимнинг маданий инсонпарварлик вазифаси – кишининг хаёт түсикларини енгишга ёрдам берадиган маънавий кучи, қобилияти, малакала-

ри, табиат ва ижтимоий ҳаётга мослашиш вазиятидаги характеристи, маънавий масъулиятининг шаклланиши, шахсий, касбий такомили ҳамда шахснинг ўзи томонидан амалга оширилишини таъминловчи имкониятлари, шахснин интеллектуал, ахлоқий эркинликка, шахсий муҳторияти шунингдек, баҳтига эришиш учун зарур бўлган воситалар шахснинг индивидуал ижодий тараққий этиши ва маънавий имкониятларининг очилиши учун шароитлар яратиши.

Таълим турлари – сократча сұхбат методи, анъанавий таълим, изохли-намунали (иллюстратив) таълим, билимларни мустақил эгаллаш, дастурлаштирилган таълим, таълимни алгоритмлаш жараёни, дифференциацияли, индивидуал таълим ва бошқалар.

Тарбия – 1) шахснинг маънавий ва жисмоний ҳолатига мунтазам ва мақсадга мувофиқ таъсир этиши; 2) педагогик жараёнда таълим мақсадларини амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг маҳсус ташкил этилган фаолияти.

Тақлид қилиш – бирор ҳаракат, қилик, аҳд, фикр ва ҳиссиятни тақрорлаш, айнан ўзлаштириш.

Тафаккур – инсон аклий фаолиятининг олий шакли, инсонларни ўраб олган дунёдаги ўзаро боғланган нарса ва ҳодисаларни билдиш жараёни, муҳим ҳаётий жараёнларни ҳис қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш, маълум бўлмаган воея ҳодисаларни кидириш, келажакни кўра олиш. Тафаккур, тушунча, ҳукм, хулоса шаклларнда намоён бўлади.

Темперамент – 1) шахснинг психик фаолияти динамикасининг тури жиҳатларини билишрадиган турғуи индивидуал ҳусусиятларининг қонуний муносабатлари; 2) шахснинг динамик ҳусусиятлари: интенсивлик, тезлик, темп, психик жараёнлар ва ҳолатлар ритми.

Тест – 1) стандарт шаклдаги тоғшириклар бўлиб, аклий тараққиёт, қобилият, билим ва малакани аниқлаш мақсадида ўтказиладиган синовдир; 2) аник социологик тадқиқотларда фойдаланиладиган тарқатма материал, саволнома; 3) шахс руҳияти ва хулиқинин аник микдорий ва маълум сифат баҳоларини олдиндан берилган баъзи стандарт – тест меъёрлари билан киёсий ўрганишга мўлжалланган психологияк тадқиқотларнинг стандартлаштирилган методи.

Тестдан ўтказиш – таълим олувчининг билим ва малакаларини, психик ривожланиши, ижтимоий тажрибасини аниқлаш учун саволлар тизимишинг қўйилиши.

Технология – ишлаб чиқариш жараёнида ащёлар, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ашёнинг ҳолати, ҳусусияти, шаклини ўзгартириш методлари тўйлами.

Тизим - 1) яхлит таълимни, унинг бирлигини белгиловчи бир-бiri билдиш қонуний боғлиқ аксарият унсурлар (предметлар, ҳодисалар, қарашлар, билимлар ва бошқалар); 2) кисмларнинг маълум бир боғланишларда, ҳаракатларининг ўта изчилиқда режали, тўғри жойлашиш тартиби.

Туртки (стимул) – шахс психикаси мотивларининг шаклланишини таъминловчи ташкил таъсир.

Тушунча – атроф-мухитдаги ҳодисалар, предметларнинг муҳим ҳусусиятларини, улар орасидаги алоқа ва муносабатларни билиш.

Фаолият – 1) онгли мақсац билан бошқарилатиган кишининг ички (рухий), ташки (жисмоний) фаолиги; 2) атроф-муҳитнинг кишилар томонидан мақсадга мувофиқ кайта бунёд этилиши.

Фаолиятнинг етакчи тури – бола ҳәётининг муайян давридаги психик ривожланишини етарли даражада таъминловчи ҳамда кейинги тараққиётига асос бўлувчи фаолиятдир.

Фундаментал – асосий фундаментал

Хайриҳоҳлик – кишиларга очик кўнгилли бўлиш, илтифотли, марҳаматли бўлиш.

Шахс – 1) кишиларнинг ижтимоий ҳулки, инсонлар орасида ўзини тутишини акс эттирадиган руҳий сифатлари мажмумини билдирувчи тушунча; 2) турли-туман сифатлар тизимидағи кишининг руҳий, маънавий моҳияти; 3) ижтимоий моҳият касб этган ва ўз-ўзини англаш қобилиятига эга бўлган киши.

Шахс динамикаси – кишининг онтогенетик ривожланишини ўз ичига олган ҳолда субъектнинг хусусиятлари ва сифатининг вақтга нисбатан ўзгариш жараёни.

Шахсий фазилат – шахс томонидан ўзининг ахлоқий, руҳий ва ишчанлик қобилиятининг ижтимоий аҳамиятини, жамиятдаги ўрнини англай олиш хусусияти.

Эътиқод – шахс амал қиласидаган билим, тамойил ва идсалларнинг ҳақ-қонийлигига қаёнбан ва асосли ишонч билан боғланган, уининг атроф-муҳитга ҳамда ўзининг хатти-харакатларига бўлган субъектив муносабати.

Эвристика – илмий тадқиқотнинг мантикий усуллари ва методик қоидалари тизими.

Эмпирик – тажрибага асосланган.

Эмпирик босқич – тадқиқот обьекти тўғрисида ҳар томонлама тасаввур ҳосил қилиш, таълим амалиёти, илмий билимлар савиаси ва ҳодисалар моҳиятига эришишга бўлган талаб ўртасидаги зиддият, илмий муаммони номлаш.

Эстетик тарбия – гўзалликни хис қилиш, атроф-муҳитдаги гўзалликни пайқай олиш ва тушунишга бўлган қобилиятни тарбиялаш.

Эҳтиёж – индивиднинг бирор нарса-ҳодисага муҳтожлиги ва кишининг руҳий куввати ҳамда фаолиги манбаи хисобланадиган асосий хусусияти.

Эҳтимоллик – тасодифийлик, педагогик ҳаётдаги ўзгаришларни аник айтиб бериш мумкин бўлмаган, эҳтимол кутилган жараён.

Ўйин – фаолиятнинг бир тури бўлиб, ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва бунёд этишга, ўз хатти-харакатларини такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Ўз-ўзини баҳолаш – шахснинг ўз психологик сифатлари, ҳулки, ютуқлари ва муваффақиятсизликлари, қадр-қиммати, камчиликларини баҳолай олиши.

Ўз-ўзини тарбиялаш – 1) шахсга ҳос бўлган маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишига қаратилган изчил ва онгли фаолияти; 2) шахснинг ўз жисмоний, руҳий ва ахлоқий сифатларини тинмай амалга ошириш.

Ўқитиш – таълим олувчининг билиш фаолиятини бошқаришга қаратилган ўқитувчининг фаолияти.

Үқитиш – 1) таълимнинг ўзига хос усули бўлиб, шахсга назарий ва амалий билимлар бериш жараёнида унинг ривожланиши таъминланади; 2) ўқувчи ва ўқитувчи, ўқувчининг бошқа ўқувчилар билан алоқаси натижаси ўлароқ атроф-мухит, унинг қонуниятлари, таракқиёт тарихи ва уларининг ўрганилиш усууларини билишнинг мунтазам бошқарилиш жараёни.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти – ижтимоий педагогик феномен бўлиб, ижодий имкониятни акс эттириш, қундаклик фаолиятдан чистга чиқишидир.

Ўқитиши вазифаси – таълими, тарбиявий ва ривожланиш вазифалари.

Ўқитиши турлари – сократча сухбат методи, колок таълим, изохлашнамойини этиш асосида ўқитиши, билимларни мустақил эгаллаш, дастурлаштирилган таълим, ўкув жараёнини алгоритмлаш, дифференциацияли ҳамда индивидуал таълим ва бошқалар.

Ўқиш – ўкувчининг ўз қобилияти, билими, малака ва кўнинкамларини ривожлантиришга қаратилган ҳаракат.

Ўқувчиларни касбга йўналитириш – ўкувчи ёшларга келажакда ўз касбларини аниклаб олиш учун ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, психологик, педагогик, тиббий-биологик ва ишлаб чиқариш техник тадбпрларниң асосланган тизими.

Ўкув-билиш фаолияти – инсоннинг томонидан тўпланиш маддий бойликини эгаллаш билан боғзилик фаолият.

Ўкув фаолияти – шахснинг япти билим, малака ва кўнинкамларини эгаллаш жараёни.

Қаноат – маълум мақсадга эришиш йўлида ижобий түйғу билан боғланган шахспниң психологик ҳолати.

Қизиқиши – шахс ҳаракатига сабаб бўладиган фаолият йўналашининг онгли шакли.

Ғайри ихтиёрийлик – ташки ҳолат ёки шахсий кайфиятлар таъсирида дастлабки ишончларга мойил киши хулқининг хусусияти.

Ҳалоллик – шахсий ва ижтимоий мажбуриятларни, ахлоқий месъёрларни ростгўйлик билан сақлаш.

Ҳасад – ўзгалиарининг муваффакиятларини кўра олмасликдан келиб чиқадиган түйғу.

Яхлитлик – педагогик жараёнини синтезлашган сифати бўлиб, унинг олий даражадаги таракқиётини, унда фаолият кўрсатаётган субъектлар, обьектлар фаолиятини таъминловчи жараёнидир.

Яхлит педагогик жараён – тарбия жараёнида таълим ва таълим жараёнида тарбия беришининг ўзаро сингиб кетган, яхлит ҳолга келган жараёни.

АДАБИЁТЛАР

Аль-Кинди. Трактат о количестве книг Аристотеля и о том, что необходимо для усвоения философии. О первой философии. Книга о пяти сущностях. Объяснение первой действующей причины возникновения и уничтожения. Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIV вв.- М.: Соцэкиз, 1961.

Аль-Фараби Абу Наср. Трактат о разуме/ И nv №2385/XVIII. Лл. с. 406.

Аль-Фараби. Математические трактаты / Пер. с араб. и вступительная статья Б.А. Розенфельда и А. Кубасова. - Алма-Ата: Наука, 1972.

Батракова С.Н. Основы профессионально-педагогического общения. - Ярославль, 1989.

Баллер Э.А., Злобин Н.С. Культура. Творчество. Человек. - М.: Молодая гвардия, 1970.

Березовин Н.А. Проблемы педагогического общения. - Минск, 1989.

Беруни Абу-Райхан Мухаммад ибн Ахмед. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) / Пер. с араб. А.М. Беленицкого. - Л., 1963.

Беруни Абу-Райхан. Канон Масъуда / Пер. с араб. и вступительная статья П.Г. Булгакова и Б.Л. Розенфельда // Изб. произведения. - Т. V.-T.: Фан, 1973-1976.

Гримак Л.П. Резервы человеческой психики. Введение в психологию активности. - М.: Политиздат, 1989.

Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. - Т., 1997.

Громкова М.Т. Если вы – преподаватель. - М., 1998.

Громкова М.Т. Педагогические основы образования взрослых. - М.: Изд.

Ильин Е.Н. Искусство общения. – М., 1988.

Иби Сина. Даниш-намэ / Пер. с араб. и вступительная статья А.М. Богоутдинова. - Сталинабад: Таджикгосиздат, 1957.

Игамова М.И. Активизация учения школьников. - М., 1982.

Конституция Республики Узбекистан. – Т.: Узбекистон, 1993.

Каримов И. Узбекистан на пороге XXI века. – Т.: Узбекистон, 1997.

Каримов И. Узбекистан, устремленный в XXI век. – Т.: Узбекистон, 1999. МСХА, 1993.

- Кабус-намэ / Пер. с араб., статья и прим. Е.Э. Бертельса. 2-е изд. - М., 1958.
- Крысько В.Г. Психология и педагогика в схемах и таблицах. - Минск: Харвест, 1999.
- Как развивать педагогическое творчество. - М.: Знание, 1987.
- Кан-Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. - М., 1990.
- Леонтьев В.А. Педагогическое общение. - М., 1979.
- Леднев В.С. Содержание образования. - М., 1989.
- Лернер И.Я. Процесс обучения и его закономерности. - М., 1980.
- Марнарян Э.С. Теория культуры и современная наука. - М.: Мысль, 1983.
- Новое педагогическое мышление. - М., Педагогика, 1989.
- Омар Хайям. Трактаты / Пер. с араб. и вступительная статья Б.А. Розенфельда. - М.: ВЛ, 1961.
- Основы педагогического мастерства. М., 1989.
- Педагогический поиск. - М., 1990.
- Петровский В.А. и др. Личностно развивающее взаимодействие. - Ростов на Дону, 1993.
- Педагогика: педагогические теории, системы, технологии. - М.: Академия, 1999.
- Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. 2-е изд. - М.: Педагогика, 1976.
- Раченко И.П. Диагностика развития педагогического творчества учителя. - Пятигорск, 1992.
- Тилашев Х.Х. Общепедагогические и дидактические идеи ученых-энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока эпохи средневековья. - Т.: Фан, 1989.
- Талызина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. - М., 1975.
- Учителю о педагогической технике. - М.: Педагогика, 1987.
- Щукина Г.И. Активизация познавательной деятельности учащихся в учебном процессе. - М., 1979.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Олий мактабда ўқув жараёни.....	5
1.1. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш шароитларида, Ўзбекистон Республикасида олий мактаб тараққиёти.....	5
1.2. Олий мактаб таълим мазмуни.....	7
1.2.1 Таълим мазмунини шакллантиришнинг моҳияти ва назарияси....	7
1.2.2. Таълим мазмунини танлаш тамойиллари ва меъёrlари.....	10
1.3. Олий мактабда ўқитишини ташкил этишининг шакл ва методлариги кўйиладиган замонавий таалаблар.....	12
1.3.1. Асосий қонидапари.....	12
1.3.2. Олий мактабда ўқитиши шакллари.....	14
1.3.3. Олий мактабда ўқитиши методлари.....	20
1.4. Шарқ мутафаккирларининг билиш фаолияти тўғрисидаги илмий-педагогик қарашлари.....	26
1.5. Олий мактаб талабаларининг билиш фаолияти.....	29
Ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириклар Адабиётлар:	
II боб. Талаба шахси ривожланиши тавсифи.....	36
2.1. Шахс ривожланишининг умумий қонуниятлари.....	36
2.2. Ўсмилик даврида шахснинг шаклланиши.....	41
2.3. Талабанинг аклий фаолияти хусусиятлари.....	43
Ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириклар Адабиётлар:	
III боб. Олий мактаб ўқитувчисининг инновациои фаолияти.....	49
3.1. Инновацион фаолиятнинг назарий омиллари.....	49
3.2. Ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси.....	53
3.3. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини шакллантириш шартлари.....	57
Ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириклар Адабиётлар:	
IV боб. Педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари.....	61
4.1. Педагогик технологияларнинг илмий асослари.....	62
4.2. Муаммоли ўқитиши технологияси.....	67
4.3. Ўйинли технологиялар.....	87

IV	4.4. Танқидий фикрлашни ривожлантирувчи фаол методлар.....	104
4.5. Муаллифли технологияси.....	113	
4.5.1. Шахсега эътибор қаратиш асосидаги педагогик технология.....	122	
4.5.2. Ўқитишни интенсификациялаш жадаллаштириш технологияси.....	124	
4.5.3. Ўкув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил этиш асосидаги педагогик технология.....	127	
4.5.4. Ўқитишни дифференциациялаш.....	129	
4.5.5. Ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси.....	131	
4.5.6. Дастанлаштирилган ўқитиш технологияси.....	133	
Ўз-ўзини назорат қилинү учун савол ва топшириклар		
Адабиётлар:		
Vбоб. Педагогик маҳорат асослари.....	139	
5.1. Педагогик маҳорат тўғрисида тушунча.....	139	
5.2. Олий ўкув юрти ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолияти.....	144	
5.2.1. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.....	144	
5.2.2. Педагогик қобилият.....✓	145	
5.2.3. Ўқитувчи фаолияти турлари.....	146	

175 - буюртма **1000** нусха. Ҳажми **108** б.т.
2003 йил **9** декабрда босишга рухсат этилди.
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида
нашр қилинди.

